**зовийа** زاویه кўплиги **завойо** бурчак.

**зог** زاگ тўғриси **зож.**

**зод** زاد жамланган ошлиқ, йиллик озуқа; ~ **и раҳ** йўл озуғи.

**зодсарв** زادسرو **озода сарв** нинг қисқаргани.

**зодсизлик** زادسیزلیق озиқ-овқатсизлик.

**зож** زاج 1) аччиқтош; 2) купорос; 3) кислота.

**зойеъ** ضایع **зойиъ** га қ.

**зоид** زاید **зойид** га қ.

**зоида** زایده **зойида** га қ.

**зоил** زایل **зойил** га қ.

**зоир** زایر **зойир** га қ.

**зойанда** زاینده туғулувчи, кўпаючи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

**зойид** ва **зоид** زايد ортиқ, ортиқча.

**зойида** ва **зоида** زايده ортиб қолган, ортиқча.

**зойил** ва **зоил** زايل йўқ бўлувчи.

**зойир** زاير зиёрат қилувчи.

**зойиъ** ва **зоеъ** ضايع бекор кетган; ~ **бўлмоқ**, ~ **ўлмак** бекор кетмоқ; ~ **кечурмак** беҳуда кетказмак; ~ **этмак**, ~ **қилмақ** бекор кетмоқ.

**зойижа** زايجه мунажжимларнинг саъду наҳсни аниқлайдиган варақаси.

**зойиқа** ذايقه там билиш.

**зок** زاك **зоғ** га қ.

**зокир** ذاكر 1) эсловчи; 2) зикр қилувчи.

**зол** زال 1) **мўйсафид**, 2) **кампир**; ~ **и маккора** маккор кампир; ~ **и хирад** қарилик, ақллилик; ~ **и чарх**, ~ **и фалак**.

**золл** ضال йўлдан озган.

**золим** ظالم кўплиги **зуллом** ва **залама** зулм қилувчи.

**зомин** ضامن кафил; ~ **тиламак** кафиллик сўрамоқ; ~ **ўлмақ** кафил бўлмоқ.

**зоний** زانى зино қилувчи.

**зону** زانو тизза; ~ **ба** ~ ёнма-ён.

**зориб** ضارب урувчи, зарб қилувчи; ~ **бўлмоқ** урилмоқ.

**зот** ذات бирор нарсанинг ўзи; моҳият, ҳақиқат.

**зотий** ذاتى табиий.

**зохир** زاخر тўлиб тошган, сероб.

**зоғ** زاغ қарға.

**зоҳид** زاهد кўплиги **зуҳҳод** тарки дунё қилган киши.

**зоҳидваш** زاهدوش зоҳидсифат.

**зоҳир** ظاهر кўриниб турган, аён.

**зоҳира** ظاهره очиқ, ошкора.

**зоҳиран** ظاهرا ошкора, очиқчасига.

**зоҳирий** ظاهرى ташқи; аён, ботиний (ички) нинг зидди.

**зу** ذو **зи** га қ.

**зуафо** ва **зуъафо** ضعفا **заифа** нинг кўплиги

**зубда** زبده сара.



**зубоб** ذباب пашша; ~ **у-л-айн** кўз қорачиғи.

**зудо зуд** زدازود тез-тез.

**зужож** زجاج ва **зужожа** زجاجه шиша.

**зужожа** زجاجه **зужож** га қ.

**зу-заноба** ذوذنابه думли юлдуз.

**зукур** ذكور **закар** нинг кўплиги.

**зу-л-актоф** ذوالاكتاف Эрон шоҳи Шопурнинг лақаби.

**зулл** ذل хорлик.

**зуллом** ظلام **золим** нинг кўплиги.

**зулматандуд** ظلمت‌اندود зулмат қоплаган.

**зулматафкан** ظلمت‌افكن қоронғулик туширувчи.

**зулматзудо** ظلمت‌زدا зулматни тарқатувчи.

**зулматосо** ظلمت‌آسا зулматдек.

**зулматфишон** ظلمت‌فشان зулмат сочувчи.

**зулматгустар** ظلمت‌گستر зулм тарқатувчи.

**зулмоний** ظلمانى қоронғи, зулматли.

**зулмпеша** ظلم‌پيشه золим, ситамгар.

**зулол** زلال тиниқ салқин сув.

**зулолий** زلالى тоза, соф.

**зулум** ظلوم тўғриси **залум**.

**зулф** زلف соч жингалаги.

**зу-л-фиқор** ذوالفقار Ҳазрати Алининг қиличи.

**зу-л-қарнайн** ذوالقرنين Искандарнинг лақаби.

**зу-л-қаъда** ذوالقعده ҳижрий йилнинг ўн биринчи ойи.

**зумра** زمره тоифа.

**зумуррад** زمرد зумрад.

**зумуррадгун** زمردگون зумрад рангли.

**зумуррадпўш** زمردپوش кўк либосли.

**зумуррадфом** زمردفام зумраддек, кўк.

**зумухт** زمخت 1) нордон; 2) қўпол.

**зумухтваш** زمختوش тахир, нордон.

**зуннор** زنار христиан ва яҳудийларнинг белбоғи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**зуннун** ذوالنون машҳур сўфий Абулфайз Субон Зуннур Мисрий.
**зунуб** ذنوب **занб** нинг кўплиги.
**зурафо** ظرفا **зариф** нинг кўплиги.
**зурва** ذروه баландлик, чўққи.
**зуррийа** ذریه кўплиги **зуррийот** авлод.
**зуррийот** ذریات **зуррийа** нинг кўплиги.
**зуррофа** ظرافه 1) жирафа; 2) шатранж доналаридан бирининг номи.
**зу-фунун** ذوفنون ҳунар эгаси.
**зуъафо** ضعفا **зуафо** га қ.
**зуҳал** زحل Сатурн.
**зуҳалваш** زحلوش Зуҳалдек.
**зуҳалранг** زحلرنگ порлоқ, чиройли.
**зуҳд** زهد художўйлик.
**зуҳдфуруш** ذهدفروش риёкор.
**зуҳр** ظهر пешин; ~ **ракаатлари** уч ракат пешин намози.
**зуҳраваш** زهره‌وش Зуҳра каби, порлоқ, чиройли.
**зуҳражабин** زهره‌جبین гўзал юзли.
**зуҳур** ظهور кўриниш, пайдо бўлиш; ~ **этмак,** ~ **қилмак** кўринмоқ.
**зуҳҳод** زهاد **зоҳид** нинг кўплиги.
**зуҳҳодкуш** زهادکوش зоҳидларни ўлдирувчи.
**зўр** زور куч, қувват.
**зўрбозу** زوربازو билаги кучли.
**зўргар** زورگر зўравон.
**зўрманд** زورمند кучли.
**зўрозмун** زورآزمون куч синовчи.
**зўрсанж** زورسنج куч ўлчовчи.
**зўрхона** زورخانه полвонларнинг машқ хонаси.

## И

**иблоғ** ابلاغ етказиш, дарак бериш, хабардор қилиш; ~ **айламак** етказмоқ.



**ибн** ابن кўплиги **абно** ўғил; ~ **у-л-вақт** оғмачи, мослашувчи, муросасоз.
**ибо** ابا рад этиш, унамаслик, кўнмаслик; ~ **этмак,** ~ **қилмак** тортинмоқ, кўнмамоқ.
**ибод** عباد **абд** нинг кўплиги; ~ **у-л-лоҳ** Оллоҳнинг қуллари, бандалари.
**ибодат** عبادت сиғиниш; ~ **айламак,** ~ **қилмақ** сиғинмоқ.
**ибодатгоҳ** عبادتگاه ибодатхона, масжид.
**ибора** عباره 1) сўз, сўз бирикмаси; 2) усул; 3) маъно.
**иборот** عبارات **ибора** нинг кўплиги.
**ибоҳат** اباحت 1) очиб бериш, [illegible]; 2) ижозат, рухсат; 3) ҳаракат эркинлиги.
**ибра** عبره **ибро** га қ.
**ибрий** عبری **иброний** (яҳудий).
**ибриқ** ابریق бўйни узун кўза.
**ибро** ва **ибра** ابرا холи этиш (солиқдан); тозалаш (гуноҳдан).
**иброз** ابراز изҳор қилиш; кўриниш; ифода этиш; ~ **қилмақ** ифодаламоқ, изҳор қилмоқ.
**ибром** ابرام қисташ; сурлик, шилқимлик; ~ **айламак** қистамоқ.
**ибтидо** ابتدا бошланиш; бошда, дастлаб, ~ **қилмақ,** ~ **қилилмақ** бошланмоқ.
**ибтидоъ** ابتداع янгилик топиш, ихтиро қилиш.
**ибтило** ابتلا балога дучор бўлиш.
**ибтиҳож** ابتهاج шодлик, қувонч.
**ибҳом I** ابهام 1) шубҳа, гумон; 2) ноаниқлик, мажҳуллик.
**ибҳом II** ابهام бош бармоқ.
**иваз** عوض **эваз** га қ.
**ивдим** ایودیم чаққон.
**игармак** ایگرماك айлантирмоқ.
**игирмак** ایگیرماك йигирмоқ.
**играмак** ایگراماك инграмоқ.
**игрим** ایگریم гирдоб.
**идбор** ادبار бахтсизлик, (ишнинг) юришмаслиги.
**иддио** ادعا даъво, талаб.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**идмон** ادمان (бирор ишга) берилиш, ишқибоз бўлиш.

**идғом** ادغام 1) қўшилиш, бирлашиш; 2) ассимиляция (ҳарфлар талаффузида).

**ижлос** اجلاس йиғин, мажлис; ~ **қилмақ** мажлис қилмоқ.

**ижмол** اجمال 1) қисқартиш, қисқа тавсиф, қисқа баён; 1) қисқа, мухтасар.

**ижмоъ** اجماع йиғиш, уюшиш, бирикиш.

**ижоб** ایجاب эҳтиёж, талаб, зарурат; ~ **қилмақ** талаб қилмоқ; ~ **сиз** талабсиз, сўрашни кутмасдан.

**ижобат** اجابت қабул; ~ **айламак** қабул қилмоқ.

**ижтимоъ** اجتماع 1) йиғин, тўпланиш, мажлис; 2) жамоат, жамоатчилик; ~ **этмак** йиғилмоқ.

**ижтиноб** اجتناب четланиш, четга тортиш; ~ **айламак**, ~ **этмак** сақланмоқ, четлашмоқ.

**ижтиҳод** اجتهاد жаҳд қилиш, бор куч билан интилиш.

**изад** ایزد худо.

**издивож** ازدواج уйланиш, турмушга чиқиш, никоҳ.

**издийод** ازدیاد кўпайиш, ортиш.

**изз** عز куч.

**иззат** عزت ҳурмат; буюклик, улуғлик.

**иззатфизолиғ** عزتفزالیغ буюклик келтирувчилик.

**излол I** اذلال камситиш, ерга уриш, хўрлаш; ~ **қилмақ** камситмоқ, хўрламоқ.

**излол II** اضلال йўлдан оздириш; ~ **этмак** йўлдан оздирмоқ.

**изо** ایذا азоблаш, ранжитиш, озор бериш.

**изом I** عظام **азим** нинг кўплиги.

**изом II** عظام **азм** нинг кўплиги.

**изор** ازار ич кийим, иштон, **лозим**.

**изора** ازاره уй деворининг ер билан токча орасидаги қисми, плинтус.

**изофа** اضافه боғланиш; аниқланмиш билан аниқловчи ўртасидаги боғланиш; ~ **қилмақ**, ~ **этмак** қўшмоқ, боғланмоқ; ~ **бўлмақ** қўшилмоқ.

**изтироб** اضطراب ҳаяжон, нотинчлик, тоқатсизлик; ~ **айламак**, ~ **қилмақ**, тоқатсизланмоқ, ҳаяжонланмоқ.

**изтирор** اضطرار муҳтожлик, иложлик; ~ **тушмак** муҳтожликка йўлиқмоқ; ~ **юзланмак** муҳтожликка тушмоқ.



**иззон** اذعان бўйсиниш, тан олиш.

**изҳор** اظهار зоҳир қилиш, кўрсатиш.

**ийа** ایا эга.

**ийар** ایار эгар.

**ийд** عید байрам.

**ийдгоҳ** عیدگه **ийдгоҳ** га қ.

**ийдгаҳ** عیدگاه ва **ийдгаҳ** عیدگه байрам ўтадиган жой.

**иймоз** ایماض ялтираш.

**ийналмақ** اینالماق қийналмоқ, ранж чекмоқ.

**ийодат** عیادت касал кўриш.

**ийор** عیار қалбаки эмас, соф.

**ийорандуз** عیاراندوز (олтиннинг) софлигини ўлчовчи.

**ийр** عیر карвон.

**ийрод** ایراد **ирод** га қ.

**ийсор** ایثار **исор** га қ.

**ийқон** ایقان ишонишлик; эътиқод.

**ийҳом** ایهام 1) гумон; 2) шеърий санъат.

**икки** ایکی икки; ~ **малак** Мункар ва Накир.

**икинч** ایکنج иккинчи.

**икирар** ایکیرار иккитадан, иккита-иккита.

**иккилик** ایکیلیک 1) айримлик; 2) шубҳа.

**икмол** اکمال тўлдириш, мукаммаллаш.

**икром** اکرام иззат, ҳурмат; ~ **айламак**, ~ **қилмақ** ҳурмат қилмоқ.

**икроҳ** اکراه жирканиш, ёқтирмаслик.

**икроҳлик** اکراهلیک жирканчли, ёқимсиз.

**иксир** اکسیر ҳар қандай нарсани олтинга айлантира оладиган фалсафий тош; ~ **у-с-саодат** бахт тоши; ҳаёт ~ **и** ҳаёт суви.

**иксун** ва **аксун** اکسون ипак мато, ипак кийим.

**иктисоб** اکتساب касб этиш, эга бўлиш; ~ **айламак**, ~ **қилмақ** касб этмоқ, эгалламоқ.

**иктифо** اکتفا кифояланиш, қониқиш; ~ **қилмақ**, ~ **қилинмақ**, кифояланмоқ, қониқмоқ.

**иктиҳол** اکتحال сурма қўйиш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**ил I** ايل йил.

**ил II** ايل **илик** га қ.

**ила** ايله ва **илан** ايلان билан.

**илай** ايلاى олд; ~ **га келмак** йўлиқмоқ, дуч келмоқ; ~ **дин қўпмак** бартараф бўлмоқ, йўқолмоқ.

**илайк** اليك сенга; **ва лав якуну қабиҳан фаминҳу тубту илайк** агар у қабиҳ бўлиб чиқса, унинг олдидан сенга қараб қочаман.

**илал** علل **иллат** нинг кўплиги.

**илан** ايلان **ила** га қ.

**илбаратмақ** ايلباراتماق илвиратмоқ.

**илбос** الباس кийинтириш.

**илбосун** الباسون **илвасин, овланган ёки овланадиган парранда**; ~ **ўрдакдур** овланадиган парранда ўрдакдир.

**илдирим** ايلديريم яшин, чақмоқ.

**илдом** الدام уриш, шапалоқлаш; **тил** ~ **и** сўз захри.

**илзом** الزام мажбур қилиш; ~ **бўлмақ** мажбур бўлмоқ; ~ **қилмақ** мажбур қилмоқ.

**илиг** ايليگ **илик** га қ.

**илик** ايليك ва **илиг** ايليگ панжа; ~ **йумақ** умидни узмоқ; ~ **тортмақ** қўл тортмоқ, чекинмоқ; **этагига** ~ **урмақ** эргашмоқ; ~ **очмақ қўл узатмоқ**; ~ **тишламак** уялмоқ.

**иликламак** ايليكلاماك қўлга киритмоқ, олмоқ.

**илинмак** ايلينماك қўлга тушмоқ.

**иллат** علت кўплиги **илал** 1) сабаб, баҳона, важ; 2) касаллик, бетоблик.

**илло** الا аммо, лекин, бироқ.

**илло-л-лоҳ** الا الله Оллоҳдан бошқа.

**илм** علم кўплиги **улум.**

**илмак** ايلماك илгак; тузоқ.

**илмкеш** علمكيش илмли, олим.

**ило I** الا **илоҳ** нинг қисқаргани: худо!

**ило II** الى жўналиш келишиги маъносини ифодаловчи арабча сўз олди кўмакчиси: ~ **йавми-л-қийом** қиёмат кунигача.

**илож** علاج 1) даволаш; 2) дори; 3) чора.

**иложсиз** علاج سيز 1) давосиз; 2) чорасиз.



**илоқа** علاقه дор (нарса илиш учун).

**илоҳ** اله худо.

**илоҳий** ва **илоҳо** الهى э худойим!

**илоҳо** الهى **илоҳий** га қ.

**илтижо** التجا ялиниш, ёлбориш; ~ **келтурмак**, ~ **қилмақ** ялинмоқ, ёлбормоқ.

**илтизоз** التذاذ лаззатланиш; лаззат; ~ **бермақ** лаззат бермоқ.

**илтизом** التزام мажбурият олиш, зиммага олиш; ~ **айламак** зиммага олмоқ; ~ **қилмақ** лозим топмоқ.

**илтийом** التيام битиб кетиш, тузалиш.

**илтирамак** ايلتراماك ялтирамоқ.

**илтироғуч** ايلتراغوج ялтироқ.

**илтифот** التفات лутф қилиш.

**илтиҳоб** التهاب ловиллаб ёниш; иситма чиқиши (касалликда).

**илқи** ايلقى от.

**илқо** القا ташлаш; ~ **қилмақ** ташламоқ.

**илғамақ** ايلغاماق тез юрмоқ.

**илғи** ايلغى йилқи.

**илҳод** الحاد динсизлик.

**илҳом** الهام шуур қилиш, тангридан бўладиган сезиш; шуур, сезги.

**илҳон** الحان тўғриси **алҳон.**

**илҳоқ** الحاق қўшиш; ~ **қилмақ** қўшмоқ, орттирмоқ.

**илҳоҳ** الحاح қаттиқ туриб сўраш, талаб қилиш, қисташ; ~ **этмак** қистамоқ.

**имдод** امداد ёрдам, кўмак, мадад; ~ **еткурмак** ёрдам бермоқ, қўлламоқ; ~ **қилмақ** кўмаклашмоқ.

**имло** املا ёзиш, ёздириш; 2) тўғри ёзиш, орфография; 3) чиройли ёзиш; ~ **билмак** ёзув ўрганмоқ; ~ **мусаввадаси** қўлёзманинг дастлабки нусхаси, қоралама; ~ **қилмақ** ёзмоқ, ёздирмоқ.

**имод** عماد устун.

**имом** امام кўплиги **аимма** мусулмонларнинг диний раҳбари, пешво.

**имомат** امامت имомлик, имомлик вазифаси.

**имомлиғ** اماملیغ имомлик вазифаси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**имон** ایمان ишонч, эътиқод.

**имонсўз** ایمان‌سوز имонни куйдирувчи.

**имотат** اماتت ўлдириш.

**имрог** امراغ **амрог** га қ.

**имсок** امساك 1) тийиниш, сақланиш; 2) тежаш.

**имтидод** امتداد давом этиш, давомат; чўзилиш; ~ **этмак** чўзилмоқ.

**имтизож** امتزاج аралашиш, қоришиш, бирикиш; ~ **топмақ** қоришмоқ.

**имтило** امتلا тўлалик; ~ **қилмақ** тўлдирмоқ; ~ **марази** семизлик касали.

**имтиноъ** امتناع 1) рад қилиш; 2) иложсизлик; ~ **қилмақ** рад қилмоқ.

**имтисол** امتثال бўйсиниш, итоат қилиш.

**инак** اینك демак, энди, мана.

**иналмак** اینالماك ялинмоқ.

**инбисот** انبساط 1) ёйилиш, кенгайиш; ~ **айламак** ёйилмоқ; 2) шодлик, хушчақчақлик; ~ **ўлмақ** шод бўлмоқ, шодланмоқ.

**инграмак** اینکراماك дард билан оҳиста йиғламоқ.

**ингранмак** اینکرانماك йиғламоқ.

**индамак** ایندماك чақирмоқ.

**инда-н-нос** عندالناس одамлар олдида, одамлар қошида.

**индирож** اندراج бирор нарса доирасига, таркибига киритиш, дарж қилиш; ~ **топмақ** дарж бўлмоқ, кирмоқ.

**индурмак** ایندورماك тушурмоқ, эгмоқ; **бўйнига** ~ бўйнига олмоқ.

**инжимак** اینجیماك ранжимоқ, хафа бўлмоқ.

**инжитмак** اینجیتماك ранжитмоқ, хафа қилмоқ.

**инжоҳ** انجاح (мақсадга) етишиш, муваффақият.

**инжу** اینجو 1) марварид, дур; 2) кўз ёши.

**инзиво** انزوا четлашиш, тарки дунё қилиш.

**инзимом** انضمام қўшилиш; илова.

**иничка** انچکا инчка га қ.

**инкисор** انکسار синиш, синиқиш; **қарилик** ~ **и** ожизлик.

**инмак** اینماك тушмоқ.



**ино** انا кўплиги **авоний** идиш.

**инобат** انابت бирор нарсанинг хатолигини тушуниб етиш, кўз очилиши; ~ **чоги** кўз очилганда, тушуниб етганда.

**инод** عناد 1) ўжарлик, қайсарлик, 2) исъён.

**инойат** عنایت ғамхўрлик, илтифот; ~ **и пинҳона** яширин ғамхўрлик; айламак, ~ **қилмақ** илтифот қилмоқ.

**инойатнома** عنایت‌نامه ғамхўрлик изҳор қилинган хат.

**инон** عنان тизгин, жилов; ~ **и ихтиёр** ихтиёр тизгини, ишонч.

**инонгир** عنان‌گیر жиловни ушловчи.

**инонлиг** عنان‌لیغ жиловли, тизгинли.

**инонкаш** عنان‌کش жиловни тутувчи.

**инонтоб** عنان‌تاب жилов бурувчи; ~ **ўлмак** юз ўгирмоқ.

**инос** اناس **унсо** нинг кўплиги.

**инс** انس одамлар, одам жинси.

**инсон** انسان кўплиги **нос** одам.

**интибоҳ** انتباه 1) уйғотиш; 2) бедорлик.

**интиош** انتعاش соғайиш, кайфиятнинг кўтарилиши: Таъби ул

**манзилда топғач интиош, Кўрди чашма бошида бир тахта тош.**

**интисоб I** انتساب 1) тегишлилик, мансуб бўлиш; 2) келиб чиқиш, насаб.

**интисоб II** انتصاب тайинлаш (ишга, лавозимга).

**интифо** انتفاع нафъ олиш, фойдаланиш.

**интихоб** انتخاب сайлаш, танлаш; ~ **эрмак** сайланмоқ.

**интишор** انتشار ёйиш, тарқатиш, нашр қилиш; ~ **топмақ** ёйилмоқ, таралмоқ.

**интиқод** انتقاد танқид; ~ **қавойинди** танқид қилиш қоидалари.

**интиқом I** انتقام кўчириш, ўтказиш; ~ **топмақ** кўчмоқ, ўтмоқ; **дори фанодин** ~ **ўлмақ** ўлмоқ.

**интиқом II** انتقام ўч; ~ **топмақ** жазоланмоқ; ~ **тортмақ** жазоланмоқ; ~ **тузмак** ўч олмоқ.

**интиҳо** انتها тугаш.

**инфижор** انفجار портлаш.

**инфиол** انفعال 1) уялиш; 2) ачиниш.

**инфитоҳ** انفتاح очилиш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**инхирот** انخراط киритиш, қўшилиш; ~ **топмақ** кирмоқ, қўшилмоқ.

**инчка ва инчка** اینچکه нозик.

**инчкирмак** اینچکیرماك ингичка товуш билан йиғламоқ, чинқирмоқ.

**иншо** انشا 1) услуб; 2) ёзиш; тузиш; ~ **қилмақ** ёзмоқ.

**инқийод** انقیاد 1) амал қилиш; ~ **қилмақ** амал қилмоқ; 2) бўйсуниш; ~ **этмак** бўйсунмоқ.

**инқилоб** انقلاب ўзгариш; тўнтариш.

**инқироз** انقراض тугалланиш.

**инқитоъ** انقطاع кесилиш, узилиш.

**инҳизом I** انهضام ҳазм қилиш.

**инҳизом II** انهزام мағлубият, тор-мор бўлиш, қочиш.

**инҳизом III** انهزام бошлаб қўйиш, тахт қилиш (сафар юкини).

**инҳироф** انحراف оғиш; ~ **и хотир** бузуқ кайфият; ~ **топмақ** оғишмоқ.

**инҳитот** انحطاط тушкунлик, сустлик; ~ **топмақ** тушкунликка берилмоқ, сусаймоқ.

**иода** اعاده ва иодат اعادت қайтиш; такрорлаш; ~ **қилмақ** қайтмоқ; такрорламоқ.

**иодат** اعادت иода га қ.

**иржоф** ارجاف кўпинча **арожиф** ёлғон шов-шув.

**ирз** عرض обрў, яхши ном, шуҳрат.

**ирик** ایریك кўпол, дағал.

**ириклик** ایریكلیك кўполлик, дағаллик.

**иришмак** ایریشماك эришмоқ, етиб келмоқ.

**ириқ** ایریق йирик.

**ирод** ایراد ва йирод ایراد келтириш, ишора қилиш, ҳавола қилиш (бирор манбага); ~ **қилмақ** келтирмоқ, ишора қилмоқ, ҳавола қилмоқ.

**ироқ** ایراق узоқ, йироқ; ~ **солмақ** узоқлаштирмоқ, пайсалга солмоқ.

**ирс** ارث мерос.

**ирсол** ارسال юбориш, жўнатиш; ~ **айламак**, ~ **қилмақ** юбормоқ, жўнатмоқ.

**иртибот** ارتباط алоқа, муносабат.

**иртизо** ارتضا розилик, маъқуллаш.



**иртикоб** ارتکاب ножўя иш, ҳаракат; ~ **қилмақ** ножўя иш қилмоқ.

**иртиош** ارتعاش титраш, қалтираш, тебраниш.

**иртифоъ** التفاع 1) баландлик, юқорилик, 2) ҳосил, унум.

**ирфон** عرفان 1) тангрини таниш (тафаккур билан), мистика; 2) билим; **аҳли** ~ олимлар.

**ирфонпаноҳ** عرفان پناه билим ҳомийси.

**иршод** ارشاد йўлга солиш, ўргатиш; раҳнамолик қилиш; ~ **қилмақ** йўлламоқ; ~ **аҳли муршидлар, йўлловчилар.**

**иршодгар** ارشادگر муршид, йўлловчи.

**иршодманд** ارشادمند йўлга солинган.

**иршодмаоб** ارشادمآب пешво, йўлловчи.

**иршодойин** ارشادآیین тўғри йўлга солувчи.

**иршодпаноҳ** ارشادپناه йўллаш ҳомийси.

**ирқ** عرق [illegible] уруқ 1) қон томирлари, 2) илдиз; 3) зот.

**ис** ایس ҳид; ~ **этмак** хабар келмоқ.

**исавий** عیسوی Исо га мансуб.

**исбаъ** اصبع кўпинча асобиъ; ~ **ни мисвок қилмақ** ҳайратда қолмоқ.

**исиркамак** ایسیرکاماك ҳиқиламоқ.

**искандароний** اسکندرانی курси, ўриндиқ.

**ислоҳ** اصلاح тузатиш; ~ **топмақ** тузатилмоқ; ~ **қилмақ** тузатмоқ.

**ислоҳпазир** اصلاح پذیر ислоҳга келадиган; ~ **бўлмақ** тузалмоқ.

**исм** اسم кўпинча асмо ва **асомий** ном.

**исмат** عصمت номус, иффат, айбсизлик.

**исматпаноҳ** عصمت پناه иффатли (аёл).

**исмоъ** اسماع эшиттириш, кўнгилга солиш, ишонтириш; ~ **и роз топмақ** сирни кўнгилга солмоқ, эшиттирмоқ.

**иснайнийат** اثنینیت икки худолик, дуализм.

**исно** اثنا икки.

**иснод** اسناد далил; далил келтириш; ~ **топмақ** асосланмоқ, далил билан асосланмоқ; ~ **қилмақ** далил келтирмоқ.

**исо** عیسی пайғамбар номи.

**исодам** عیسی دم Исо нафас, жон берувчи, жон бағишловчи нафас.

**исор** ایثار совға тарқатиш, инъом тарқатиш; ~ **айламак**, ~ **этмак** бағишламоқ.

8—2509



www.ziyouz.com kutubxonasi

**испанд** اسپند исириқ.
**исроилий** اسرایلی яҳудий.
**исрор** اصرار қаттиқ киришиш, жаҳд.
**истеҳзо** استهزا мазах, пичинг, киноя.
**истидлол** استدلال хулоса қилиш (далил асосида).
**истидрож** استدراج мартаба, даража топиш, кўтарилиш.
**истидъо** استدعا илтимос, сўраш, ўтиниш.
**истижоб** استجاب (илтимосни) қондириш, бажариш.
**истижоза** استجازه ижозат олиш; ~ **қилмақ** ижозат сўрамоқ.
**истизҳор** استظهار ҳомийлик сўраш.
**истикмол** استکمال туғаллаш, охирига етказиш; ~ **и маънавий** маънавий етуклик.
**истило** استیلا 1) қўлга киритиш, босиб олиш; 2) ҳукм суриш, ҳукмронлик; ~ **топмақ** ҳукмронлик қилмоқ.
**истилоҳ** اصطلاح кўплиги **истилоҳот** атама, термин; ~ **билмак** атамашунослик, терминология илмини билмоқ.
**истилоҳот** اصطلاحات **истилоҳ** нинг кўплиги.
**истимдод** استمداد кўмак сўраш; ~ **қилмақ** мадад сўрамоқ.
**истимзож** استمزاج сўроқлаш, суриштириш.
**истимоъ** استماع эшитиш, тинглаш.
**истинбот** استنباط хулоса чиқариш, умумлаштириш.
**истинжо** استنجا ювиниш.
**истинкоф** استنکاف 1) рад қилиш; қайтариш; 2) бўйсунмаслик, итоатсизлик.
**истинод** استناد далиллаш, ҳужжат келтириш, асослаш.
**истиншоқ** استنشاق бурун ичига сув тортиш.
**истиора** استعاره кўчма (маъно), ҳақиқий эмас.
**истирзо** استرضا рози қилишга интилиш.
**истисқо** استسقا 1) ёғин тилаш; 2) сувчечак; қоринга сув йиғилиши касали.
**иститоат** استطاعت қудрат, иқтидор, куч.
**истифсор**, استفسار сўраш ~ **қилмақ** сўрамоқ.
**истифтоҳ** استفتاح очилиш, бошланиш; ~ **куни** очилиш куни.
**истихлос** استخلاص халос бўлиш, қутулиш.
**истихора** استخاره фол кўриш; ~ **қилмақ** фол кўрмоқ.



**истихрож** استخراج чиқариш, чиқариб олиш; ~ **қилмақ** чиқариб олмоқ.
**истихфоф** استخفاف енгиллатиш.
**истишмом** استشمام ҳидлаш; ~ **қилмақ** ҳидламоқ.
**истишҳод** استشهاد 1) шаҳодат сўраш, гувоҳлик сўраш; 2) мисол келтириш.
**истиқбол** استقبال қарши олиш, кутиб олиш; ~ **қилмақ** кутиб олмоқ.
**истиқлол** استقلال мустақиллик.
**истиқомат** استقامت барқарорлик, турғунлик; бир текислик, тўғри; ~ **и сармадий** мангу барқарорлик; ~ **бўлмақ** тўғри бўлмоқ; ~ **топмақ** барқарор бўлмоқ.
**истиқсо** استقصا таҳлил қилиш, синчиклаб текшириш.
**истиқсос** استقصاص қасос олиш.
**истиғно** استغنا муҳтожсизлик.
**истиғоса** استغاثه ёрдам чақириқлари.
**истиғроқ** استغراق 1) фикрга чўмиш; 2) ғарқ бўлиш; 3) диққатни бир нарсага қаратиш.
**истиғфор** استغفار тавба қилиш; ~ **қилмақ** тавба қилмоқ.
**истиҳзо** استهزا **истеҳзо** га қ.
**истиҳзор** استحضار хабарланиш, хабардор қилиш.
**истиҳком** استحکام 1) маҳкамлаш; 2) маҳкам, қаттиқ.
**истиҳлок** استهلاك йўқ қилиш, ҳалок қилиш.
**истиҳлол** استهلال бошланиш, кириш.
**истиҳсон** استحسان маъқуллаш, мақташ.
**истиҳқоқ** استحقاق ҳақли бўлиш; ~ **била** ҳақли ҳолда.
**истор** استار парда.
**исқот** اسقاط олиб ташлаш, соқит қилиш, тушириб қолдириш; ~ **этмак** тушириб қолдирмоқ.
**исмо** اسماع эшитиш, тинглаш, қулоқ бериш; ~ **қилмақ** эшитмоқ.
**итик** ایتیك ўткир, тез.
**итиклик** ایتیکلیك ўткирлик, кескирлик.
**итлик** ایتلیك ёмонлик.
**итлоф** اتلاف йўқотиш.
**итлоқ** اطلاق бўшатиш, қўйиб юбориш.
**итмак I** ایتماك йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**итмак II** ايتماك отмоқ, ташламоқ.

**итмийнон** اطمئنان ишонч.

**итмом** اتمام тамомлаш, тугатиш; ~ **айламак** тугалламоқ, охирига етказмоқ; ~ **га етмак** тугалланмоқ; ~ **топмақ** тамом бўлмоқ, охирига етмоқ.

**итноб** اطناب тафсилотлар билан гапириш, гапни чўзиш.

**итоб** عتاب маломат, таъна.

**итоболуд** عتاب آلود маломатли, таънали.

**итобомиз** عتاب‌آميز қаҳр билан, ғазаб аралаш.

**иттиклик** أيتتيلليك тўғриси итиклик.

**иттилоъ** اطلاع хабар, дарак.

**иттисол** اتصال қўшиш, бирлаштириш, бириктириш, улаш.

**иттисом** اتسام белгили бўлиш, нишонли бўлиш; ~ **топмақ** белгиланмоқ, номланмоқ.

**иттисоф** اتصاف таърифи; мақтов.

**иттифоқ** اتفاق мувофиқлик; ~ **қилмақ** келишмоқ.

**иттифоқий** اتفاقى тасодифий.

**иттиҳод** اتحاد бирлашиш.

**итурмак** ايتورماك йўқотмоқ, кетказмоқ.

**итф** عطف кўплиги **аътоф** тараф, ёқ.

**ифлос** أفلاس синиш (савдода).

**ифно** افنا йўқолиш, йўқ бўлиш; ~ **йи мавжуд** борнинг йўқ бўлиши.

**ифода** افاده ифодалаш, баён қилиш; ~ **га машғул бўлмақ** баён илмини ўрганмоқ.

**ифрит** افريط дев.

**ифрор** افرار қочириш, қувлаш.

**ифрот** افراط ҳаддан ошиш, қўнайиш, тўлиб-тошиш; ~ **и жамол** жуда чиройли; ~ **кўргузмак** ҳаддан ошмоқ.

**ифсод** افساد бузиш, бузилиш; талон-торож қилиш.

**ифтиро** افترا туҳмат, бўҳтон.

**ифтитоҳ** افتتاح очиш, бошлаш; ~ **айламак** бошламоқ, очмоқ.

**ифтиқор** افتقار камбағаллик, фақирлик.

**иффатмаоб** عفت‌مآب иффатли, номусли.

**иффатпаноҳ** عفت‌پناه номусни асровчи.

**ифшо** افشا **очиш,** фош этиш; ~ **айламак**, ~ **этмак** очмоқ, фош қилмоқ.

**ихбор** اخبار хабар бериш, хабардор қилиш.

**ихвон** اخوان ах нинг кўплиги.

**ихлос** اخلاص 1) холислик, самимият; 2) тавҳид (Бирлик) сураси.

**ихрож** اخراج чиқариш, бўшатиш; қувиш, ҳайдаш; ~ **топмақ**, ~ **ўлмақ** чиқарилмоқ, ҳайдалмоқ; ~ **қилмақ** ҳайдамоқ.

**ихтийор** اختيار ҳақ, эрк; ~ **айламак**, ~ **қилмақ** сайламоқ, танламоқ.

**ихтийорий** اختيارى эркли, эрк доирасида.

**ихтийорсиз** اختيارسيز эркsiz.

**ихтилол** اختلال қусурланиш, сусайиш, бузилиш.

**ихтилот** اختلاط аралашиш, қоришиш, чатишиш.

**ихтироъ** اختراع ўйлаб топиш, ихтиро қилиш; ~ **айламак**, ~ **қилмақ** ўйлаб топмоқ, ихтиро қилмоқ.

**ихтисор** اختصار қисқартиш; қисқалик, аниқлик; ~ **айламак**, ~ **қилмақ**, ~ **қилинмақ** қисқартмоқ, қисқа қилмоқ.

**ихтисос** اختصاص тегишлилик, хос бўлиш; ~ **топмақ** хос бўлмоқ; тегишли бўлмоқ.

**ихтитом** اختتام 1) тугаш, охир, сўнг; 2) хулоса.

**ихтифо** اختفا яшириш (ўзини), беркитиш; паналаш; ~ **пардасига қочмақ** беркинмоқ.

**ихфо** اخفا яшириш, беркитиш; ~ **айламак** яширмоқ, сир тутмоқ.

**ихфолиғ** اخفاليغ яширинлик, махфийлик.

**ич** ايچ ички аъзолар, қорин бўшлиғи; ~ **олоти** ичак-чавоқ.

**ичгу** ايچكو га **ичку** ايچكو ичкилик ичиш.

**ичин** ايچين аро, ўзаро.

**ичку** ايچكو **ичгу га қ.**

**ичкулук** ايچكولوك ичкилик.

**ичкучи** ايچكوچى майхўр.

**ичурмак** ايچورماك ичирмоқ.

**ишвагар** عشوه‌گر карашма, ноз қилувчи.

**ишвасоз** عشوه‌ساز карашма қилувчи.

**ишканжа** اشكنجه қийноқ, азоб.

**ишкол** اشكال қийинчилик, мушкиллик, тўсиқ.

**ишнамак** ايشناماك ялтирамоқ, порламоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**ишо** عشا кечки овқат.

**ишорат** اشارت кўплиги **ишорот** белги, имо; ~ **аҳли фикрни** мажозий йўл билан изҳор қилувчилар; ~ **қилмақ** имо қилмоқ.

**ишоратнамой** اشارت‌نمای ишорат қилувчи.

**ишорот** اشارات **ишорат** нинг кўплиги.

**ишратангиз** عشرت‌انگیز ишрат қўзғатувчи.

**ишратандуз** عشرت‌اندوز ишрат ҳосил қилувчи.

**ишратафзой** عشرت‌افزای давомли ишрат қилиш.

**ишратгаҳ** عشرتگه ишратхона.

**ишратобод** عشرت‌آباد ишратхона, ишрат қилинадиган жой.

**ишратсаро** عشرت‌سرا ишратхона.

**ишартсигол** عشرت‌سگال ишратга мойил.

**ишратфизой** عشرت‌فزای ишратни тўла қилувчи.

**ишратҳийн** عشرت‌حین ишрат вақти.

**ишроқ** اشراق порлаш, ялтираш.

**ишроқий** اشراقی порлоқ, ялтироқ.

**иштибоҳ** اشتباه янглишиш; **било** ~ шубҳасиз.

**иштидод** اشتداد кучайиш, зўрайиш.

**иштиол** اشتعال алангаланиш.

**иштирок** اشتراك қатнашиш, шериклик.

**иштиғол** اشتغال шуғулланиш; ~ **кўргазмак** шуғулланмоқ.

**иштиҳо** اشتها иштаҳа.

**иштиҳор** اشتهار машҳурлик, шуҳрат; ~ **бермак**, ~ **топмақ** машҳур бўлмоқ.

**ишфоқ** اشفاق шафқат қилиш, аяш; ~ **қилмақ** аямоқ.

**ишъор** اشعار хабар қилиш, маълум қилиш.

**ишқбозлиқ** عشق‌بازلیق ошиқлик ўйнаш.

**ишқпечон** عشق‌پیچان печакгул, чирмовуқ гул.

**иқбол** اقبال бахт.

**иқболосо** اقبال‌آسا бахт келтирувчи, қутлуғ.

**иқд** عقد кўплиги **уқуд** 1) маржон, мунчоқ; 2) ип, тасма; 3) тугун, чигал.

**иқдом** اقدام чора-тадбир, ҳозирлик (ишга киришиш учун); ~ **қилмақ** киришмоқ (ишга).



**иқлим** اقلیم кўплиги **ақолим** мамлакат.

**иқлимгир** اقلیم‌گیر иқлим олувчи.

**иқоб** عقاب жазо.

**иқола** عقاله савдодан айниш.

**иқомат** اقامت яшаш.

**иқтибос** اقتباس кўчирма, кўчириб олиш.

**иқтидо** اقتدا тақлид қилиш, эргашиш.

**иқтидор** اقتدار қудрат, қодирлик.

**иқтидорлиғ** اقتدارلیغ қудратлилик, кучлилик.

**иқтизо** اقتضا зарурат, тақозо қилишлик, кераклилик.

**иқтирон** اقتران бирикиш, яқинлашиш.

**иқтисор** اقتصار қисқартиш.

**иқтоъ** اقطاع 1) ер ҳадя қилиш; 2) ҳадя қилинган ер.

**иғлол** اغلال хиёнат, сотқинлик.

**иғмоз I** اغماز бўҳтон.

**иғмоз II** اغماض кўз юмиш, кўрмасликка олиш; ~ **айламак**, ~ **этмак** яширмоқ.

**иҳдо** احدی бир; ~ **р-роҳатайн** икки роҳатдан бири.

**иҳдос** احداث яратиш, қуриш.

**иҳзор** احضار чақирув, чақириқ.

**иҳйо ва эҳйо** احیا 1) тирилтириш; ~ **йи амвот** ўликларни тирилтириш; ~ **айламак** тирилтирмоқ; 2) ўзлаштириш, тиклаш.

**иҳмол** احمال **эҳмол** га қ.

**иҳонат** اهانت ҳақорат қилиш, ҳазар қилиш, нафратланиш.

**иҳота** احاطه ўраб олиш, қамраш; ~ **айламак** ўраб олмоқ.

**иҳроқ** احراق куйдириш, ўт олиш.

**иҳсос** احساس ҳис қилиш, сезиш.

**иҳтидо** اهتدا **эҳтидо** га қ.

**иҳтизоз** اهتزاز **эҳтизоз** га қ.

## Й

**йаба** یابه 1) курак; 2) чоршох; 3) айри.

**йабан** یابان чўл, дашт.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**йабанчи** یابانچی ёт, ажнабий.

**йабоб** یباب 1) бузуқ, хароб; 2) камбағал, қашшоқ.

**йабу** یابو тўғриси **йапу.**

**йава** ва **йова** یاوه бемаъни, беҳуда (гап); ~ **айтмак** беҳуда гап айтмоқ.

**йавм** یوم кунлиги **аййом** кун.

**йавумақ** یاووماق ва **йавушмақ** یاووشماق яқинлашмоқ, етишмоқ.

**йавутмақ** یاووتماق яқинлаштирмоқ.

**йавушмақ** یاووشماق **йавумақ** га қ.

**йавуқ** یاووق яқин.

**йавшан** یاوشان ем-хашак учун экиладиган кўп йиллик ўсимлик.

**йавған** یاوغان ёғсиз.

**йад** ید қўл; ~ **и байзо** Мусо пайғамбарнинг қўли; қўли гул, уста.

**йайақ** یایاق яёв, пиёда; ~ **черик** пиёда аскар.

**йазак** یذک тун соқчиси, лашкаргоҳни қўриқловчи отлиқлар.

**йаздон** یزدان тангри, худо.

**йаздоний** یزدانی **йаздон** га тегишли.

**йаздонпараст** یزدان پرست художўй.

**йази** یازی дашт, чўл, саҳро.

**йазуқ** یازوق гуноҳ.

**йазуқсиз** یازوقسیز гуноҳсиз.

**йазгурмақ** یازغورماق гуноҳкор қилмоқ.

**йайқалмақ** یایقالماق **йайқамақ** га қ.

**йайқамақ** یایقاماق ва **йайқалмақ** یایقالماق чайқамоқ.

**йак-байак** یك بیك бирма-бир; тамоман, бутунлай.

**йакбанд** یکبند бир йўлакай, бошдан оёқ, ялписига.

**йакбора** یکباره бир йўлакай.

**йакдаст** یکدست бирдай, баробар.

**йакдона** یکدانه тенгсиз.

**йакжиҳат** یکجهت бирга, ҳамжиҳатлик билан; ~ **бўлмақ** ҳамжиҳат бўлмоқ, келишмоқ.

**йакжиҳатлиқ** یکجهت لیق ҳамжиҳатлик.

**йакзабон** یکزبان бир хиллик.



**йакнафар** یکنفر якка, ёлғиз; ~ **қилмақ** яккалатмоқ.

**йако-йак** یکا یك бирин бирин, биттадан.

**йакпора** یکپاره яхлит, бир бутун.

**йакранг** یکرنگ 1) бир тусли; 2) ҳамжиҳатли.

**йакранглик** یکرنگ لیك ҳамжиҳатлик, дўстлик.

**йакрон** یکران тўриқ от; ~ **и тозий** тўриқ араб оти.

**йакрўй** یکروی бир тарафлама, бир юзли (мато).

**йаксар** یکسر бирдан.

**йаксу** یکسو 1) бир тарафга; 2) бир тарафлама.

**йакто** یکتا ягона, тенгсиз.

**йактолиғ** یکتالیغ ягоналик.

**йакфан** یکفن ўз ҳунарида ягона, устод.

**йакфанлиқ** یکفن لیق ҳунарида ягоналик, усталик.

**йакқалам** یکقلم бир йўла, биратўла; ~ **айламак** бир йўла олмоқ.

**йал** یل ва **йала** یله қаҳрамон; ~ **и хасмбанд** душманни асир қилувчи баҳодир.

**йала** یله **йал** га қ.; эгилган, букилган; ~ **бўлмақ** букилмоқ, эгилмоқ.

**йалав** یالاو 1) байроқ; 2) бош кийимга ўралган қизил тасма.

**йалак** یلك тўғриси **йелак.**

**йалдо** یلدا қишнинг энг узун кечаси.

**йалин** یالین аланга.

**йалинлиқ** یالین لیق алангали.

**йалпанг** یالپانگ **йалпақ** га қ.

**йалпақ** یالپاق ва **йалпанг** یالپانگ йалпоқ, кенг, ёйиқ.

**йалқимақ** یالقیماق чарчамоқ.

**йалқитмақ** یالقیتماق чарчатмоқ.

**йам I** یم денгиз.

**йам II** یام чопар ва элчилар манзилдан манзилга хабар етказиши учун ишлатиладиган от; ~ **оти** почта алоқаси оти; ~ **оти боғламақ** почта оти ҳозирламоқ.

**йаман** یمن барака; бахт, омад.

**йамин** یمین 1) ўнг, ўнг тараф; 2) қушнинг ўнг қаноти.

**йамхона** یامخانه отхона.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**йанг** يانگ янги; ~ **боштин** янгидан, қайтадан.

**йана** يانا 1) яна, тағин; 2) бошқа; 3) ғайр, бегона; ~ **лар** бегоналар.

**йангилмақ** يانگيلماق янглишмоқ.

**йанглиғ** ينگليغ ўхшатиш билдирувчи сўз; **бу** ~ бундай.

**йангшамақ** يانگشاماق кўп сайрамоқ, кўп гапирмоқ.

**йандурмақ** ياندورماق қайтармоқ.

**йанмақ** ياناماق 1) ёнмоқ; 2) отланмоқ.

**йано** يانا тўғриси **йана**.

**йапмақ** ياپماق киймоқ, кийинмоқ.

**йапу** ياپو бино, иморатнинг пойдевори.

**йарақон** يرقان сариқ касали.

**йарлиқ** يارليق фармон.

**йарлиқамақ** يارليقاماق гуноҳидан кечмоқ.

**йармақ** يارماق танга.

**йара** يارا яра.

**йаруғ** ياروغ ёриқ, синган; **боши** ~ эзилган, бечора.

**йарғағ** يارغاغ 1) пўстак, 2) пўстин.

**йарқу** يارقو 1) Ҳукм чиқариш; 2) даъво қилиш; олишиш; ~ **айламак** 1) ҳукм чиқармоқ; 2) олишмоқ.

**йарғучақ** يارغوچاق қўл тегирмон.

**йасавул** يساوول йўл соқчиси, амалдор шахсни кузатиб борувчи соқчи.

**йасавуллуқ** يساووللوق соқчилик; ~ **қилмақ** соқчилик қилмоқ.

**йасал** ياسال саф; ~ **тузмак** саф тортмоқ, тизмоқ.

**йасақ** ياساق 1) сиёсат; 2) қонун; 3) тартиб; 4) қасос; 5) саф тартмақ; саф тортмоқ.

**йасақий** يساقى аскар.

**йасор** يسار чап, сўл тараф; қўшиннинг чап қаноти.

**йатим** يتيم кўплиги **айтом етим**.

**йатиш** يتيش тунги соқчилик; ~ **иши** тунги соқчилик хизмати; ~ **тавачиси** тунги соқчилар бошлиғи; ~ **эли** тунги соқчилар.

**йатлиқ** ياتليق бегоналик.

**йашм** يشم рангли тош, яшма; ~ **и кофурий** оқ яшма.



**йаъс** يئس умидсизлик.

**йақин** يقين комил ишонч; ~ **айламак** ишонмоқ.

**йақиний** يقينى ҳақиқатга тўғри келадиган.

**йақмақ** ياقماق суртмоқ. (дори) қўймоқ.

**йағи** ياغى ёв.

**йағий** ياغى тўғриси **йағи**.

**йағилиқ** ياغيليق ёвлик, душманлик.

**йағлиғ** ياغليغ дастрўмол, рўмол.

**йағмо I** يغما 1) талон-тарож; ~ **айламак** талон-тарож қилмоқ; 2) Туркистонда бир шаҳар номи.

**йағмо II** يغما қабила номи.

**йелак** ييلاك 1) аёллар кўйлак ўрнига устига ўрайдиган нозик мато; 2) ёй ўқининг пари.

**йелосо** ييلآسا елдек.

**йемрулмак** ييمرولماك **йўмрулмак** га қ.

**йибармак** ييبارماك юбормоқ, жўнатмоқ.

**йибарилмак** ييباريلماك юборилмоқ.

**йигирмак** ييگيرماك айлантирмоқ, йигирмоқ.

**йигирми** ييگيرمى йигирма.

**йигирминчи** ييگيرمنچى йигирманчи.

**йилак** ييلك нимча.

**йилчилай** ييلچيلاى йилларча.

**йирмақ** ييرماق ёриб кирмоқ, йирмоқ.

**йирламақ** ييرلاماق куйламоқ, ашула айтмоқ.

**йирлағучи** ييرلاغوچى куйловчи.

**йирав** ييراو ҳофиз, бахши.

**йирақмак** ييراقماق узоқлаштирмоқ. четлаштирмоқ.

**йитмак** ييتماك йўқолмоқ, йўқ қилмоқ.

**йитирмақ** ييتيرماك ва **йитурмак** ييتورماك йўқотмоқ. йўқ қилмоқ

**йитурмак** ييتورماك **йитирмак** га қ.

**йиқмақ** ييقماق йиқитмоқ, қулатмоқ, ағдармоқ.

**йиқилғур** ييقيلغور йиқиладиган, йиқилишга келиб қолган.

**йиқуқ** ييقوق йиғилган, ағдарилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

**йиғач I** يیغاچ ёғоч, дарахт.

**йиғач II** يیغاچ масофа ўлчови.

**йобанда** یابنده топувчи.

**йобис** یابس қуруқ; ~ ўлмақ қуримоқ.

**йова** یاوه йапа га қ.

**йовар** یاور ёрдамчи, кўмакчи; ~ **бўлмақ.** ~ **ўлмақ** ёрдамчи бўлмоқ.

**йоварлиқ** یاورلیق ёрдам, кўмак.

**йорлиқ** یارلیق дўстлик.

**йород** یاراد мусиқа асбоби.

**йосиж** یاسج ёй ўқининг учи, найзаси; найзали ўқ.

**йосуман** یاسومن 1) хушбўй оқ гул ва унинг тупи; 2) Фарҳодни ҳийла билан қўлга туширган аёлнинг исми.

**йоқутгун** یاقوت‌گون ёқут ранг, қизил.

**йоқутмузоб** یاقوت‌مزاب қизил май.

**йубс** یبس 1) қуруқлик; 2) ич қотиш.

**йубусат** یبوست ич қотиш; ~ **тапмақ** ичи қотмоқ.

**йувункор** یوونکار ташвиш, безовталик.

**йугурук** یوگوروك чопағон, чопқир.

**йукундурмак** یوکوندورماك **тиз чўкиб таъзим қилдирмоқ (турк хонларининг одати бўйича).**

**йукунмак** یوکونماك эгилмоқ, ҳурмат юзасидан таъзим қилмоқ.

**йумдек** یومدیك юмгандек, юмган каби.

**йумкин** یمکن мумкин.

**йумн** یمن бахт, омад.

**йумран** یومران сичқон.

**йумрулмак** یومرولماك тўғриси **йўмрулмак.**

**йумруқ** یومروق мушт; ~ **ташламақ** муштламақ; ~ **чекмак** мушт емоқ.

**йумуртқа** یومورتقه тухум, мояк.

**йуртчи** یورتچی қарға.

**йурун** یورون тўғриси **йўрун.**

**йурунчға** یورونچغه беда.

**йуҳйи** یحیی тирилтиради; ~ **-л-изом** суякларни тирилтиради.



**йўламак** یولاماك яқинига бормоқ, яқинлашмоқ.

**йўлдамақ** یولداماق йўлламоқ, йўлга солмоқ.

**йўлдошлиғ** یولداشلیغ ҳамроҳлик.

**йўмрулмак** یومرولماك ва **йемрулмак** ییمرولماك бузилмоқ, **емирилмоқ.**

**йўрмак** یورماك йўймоқ, таъбир қилмоқ.

**йўртоқ** یورتاق 1) суяклик; 2) қирчанғи от.

**йўрун** یورون ямоқ; ~ **тикмак** ямоқ солмоқ.

**йўрғачи** یورغاچی отни минишга тайёрловчи киши.

**йўсун** یوسون тариқа, равиш.

**йўқлуқ** یوقلوق ва **йўқлуғ** доно, фонийлик

**йўқлуғ** یوقلوغ **йўқлуқ** га қ.

## К

**кабд** کبد ва **кабид** کبید кўплиги **акбод** жигар.

**кабид** کبید **кабд** га қ.

**кабир** کبیر ва **кабира** کبیره кўплиги **кибор** катта, буюк, улуғ; ~ **у-ш-шон** улуғвор, улуғ мартабали.

**кабира** کبیره **кабир** га қ.

**кабк** کبك каклик; ~ **и дарий** тоғ каклиги.

**кабоблиғ** کبابلیغ куйган, жафо чеккан; ~ **кўнгул** куйган юрак.

**кабуд** کبود кўк; **чархи** ~ осмон.

**кабутардам** کبوتردم қизил шароб.

**кабш** کبش қўй, қўчқор.

**кавкаб** کوکب кўплиги **кавокиб юлдуз; ~ и жалодат** қудрат юлдузи; ~ **и иқбол** бахт юлдузи; ~ **и тобнок** порлоқ юлдуз.

**кавкаба** کوکبه битта юлдуз.

**кавкабафшон** کوکب‌افشان юлдуз сочувчи; ~ **кўз** ёш тўкувчи кўз

**кавкабгун** کوکب‌گون порлоқ.

**кавкабойин** کوکب‌آیین юлдуздек; **дурри** ~ ялтироқ дур.

**кавн** کون борлиқ, дунё, **икки** ~ бу ва нариги дунё; ~ **у макон** коинот, чексизлик.

**кавнайн** کونین икки дунё, бу ва нариги дунё; ~ **алломаси,** ~ **шоҳи** Муҳаммад пайғамбар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**кавокиб** كواكب **кавкаб** нинг кўплиги; ~ **и сойир** кезиб юрувчи юлдузлар.

**кавсар** كوثر жаннат сувининг номи; ~ **суйи** кавсар дарёси.

**кавсаросо** كوثرآسا кавсарсимон, тоза; ~ **май** тоза май.

**кавурга** كاورگا катта ноғора.

**кадар** كدر ғам, ғусса.

**кадбону** كدبانو уй бекаси, хотин (оилалик).

**кадд** كد меҳнат, машаққат; ~ **айламак** машаққат тортмоқ, тиришмоқ.

**каду** كدو қовоқ; ~ **йи кашкулий** дарвешлар қовоғи.

**кадуумруд** كدوامرود нокнинг йирик бир нави.

**кадхудо** كدخداى **кадхудой** 1) уй эгаси, эр; 2) оқсоқол; ~ **бўлмақ** оилали бўлмоқ, ва كدخدا уйланмоқ.

**кадхудой** كدخداى **кадхудо** га қ.

**кадхудолиғ** كدخداليغ 1) уйланганлик, рўзғорлилик; 2) оқсоқоллик; ~ **қилмақ** оқсоқол бўлмоқ; бошчилик қилмоқ.

**каж** كج эгри, қинғир; ~ **оҳанг** узуқ-юлуқ товушлар.

**кажак** كجك фолбинлар таёқчаси.

**кажал** كجل сурма.

**каждўм** كجدم чаён.

**кажжа** كجه тил билмас, соқов, тилсиз; ~ **сўз** соқовча гапириш.

**кажкулоҳ** كجكلاه ва **кажкулаҳ** كجكه бўркни чеккасига қийшайтиб кийган олифта, сатанг.

**кажлик** كجليك эгрилик.

**кажрав** كجرو **кажрафтор** га қ.

**кажрафтор** كجرفتار ва **кажрав** 1) эгри кўнгил, аблаҳи; 2) хулқсиз (киши); **чархи ~ эгри айланувчи фалак.**

**кажтабъ** كجطبع эгри, бузуқ табиатли; **шоири** ~ дидсиз, шуурсиз

**кайоний** كيانى эрон шоҳларидан бир сулола.

**кайосат** كياست зийраклик.

**каз** كز ипак.

**каззоб** كذاب ёлғончи.

**каззоблиқ** كذابليغ ёлғончилик

**каззобхуй** كذابخوى ёлғончи.



**кай I** كى қачон?

**кай II** كى 1) шоҳ; 2) қаҳрамон.

**кайбур** كيبور ва **гайбур** кенг учли найза; ёй ўқининг бир тури.

**Кайвон** كيوان Зуҳал (Сатурн) сайёраси.

**кайд** كيد макр, ҳийла.

**кайл** كيل ва **кайла** кўплиги акйол сочилувчан нарсаларнинг ўлчов бирлиги ва идиши.

**кайла** كيله **кайл** нинг кўплиги.

**кайфа** كيف қандай? ~ **муттафиқ** мувофиқ равишда, баробар.

**ка-л-адам** كالعدم йўқдек.

**ка-л-аъмо** كالاعمى кўрдек; **гарибу** ~ кўрдегу бечора.

**калез** كليز **кализ** га қ.

**кализ** ва **калез** كليز асалари.

**калид** كليد очқич.

**калима** كلمه кўплиги **калимот** ва **килам сўз.**

**калимот** كلمات **калима** нинг кўплиги.

**калисо** كليسا нассорий (христиан)лар ибодатхонаси, черков.

**калича** كليچه юмалоқ нон, юмалоқ нарса.

**калкал** كلكل 1) кўкрак; 2) сафсата, кўп сўзлаш; 3) тақа.

**каллапўш** كله پوش бош кийим.

**калоба** كلابه галтак, калава; **бир** ~ **ип** бир калава ип.

**калол** كلال ва **калолат** чарчаш, ҳорғинлик.

**калолат** كلالت **калол** га қ.

**калом** كلام сўз, нутқ, Қуръондаги сўз; ~ **и дилафруз** кўнгил очувчи сўз; ~ **и раббоний** илоҳий сўз; ~ **у-л-лоҳ** Қуръон; ~ **сурмак** сўзламоқ.

**каломовар** كلام آور сўз келтирувчи; **нутқни** ~ **айламак** нутқни сўзлар билан безамак.

**калоғ** كلاغ ола қарга.

**калух** كلوخ ва **калуха** كلوخه кесак.

**калуха** كلوخه **калух** га қ.

**кам I** كم оз; ~ **бўлмақ** озаймоқ.

**кам II** كم қанча?

**камарбур** كمربر кориз кавловчи, ер ости сувини қазувчи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**камаргоҳ** کمرگاه тоғ этаги.

**камбудалик** کمبوده‌لیق камоматлик.

**камин I** کمین пистирма; ~ айламак, ~ этмак яширмоқ.

**камин II** کمین камина га қ.

**камина** کمینه ва **камин II** کمین озгина, арзимайдиган; ~ **йазуқ** арзимас гуноҳ; ~ **каниз** арзимас чўри.

**камингаҳ** کمینگه камингоҳ га қ.

**камингоҳ** کمینگاه ва **камингаҳ** کمینگه пана жой, пистирма.

**камм** کم миқдор; ~ **и била кайфи** миқдори билан сифати.

**камоҳи** کماهی камо **ҳийа** нинг қисқаргани.

**камо ҳийа** کماهی худди ўзидай, қандай бўлса, шундайлигича.

**камсухан** کم‌سخن кам сўз.

**камхо** کمخا кимхоб.

**канаб** کنب канон (ўсимлик).

**канаф** کنف кўплиги **акноф** 1) қанот; тараф; ён; 2) ҳимоя, паноҳ.

**канбура** کنبوره ҳийла, макр.

**канз** کنز кўплиги **кунуз** хазина.

**каниз** کنیز чўри, хизматкор қиз.

**каниса** کنیسه черков.

**канисий** کنیسی **каниса** га тегишли.

**канофа** کنافه шахмат донасининг номи.

**канор** کنار чет, ён, қирғоқ.

**канора** کناره 1) қирғоқ; 2) четланиш; четланиш: ~ **тутмақ** четга чиқмоқ, (ўзини) четла тутмоқ; ~ **қилмақ** четланмоқ; ~ **қилинмақ** четлатилмоқ.

**Канъон** کنعان Миср фиръавнларидан бир сулоланинг номи.

**канъоний** کنعانی **Канъон** га мансуб.

**капанак** کپنک жун матодан тикилган уст кийим, дарвешларнинг уст кийими.

**капанакпўшлуқ** کپنک پوشلوق жунли; ~ **кисват** жунли кийим.

**карам** کرم саховат, олийҳимматлилик.

**карамкеш** کرمکیش кўп саховат қилувчи.

**каргас** گرگس қора гриф.

**кардигор** کردگار яратувчи, холиқ.



**карим** کریم кўплиги **киром** **меҳрибон, сахий; ~ и мутаол меҳрли тангри; ~ у-л-ахлоқ яхши хулқлар.**

**кариҳ** کریه макруҳ, ёқимсиз.

**карк** کرک 1) каркидон; 2) уй қуши; товуқ; 3) тустовуқ; 4) қисқичбақа.

**каркас** کرکس тўғриси **каргас.**

**каромат** کرامت кўплиги **каромот** 1) саховат, сахийлик; 2) мўъжиза, оддий киши қилиши мумкин бўлмаган иш; ~ **қилмақ** 1) саховат кўргизмоқ; 2) мўъжиза кўрсатмоқ.

**каромот** کرامات **каромат нинг кўплиги.**

**карон** کران **карона ға** қ.

**карона** کرانه ва **карон** کران ташқари, чет, чегара; 2) қирғоқ, соҳил.

**каррамн** کرمنا (инсонни) мукаррам қилдик (Қуръондан иқтибос).

**карраной** کره‌نای карнай; ~ **уни** карнай товуши.

**каррубий** کروبی фаришта.

**карру фар** کروفر ҳужум ва (алдамчи) қочиш; ~ **солмақ,** ~ **қилмақ** алдамчи қочиш шовқинини кўрсатмоқ;

**Карух** کروخ Ҳиротда бир маҳалла номи.

**Карх** کرخ Бағдод жануби-ғарбида жойлашган бир маҳалла номи.

**карҳ** کره ёқимсизлик; **мужиби** ~ **бўлмақ** ёқимсизлик сабаби бўлмоқ.

**касир** کثیر кўп; **жамоати** ~, **гуруҳи** ~ катта жамоа.

**касиф** کثیف дағал, қўпол; ~ **ўлмақ** қўпол бўлмоқ.

**касолат** کسالت дангасалик; бўшашганлик.

**касофат I** کثافت 1) ифлослик; **завол** ~ **и** ҳалокат, йўқ бўлиш (ичи қоралигидан).

**касофат II** کثافت тутилиш (қуёш, ой).

**каср** کسر кўплиги **кусур** синдириш, бўлаклаш; ~ **и нафс** нафсни тийиш.

**касрат** کثرت кўплик, сероблик, мўллик, **зироат** ~ **и** экиннинг мўллиги.

**кат** کت тахт; курси (ухлаш учун).

**катаба** کتبه **котиб** нинг кўплиги.

**катиф** کتیف ва **китф** кўплиги **актоф** елка.

**катм** کتم **катмон** га қ.; ~ **и адам** йўқлик.

9—2590



www.ziyouz.com kutubxonasi

**катмон** کتمان ва катм کتم яшириш; ~ **айламак** яширмоқ.

**катон** کتان 1) зиғир; 2) зиғир поясидан ишланган мато.

**катора** کتاره қаддора га қ.

**катун** کتون канопдан ишланган мато, кийим.

**каф I** کف қўлнинг билак учидан бармоқларгача бўлган ички қисми; ~ **урмақ** чапак чалмоқ.

**каф II** کف кўпик; ~ **сочмақ** тупурмоқ.

**кафил** کفیل зомин, кафолат берувчи; ~ **эрмак** зомин бўлмоқ, кафолат бермоқ.

**кафлиз** کفلیز капгир; чўмич.

**кафорат** کفارت гуноҳни ювиш, гуноҳ кечирилиши учун бериладиган нарса.

**кафоф** کفاف насиба (еб-ичишда).

**каффа** کفه палла; ~ **йи мезон** тарози палласи.

**кафча I** کفچه илон номи.

**кафча II** کفچه 1) косов; 2) капгир.

**качкул** کچکول ва **кашкул** کشکول дарвешларнинг бўйинларига илиб юрадиган қовоқ идиши.

**кашаф** کشف тошбақа.

**кашидалиғ** کشیده لیغ кашталн, гулли; ~ **йағлиғ** каштали рўмол.

**кашиш** کشیش тортиш, жазб этиш, мафтун қилиш; ~ **айламак** тортмоқ, мафтун қилмоқ.

**кашкул** کشکول **качкул** га қ.

**кашниз** کشنیز кашнич.

**кашон** کشان тортиш, судраш.

**кашшоф** کشاف 1) очувчи, кашф қилувчи; 2) Маҳмуд За махшарий ёзган тафсир китобининг қисқа номи.

**кашшофа** کشافه шахмат доналаридан бирининг номи.

**каъб** کعب ошиқ, тўпиқ.

**каъбатайн** کعبتین нард ўйинида рақамли икки тош ошиқ ўйинида оқ ва қора ошиқ.

**каъс** کاسه کاسه ва каъса коса, жом.

**каъса** **каъс** га қ.

**каҳ** که **коҳ** га қ.

**каҳгил** که گل сомон лой.

**каҳкашон** کهکشان сомон йўли

**каҳрабо** کهربا ва коҳрабо 1) сариқ рангли тош номи, янтарь; 2) сариқ.

**каҳрабоваш** کهرباوش сариқ.

**каҳрабогун** کهرباگون сариқ ранг.

**каҳраболиқ** کهربالیق сариқлик.

**каҳф** کهف ғор; **асҳоб ~** Қуръоннинг «Каҳф» сурасидаги ғорда ухлаган уч ўсмир; **~ и фано** «Каҳф» сурасида уч ўсмир ухлаган ғор.

**кежим** کیجیم ва **кечим** کیچیم от жабдуғи.

**кезармак** کیزارماک кезмоқ.

**кекирмак** کیکیرماک киргизмоқ, ўтказмоқ.

**кемур** کیمور кўмир.

**кемухти** کیموختی чарм, қайиш; ~ **ғабро** ғубор ранг **чарм.**

**кериш** کیریش ёй ипи.

**кескулатмак** کیسکولاتماک майдалаб кесмоқ, **тўғрамоқ.**

**кесма** کیسمه кокил, гажак.

**кетармак** کیتارماک кеткизмоқ.

**кечараклик** کیچه راکلیک кечки пайт.

**кечим** کیچیم **кежим** га қ.

**кеш I** کیش **киш I** га қ.

**кеш II** کیش **киш II** га қ.

**кибар** کبر қарилик.

**кибор** کبار **кабир** нинг кўплиги; **машойих ~ и** шайхларнинг улуғлари.

**кибр** کبر такаббурлик.

**кибрийо** کبریا 1) улуғлик; 2) тангри улуғлиги; **гавҳари ~** улуғлик гавҳари.

**кибрит** کبریت олтингугурт.

**кивурмак** کیوورماک **кийурмак** га қ.

**киз** کیز **ва кийз ва кийиз намат.**

**кизб** کذب ёлғон, уйдирма; ~ **кетурмак** ёлғон деб билмоқ.

**кизламак** کیزلاماک яширмоқ.

**кийз** کیز **киз** га қ.

**кийиз** کییز **киз** га қ.

**кийна** کینه **кина** га қ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**кийнавар** کینه ور кинавар га қ.

**кийнагузар** کینه گذر кинагузар га қ.

**кийнакаш** کینه کش кинакаш га қ.

**кийнапарвард** کینه پرورد кинапарвард га қ.

**кийнапардоз** کینه پرداز кинапардоз га қ.

**кийнарон** کینه ران кинарон га қ.

**кийнахоҳ** کینه خواه кинахоҳ га қ.

**кийосат** کیاست зийраклик.

**кийурмак** کییورماک ва **кивурмак** کیوورماک киритмоқ.

**кил** کیل дон ўлчаш бирлиги ва ўлчагичи.

**килам** کلم калима нинг кўплиги.

**килк** کلک қамиш қалам; ~ **и тақдир** тақдир қалами.

**кимсон** کیمسان бронза.

**кимсонлиқ** کیمسانلیق бронза тусли, ялтироқ.

**кимхо** کیمخا кимхоб нинг қисқаргани.

**кимхоб** کیمخاب қимматли нафис мато.

**кин** کین кина га қ.

**кина ва кийна** کینه ва **кин** کین 1) гина, адоват; 2) қасос; ~ **қилмақ** қасд қилмоқ.

**кинавар ва кийнавар** کینه ور қасос олувчи, қасоскор.

**кинагузар ва кийнагузар** کینه گذر гина сақловчи, қасос олувчи.

**кинакаш ва кийнакаш** کینه کش адоват қилувчи.

**кинапарвард ва кийнапарвард** کینه پرورد адоватни тарбияловчи.

**кинапардоз ва кийнапардоз** کینه پرداز адоват қилувчи, қасос олувчи.

**кинарон ва кийнарон** کینه ران адоват келтирувчи.

**кинахоҳ ва кийнахоҳ** کینه خواه гиначи.

**кинойат** کنایت кесатиқ, пичинг.

**кинойатомез** کنایت آمیز киноя аралаш.

**кинпараст** کین پرست адоватпараст.

**кинсигол** کین سگال гина сақловчи.

**кирдигор** کردگار яратувчи, тангри.



**кирдор** کردار қилиқ.

**кирйос** کریاس 1) шоҳ саройининг ҳовлиси; 2) уйнинг кириш жойи.

**кіром** کرام карим нинг кўплиги.

**кироманд** کرامند иззат, улуғлаш.

**кіромвашлиқ** کرام وشلیق азизлик, ҳурматга сазоворлик.

**киромий** کرامی сахийлик, олий ҳимматлик; ~ **бўлмақ** сахийлик қилмоқ.

**кирпик** کیرپیک киприк.

**кирпич** کرپیچ ғишт.

**кисват** کسوت кийим; **сўз ~ и** гапнинг гўзаллиги.

**кисравий** کسروی шоҳ Кисрийга мансуб.

**кисрий** کسری 1) Нуширвоннинг лақаби; 2) ажам шоҳларидан бир сулола номи.

**китиф** کتیف тўғриси **катиф ва китф.**

**китмон** کتمان катмон га қ.; ~ **айламак** яширмоқ.

**китоб** کتاب кўплиги кутуб муқоваланган асар.

**китоба** کتابه қабр тошлари ва бино деворларига ўйилган турли ёзувлар.

**китобат** کتابت 1) ёзиш, ёзув; 2) котиблик; ~ **фани** китоб кўчириш ҳунари; ~ **қилмақ** китоб кўчирмоқ.

**китобдор** کتابدار кутубхоначи.

**китф** کتف катиф га қ.

**кифойат** کفایت етарлилик.

**кифта** کفته четлашган, узоқлашган; ~ **бўлмақ** четлашмоқ, узоқлашмоқ.

**киш I ва кеш I** کیش 1) дин, маслак; 2) одат, расм.

**киш II ва кеш II** کیش ўқдон.

**киш III** کیش 1) қундуз; 2) қундуз пўстини; **тун ~ и** қоронғулик.

**кишвар** کشور мамлакат, ўлка.

**кишваргушо** کشورکشا ва **кишваргушой** کشورکشای жаҳонгир.

**кишваргушой** کشورگشای кишваргушо га қ.

**кишвароро** کشورآرا мамлакатни обод қилувчи.

**кишварпаноҳ** کشورپناه подшоҳ.

**кишваристон** کشورستان ғолиб.

**маъдан** معدن кўплиги **маодин** кон; ~ **и сидқ** тўғрилик кони.

**маъдум** معدوم йўқ бўлган; ~ **бўлмақ** йўқ бўлмоқ; ~ **этмак**, ~ **қилмоқ** йўқ қилмоқ.

**маъжар** معجر чачвон.

**маъжуба** معجوبه ажойиб, ажабланарли.

**маъжуннок** معجون ناك қора дори ичувчи.

**маъзарат** معذرت тўғриси **маъзират**.

**маъзират** معذرت кечириш; оқлаш.

**маъзул** معزول ҳайдалган, четлатилган (хизматдан), ~ **эрмак** ҳайдалмоқ (ишдан).

**маъзуллуқ** معزوللوق ҳайдалганлик, четлатилганлик (ишдан, хизматдан).

**маъиййа** معیه биргалик; ~ **йи муаббад** мангу биргалик.

**маъин** معین салқин; **мойи** ~ тошқин сув.

**маъкул** ماءکول ейдиган нарса, овқат, таом.

**маъкус** معکوس ағдарилган, тескари қилинган, тескари.

**маълот** معلات кўплиги **маолий** олий хислат, фазилат.

**маълул** معلول иллатли, касал; ~ **айламак** ожиз қилмоқ.

**маълуф** ماءلوف оддий, одатдагидек; ~ **ўлмақ** одатланмоқ.

**маъман** ماءمن бошпана, сақланиш жойи; ~ **тутмақ**, ~ **қилмақ** бошпана қилмоқ, ватан қилмоқ.

**маъмур I** ماءمور буюрилган, хизматчи; ~ **айламак** бўйсундирмоқ.

**маъмур II** معمور обод; ~ **бўлмақ** обод бўлмоқ; ~ **этмак** обод қилмоқ.

**маъмура** معموره обод жой.

**маъмурлиғ I** معمورليغ ободонлик.

**маъмурлиғ II** ماءموريغ бўйсундирилганлик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**маънус** ماءنوس таниш, яқин, ўрганилган; **~ бўлмақ** таниш-моқ, **~ қилмоқ** танитмоқ.

**маъраз** معرض намойишгоҳ, кўрсатиш жойи.

**маърифат** معرفت кўплиги **маъориф** 1) билим, фан; 2) маълумот, **~ у-л-лоҳ** Оллоҳни билиш.

**маъруз** معروض арз қилинган, баён қилинган: **~ бўлмоқ** баён қилинмоқ; **~ қилмақ** баён қилмоқ.

**маъсар** ماءثر ва **маъсара** ماءثره кўплиги **маъосир** **ях**-ши хислат фазилат.

**маъсара** ماءثره **маъсар** га қ.

**маъсийат** معصيت гуноҳ.

**маъсум** معصوم гуноҳсиз, тоза; **~ билмак** гуноҳсиз деб ҳисоб-ламоқ.

**маътуф** معطوف йўналган; эргашган; **~ келмак** эргашмоқ.

**маъфу** معفو кечирилган, афв қилинган; **~ бўлмақ**, **~ ўл**-мақ кечирилмоқ.

**маъшар** معشر йиғин, гуруҳ; **русул ~ и** пайғамбарлар гуруҳи.

**маъшуф** معشوف тўғриси **машъуф.**

**маъҳуд** معهود аҳд қилинган, келишилган; **~ қонда** ваъдага вафо.

**маъҳудий** معهودى келишилган, одатдаги; **~ албиса** одатдаги кийимлар.

**мақарр** مقر қароргоҳ; **~ топмақ** қарор топмоқ; **~ қилмақ** ўрнашмоқ.

**мақбара** مقبره кўплиги **мақобир** 1) қабр; 2) мозор.

**мақбуз** مقبوض ушланган; олинган (қамоққа); **~ бўлмақ** олинмоқ (қамоққа).

**мақдам** مقدم 1) келиш; 2) қадам: **~ и баракот** барака қадами; **хайра ~** қадамларига ҳасанот; **шариф ~** муборак қадам.

**мақдур** مقدور 1) имкони борича қўлдан келадиган куч етадиган; **~** ўлмақ кучи етмоқ; **куч ~ и** бор кучи бор; **улча ~** куч етганча.

**мақлуб** مقلوب ағдарилган, тескари.

**мақобир** مقابر **мақбара** нинг кўплиги.

**мақол** مقال 1) гапириш, сўзлаш; 2) сўз, гап.

**мақолат** مقالت кўплиги **мақолот** 1) гаплашиш, нутқ; 2) **ма**-қола, фасл, **аввалги ~** биринчи мақола.

**мақолот** مقالات **мақолат** нинг кўплиги.



**мақом** مقام кўплиги **мақомот** 1) ўрин, жой; 2) мусиқада куй номи.

**мақомир** مقامير тўғриси **муқомир.**

**мақомлиғ** مقامليغ даражали, мартабали; **бийик ~** юқори мартабали; **~ у мавлиди** турган ва туғилган ери.

**мақомот** مقامات **мақом** нинг кўплиги; авлиёлар, сўфиларнинг юриш-туришлари, ҳаёти.

**мақосид** مقاصد **мақсад** нинг кўплиги; **куллий ~ ға етмак** ҳамма мақсадларга эришмоқ.

**мақрун** مقرون 1) қўшилган боғлиқ; 2) яқин; **~ айламақ**, **~ қилмақ** яқинлаштирмоқ; **~ бўлмақ** яқинлашмоқ, қўшилмоқ.

**мақсад** مقصد кўплиги **мақосид** 1) қасд қилинган иш, истак, ният, 2) бориб етиш жойи.

**мақсуд** مقصود мақсад; **~ гули очилмақ мақсадга** эришмоқ, муродга етмоқ, **~ этмак** ният қилмоқ.

**мақсум** مقسوم 1) тақсимланган, бўлинган; ажратилган; **~** ўлмақ белгиланмоқ; 2) тақдир, қисмат.

**мақтал** مقتل 1) ўлдирилган жойи; 2) қатл қилиш, ўлдириш жойи.

**мақтаъ** مقطع 1) кесилган, майда бўлакларга бўлинган; 2) ғазалнинг охирги байти.

**мақтул** مقتول ўлдирилган, қатл қилинган; **~ бўлмак** қатл қилинмоқ, ўлдирилмоқ.

**мақҳур** مقهور 1) енгилган, мағлуб бўлган; **~ этмак**, **~ қил-мақ** мағлуб қилмоқ, енгмоқ.

**мағбун** مغبون алданган (нарса нархида); **~ кўнгул** адашган кўнгил.

**мағз** مغز мия; сўнгак **~ и**, **устухон ~ и** илик;

**мағзлиқ** مغزليق маъноли; **~ сўз** маъноли сўз.

**мағзоба** مغزابه мазава, совун кўпиги.

**мағзуб** مغضوب ғазабга учраган.

**мағмум** مغموم ғамгин.

**мағок** مغاك чуқур; пастқам.

**мағора** مغاره ғор.

**мағфират** مغفرت кечириш, гуноҳларни кечириш.

**мағфур** مغفور 1) марҳум, ўлган; 2) раҳматли, кечирилган; **~ нинг мадфани** марҳумнинг гўри.

**маҳ** مه **моҳ** га қ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**маҳак** محك олтин, кумуш кабиларнинг сифатини аниқлайдиган тош, синов тоши.

**маҳбас** محبس қамоқ.

**маҳв** محو 1) йўқотиш, йўқ қилиш; ~ **айламак**, ~ **этмак** йўқотмоқ, йўқ қилмоқ; 2) йўқолиш, йўқ бўлиш, ўчиш; ~ **бўлмак**, ~ **ўлмақ** йўқолмоқ, ўчмоқ.

**маҳвата** محوطه 1) ўралган жой, иҳота қилинган жой; 2) тўсиқ иҳота.

**маҳд** مهد 1) бешик; 2) тобут; 3) тахт.

**маҳдий** مهدی 1) туҳфа қилинган; 2) раҳбарликка олинган; тарбияга олинган; 3) 12-имомнинг исми.

**маҳднишин** مهدنشین тахтда ўтирувчи.

**маҳдуда** محدوده кўплиги **маҳдудот;** чегара.

**маҳдудот** محدودات **маҳдуда** нинг кўплиги; ~ **келмак** тугамоқ.

**маҳжабин** مه جبین 1) ой юзли; 2) гўзал маҳбуба.

**маҳжуб** محجوب ҳижобли, яширин; ~ **бўлмақ** яширинмоқ, пинҳон бўлмоқ.

**маҳжублиғ** محجوبلیغ пардали.

**маҳжуд** مهجود тунда бедор бўлган.

**маҳжур** مهجور ташлаб кетилган, айтилган; ~ **ўлмақ** айрилмоқ; ~ **этмак**, ~ **қилмақ** ташлаб кетмоқ, қолдирмоқ; айирмоқ.

**маҳжурлуқ** مهجورلوق айрилиқ.

**маҳз** محض 1) тоза, соф; ~ кизб ғирт ёлғон; 2) фақат ўзи, ўзгинаси учун; ~ **и беоқибатли** оқибатсизликнинг ўзи; ~ **и худо** худо учун.

**маҳзал** مهزل масхара, ~ **бўлмақ** масхара бўлмоқ, кулгу бўлмоқ.

**маҳзар** محضر 1) ҳозир бўлиш; 2) мажлис; 3) қарор.

**маҳзуз** محظوظ хурсанд, бахтиёр, мамнун; лаззатланувчи; ~ **бўлмақ**, баҳра олмоқ.

**маҳин** مهین манфур, жирканч; **мойи** ~ манфур, жирканч суюқлик (Қуръоннинг «Сажда» сурасида одамнинг яратилиши ҳақида гапирилганда шу ибора келади).

**маҳкумвор** محکوموار бўйсинганларга, тобеларга.

**маҳл** محل маҳал, муҳлат, муддат.

**маҳлака** مهلکه хатарли жой.

**маҳлул** محلول эритилган, суюлтирилган; **лаъли** ~ қизил май; ~ ўлмақ суюлтирилмоқ.



**маҳмаса** محمسه силла қуриш (очликдан).

**маҳмиз** مهمز отлиқ этигининг темир тепкиси.

**маҳмил** محمل маҳофа, кажава; ~ **боғламақ** сафарга отланмоқ; ~ **сурмак** сафар қилмоқ.

**маҳмилнишин** محملنشین маҳмилда ўтирувчи.

**маҳмуд** محمود мақталувчи.

**маҳмул** محمول 1) юкланган, ортилган; 2) ҳисобланган, нисбат берилган; ~ **қилмақ** нисбат бермоқ, ҳисобламоқ.

**маҳобат** مهابت 1) қўрқиш; 2) ҳайбат; ~ **солмақ** қўрқитмоқ.

**маҳол** محال кўплиги **маҳолот** қийин, оғир, мушкил.

**маҳолваш** محالوش қийин, мушкил.

**маҳолик** مهالك 1) хатарли жой, 2) хатар.

**маҳолот** محالات **маҳол** нинг кўплиги.

**маҳор** مهار жилов; **заврақ** ~ **и** қайиқ чилвири, арқони (боғлаб қўйиш учун).

**маҳосин** محاسن соқол ва мўйлаб.

**маҳофа** محافه кажава.

**маҳпайкар** مه پیکر **моҳпайкар** га қ.

**маҳпора** مه پاره **моҳпора** га қ.

**маҳпўш** مه پوش ойни ёпувчи.

**маҳр** مهر қалин пули; ~ **и** муажжал кечиктирилган, насия қалин пули.

**маҳрам** محرم яқин дўст, сирдош; ~ **и роз** яқин дўст, сирдош.

**маҳрамлиқ** محرملیق сирдошлик, яқинлик.

**маҳрамойин** محرمآیین мулойим, очиқ юз.

**маҳрамона** محرمانه дўстларча.

**маҳрур** محرور 1) ҳароратли, иссиғи бор; 2) қизиққон, жаҳлдор; ~ бўлмақ, ~ **ўлмақ** қизимоқ; қизиққонлик қилмоқ.

**маҳрурлиқ** محرورلیق ҳароратли, иситмали.

**маҳруқ** محروق куйган, ёнган; ёндирилган; ~ **бўлмақ** ёнмоқ, куймоқ.

**маҳсуб:** محسوب ~ **билмак** ҳисобда бор деб билмоқ.

**маҳсус** محسوس сезиларли, ҳис қиларли.

**маҳсусот** (кўплик) محسوسات ҳис-туйғулар.

**маҳтоб** مه تاب моҳтоб га қ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**маҳфил** محفل 1) йиғин, мажлис; 2) йиғин, мажлис **жойи; ~ и айш** айш жойи.

**маҳфилоро** محفل آرا мажлисни, йиғинни безатувчи.

**маҳфуз** محفوظ сақланадиган; ёдда сақланадиган; **~ айламак, ~ тутмақ** сақламоқ, асрамоқ.

**маҳфуза** محفوظه қўрғон.

**маҳча** مه چه ойча, кичкина ой; **~ йи туғ, ~ йи алам** байроқ учидаги кичкина ярим ой шакли.

**маҳшар** محشر қиёмат кунида одамлар йиғиладиган жой.

**мезон** میزان 1) ўлчов, оғирлик; 2) тарози; **~ тузмак** ўлчамоқ, тортмоқ; 3) посанги, мувозанат.

**менг** مینك хол.

**менгиз** مینکیز юз.

**менлиг:** مینکلیک **~ у сенлиг** меники, сеники дейишлик, ўзига тортишлик.

**меҳмонсаро** مهمان‌سرا меҳмонхона.

**меҳна** ва **миҳна** محنه касб, ҳунар.

**меҳнат** محنت кўплиги **миҳан** машаққат, қийинчилик.

**меҳнатзада** محنت‌زده машаққат чеккан, қийинчилик кўрган.

**меҳнаткаш** محنت‌کش заҳматкаш.

**меҳр** مهر 1) муҳаббат; 2) офтоб, қуёш.

**меҳрваш** مهروش қуёшдек.

**меҳрибонваш** مهربان‌وش меҳрибонларча.

**меҳригийо** مهرگیا ва **меҳригийоҳ** ўт, гиёҳ номи.

**меҳригийоҳ** مهرگیاه **меҳригийо** га қ.

**меҳрпартав** مهرپرتو қуёш нурли.

**меҳрсон** مهرسان қуёшдек.

**меҳртоб** مهرتاب Саратон буржи.

**меҳтар** مهتر 1) каттароқ, улуғроқ; 2) отбоқар.

**мидод** مداد 1) қалам; 2) сиёҳ; **~ и мушкий** қора қалам, **~ айламак** сиёҳ қилмоқ.

**мидҳат** مدحت мақтов, мақташ; **~ этмак** мақтамоқ.

**мижа** مژه киприк.

**мижгон** مژگان тўғриси **мужгон**.



**мижмар** مجمر ва **мижмара** مجمره хушбўй гиёҳлар тутатиладиган оташдон.

**мижмара** مجمره **мижмар** га қ.

**мизроб** مضراب нохун, медиатор.

**мийон** میان 1) ўрта; 2) бел.

**мийонбаста** میان بسته боғланган бел.

**мийонгир** میان گیر ўраб олувчи.

**мил I** میل 1) қалам, сурма; 2) найза учи; 3) кўр қилиш учун қиздирилган темир чўп, **~ тортмақ** кўр қилмоқ;

**мил II** میل узунлик ўлчов бирлиги.

**мийруқ** میروق тўғриси **майруқ**.

**милал** ملل **миллат** нинг кўплиги.

**милк** ملك **мулк** (ер, уй кабилар).

**миллат** ملت кўплиги **милал** 1) халқ; 2) бир динга мансуб кишилар жамоаси; 3) дин; **~ аҳли** мусулмонлар.

**мин:** من **наҳну ақраб илайҳи мин ҳабли-л-варид** биз унга (одамга) унинг бўйин томиридан яқинроқмиз («Қоф» сурасидан иқтибос).

**минвол** منوال қоида, йўсин, равиш.

**мино** مینا шиша ранг, зангори.

**минокор** میناکار шиша билан ишланган.

**минокорлиғ** میناکارلیغ шиша билан ишлаш, безаш.

**минтақа** منطقه ер юзининг бирор бир хусусияти билан ажралиб турадиган бўлаги, иқлим, кенглик; **~ хатти** минтақа (чегараларининг чизиғи).

**мину** مینو **мино** га қ.

**минусиришт** مینوسرشت кўк, зангори.

**минфах** منفخ босқон.

**минқор** منقار тумшуқ; **тайр ~ и** қуш тумшуғи.

**минқош** منقاش 1) мўйчинак, қош юлғич; 2) наққошнинг пичоғи.

**минҳож** منهاج 1) йўл (кўча); 2) йўл-йўриқ, режа.

**миод** میعاد муддат, муҳлат; **~ дин ўткармак** муҳлатдан ўтказмоқ, кечиктирмоқ.

**мирак** میرک она томонидан шаҳзода бўлғуси киши.

**мирзо** میرزا ота томонидан шаҳзода бўлғуси киши.

**мирохўр** میراخور отбоқарлар бошлиғи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

миръот مرآت кўплиги маройо кўзгу; ~ гетинамо оинайи жаҳон; ~ и роз сирларни кўрсатувчи кўзгу.

мирҳожлик میرحاجلیق бош ҳожилик.

мисбоҳ مصباح чироқ.

мисвок مسواك тиш чўтка; исбаъни ~ қилмак ҳайрон қолмоқ.

миск مسك мушк.

мискиййату-ш-шамойим مسكيةالشمايم мушк иси.

мискин مسكين кўплиги масокина бечора.

мисл مثل кўплиги амсил 1) ўхшаш, 2) каби.

мисмор مسمار 1) мих; 2) пона.

мисол مثال кўплиги амсила ўхшаш.

мисос مساس суркалиш, тегиниш.

мисоқ ميثاق 1) шартнома, келишув; 2) ваъда.

мисоҳат مساحت тўғриси масоҳат.

миср مصر кўплиги амсор 1) катта шаҳар; 2) мамлакат; 3) давлат номи.

мистар مسطر чизғич.

мисх مسخ кўплиги мусух кирган, айланган (мас., бирор ҳайвон суратига).

мифтоҳ مفتاح 1) калит, очқич, 2) Юсуф Саккокийнинг маъно илмига оид «Мифтоҳу-л-улум» китобининг қисқа номи.

михдўз میخدوز михланган; ~ айламак михламоқ.

мишкот مشكات токча, чироғпоя.

миқнаъ مقنع чачвон.

миқроз مقراض қайчи.

миғ میغ булут.

миҳан محن меҳнат нинг кўплиги.

миҳаффа محفه маҳофа, кажава.

миҳбара محبره сиёҳдон.

миҳна محنه меҳна га қ.

миҳод مهاد кўрпа-тўшак, ўрин.

мо ما сув; мойи маъин салқин сув.

мо арафнок ماعرفناك биз сени танимадик.

мода ماده урғочи.



модарзод مادرزاد туғма, туғилишдан.

модда ماده кўплиги мавод жисм.

модиҳ مادح мақтовчи, маддоҳ.

мозий ماضی ва мозийа ўтмиш.

мозийа ماضيه мозий га қ.

мо зоғ مازاغ алданмади; кўзи ~ топти кўзи алданмади («Нажм» сурасидан иқтибос).

моида مائده дастурхон.

мойа مايه 1) моҳият, асос, сабаб; 2) сармоя, пул.

мойадаст مايه دست қудратли.

мойасанж مايه سنج савдолашувчи.

мойасиз مايه سيز пулсиз.

мо кадар ماكدر лойқа, тиниқ эмас; аййуҳо-с-соқий лано даъ мо кадар хуз мосафо эй соқий бизга (майнинг) лойқасини эмас, тиниғини бер.

мокийон ماكيان товуқ.

мокис ماكس турувчи, туриб қолувчи; ~ бўлмақ туриб қолмоқ, тўхтамоқ.

мол مال кўплиги амвол бойлик, мулк.

молик مالك эга, соҳиб; ~ и жаббор золим подшоҳ, Оллоҳ.

молиш مالش сиқиш, ишқалаш, эзиш, ~ и ҳажр айрилиқ азоби.

моло مالا тўла, кўп.

мо ло йутоқ مالايطاق тоқат қилиб бўлмайдиган.

мо мазо مامضی ўтган нарса, ҳодиса.

монавий مانوی Моний га мансуб; коргоҳи ~ Моний устахонаси.

монанд مانند ўхшаш.

монандсиз ماننديسز мислсиз.

монийрақам مانی رقم Моний чизган нақш, суратдек.

мониъ مانع кўплиги мавониъ тўсиқ.

мор مار илон.

мо сабақ ماسبق илгари ўтган нарса.

мосафо ماصفا тиниқ; мокадар га қ.

мо сиво ماسوا бошқа, бўлак; мо сиво-л-лоҳ Оллоҳдан бошқа ҳеч нарса, Оллоҳнинг ўзигина.

www.ziyouz.com kutubxonasi

**мотамкада** ماتم کده мотом тутилган жой, мотамхона.

**мотамсаро** ماتم‌سرا мотамхона, азахона.

**мотаро** ماترى кўриб турганинг.

**мотағо** ماطغى олазарак бўлмади, адашмади, («Нажм» сурасидан иқтибос); **мо зоғ** га қ.

**мофи-з-замир** ما فى الضمير кўнгилдагини.

**мофиҳо** مافيها ундаги, унинг ичидаги; **дунёву мо фиҳо** дунё ва ундаги бор нарсалар.

**мофот** مافات ўтмиш, ўтиб кетган ишлар, ўтмиш ишлар.

**мо халақа-л-лоҳ** ما خلق الله Оллоҳ яратган нарсалар.

**мошаро** مـاشرا қон хуружи ва ҳарорат чиққан пайтида пайдо бўладиган яранинг тури, захм, қонли яра.

**мошийа** ماشيه кўплиги **мавоший** мол, ҳайвон.

**мошита** ماشطه келинни тараб, безовчи аёл.

**мошура** ماشوره 1) арқон тўқишда ишлатиладиган кичик най ёғочнинг номи; 2) ўт олдиришда ишлатиладиган най; 2) ичи кавак чўп, умуман ичи кавак нарса;

**моқабл** ماقبل аввалги, олдинги.

**моҳ** ماه ва **маҳ** مه ой (йилнинг бўлаги); **солу** ~ йилу ой; 2) Ой (сайёра); **хуршеду** ~ қуёш ва ой; ~ **и** Канъон Юсуф пайғамбар.

**моҳазар** ماحذر бор нарса, тайёр нарса.

**моҳи** ماهى балиқ.

**моҳийон** ماهيان **моҳи** нинг кўплиги.

**моҳпора** ماهپاره 1) ой мисол; 2) гўзал.

**моҳпайкар** ماهپيكر 1) ой сурат; 2) гўзал.

**моҳрух** ماهرخ ой юзли.

**моҳрухсор** ماهرخسار 1) ой юзли; 2) гўзал.

**моҳтоб** ماهتاب 1) ой нури; 2) ой.

**моҳур** ماهور куй, мақом, номи.

**муаббад** موءبد ҳамиша, абадий.

**муаббир** معبر тушни таъбир қилувчи, туш йўювчи.

**муадд** معد тайёрланган, тайёр; ~ **бўлмоқ** тайёр бўлмоқ.

**муаддаб** مؤدب одобли.

**муаддий** مؤدى тўловчи (мас., солиқ).



**муажжал I** مؤجل 1) кейинга сурилган, пайсалга солинган, секинлаштирилган; 2) насия; **маҳри** ~ насия қалин пули.

**муажжал II** معجل тезлаштирилган, шошилинган; шошилинч.

**муаззаз** معزز азиз, иззатли; ~ **бўлмақ** иззатли бўлмоқ.

**муаззам** معظم 1) катта, улуғ; 2) ҳурматли.

**муаззий** مؤذى азият етказувчи.

**муаккад** مؤكد 1) таъкидланган, тасдиқланган; 2) қайд қилинган, қайтарилган; ~ **ўлмақ** қайд қилинмоқ, қайтарилмоқ.

**муаккал** مؤكل тўғриси **муваккил.**

**муаллақ** معلق осилиб қолган; ~ **урмақ** ҳавода айланмоқ, осилиб айланмоқ.

**муалло** معلا юксак; баланд.

**муаммил** مؤمل умид қилувчи.

**муанбар** معنبر хушбўй, анбар ҳидли.

**муаннас** مونث аёллик жинсига тегишли (женский род).

**муарриф** معرف билдирувчи, танитувчи, таърифловчи; ~ **ўлмақ** билдирмоқ, танитмоқ.

**муаррих** مؤرخ тарихчи.

**муарро** معرى холи, озод; ~ **бўлмақ** холи бўлмоқ.

**муаскар** معسكر ўрда, лашкаргоҳ.

**муассир** مؤثر таъсирли; ~ **бўлмақ** таъсирланмоқ.

**муасфар** مؤصفر сариқ; **гули** ~ сариқ гул, заъфар гули.

**муаттал** معطل 1) кейинга қолган, кечиккан, чўзилган (вақтда); ~ **бўлмақ** чўзилмоқ. 2) бекор.

**муатталлиқ** معطلليق 1) кейинга қолишлик, кечикишлик, чўзилишлик (вақтда); 2) бекорчилик.

**мубаддал** مبدل ва **мубтадол** ўзгартирилган, алмаштирилган, айланган; бўлмақ ўзгармоқ, айланмоқ.

**мубаййан** مبين 1) баён қилинган, аён бўлган; 2) баён.

**мубарро** مبرى маҳрум; ҳайдалган, чиқариб юборилган; ~ **айламак маҳрум қилмоқ;** чиқариб юборилмоқ.

**мубаррот** مبرات хайрия; ~ **буқъалари хайрия ерлар.**

**мубарҳан** مبرهن далилланган, исботланган, ~ **қилмақ** далилламоқ, исботламоқ.

**мубассир** مبصر эътибор берувчи, диққат қилувчи.

**мубдиъ** مبدع 1) яратувчи; 2) тангри.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**мубкий** مبكى йиғлатувчи.

**мубойанат** مباينت фарқланиш, мутаносибликнинг йўқлиги.

**мубориз** مبارز жангчи.

**мубоҳ** مباح 1) жоиз, раво кўрилган; фиқҳда бирор амалнинг ҳалол ва ҳаромлигидаги тенглик.

**мубоҳаса** مباحثه баҳслашиш; ~ **қилмақ** баҳслашмоқ.

**мубоҳий** مباحى 1) фахрланувчи; 2) шарафли.

**мубоҳот** مباهات 1) мағрурлик; 2) ғурур, шараф; ~ **айламак** ғурурланмоқ; ~ **қилмақ** мақтанмоқ, мағрурланмоқ.

**мубоҳотгуна** مباهات گونه мақтаниш; ~ **қилмақ мақтанмоқ.**

**мубрам** مبرم хира, тихир; ~ **гадо** хира гадой.

**мубтадал** مبتدل мубаддал га қ.

**мубтадий** مبتدى 1)бошланғич; 2) янги бошловчи.

**мубтадиъ** مبتدع бидъатчи, қонун бузувчи.

**мубтаҳиж** مبتهج хурсанд бўлувчи, шод бўлувчи, ~ **бўлмақ** хурсанд бўлмоқ.

**мубҳам** مبهم 1) ноаниқ, мужмал; 2) яширин, сирли.

**мубҳамлиқ** مبهمليق ноаниқлик, сирлилик.

**муваддат** مودت тўғриси **маваддат.**

**муважжаҳ** موجه мақбул, эътиборга олса бўладиган; ~ **сўзламак** мурожаат қилмоқ (сўз билан).

**мувazzaф** موظف вазифага тайинланган; ~ **бўлмақ** тайинланмоқ (вазифага).

**мувazzаъ** موزع тақсимланган; ~ **қилмақ** тақсимламоқ.

**муваккил** موكل вакил.

**мувaллаҳ** موله саргашта, йўлдан озган, мажнун; ~ **чарх** саргашта чарх.

**мувасвас** موسوس васваса қилувчи; восвос.

**мувашшаҳ** موشح безалган.

**муваҳҳиш** موهش 1) ваҳшатли, ёввойи; 2) қўрқинчли, киши яшамайдиган жой.

**мувозабат** مواظبت эътибор бериш, қараб юриш; ~ **кўргазмак** эътиборли бўлмоқ.

**мувози** موازى баробар, тенг.

**муволот** موالات узлуксиз равишда кетма-кет бажариш.

**мувонасат** موانست дўстлик, яқинлик.



**мувосалат** مواصلت дийдор кўришиш.

**мувосо** مواسا ёрдам, мадад.

**мувофақат** موافقت мувофиқлик; ~ **қилмақ келишмоқ;** ~ **кўргузмак** келишмоқ.

**мудаввар** مدور доира шаклли, юмалоқ.

**мудаввин** مدون девон тузувчи.

**мудаққиқ** مدقق диққат билан текширувчи, тасдиқ қилувчи.

**мудбир** مدبر бахтсиз, бечора.

**муддаий** مدعى даъвогар.

**мудир** مدير айлантирувчи, юргизувчи.

**мудиқ** مدق диққатли; ~ **бўлмоқ** диққатли бўлмоқ.

**мудмин** مدمن берилиш, муккасидан кетиш.

**мудовамат** مداومت давом эттириш; ~ **қилмақ** давом эттирмоқ.

**мудово** مداوا даволаш, ~ **айламак** даволамоқ.

**мудом** مدام 1) ҳамиша; 2) шароб, май.

**мудоро** مدارا 1) мулойимлик; илтифот, ҳурмат; 2) тийиниш (ўзини) тутабилишлик; 3) дўстликнинг ташқи белгиларини кўрсатиш; юзаки дўстлик қилиш; ~ **айламак** тийинмоқ; ~ **бўлмоқ** дўстлик белгиларини билдирмоқ.

**мудоҳана** مداهنه мунофиқлик.

**мудрак** مدرك англанган, идрок қилинган.

**мудғам** مدغم 1) яширинган пинҳон бўлган (бирор нарса ичида); ассимиляция.

**мужа** مژه киприк.

**мужавваз** مجوز ижозат берилган, рухсат этилган.

**мужавваф** مجوف кавак, ичи бўш; ~ **гўй** ичи бўш коптоқ.

**мужаввид** مجود қироат илмининг олими.

**мужадвал** مجدول жадвалланган.

**мужалло** مجلا 1) жилоли, ярқираган; 2) сайқал берилган; ~ **қилмақ** ярқиратмоқ, жило бермоқ.

**мужаррад** مجرد 1) якка, ёлғиз; 2) бўйдоқ; 3) дунё лаззатларидан кечган, сўфий.

**мужгон** مژگان киприклар.

**мужда** مژده хушхабар.

**муждагоний** مژدگانى суюнчи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**мужиб** مجب сабаб, важҳ.
**мужид** مجد жаҳд қилувчи; тиришувчи; тиришқоқ.
**мужмал** مجمل қисқа, мухтасар; ~ битилмак қисқа ёзилмоқ.
**мужмалан** مجملا қисқача.
**мужовир** مجاور 1)қўшни; 2) авлиё мақбараси ёнида яшовчи; ~ **бўлмақ** қўшни бўлмоқ; авлиё мақбараси ёнида яшамоқ.
**мужодала** مجادله 1) олишиш, жанжаллашиш; ~ **қилмақ** олишмоқ, баҳслашмоқ; 2) мунозара.
**мужоласат** مجالست ҳамсуҳбат бўлиш, бирга ўтириш.
**мужоҳада** مجاهده кўплиги **мужоҳадот** тиришиш, ғайрат; ~ **қилмоқ** тиришмоқ, ғайрат қилмоқ.
**мужоҳадот** مجاهدات **мужоҳада** нинг кўплиги.
**мужоҳид** مجاهد 1) шаҳид, ғозий; 2) нафсни ўлдирувчи; ~ **бўлмақ** 1) шаҳид бўлмоқ; 2) нафсни тиймоқ.
**мужрим** مجرم айбли, жиноий; ~ **и содиқ** тўғри сўз жиноятчи.
**мужримвор** مجرموار айблиларча; **бўйни ~ осилмак** айбли бўйнига олмоқ, уялмоқ.
**мужтабо** مجتبی танланган, саралаб, олинган.
**мужтамиъ** مجتمع тўпланган, жам бўлган; ~ **бўлмақ** жам бўлмоқ.
**мужтаниб** مجتنب четланувчи, парҳез қилувчи; ~ **ўлмақ** четланмоқ, ўзини тиймоқ.
**мужтаҳид** مجتهد ҳаракат қилувчи, ғайратли.
**музаййад** مزيد илова қилинган.
**музаййан** مزين безалган, зийнатланган; ~ **бўлмақ** безалмоқ; ~ **қилмақ** безамоқ.
**музаййин** مزين безатувчи, зийнатловчи.
**музаккий** مزكى айбсиз, покиза.
**музаккир** مذكر эслатувчи; **мажлис ~ и** йиғин воизи.
**музахрафот** مزخرفات уйдирма гаплар.
**музаъфар** مزعفر заъфарон; сариғ.
**музаҳҳаб** مذهب олтин суви юргизилган.
**музд** مزد хизмат ҳақи, иш ҳақи.
**муздпарвар** مزدپرور иш ҳақи тўғри тўланишининг ҳомийси.
**муздур** مزدور батрак, мардикор, ёлланма ишчи; ~ **и шабон** ёлланма чўпон.



**муздурлуқ** مزدورلوق мардикорлик.
**музий** موذى азият берувчи, қийновчи.
**музийот** موذيات (кўплик): **уқтилу-л ~** азият берувчиларни ўлдиринглар.
**музир** مضر зарар етказувчи.
**музлима** مظلمه кўплиги **мазолим** 1) зулм қилиш, эзиш 2) шикоят.
**музмар** مضمر 1) яширин, беркинган, пинҳон бўлган; 2) дилда тутилган; ўйда тутилган.
**музмаҳил** مضمحل йўқ бўлган, кўздан ғойиб бўлган; ~ **бўлмақ** йўқ бўлмоқ.
**музоаф** مضاعف иккинчи марта; ~ **демак** иккинчи марта гапирмоқ
**музоб** مذاب 1) эритилган; 2) суюқ; **лаъли ~** шароб.
**музод** مزاد ким ошди савдоси.
**музоф** مضاف қўшилган, бириккан, тиркалган.
**музоҳим** مزاحم қийинчилик туғдирувчи, танглик яратувчи.
**музоҳир** مظاهر ёрдам қилувчи, қўлловчи.
**музтар** مضطر 1) мажбур қилинган; 2) сиқиштирилган, изтиробга солинган.
**музтариб** مضطرب изтиробланган, изтиробли, ~ **бўлмақ** изтироб чекмоқ.
**музҳик** مضحك 1) кулгили, қизиқ; 2) қизиқчи, кулдирувчи.
**музҳир** مظهر зоҳир қилувчи.
**мукавванот** (кўплик) مكونات мавжудот, махлуқот.
**мукаддар** مكدر 1) хира; 2) ранжиган; ~ **этмак** хира қилмоқ, ранжитмоқ.
**мукаййиф** مكيف кайф берувчи, маст қилувчи.
**мукаллал** مكلل 1) тожланган, тож кийгизилган; 2) безатилган, зийнатланган; ~ **қилмоқ** безамоқ.
**мукаррар** مكرر такрорланган, қайтарилган; ~ **бўлмақ** такрорланмоқ.
**мукаҳҳал** مكحل сурма сурилган, сурмали.
**мукнат** مكنت 1) имкон; 2) қобилият; куч, қудрат.
**мукобара** مكابره кибрланиш, кеккайиш.
**муколама** مكالمه гаплашиш, суҳбат; ~ **қилмақ** гаплашмоқ.
**мукотабат** مكاتبت хат ёзишиш.

12—2509



www.ziyouz.com kutubxonasi

**мукошиф** مکاشف кашф этувчи.
**мукрим** مکرم меҳрибон.
**муктасаб** مکتسب касб билан топилган маош.
**муктасиб** مکتسب ишлаб топувчи, тирикчилиги касб билан ўтувчи.
**мул** مل май, шароб.
**мулавван** ملون ранг-баранг; ~ **қилмақ** бўямоқ.
**мулаввас** ملوث ифлос, булғоқ, кир; ~ **айламак** ифлос қилмоқ, булғамоқ.
**муламмаъ** ملمع ола-була, ранг-баранг.
**мулаххас** ملخص 1) чиқариб олинган (қисқа мазмун учун), қисқа баён; 2) қисқа, ихчам.
**мулк** ملك кўплиги **амлок** мол, бойлик.
**мулкат** ملكت давлат, мамлакат.
**мулкиййат** ملكيت хусусий мулк.
**мулкорой** ملك آرای давлатга оро берувчи.
**мулкпаноҳ** ملكپناه подшоҳ.
**мулоиб** ملاعب **мулоъиб** га қ.
**мулойамат** ملايمت мулойимлик, юмшоқлик.
**мулойаматомиз** ملايمت آميز мулойимлик.
**мулосиқ** ملاصق бириктирилган, қўшилган, киргизилган; ~ **айламак** киргизмоқ.
**мулоъиб ва мулоиб** ملاعب 1) ўйинчи; 2) қизиқчи.
**мулоқий** ملاقى учратувчи; ~ **бўлмақ** учрашмоқ.
**мулоҳиз** ملاحظ мулоҳаза қилувчи, ўйлаб иш кўрувчи; ~ **бўлмақ** фикр қилмоқ, ўйламоқ.
**мулсақ** ملصق ёпишган, қўшилган.
**мултаз** ملتذ лаззатланган.
**мултамас** ملتمس илтимос қилинган, сўралган; ~ **қилмақ** илтимос қилмоқ.
**мултафит** ملتفت илтифот қилувчи; ~ **бўлмақ** илтифот қилмоқ.
**мулукона** ملوكانه шоҳларча, шоҳона.
**мулҳам** ملهم илҳомланган; ~ **и ғайб** тангридан келган илҳом; ~ **айламак** илҳомлантирмоқ.
**мулҳақ** ملحق қўшилган, боғланган; ~ **айламак** қўшмоқ, боғламоқ; ~ **бўлмоқ** қўшилмоқ, боғланмоқ.



**мумаййиз** مميز 1) оқу қоранинг фарқига етувчи; 2) оқил.
**мумид** ممد ёрдамчи, мададкор.
**мумил** ممل зерикарли, толиқтирувчи.
**мумкинот** (кўплик) ممكنات мумкинликлар.
**мумос** مماس туташган, ёпишган.
**мумтад** ممتد чўзилувчи; давомли, чўзилган.
**мумталий** ممتلى тўла; ~ **бўлмақ** тўлмоқ.
**мумтаниъ** ممتنع 1) ман қилинган; тақиқланган; 2) иложи йўқ; ~ **бўлмақ** тийилмоқ; иложсиз бўлмоқ; ~ **қилмақ** ман қилмоқ.
**мумтаҳан** ممتحن имтиҳон қилинган, синалган.
**мумтоз** ممتاز танланган, сараланган; ~ **бўлмақ** юқори қўйилмоқ; ~ **этмак** ажратмоқ.
**мунаввим** منوم ухлатувчи.
**муназзаҳ** منزه тоза, соф, ҳеч нарса аралашмаган; ~ **бўлмақ** тозаланмоқ.
**мунаққаш** منقش нақшланган, нақшли.
**мунаққаҳ** منقح 1) тозаланган; 2) тўғриланган.
**мунбасит** منبسط 1) очиқ; 2) хурсанд, шод; ~ **бўлмақ** шодланмоқ.
**мунг** مونك қайғу, алам.
**мунгалмақ** مونكالماق ғамгин бўлмоқ.
**мунгланмақ** مونكلانماق қайғуланмоқ.
**мунглашмак** مونكلاشماك ҳасратлашмоқ.
**мунглуғ** مونكلوغ қайғули, ғамли.
**мунграймак** مونكرايماك қайғуга ботмоқ.
**мунграшмак** مونكراشماك мунгли йиғламоқ.
**мунгуз** مونكوز шох, мугуз.
**мунда** مونده бунда; бу ерда.
**мундариж** مندرج дарж қилинган, киритилган.
**мундафиъ** مندفع қайтарилган, дафъ қилинган; ~ **қилмақ** қайтармоқ, дафъ қилмоқ.
**мунжамид** منجمد қотган, музлаган.
**мунжар** منجر бориб етган, тақалган; ~ **бўлмақ** бориб етмоқ, тақалмоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**мунзавий** منزوی хилват топган (дунё ишларидан); ~ **бўлмақ** 1) хилват топмоқ; 2) ибодат қилмоқ.

**мунзал** منزل осмоний, осмондан тушган.

**мункасиф** منکشف тутилган (қуёш, ой); ~ **бўлмақ** тутилмоқ (қуёш, ой).

**мункир** منکر инкор қилувчи, рад этувчи; ~ **бўлмақ**, ~ **ўлмақ** инкор қилмоқ, рад этмоқ.

**мунодий** منادی жарчи; ~ **қилмақ** жар солмоқ, чақирмоқ.

**муножот** مناجات ёлбориш, ~ **айламак**, ~ **қилмақ** ёлбормоқ.

**мунозаат** منازعت жанжал, низо.

**муносафа** مناصفه тенг иккига бўлиш.

**мунофий** منافی йўқ қилгучи.

**мунофиқшева** منافقشیوه иккиюзламаликни одат қилган.

**муноқаша** مناقشه олишув, жанжал; ~ **қилмақ** жанжаллашмоқ, олишмоқ.

**мунсариф** منصرف ўзгариш, йўналиш, кўчиш; ~ **бўлмақ** йўналмоқ; ўзгармоқ.

**мунсиз** مونسیز бусиз.

**мунсиф** منصف инсофли.

**мунсифлиг** منصفلیغ инсофлилик.

**мунтабиқ** منطبق мувофиқ, лойиқ, мос.

**мунтасиб** منتسب тегишли, мансуб; алоқадор; ~ **бўлмақ** мансуб бўлмоқ, тегишли бўлмоқ.

**мунтафий** منطفی сўнган, ўчган; ~ **бўлмақ** сўнмоқ, ўчмоқ.

**мунтафиъ** منتفع фойдаланувчи, баҳраманд; ~ **бўлмақ** фойдаланмоқ, баҳраманд бўлмоқ.

**мунтахаб** منتخب танланган, сараланган; ~ **айламак**, ~ **қилмақ** танламоқ.

**мунташир** منتشر ёйилган, таралган; ~ **бўлмақ** ёйилмоқ; маълум бўлмоқ; ~ **қилмақ** ёймоқ.

**мунтақил** منتقل ўтувчи, кўчувчи; ~ **бўлмақ**, ~ **ўлмақ** 1) ўтмоқ, кўчмоқ; 2) ўлмоқ.

**мунтақимлиқ** منتقملیق қасоскорлик, ўч олишлик.

**мунтаҳо** منتها 1) тугатилган, охирига етказилган; 2) охир, сўнг, интиҳо.

**мунтиж** منتج натижа берувчи, натижали.

**мунфаил** منفعل уялган, хижолат бўлган; ~ **бўлмақ** уялмоқ; ~ **қилмақ** уялтирмоқ, хижолат қилмоқ.



**мунфак** منفك ажратилган, бўлак-бўлак қилинган, ~ **этмак** ажратмоқ, бўлак-бўлак қилмоқ.

**мунфарид** منفرد 1) ёлғиз; 2) бўйдоқ.

**мунхасиф** منخسف тутилган (ой), тўсилган.

**муншаъ** منشاء ёзилган, битилган.

**мунший** منشی 1) хат тузувчи, иншо қилувчи; 2) котиб.

**муншо** منشا тўғриси **муншаъ**.

**мунъатиф** منعطف қайрилган, бурилган; ~ **қилмақ** бурмоқ, қайирмоқ.

**мунъақид** منعقد (аҳду паймон билан) боғланган.

**мунъим** منعم 1) хайр-эҳсон қилувчи, сахий.

**мунқалиб** منقلب агдарилган, тўнкарилган, йиқитилган; райи, фикри ўзгарувчи.

**мунқалибваш** منقلبوش ўзгаргандек.

**мунқасам** منقسم бўлинган.

**мунқасим** منقسم бўлувчи, қисмларга ажратувчи; ~ **қилмақ** бўлмоқ.

**мунқатиъ** منقطع узилган, ажралган, кесилган; ~ **бўлмақ** узилмоқ; ~ **қилмақ** узмоқ, кесмоқ.

**мунқод** منقاد итоат қилувчи, бўйсунувчи; ~ **қилмақ** бўйсундирмоқ.

**мунҳадам** منهدم бузилган, вайрон бўлган; ~ **бўлмақ** бузилмоқ.

**мунҳазам** منهزم қочган; ~ **қилмақ**, ~ **этмак** **қочирмоқ** (душманни).

**мунҳаний** منحنی эгри, қийшиқ.

**мунҳариф** منحرف 1) ўзгарувчи; 2) адашган; ~ **бўлмақ** адашмоқ.

**мунҳасир** منحصر боғланган; мансуб, қўшиб олинган; ~ **айламақ** қўшиб олмоқ.

**мунҳат** منحط тубанлаштирилган, пасайтирилган; ~ **айламак** тубанлаштирмоқ; паст қилмоқ.

**мунҳий** منهی даракчи, хабар берувчи; ~ **йи роз** сир очувчи.

**муовадат** معاودت қайтиш; ~ **қилмақ** қайтиб келмоқ.

**муовин** معاون ёрдамчи, мададкор.

**муолажа** معالجه даволаниш, илож қилиш; ~ **қилмақ** даволамоқ.

**муолиж** معالج даволовчи, илож қилувчи.

**муомала** معامله кўплиги **муомалот** ўзаро муносабат.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**муомалапардоз** معامله پرداز муомалани келиштириш; ~ **қилмақ** яхши муомала қилмақ.
**муомалот** معاملات **муомала** нинг кўплиги.
**муораза** معارضه ўзаро қаршилик кўрсатиш.
**муосий** معاصى исёнчи, гуноҳкор.
**муосир** معاصر асрдош, замондош; ~ **бўлмақ** замондош бўлмоқ.
**муотаб** معاتب таънага қолган.
**муохаза** مواخذه жазо.
**муошир** معاشر 1) ҳамдам, ҳамсуҳбат; 2) дўст.
**мураббаъ** مربع тўртлашган; ~ **ўлтирмак** чордана қуриб ўтирмоқ.
**мураввақ** مروق сизилган, тиниқ.
**мураввах** مروح жонбахш.
**муразо** مرضا тўғриси **марзо**.
**мураккаб** مركب таркиб топган, тузилган; ~ **айламак,** ~ **қилмақ** бириктирмоқ, қўшмоқ.
**мурассаъ** مرصع безалган (қимматбаҳо тошлар билан); ~ **этмак,** ~ **қилмақ** безамоқ (қимматбаҳо тошлар билан).
**мурассаъпўш** مرصع پوش қимматбаҳо кийим кийган.
**мураттаб** مرتب тартибга солинган.
**мураффаъ** مرفع тинч, осуда, осойишта.
**мураққаъ** مرقع 1) ямоқли; 2) дарвешларнинг кийими, жанда.
**мураққаъпўш** مرقع پوش жанда кийган.
**мурағғиб** مرغب рағбатлантирувчи.
**мурдадиллиқ** مرده دلليق 1) жонсизлик; 2) ҳиссизлик, бетаъсирлик.
**мурдор** مردار ўлимтик.
**мурдорлиқ** مرداليق ўлимтиклик.
**муржиъ** مرجع сақлаб қўйилган, кейинга қолдирилган.
**мурид** مريد истаганини қила олувчи.
**муриқ** مرق завқли, мароқли.
**мурод** مراد кўплиги **муродот** ният, мақсад.
**муродот** مرادات **мурод** нинг кўплиги.
**мурожаат** مراجعت қайтиш, қайтиб келиш.
**муроот** مراعات диққат, эътибор, ҳурмат.



**муросо** مراسا келишиш, муроса қилиш.
**мурофаа** مرافعه даъволашиш; ~ **йи шаръий** шаръий даъво.
**муроқаба** مراقبه 1) кузатиш; 2) мушоҳада қилиш.
**муроқиб** مراقب кузатувчи; ~ **ўлтирмақ** кузатмоқ.
**мурсал** مرسل кўплиги **мурсалин** 1) юборилган; 2) пайғамбар; ~ эрмак юборилмоқ.
**мурсалин** مرسلين **мурсал** нинг кўплиги 2) ...
**мурсаъ** مرصع тўғриси **мурассаъ.**
**муртад** مرتد диндан қайтган.
**муртакиб** مرتكب 1) киришган, бўйнига олган, зиммасига олган; 2) гуноҳкор.
**муртафиъ** مرتفع 1) баланд, юксак; 2) кўтарилган, йўқ қилинган, четлатилган; ~ **бўлмақ** юксалмоқ; кўтарилмоқ; ~ **кўрмак** йўқ деб билмоқ.
**муртоз** مرتاض риёзат, чекувчи, сўфий, дарвеш, қаландар.
**мурур** مرور ўтиш, кечиш; ~ **айламак** ўтмоқ; ~ **ўлмақ** юрмоқ.
**муршид** مرشد муридларнинг маънавий раҳбари; 2) пир.
**муршидий** مرشدى пир.
**мург** مرغ қуш; товуқ.
**мурғобий** مرغابى ўрдак.
**мусаббаб** مسبب сабабли.
**мусаббат** مثبت **мусбат** га қ.
**мусаввада** مسوده китоб ёки ёзилган бирор нарсанинг қоралама нусхаси.
**мусаввар** مصور тасвирланган, гавдаланган; ~ **этмак** ёзмоқ, тасвирламоқ.
**мусаввир** مصور сурат чизувчи, рассом.
**мусаддас** مسدس 1) олти қиррали; 2) шеър тури.
**мусаддир** مصدر бош қилиб тайинланган; **ҳофиздин** ~ **га** ҳофизларнинг бошлиғига.
**мусаддиъ** مصدع безовта қилувчи.
**мусажжал** مسجل рўйхатга олинган; ~ **бўлмақ** рўйхатга олинмоқ.
**Мусайлама** مسيلمه пайғамбарлик даъвосини қилган бир арабнинг номи; ~ **йи каззоб** ёлғончи Мусайлама.
**мусайқал** مصيقل сайқаллаkган, жилоланган; ~ **айламак** сайқалламоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**мусаллам** مسلم таслим бўлган, бўйсунган; ~ **тутмақ** бўйсундирмоқ.
**мусалламлик** مسلمليق бўйсунишлик.
**мусаллат** مسلط 1) ҳукмронликни бериш; 2) гиж-гижлаш, қарши қўйиш; ~ **қилмақ** бош қилиб қўймоқ, қарши қўймоқ.
**мусаллий** مصلى намоз ўқувчи, намозхон; ~ **бўлмақ** намоз ўқимоқ.
**мусалло** مصلى жой намоз.
**мусалсал** مسلسل ҳалқа-ҳалқа ўралган (арқон), занжир мисол ўрилган соч; ~ **турра** занжир қилиб ўрилган соч; ~ **айтилмак** бирин-кетин, кетма-кет гапирмоқ, боғлаб гапирмоқ.
**мусаммам** مصمم қарор қилинган; ~ **бўлмақ** қарорга келмоқ.
**мусамман** مسمن қимматбаҳо.
**мусаннаф** مصنف кўплиги **мусаннафот** 1) таълиф қилинган; 2) асар.
**мусаннафот** مصنفات **мусаннаф** нинг кўплиги.
**мусаттаҳ** مسطح текис.
**мусаххар** مسخر бўйсундирилган, қарам қилинган; ~ **бўлмақ** бўйсунмоқ; қилмақ қарам қилмоқ.
**мусаххин** مسخن иситувчи (кўнгилни); ҳарорат берувчи.
**мусбат** مثبت ва **мусаббат** исботланган.
**мусибат** مصيبت кўплиги **масойиб** бахтсизлик; ~ **тутмақ** аза чекмак.
**мусин** مسن кекса.
**мусир** مسير йўл.
**мусиқа** مسيقه куй.
**мусиқор** مسيقار бастакор, композитор.
**мускир** مسكر маст қилувчи.
**муслиҳ** مصلح тўғриловчи, ислоҳ қилувчи.
**мусовий** مساوى тенг, баробар.
**мусодақат** مصادقت самимийлик, содиқлик.
**мусоид** مساعد ёрдам берувчи, мадаткор.
**мусолаҳа** مصالحه сулҳ тузиш.
**мусофарат** مسافرت саёҳат, сафар қилиш.
**мусоҳабат** مصاحبت ҳамсуҳбат бўлиш.



**мусоҳиб** مصاحب суҳбатдош, улфат.
**мусриф** مصرف сарф қилувчи; исрофчи.
**муставжиб** مستوجب 1) лойиқ; 2) жавобгар; ~ **бўлмақ** жавобгар бўлмоқ.
**муставли** مستولى эгаллаган; ~ **бўлмақ** эгалламоқ; ~ **қилмақ** эга қилмоқ.
**мустадир** مستدير доира шаклли, думалоқ, мудаввар.
**мустадом** مستدام давомли, доимий.
**мустажоб** مستجاب қабул бўлиш; ~ **уд-даъва** дуоси мақбул.
**мустазҳар** مستظهر қўлланган, қўллаб-қувватланган.
**мустакраҳ** مستكره ёқимсиз.
**мустаманд** مستمند 1) ғамгин, аламли; 2) бечора; ~ **ўлмақ** ғамгин бўлмоқ; ~ қилмақ гирифтор қилмоқ.
**мустамиъ** مستمع тингловчи, қулоқ берувчи; ~ **бўлмақ**, ~ **ўлмақ** тингламоқ.
**мустамиълик** مستمعليق қулоқ солишлик.
**мустанид** مستند суянувчи, таянувчи.
**мустанкар** مستنكر 1) инкор қилинган, рад қилинган; 2) ёқимсиз.
**мустароҳ** مستراح 1) ҳожатхона; 2) оромгоҳ.
**мустасқий** مستسقى 1) қондириб бўлмайдиган ташналик; 2) касаллик номи.
**мустатил** مستطيل узун, чўзилган.
**мустатоб** مستطاب яхши, ёқимли.
**мустафид** مستفيد фойда олувчи; ~ **бўлмақ** фойдаланмоқ.
**мустафо** مصطفى сайланган (Муҳаммад пайғамбарнинг сифати).
**мустахлас** مستخلص озод бўлган, қутилган; ~ **қилмақ** озод қилмоқ.
**мустахраж** مستخرج олинган, чиқарилган; ~ **бўлмақ** чиқарилмоқ.
**мусташор** مستشار маслаҳатчи.
**масташҳад** مستشهد исбот учун шоҳид келтириш.
**мустаъжил** مستعجل шошувчи.
**мустаъжир** مستاءجر ижарага олувчи.
**мустаъид** مستعد ҳозирланган, тайёр; ~ **қилмақ** тикламоқ.
**мустаъсал** مستاءصل илдизи билан қўпорилган; ~ **қилмақ** илдизи билан қўпормоқ.
**мустақий** مستقى сувчи, сув чиқарувчи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**мустақим** مستقيم тўғри; ~ **бўлмақ** тўғри бўлмоқ.

**мустағал** مستغل ғалла экиладиган дала.

**мустағний** مستغنى 1) муҳтож эмас, бой; 2) чиқарилган; ~ **этмак** чиқармоқ.

**мустағрақ** مستغرق ғарқ бўлган, чўмган; ~ **бўлмақ** ғарқ бўлмоқ.

**мустаҳаб** مستحب кўплиги **мустаҳаббат** 1) севилган, ёқтирилган; 2) шаръий, Муҳаммад пайғамбар баъзан қилиб, баъзан қилмаган ёки азиз авлиёлар севиб қилиб юрган амал.

**мустаҳаббот** مستحبات **мустаҳаб** нинг кўплиги.

**мустаҳиқ** مستحق 1) лойиқ, ҳақли; 2) муҳтож.

**мустаҳлак** مستهلك 1) тўланган (қарз); 2) ҳалок қилинган, вайрон қилинган.

**мустаҳсан** مستحسن маъқулланган, мақтовга сазовор; ~ **тушмак** маъқул бўлмоқ.

**мусух** مسوخ **мисх** нинг кўплиги.

**мусқил** مصقل сайқал берилган; ~ **урмақ** сайқал бермоқ.

**мусҳаф** مصحف Қуръон.

**мусҳафнавис** مصحف نويس китоб кўчирувчи, котиб.

**мусҳил** مسهل сурги.

**мутааддид** متعدد кўп сонли, бир қанча; ~ **бўлмақ** кўп бўлмоқ.

**мутаажжиб** متعجب ажабланувчи; ~ **бўлмақ** ажабланмоқ.

**мутааззир** متعذر қийин, мушкул.

**мутааййин** متعين тайин, муқаррар; ~ **қилмақ** тайин қилмоқ.

**мутааллақ** متعلق тааллуқли; ~ **бўлмақ** тааллуқли бўлмоқ.

**мутаалло** متعلى юксак; ~ **бўлмақ** кўтарилмоқ.

**мутааммил** متأمل тааммул қилувчи, фикр юритувчи; ~ **эрмак** фикр юритмоқ.

**мутаанний** متأنى эҳтиёткор, шошмайдиган.

**мутаарриз** متعرض эътироз билдирувчи, қарши турувчи.

**мутаассир I** متعسر қийин, мушкул; ~ **бўлмақ** қийналмоқ.

**мутаассир II** متأثر қайғули, ғамгин.

**мутаассиф** متأسف афсусланувчи; ~ **қилмақ** афсусланмоқ.

**мутааххир** متأخر 1) кейинги, кейин келган; 2) янги, замонавий; ~ **машойих** ҳозирги шайхлар.



**мутааҳҳид** متعهد ваъда берган, бўйнига олган; ~ **бўлмақ** ваъда бермоқ.

**мутааҳҳил** متأهل оилали.

**мутабаррак** متبرك табаррук.

**мутабассим** متبسم табассум қилувчи.

**мутабаҳҳир** متبحر аллома.

**мутаббақ** مطبق 1) табақали; 2) чўнгланган; 3) ипак матонинг бир тури.

**мутабоид** متباعد узоқлашувчи; **бўлмақ** узоқлашмоқ.

**мутаваллид** متولد туғилган; ~ **бўлмақ** туғилмоқ.

**мутаварриъ** متورع художўй.

**мутаваттин** متوطن ватан қилган, жойлашган.

**мутаваффо** متوفى вафот этган.

**мутаваҳҳим** متوهم тахмин қилувчи; қўрқувчи; ~ **бўлмақ** тахмин қилмоқ; қўрқмоқ.

**мутаввал** مطول узун, чўзиқ; ~ **қилмақ** узайтирмоқ.

**мутавалли** متولى масжид ва мадраса вақф мулкини идора қилувчи руҳоний.

**мутавозиъ** متواضع камтар.

**мутаволий** متوالى давоматли, давом этувчи.

**мутавори** متوارى яширинувчи, яширин.

**мутавотир** متواتر кетма-кет, узлуксиз.

**мутадаййин** متدين диндор, художўй.

**мутадовила** متداوله кўплиги **мутадовилот** оддий.

**мутадовилот** متداولات **мутадовила** нинг кўплиги.

**мутажаллий** متجلى 1) ярқираб турувчи, жилоли; 2) очиқ, кўриниб турган.

**мутажовиз** متجاوز ҳаддан ортиқ.

**мутажойиз** متجايز тўғриси **мутажовиз**.

**мутазалзил** متزلزل титровчи, тебранувчи.

**мутазаммин** متضمن ўз ичига киритувчи; кафил бўлувчи.

**мутазаррир** متضرر зарар кўрган.

**мутазойид** متزايد ортиб борувчи, кўпаювчи.

**мутакаббир** متكبر мағрур, кибрли.

**мутакаллим** متكلم сўзловчи, гапирувчи; ~ **тутмақ** сўзламоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

**мутакаллиф** متکلف (бирор ишни) зиммасига, бўйнига олган.

**мутакаффил** متکفل кафил бўлган.

**мутакосир** متکاثر кўпайган.

**муталаввин** متلون ранг-баранг, ола-була.

**муталаъли** متلاءلی ялтироқ.

**мутолло** مطلی елтиш юргизилган.

**муталоло** متلاءلی тўғриси **муталаъли**.

**муталотим** متلاطم тўлқинили.

**мутамаййиз** متمیز имтиёзли; ~ **қилмақ** ажратмоқ, имтиёзли қилмоқ.

**мутамаккин** متمکن 1) қудратли; 2) яшовчи; ~ **бўлмақ** жой қилмоқ, яшамоқ.

**мутамассил** متمثل бировнинг суратига кирувчи.

**мутоматтиъ** متمتع лаззат олувчи; баҳра олувчи.

**мутанаббиҳ** متنبه 1) уйғонаётган, ~ **бўлмақ** уйғанмоқ; 2) бедор; 3) ҳушёр.

**мутанаввиъ** متنوع турли, ҳар хил.

**мутанаффир** متنفر нафратланувчи.

**мутаоқиб** متعاقب кетма-кет келувчи.

**мутараддид** متردد тараддуд қилувчи, иккиланувчи; ~ **қилмақ** тараддудланмоқ, иккиланмоқ.

**мутараннин** مترنم куйловчи, тараннум қилувчи.

**мутарраз** مطرز каштали, безакли.

**мутарро** مطرا 1) очиқган, паришон бўлган, ~ **айламак** паришон қилмоқ; 2) соф тозаланган (ҳаво).

**мутасаввир** متصور тасаввур қилинган, кўз олдига келтирилган.

**мутасарриф** متصرف эга бўлувчи, эгалловчи.

**мутафарриъ** متفرع 1) тармоқлангач, бўлинган; 2) келиб чиққан; ~ **бўлмақ** келиб чиқмоқ.

**мутафарриқ** متفرق тарқалган, сочилган.

**мутафаҳҳис** متفحص ўрганувчи, текширувчи.

**мутафовит** متفاوت 1) фарқ қилувчи, фарқли; ажралиб турувчи.

**мутахаййила** متخیله хаёл кучи зўр.

**муташаккил** متشکل тузилган, ташкил қилинган.

**муташарриъ** متشرع шариатга амал қилувчи.



**мутақаддим** متقدم кўплиги **мутақаддимин** илгариги, илгари ўтган; ~ **машойих** илгари ўтган шайхлар.

**мутақаддимин** متقدمین бирлиги **мутақаддим** ўтганлар, илгари ўтганлар.

**мутақозий** متقاضی қаттиқ туриб талаб қилувчи.

**мутақоъид** متقاعد бўшатилган (ишдан); ~ **бўлмақ** бўшатилмоқ (ишдан).

**мутағаййир** متغیر 1) ўзгарувчи; ўзгарган; 2) ғазаблангувчи, ғазабли; ~ **бўлмақ** ғазабланмоқ.

**мутағаллиба** متغلبه зўравон.

**мутаҳаййир** متحیر ҳайратда қолган.

**мутаҳаммил** متحمل бардош берувчи; ~ **бўлмақ** чидамоқ.

**мутаҳаррик** متحرك ҳаракат қилувчи, ҳаракатли (зер-забарли).

**мутаҳаттик** متحتك ҳаёсиз, уятсиз; ~ **бўлмақ** шарманда бўлмоқ.

**мутаҳҳар** مطهر тоза.

**мутир** مطیر ёмғирли; абри мутир ёмғирли булут.

**мутиъ** متیع итоат қилувчи.

**мутобиқ** مطابق мувофиқ; ўхшаш, мос.

**мутойиба** متایبه ҳазил.

**мутойиб** متایب ҳазил қилувчи.

**муттако** متکا суянадиган нарса; ўриндиқ.

**мутталиъ** مطلع хабар топган; ~ **бўлмақ** хабар топмоқ, хабардор бўлмоқ.

**муттасиф** متصف васфланган, мақталган.

**муттафақ** متفق муфовиқ, ўхшаш.

**муттафиқ** متفق бирлаштирувчи, мувофиқлаштирувчи; ~ **бўлмақ,** келишмоқ.

**муттақий** متقی художўй.

**муттаҳам** متهم туҳматга қолган; ~ **қилмақ** туҳмат қилмоқ.

**муттаҳид** متحد бирлашган, уюшган.

**муфаввaз** مفوض ишониб топширилган.

**муфаррид** مفرد ажралган, дунё ишларидан четлашган.

**муфарриҳ** مفرح хурсанд қилувчи, шодлантирувчи.

**муфассир** مفسر шарҳловчи, тафсирловчи.

**муфаттиҳ** مفتح 1) очувчи; ~ **у-л-абвоб** эшикларни очувчи; 2) забт қилувчи, фотиҳ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**муфид** مفيد фойдали; ~ **тушмак** фойдали бўлмоқ.
**муфиз** مفيض тўлиб тошган.
**муфлис** مفلس камбағал, фақир, ночор.
**муфлислиқ** مفلسليق қашшоқлик, ночорлик.
**муфорақат** مفارقت айрилиш; ~ **қилмақ** айрилмоқ.
**муфохарат** مفاخرت гердайиш, манманлик, фахрланиш; ~ **қилмақ** гердаймоқ, фахрланмоқ.
**муфрад** مفرد ёлғиз, якка.
**муфрит** مفرط ҳаддан ортиқ.
**муфсид** مفسيد фасодчи, бузуқи.
**муфт** مفت текин.
**муфтахир** مفتخر мағрур, ғурурли.
**мух** مخ мия.
**мухаллад** مخلد абадий.
**муханнас** مخنث хотинчалиш, хунаса.
**мухаффаф** مخفف 1) кичрайтирилган; 2) қисқа.
**мухбир** مخبر хабар берувчи.
**мухил** مخل халал берувчи.
**мухолифгузор** مخالف گذار тескари кўрсатувчи.
**мухолифпеша** مخالف پيشه тескариликни одат қилган.
**мухосамат** مخاصمت душманлик, хусумат.
**мухотаб** مخاطب хитоб қаратилган киши; ~ **қилмақ** чақирмоқ.
**мухотара** مخاطره хатар.
**мухталит** مختلط аралашган, омухта.
**мухталиф** مختلف хилма-хил, турли.
**мухтараъ** مخترع ихтиро қилинган, ўйлаб топилган; ~ **келмак** ихтиро қилмоқ.
**мухтариъ** مخترع ихтиро қилувчи.
**мухтий** مخطى хато қилган, гуноҳ қилган.
**мухтор** مختار сайланган; ишонарли.
**мучак** موچك ўпич, бўса.
**мучина** موچينه тук юладиган асбоб, қайчи.
**мушаббаҳ** مشبه ўхшатилган, қиёсланган.



**мушавваш** مشوش ташвишли.
**мушаввашлиғ** مشوش ليغ ташвишланганлик.
**мушаввиш** مشوش ташвишлантирувчи.
**мушаддад** مشدد 1) кучли, шиддатли; 2) ташдид белгиси қўйилган, ташдидли.
**мушаккал** مشكل 1) хилма-хил; 2) безакли; ~ **айламак** безамоқ.
**мушаммаъ** مشمع парда.
**мушаъбид** مشعبد найрангбоз, кўзбўямачи.
**мушикоф** مشكاف билармон, тажрибали.
**мушир** مشير маслаҳатчи.
**мушк** مشك хушбўй модда; ~ **и тотор** тоза мушк.
**мушкафшон** مشك افشان мушк ҳиди таратувчи.
**мушкбез** مشكبيز ва **мушкбор** مشكبار мушк исини таратувчи.
**мушкбид** مشكبيد мушк исли тол.
**мушкбор** مشك بار **мушкбез** га қ.
**мушкбў** مشكبو ва мушкбўй مشكبوى мушк ҳидли.
**мушкбўй** مشكبوى **мушкбў** га қ.
**мушкин** مشكين хушбўй; ~ **насим** ёқимли шамол; ~ **ҳилол** қора қош.
**мушкинбў** مشكين بو хушбўй.
**мушкомез** مشك آميز мушкмисол
**мушкрез** مشكريز хушбўй ис таратувчи.
**мушкосо** مشك آسا мушкдек.
**мушксо** مشك سا мушкдек.
**мушкфом** مشكفام 1) мушк рангли; 2) қора.
**мушобаҳат** مشابهت ўхшашлик.
**мушобиҳ** مشابه ўхшаш; ~ **ўлмақ** ўхшамоқ.
**мушоракат** مشاركت шериклик.
**мушорик** مشارك шерик.
**мушоҳада** مشاهده гувоҳ бўлиш, ўз кўзи билан кўриш; ~ **қилмақ** ўз кўзи билан кўрмоқ.
**мушоҳид** مشاهد кузатувчи, кўриб турувчи; гувоҳ; ~ **бўлмақ** кўриб турмоқ, гувоҳ бўлмоқ.
**мушриф** مشرف молия ишларини назорат қилувчи амалдор.



www.ziyouz.com kutubxonasi

мущтамил مشتمل ташкил топувчи, ўз ичига олувчи.
муштарак مشترك умумий.
муштаъил مشتعل шуълали; ~ **бўлмақ**, ~ **ўлмақ** ёнмоқ.
муштарий مشتری 1) сотиб олувчи, харидор; 2) Юпитер.
муштақ مشتق яралган, пайдо бўлган; ~ **ўлмақ** яралмоқ.
муштағил مشتغل шуғулланувчи; машғул.
муштаҳий مشتهی иштаҳали.
мушфиқ مشفق шафқатли.
мушъир مشعر хабар берувчи (хат орқали).
муъжиб معجب ажабланарли, ғалати.
муъжиз معجز ҳайратда қолдирувчи.
муъжизанамой معجزه نمای мўъжиза кўрсатувчи.
муъжизапардоз معجزه پرداز мўъжиза кўрсатувчи.
муъжизатироз معجزه طراز безалган.
муъжизанизом معجز نظام мўъжиза яратувчи.
муъман биҳи ماءمن به иймон келтириладиган нарса.
муътакиф معتكف уйдан чиқмай ўтириш.
муътамад معتمد ишончли; ~ **бўлмақ** ишончли бўлмақ.
муътаман معتمن ишончли.
муътариз معترض эътироз қилувчи.
муътариф معترف эътироф қилувчи; ~ **бўлмақ** эътироф қилмоқ.
муътақид معتقد эътиқод қилувчи, қаттиқ ишонувчи; ~ **бўлмақ** ишонмоқ, эътиқод илмоқ.
муътий معطی ато қилувчи, берувчи.
муътод معتاد 1) кўниккан, одатланган; 2) одатдаги; ~ **бўлмақ** одатланмоқ, кўникмоқ; ~ **этмак** кўниктирмоқ, одатлантирмоқ.
муқаввас مقوس эгилган.
муқаввий مقوی қувватланган, кучли; ~ **у-д-далойил** кучли далиллар келтирувчи.
муқаддар مقدر тақдирда бор, тангри белгилаган.
муқаййад مقید кўплиги **муқаййадот** боғланган; ~ **этмак, қилмақ**, боғламоқ.
муқаййадот مقیدات **муқаййад** нинг кўплиги.



**мафлук** مفلوك бечора; **жамоати** ~ бечоралар.
**мафраш** مفرش палос; тўшак; ~ **айламак** ўрин қилмоқ.
**мафруқ** مفروق ажратилган.
**мафсақа** مفسقه бузуқилик, фужур қилинадиган жой.
**мафхар** مفخر фахрли, фахрга сабаб бўладиган **нарса**; ~ **у-с-савоҳиб** дўстлар фахри.
**мафқуд** مفقود йўқолган, йўқ бўлган.
**махдум** مخدوم кўплиги маходим жаноб, хўжа.
**махзан** مخزن хазина; ~ **и маоний** маънолар **хазинаси**; ~ **бермак** бойлик бермоқ.
**махзанфишон** مخزن فشان саховатли.
**махзун** مخزون сақланган, йиғилган, хазина ҳолига **келтирилган**; ~ **қилмақ** йиғиб қўймоқ.
**махлас** مخلص қутулиш, озод бўлиш, нажот; ~ **топмақ** **қутулмоқ**, нажот топмоқ.
**махлут** مخلوط аралаш, омухта; ~ **ўлмақ** аралашмоқ; ~ **қилмақ** аралаштирмоқ.
**махмал** مخمل бахмал.
**махмаса** مخمسه (очликдан) силла қуриш.
**махмур** مخمور маст, маст бўлган; ~ **бўлмақ** маст бўлмоқ.
**махмурлуқ** مخمورلوق мастлик.
**маходим** مخادم **махдум** нинг кўплиги.
**махофат** مخافت 1) хавф, қўрқинч, хатар; 2) **хатарли жой**.
**махраж** مخرج 1) чиқиш, чиқиш жойи; 2) талаффуз **ўрни**; 3) талаффуз; ~ **айламак** чиқармоқ.
**махрут** مخروط тарошланган, силлиқланган; **гунбади** ~ **осмон**.
**махуф** مخوف қўрқинчли, даҳшатли.
**махфий** مخفی сирли, пинҳон, яширин; ~ **бўлмақ**, ~ **ўлмақ** яширинмоқ; ~ **асрамақ** яширмоқ; ~ **тутмақ** сир тутмоқ.
**машаб** ماشاب дағал шол.
**машварат** مشورت кенгаш, маслаҳат; ~ **қилмақ кенгашмоқ**; ~ **тиламак** маслаҳат сўрамоқ.
**муштамил** مشتمل ташкил топувчи, ўз ичига олувчи.
**муштарак** مشترك умумий.
**муштаъил** مشتعل шуълали; ~ **бўлмак,** ~ ўлмак ёнмоқ.
**муштарий** مشتری 1) сотиб олувчи, харидор; 2) Юпитер.
**муштақ** مشتق яралган, пайдо бўлган; ~ ўлмак яралмоқ.
**муштағил** مشتغل шуғулланувчи; машғул.
**муштаҳий** مشتهی иштаҳали.
**мушфиқ** مشفق шафқатли.
**мушъир** مشعر хабар берувчи (хат орқали).
**муъжиб** معجب ажабланарли, ғалати.
**муъжиз** معجز ҳайратда қолдирувчи.
**муъжизанамой** معجزه نمای мўъжиза кўрсатувчи.
**муъжизапардоз** معجزه پرداز мўъжиза кўрсатувчи.
**муъжизатироз** معجزه طراز безалган.
**муъжизанизом** معجز نظام мўъжиза яратувчи.
**муъман биҳи** ماءمن به иймон келтириладиган нарса.
**муътакиф** معتكف уйдан чиқмай ўтириш.
**муътамад** معتمد ишончли; ~ **бўлмақ** ишончли бўлмақ.
**муътаман** معتمن ишончли.
**муътариз** معترض эътироз қилувчи.
**муътариф** معترف эътироф қилувчи; ~ **бўлмақ** эътироф қилмоқ.
**муътақид** معتقد эътиқод қилувчи, қаттиқ ишонувчи; ~ **бўлмақ** ишонмоқ, эътиқод илмоқ.
**муътий** معطی ато қилувчи, берувчи.
**муътод** معتاد 1) кўниккан, одатланган; 2) одатдаги; ~ **бўлмақ** одатланмоқ, кўникмоқ; ~ **этмак** кўниктирмоқ, одатлантирмоқ.
**муқаввас** مقوس эгилган.
**муқаввий** مقوی қувватланган, кучли; ~ **у-д-далойил** кучли далиллар келтирувчи.
**муқаддар** مقدر тақдирда бор, тангри белгилаган.
**муқаййад** مقید кўплиги **муқаййадот** боғланган; ~ **этмак,** қилмақ, боғламоқ.
**муқаййадот** مقیدات муқаййад нинг кўплиги.



**муқаййиъ** مقیع қустирувчи.
**муқаллид** مقلد тақлид қилувчи.
**муқаммир** مقمر қиморбоз.
**муқаммиршева** مقمرشیوه қиморбоз йўсинли, қиморбозномо.
**муқаннаъ** مقنع 1) бурканган, ниқобланган; 2) парда, ниқоб.
**муқаннад** مقند қандли, ширин.
**муқарнас** مقرنس нақшланган.
**муқарраб** مقرب кўплиги муқаррабин яқин; суҳбатдош.
**муқаррабин** مقربین муқарраб нинг кўплиги.
**муқассир** مقصر 1) айбли, гуноҳли; 2) айбдор, гуноҳкор.
**муқаттаъ** مقطع кўплиги муқаттаот қитъа (шеър тури).
**муқаттаот** مقطعات муқаттаъ нинг кўплиги.
**муқаффал** مقفل қулфланган; ~ **қилмақ** қулфламоқ.
**муқбил** مقبل 1) иқболли, бахтли; 2) киши исми.
**муқир** مقر иқрор бўлувчи, бўйнига олувчи; ~ **бўлмақ** иқрор бўлмоқ.
**муқобала** مقابله яқинлашиш; ~ **қилмақ** яқинлашмоқ.
**муқобил** مقابل 1) қарши; 2) тўғри келадиган; тенг, баробар.
**муқовамат** مقاومت қарши чиқиш, қаршилик қилиш.
**муқомир** مقامر қиморбоз.
**муқомирваш** مقامروش қиморбоздек.
**муқомиршева** مقامرشیوه қиморбоз йўсинли, қиморбозномо.
**муқорана** مقارنه яқинлашиш; қўшилиш (ой, юлдуз кабилар).
**муқорин** مقارن яқинлашган, қўшилиш (ой, юлдуз кабилар).
**муқри** مقری қироат қилувчи.
**муқтадо** مقتدی раҳбар.
**муқтадолиқ** مقتدی‌لیق йўлбошчилик, раҳбарлик.
**муқтазий** مقتضی зарур, керакли.
**муқназо** مقتضه зарурат.
**муғ** مغ 1) мажусий, оташпараст; 2) майфуруш; ~ **дайри** ибодатхона; 2) майхона.
**муғанний** مغنی мутриб, мусиқачи.
**муғаннийа** مغنیه муғаний нинг муаннаси.





www.ziyouz.com kutubxonasi

**муғбача** مغبچه 1) оташпараст бола; 2) **чиройли бола; 3) май** ташувчи бола.
**муғилон** مغیلان тиканли дарахт, **акация.**
**муғон** مغان муғлар, мажусийлар.
**муғона** مغانه муғларча, мажусийларча.
**муғоний** مغانی **муғ** га мансуб.
**муғтанам** مغتنم ғанимат, фойдали; ~ **тутмақ ғанимат билмоқ.**
**муғулчин** موغولچین тўғриси **мўғулчин.**
**муҳаввала** محوله кўплиги **муҳаввалот** теварак, **атроф.**
**муҳаввалот** محولات **муҳаввала** нинг кўплиги.
**муҳаввата** محوطه ҳовли.
**муҳаддаб** محدب ажинли, қатлам-қатлам.
**муҳаддис** محدث ҳадис тўпловчи олим.
**муҳалло** محلی безалган, зарҳалланган.
**муҳандис** مهندس қурувчи, уста.
**муҳандисваш** مهندس‌وش устадек.
**муҳаррам** محرم ой номи.
**муҳаррар** محرر 1) таҳрир қилинган; 2) ёзилган.
**муҳаррик** محرك ҳаракатга **келтирувчи.**
**муҳарриқ** محرق ёндирувчи.
**муҳарро** محری ҳил-ҳил пишган; ~ **қилмақ ҳил-ҳил пиширмоқ.**
**муҳаққар** محقر 1) таҳқирланган; 2) арзимас.
**муҳаққақ** محقق текширилган; тўғри.
**муҳаққиқ** محقق ҳақиқат изловчи.
**муҳдас** محدث янги.
**муҳиб** محب севилган; ~ **қилмақ** севдирмоқ.
**муҳит** محیط океан, денгиз.
**муҳиқ** محق ҳақли.
**муҳл** шароб.
**муҳлатфизой** مهلت‌فزای муддатли.
**муҳлик** مهلك 1) ҳалок қилувчи; 2) ҳалокатли.
**муҳлика** مهلکه тўғриси **маҳлака.**



**муҳмал** مهمل арзимас; ақлга сиғмайдиган.
**муҳовара** محاوره кўплиги **муҳоварот** суҳбат.
**муҳоварот** محاورات **муҳовара** нинг кўплиги.
**муҳожарат** مهاجرت кўчиш.
**муҳожир** مهاجر кўчувчи.
**муҳозий** محاذی рўпара, қарши томон.
**муҳоко** محاکی (қайтариб) ҳикоя қилиш.
**муҳол** محال мушкул, қийин; ақлга сиғмайдиган.
**муҳор** محار пўлта.
**муҳориб** محارب жангчи.
**муҳосара** محاصره қамал.
**муҳосиб** محاسب ҳисобчи.
**муҳофазат** محاوظت сақлаш; ~ **қилмақ** сақламоқ.
**муҳофиз** محافظ сақловчи.
**муҳра** مهره мунчоқ.
**муҳрабозлиқ** مهره‌بازلیق 1) қиморбозлик; 2) найрангбозлик.
**муҳриқ** محرق куйдирувчи.
**муҳрона** مهرانه муҳр ҳақи.
**муҳтазар** محتضر 1) жин урган; 2) жон бераётган.
**муҳтамал** محتمل эҳтимолли, бўлиши мумкин (нарса, ҳодиса).
**муҳтарақ** محترق ёнган.
**муҳтариз** محترز сақланувчи, эҳтиётланувчи, ~ **бўлмақ** сақланмоқ, эҳтиёт бўлмоқ.
**муҳтасиб** محتسب тош-тарози ва тартиб назоратчиси.
**мў ва мўй** مو соч толаси, тук.
**мўй** موی **мў** га қ.
**мўйа** مویه йиғи, фиғон.
**мўйшикоф** موی‌شکاف **мўшикоф** га қ.
**мўшикоф** موشکاف ва **мўйшикоф** مویشکاف чечан, жуда моҳир
**мўкашон** موکشان сочдан тортган (ҳолда).
**мўлдур** مولدور шабнам, дўл.
**мўнду** موندو ўткир учли қозиқ (ов учун).
**мўр** مور **чумоли.**



www.ziyouz.com kutubxonasi

**мўчина** موچینه тук юладиган асбоб, **қайчи.**

## Н

**наам** نعم ҳа.
**набард** نبرد уруш, жанг.
**набз** نبض томир уриши.
**набиз** نبیذ шароб.
**набий** نبی кўплиги **анбийо пайғамбар; ~ у-л-лоҳ** Оллоҳнинг пайғамбари.
**набот I** نبات наввот; **ҳабби ~ наввот дури.**
**набот II** نبات кўплиги **наботот** ўсимлик; **ўлан.**
**наботан** نباتا **анбата-л-лоҳу ~ ҳасано** Оллоҳ чиройли гиёҳ қилиб ўстирсин.
**наботий** نباتی **набот** га мансуб,
**наботот** نباتات **набот** нинг кўплиги.
**набуд** نبود бўлмаган, йўқ.
**нав** نو янги; **моҳи ~** янги ой.
**навард** نورد уруш, жанг.
**наварус** نوعروس янги келин.
**навбар** نوبر янги ўсаётган ўсимлик, **янги мева.**
**навбат** نوبت 1) дафъа, гал; 2) **қоровуллик;** 3) **саройда муайян** вақт оралиғида **ноғора чалиш; ~ урмоқ ноғора чалмоқ.**
**навбаҳор** نوبهار кўклам.
**навбова** نوباوه тўғриси **навбора.**
**навбора** نوباره янги мева: **ул гуллардин кўп мақсудлар навбораси** ҳаётим комин баҳраманд этти.
**навваралоҳу** نورالله : **~ сирраҳо** Оллоҳ **унинг гўрини** ёритсин.
**наввоб** نواب ноиб, ўринбосар.
**навжавон** نوجوان йигитча.
**навжавонлиқ** نوجوان‌لیق ёшлик, йигитлик.
**навид** نوید севинчли хабар, хушхабар; **~ етмак хушхабар** келмоқ.
**нависанда** نویسنده ёзувчи, хаттот, котиб.
**нависандалиқ** نویسنده‌لیق котиблик.



**навиш** نویش ёзиш; **~ қилмақ** ёзмоқ.
**навкар** نوکر аскар.
**навкарлик** نوکرلیك аскарлик.
**навкоста** نوکاسته янги.
**навмид** نومید умидсиз; **~ бўлмақ, ~ ўлмақ** умидсизланмоқ, ноумид бўлмоқ.
**навмидлиқ** نومیدلیق умидсизлик.
**наво I** نوا куй.
**наво II** نوا 1) мол, мулк; 2) бойлик, маъмурлик.
**навобахш** نوابخش 1) куй бағишловчи; 2) ҳожат чиқарувчи; **~ бўлмақ,** ҳожат чиқармоқ.
**навогоҳ** نواگاه куй чалинадиган жой.
**навогў** نواگو куйчи, **ашулачи.**
**наводир** نوادر **нодир** нинг кўплиги.
**навозанда** نوازنده хонанда, созанда.
**навозиш** نوازش ардоқлаш, эркалаш; **~ қилмақ** ардоқламоқ, эркаламоқ.
**навойиб I** نوایب **ноиб** нинг кўплиги.
**навойиб II** نوایب **ноибат** нинг кўплиги.
**навокаш** نواکش созанда.
**навол** نوال 1) совға; 2) насиба.
**навола** نواله 1) совға; 2) насиба.
**наволиқ** نولیق 1) насибали; 2) оҳангли.
**навомуз** نوآموز янги ўрганган, тажрибасиз.
**навосиз** نواسیز бенаво, бечора.
**навосизлиг** نواسیزلیغ бенасиблик.
**навосоз** نواساز бастакор, созанда.
**навосозлиг** نواسازلیغ созандалик.
**навоҳий I** نواحی **ноҳийа** нинг кўплиги, **~ аҳли** теварак атрофдаги одамлар.
**навоҳий II** نواحی **наҳий** нинг кўплиги; **~ тамшийати ман** қилинган нарсаларни қила бошлаш.
**наврас** نورس **янги** етилган; **~ ниҳол** янги кўчат; **~ йигит янги** етилган **йигит.**
**навраста** نورسته ниҳол, ёш ниҳол.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**навсафар** نوسفر сафарга янги чиққан.
**навхез** نوخیز ёш, тоза, янги ўсиб келаётган.
**навхоста** نوخواسته навраста, ёш йигит.
**навъ** نوع кўплиги анвоъ тур.
**навҳа** نوحه йиғи, нола.
**навҳагар** نوحه گر йиғловчи.
**навҳагарлик** نوحه گرلیك аза тутиб йиғлашлик.
**навҳапардоз** نوحه پرداز аламзада, йиғили.
**навҳасоз** نوحه ساز оҳу фиғон қилувчи.
**навҳасозлиқ** نوحه سازلیق йиғлашлик, нола қилишлик.
**надам** ندم пушаймон.
**надба** ندبه аза йиғиси.
**надийвор** ندیوار сахийлик билан, сахийларча.
**надим** ندیم яқин дўст; ҳамсуҳбат.
**надимваш** ندیم‌وش яқиндай.
**надимлик** ندیم‌لیك яқинлик, суҳбатдошлик.
**надимшева** ندیم‌شیوه хушсуҳбат.
**нодир** نادر кўплиги **наводир** камёб.
**надомат** ندامت пушаймон; ~ **ашки** пушаймонлик **кўз ёши**.
**надоматлиғ** ندامتلیغ пушаймонлик.
**надрат** ندرت нодирлик, камёблик.
**найобат** نیابت ўринбосарлик, ноиблик.
**найом** نیام қин, ғилоф.
**нажанд** نژند 1) ғамгин; 2) шум; ~ **и ғамсиришт ғамга** ботган.
**нажас** نجس кир; ~ **айламак** ифлос қилмоқ, булғамоқ.
**нажжор** نجار дурадгор, ёғоч устаси.
**нажм** نجم кўплиги **анжум** ва **нужум** юлдуз; ~ **и соқиб** ёриб ўтувчи юлдуз.
**нажод** نژاد насл, насаб.
**нажосат** نجاست кир; ифлослик.
**назар** نظر кўплиги **анзор** қараш.
**назарбоз** نظرباز ишвали қарашлар қилувчи; ~ **айламак** ишва билан қарамоқ.



**назаргоҳ** نظرگاه 1) томошо; 2) назар қаратилган нарса. жой.
**назир** نظیر ўхшаш, тенг.
**назиҳ** نزیه тоза.
**назмкаш** نظم‌کش назмкеш га қ.
**назмкеш** نظم‌کیش ва назмкаш نظم‌کش шеър битувчи, шоир.
**назойирхон** نظایرخان назирачи, бировнинг шеър ёки куйига эргашиб ёзувчи.
**назоҳат** نزاهت тозалик.
**назр** نذر ваъда; ~ **қилмақ** ваъда қилмоқ.
**назҳат** نزهت тўғриси **нузҳат**.
**най** نی 1) қамиш; ~ **ий килк** қамиш қалам; 2) мусиқа асбоби.
**найбаст** نی‌بست қамиш девор; ~ **айламак** қамиш билан девор қилмоқ; ўрамоқ.
**найзавар** نیزه‌ور найзадор, найзали.
**найзачи** نیزه‌چی найза ясовчи.
**наййир** نیر нур сочувчи; ~ **и аъзам** Қуёш.
**наййирайн** نیرین Қуёш ва Ой.
**найистон ва найситон** نیستان қамишзор, тўқайзор.
**найрангсоз** نیرنکساز сеҳргар.
**найситон** نیستان найистон га қ.
**найсон** نیسان тўғриси нисон.
**найшакар** نیشکر шакарқамиш.
**накбат** نکبت фалокат, бахтсизлик.
**наким** ناکیم нимаики.
**накол** نکال жазо.
**накуҳида** نکوهیده таънали, маломатли.
**накҳат** نکهت хушбўй ҳид, оғизнинг хушбўй ҳиди.
**накҳатлиғ** نکهت‌لیغ хушбўйлик.
**намак** نمك туз.
**намакдон** نمکدان туз идиши.
**наммом** نمام иғвогар.
**наммомлиқ** نمام‌لیق чақимчилик, иғвогарлик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**намойанда** نماینده 1) вакил; 2) кўринарли; ~ **бўлмақ** кўринмоқ.

**намуд** نمود 1) кўриниш; 2) манзара.

**намудор** نمودار кўринарли, аён; ~ **айламак,** ~ **этмак** кўрсатмоқ, аён қилмоқ; ~ **ўлмақ** кўринмоқ, аён бўлмоқ; 2) намуна, мисол; **шайтон ишига ~ ўлмақ** шайтон ишига намуна бўлмоқ.

**нанг** ننگ уят, номус, шарм; ~ **айламак** уялмоқ.

**нангсизлик** ننگسیزلیك уятсизлик.

**нар** نر эркак; **шири ~** эркак шер.

**нардбон** نردبان нарвон.

**нарм** نرم юмшоқ: ~ **қилмақ юмшатмоқ.**

**нармода** نرماده хунаса.

**нармрафтор** نرم‌رفتار оҳиста юрувчи.

**нарра** نره эркак.

**наррод** نراد 1) нард ўйновчи; 2) тақдир.

**насаб** نسب кўплиги **ансоб насл.**

**насақ** نسق равиш, тартиб; ҳол; ~ **тапмақ тартибга тушмоқ;** юзага келмоқ; ~ **қилмақ тартибга солмоқ, тизмоқ.**

**насб** نصب 1) ўрнатиш; 2) мансабга тайинлаш; ~ **қилмақ** мансабга тайинламоқ.

**насиж** نسیج мато, газлама.

**насим** نسیم кўплиги **насойим** енгил шабада.

**насиҳат** نصیحت кўплиги насойиҳ **ўгит.**

**насное** نسناس маймун.

**насойим** نسایم насим нинг **кўплиги; ~ вардийату-н-~** гул ҳидли шабада.

**насойиҳ** نصایح насиҳат нинг **кўплиги; ~ айтмак ўгит** қилмоқ.

**наср I** نصر кўплиги **ансор** 1) ёрдам, кўмак; 2) ғалаба.

**наср II** نسر бургут; ~ **и тойир учар бургут.**

**насринфом** نسرین‌فام насрин рангли.

**насс** نص кўплиги **нусус** матн, аниқ мазмун; ~ **и** қотиъ қатъий ёзма далил (матн).

**нассож** نساج 1) тўқувчи; 2) машойихлардан Абу Бакр нинг лақаби.

**настаран** نسترن настарин.



**натижа** نتیجه кўплиги натойиж хулоса, самара.

**натойиж** نتایج натижа нинг кўплиги.

**натъ** نطع чарм палос.

**наузу бил-лаҳ** نعوذ بالله паъузу би-л-лаҳ га қ.

**нафас** نفس кўплиги **анфос** дам, тин; ~ **тортмақ** нафас олмоқ.

**нафир** نفیر карнай; ~ **тортмақ,** оҳ урмоқ.

**нафис** نفیس нозик.

**нафй** نفی 1) инкор **этиш;** 2) **йироқлашиш; ~ этмак** 1) инкор қилмоқ; 2) йироқлатмоқ, қувмоқ.

**нафоз** نفاذ таъсир; ~ **қилмақ** таъсир қилмоқ.

**нафойис** نفایس нафис нинг кўплиги.

**нафс** نفس кўплиги **нуфус** ва **анфус** 1) жиғилдон; ~ **балоси** жиғилдон балоси; 2) шахс.

**нафх** نفخ дам чиқариш, пуфлаш; ~ **и сур** карнай овози.

**нафха** نفخه 1) дам, нафас; ~ **йи унс** инсон нафаси; ~ **йи руҳу-л-қудс** ҳаёт нафаси.

**нафъ** نفع фойда, манфаат; ~ **и мо ло калом** сўзсиз фойда.

**нафърасон** نفع‌رسان фойда келтирувчи.

**нах** نخ ип, тола.

**нахват** نخوت фойда ~ **ели ғурур шамоли.**

**нахжир** نخجیر ов, шикор.

**нахл** نخل хурмо ниҳоли; ~ **и тар** янги хурмо.

**нахлбанд** نخلبند гул ясовчи.

**нахлбун** نخلبن хурмо дарахти.

**нахлистон** نخلستان хурмозор.

**нахуст** نخوست аввал, биринчи.

**нашв** نشو ўсиш, юксалиш.

**нашиман** نشیمن уя; ~ **этмак** ошиён қилмоқ, уя қурмоқ.

**нашот** نشاط шодлик.

**нашотангиз** نشاط‌انگیز шодлик бағишловчи, ~ **эрмак** шодлантирмоқ.

**нашотандуз** نشاط‌اندوز шодлик ҳосил қилувчи, фароғатли; **жоми ~** шодлантирувчи шароб.

**нашотафзо** نشاط‌افزا шодлик келтирувчи.

**нашотафзолиқ** نشاط‌افزالیق шодлик келтирувчилик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**наштар** نشتر **ништар** га қ.

**наъим** نعيم бахтли, фаровон ҳаёт.

**наъл** نعل кўплиги **ниъол** 1) тақа; 2) кафш, **этик;** ~ **широкиг кафш ипи;** ~ **и бозгуна** қайтарма этик.

**наълайн** نعلين жуфт кавуш.

**наъразан** نعره‌زن наъра тортувчи; ~ **ўлмақ** наъра тортмоқ.

**наът** نعت сифатлаш, тавсифлаш.

**наъузу би-л-лаҳ** نعوذ بالله Оллоҳ сақласин!

**нақб** نقب лаҳм, ер ости йўли; ~ **урмақ** ер тешмоқ, ер ости йўли кавламоқ.

**нақбзан** نقب‌زن тешувчи.

**нақбкан** نقب‌کن ер ости йўли қазувчи.

**нақбканлик** نقب‌کنليك ер ости йўли қазиш.

**нақбрав** نقب‌رو ер ости йўлида юрувчи.

**нақд** نقد кўплиги **нуқуд** нақд пул; мавжудлик.

**нақджўлуқ** نقدجولوق пул топишга уриниш.

**нақиб** نقيب кўплиги **нуқабо** бошлиқ, раҳбар.

**нақора** ва **наққора** نقاره ноғора.

**нақш** نقش кўплиги **нуқуш** сурат, шакл.

**нақшбанд** نقشبند наққош.

**нақшбин** نقش‌بين сурат кўрувчи.

**нақшбоз** نقشباز ҳийлакор.

**нақшбозлиғ** نقشبازليغ ҳийлакорлик.

**нақшгир** نقش‌گير нақш олувчи; ~ **бўлмақ** безатилмоқ.

**нақшин** نقشين нақшли.

**нақшпайванд** نقش‌پيوند нақш боғловчи, наққош.

**нақшпардоз** نقش‌پرداز нақшловчи, нақш билан безовчи; ~ **бўлмақ** нақш билан безалмоқ.

**нақшсоз** نقش‌ساز наққош.

**наққоб** نقاب лаҳм қазувчи, йўл ости сувига йўл очувчи.

**наққод** نقاد танқид қилувчи, текширувчи.

**наққора** نقاره **нақора** га қ.

**нағам** نغم наво, оҳанг, куй, тарона.

**нағамот** نغمات **нағма** нинг кўплиги.



**нағма** نغمه кўплиги **нағамот** куй, тарона, ~ **кўргузмақ** азон айтмоқ; ~ **тутмақ куйламоқ.**

**нағмагар** نغمه‌گر созанда.

**нағмакаш** نغمه‌کش созанда.

**нағмановозлиқ** نغمه سازليق созандалик

**нағмапардоз** نغمه پرداز куйловчи.

**нағмасоз** نغمه‌ساز созанда.

**нағмасозлиқ** نغمه‌سازليق созандалик.

**нағмагар** نغمه‌گر **нағмакаш** га қ.

**нағмакаш** نغمه‌کش ва **нағмагар** نغمه‌گر созанда.

**нағу** ناغو қандай, нима учун, нимага; ~ **қилмақ қандай қилмоқ.**

**наҳангваш** نهنگوش наҳангдек.

**наҳб** نهب талаш, талон-торож қилиш; ~ **бўлмақ** таланмоқ.

**наҳиб** نهيب қўрқинч; қўрқитиш.

**наҳиф** نهيف ориқ, озғин.

**наҳй** نهی кўплиги **навоҳий** ман этиш; ~ **и мункар** ёмон ишлардан қайтариш.

**наҳну** نحنو биз.

**наҳр** نهر кўплиги анҳор дарё.

**наҳс** نحس бахтсизлик, омадсизлик, ~ **анжуми** Сатурн ва Марс (Эронийларнинг ақидасича, булар бахтсизлик келтирувчи сайёралардир).

**наҳсваш** نحسوش наҳсдек.

**наҳсийат** نحسيت бахтсизлик, омадсизлик.

**наҳслиқ** نحس‌ليق бахтсиз, омадсиз.

**наҳусат** نحوست тўғриси **нуҳусат.**

**некандиш** نيك‌انديش эзгу ниятли.

**некбахт** نيك‌بخت бахтли.

**некном** نيك‌نام яхши ном чиқарган.

**некухеш** نيكوخيش таъна.

**некхоҳ** نيك‌خواه яхши тилакли.

**неру** نيرو куч, қудрат.

**неъмат** نعمت кўплиги **ниъам** фаровонли, бахтли ҳаёт.

**ниам** نعم тўғриси **ниъам.**



www.ziyouz.com kutubxonasi

**нигаҳбон** نگهبان **нигоҳбон га қ.**

**нигаҳдорлиқ** نگهدارلیق соқчилик.

**нигин** نگین 1) узук; 2) узук кўзига ўрнатилган қимматбаҳо тош; 3) муҳрли узук.

**нигор** نگار 1) сурат; 2) маҳбуба; ~ **айламак** сурат чизмоқ; ~ **топмақ** безалмоқ.

**нигоранда** نگارنده 1) рассом; 2) ёзувчи, муаллиф.

**нигориш** نگارش сурат, асар; ~ **айламақ** безамоқ.

**нигорон** نگاران термулуб кутувчи, интизор; ~ **бўлмақ** мунтазир бўлмоқ.

**нигорхона** نگارخانه суратхона.

**нигоҳбон** نگاهبان ва **нигаҳбон** посбон.

**нигун** نگون 1) ағдарилган, тескари, 2) эгилган, букилган; ~ **айламак,** ~ **қилмақ** эгмоқ, букмоқ.

**нигунлуқ** نگون‌لوق эгрилик, букилганлик; ~ **бермак** эгрилик қилмоқ, тескарилик қилмоқ.

**нигунсор** نگون‌سار 1) эгилган; 2) тескари; ~ **бўлмақ** эгилмоқ.

**нигунсорлиқ** نگون‌سارلیق остин-устун қилишлик.

**низом** نظام тартиб; ~ **бермак** тартибга солмоқ.

**низор** نزار озғин, заиф; ~ **айламак** оздирмоқ; ~ **бўлмак,** озмоқ, заифлашмоқ.

**ниёз** نیاز эҳтиёж, зарурат; ~ **аҳли** муҳтожлар; ~ **кўргузмак** ҳожат чиқармоқ; ~ **қилмақ** ўтинмоқ, ёлбормоқ.

**нийозманд** نیازمند 1) муҳтож; 2) ўтинувчи.

**нийозмандлиқ** نیازمندلیق муҳтожлик, ўтинишлик; ~ қилмақ ўтинмоқ.

**нийозмандона** نیازمندانه ҳожат билан, ёлбориб.

**нийрон ва нирон** نیران **нор I** нинг кўплиги.

**никот** نکات тўғриси **нукот.**

**никуҳиш** نیکوخیش таъна, маломат.

**нил** نیل 1) кўк, кўк бўёқ; 2) осмон.

**нилгун** نیلگون зангори; ~ **айвон** осмон.

**нилин** نیلین зангори, кўк.

**ним** نیم ярим.

**нимбисмил** نیم‌بسمل чала сўйилган.



**нимгирд** نیم‌گرد ярим тўгарак.

**нимкора** نیم‌کاره чала, тугалланмаган.

**нимтарг** نیم‌ترگ темирдан ясалган бош кийим.

**нимхоб** نیم‌خواب чала уйқу.

**нинак** نینك киприк.

**ниол** نعال тўғриси **ниъол.**

**нирон** نیران нийрон га қ.

**нисйон** نسیان унутиш.

**нисо** نسا хотин, аёл.

**нисон** نیسان апрель.

**нисор** نثار сочиш; ~ **айламак,** ~ **этмак,** ~ **қилмақ,** сочмоқ.

**нисорлиқ** نثارلیق чочқилик.

**нисф** نصف ярим.

**нифоқ** نفاق 1) низо; 2) иккиюзламалик.

**нишаст** نشست ўтириш; ~ **айламак,** ~ **қилмақ** 1) қарор топтирмоқ, ўрнатмоқ; 2) ўтирмоқ.

**нишиб** نشیب 1) нишаб, қиялик; 2) пастлик.

**нишиман** نشیمن уя, ин; ~ **қилмақ** ошиён қилмоқ, ин қурмоқ.

**нишот** نشاط шодлик; ~ айламак шод қилмоқ; ~ **бўлмак** шодланмоқ.

**нишотангизлиқ** نشاط‌انگیزلیق шод қилишлиқ.

**нишотафзолиқ** نشاط‌افزالیق шодлик ҳосил қилишлик.

**нишотхона** نشاط‌خانه шодлик уйи.

**ништар ва наштар** نشتر ниш, тиғнинг учи.

**ниъам** نعم **неъмат** нинг кўплиги; ~ **и равза** жаннат неъматлари.

**ниъол** نعال **наъл** нинг кўплиги; ~ **сафи** ковушлар терилган жой.

**ниқор** نقار 1) олишиш; душманлик; 2) сўкишиш, даҳанаки жанг; ~ **тушмак** жанжаллашмоқ, сўкинишмоқ.

**ниҳод** نهاد таъб, мижоз.

**ниҳон** نهان яширин; ~ **англамак** сир деб билмоқ; ~ **тутмақ,** ~ **қилмақ** яширмоқ.

**ниҳоний** نهانی яширин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**ниҳонтоб** نهان‌تاب яширин аланга.

**ниҳонхона** نهانخانه хилватхона.

**ноамнлиқ** ناامن‌ليق тинчликсизлик.

**ноаҳл** نااهل ёт, бегона.

**ноб** ناب тоза, соф.

**нобино** نابينا кўр; ~ **бўлмақ** кўр бўлмоқ.

**нобоист** نابايست сабабсиз.

**ноболиғ** نابالغ балоғатга етмаган, гўдак.

**нов** ناو 1) тарнов; 2) кема.

**нова** ناوه кичик ҳарбий кема.

**новак** ناوك 1) ёй ўқчаси; 2) киприк, ~ **отмақ** ўқ отмоқ

**новакандоз** ناوك‌انداز ўқ отувчи.

**новакафкан** ناوك‌افكن **ва новакфикан** ناوكفكن ўқ отувчи.

**новакаш** ناوه‌كش қурилиш мардикори.

**новакосо** ناوك‌آسا ўқдек.

**новакфикан** ناوك‌فكن **новакафкан** га қ.

**новард** ناورد жанг.

**новмид** ناوميد ноумид, умидсиз.

**ногирифт** ناگرفت қилиб бўлмайдиган, амалга ошириб бўлмайдиган.

**ногузир** ناگزير четлаб бўлмайдиган; зарурий.

**нодим** نادم афсусланувчи, пушаймон.

**нодир** نادر камёб.

**нодира** نادره ягона, ёлғиз.

**нозил** نازل тушган; ~ **бўлмақ** тушмоқ; ~ **этмак,** ~ **қилмақ** туширмоқ.

**нозим** ناظم тартибга солувчи; шоир; ~ **и жавоҳири асрор** сир гавҳарларини тизувчи.

**нозир** ناظر кузатиб тургучи; ~ **ўлмақ** кузатмоқ.

**нозирбонлиғ** ناظربانليغ соқчилик.

**нозиш** نازش эркаланиш.

**нозпеша** نازپيشه нозли қилиқ.

**нозпарвард** نازپرورد нозли, ноз қилишга ўрганган.

**нозукандиш** نازك‌انديش нозик фикрли, мулоҳазали.



**нойиб** نايب кўплиги **навойиб I** ўринбосар, нойиб.

**нойибат** نايبت кўплиги **навойиб** II бало, мусибат.

**нойибманоб** نايب‌مناب ўринбосар.

**нойим** نايم уйқудаги киши; ~ **бўлмақ** ухламоқ.

**нойофт** نايافت топиб бўлмайдиган.

**нокоста** ناكاسته тўлиқ, тўлин; **моҳи** ~ тўлин ой.

**ноком** ناكام мақсадга етмаган, иложсиз.

**нокомлиғ** ناكامليغ мақсадга етмаганлик, иложсизлик.

**нокор** ناكار 1) ишга яроқсиз, кучсиз; ~ **бўлмақ** кучдан қолмоқ, ишдан чиқмоқ; ~ **ўлмақ** кучсиз бўлмоқ.

**нол** نال қамиш, қалам қамиши.

**нолакаш** ناله‌كش нола қилувчи.

**нолафикан** ناله‌فكن нола қилғувчи, нолали.

**нолон** نالان нола қилувчи.

**ном** نام 1) илм; 2) обрў.

**номабар** نامه‌بر хат ташувчи.

**номавар** نامه‌ور хабарчи; **ақл** ~ **и** ақл хабарчиси.

**номавзун** ناموزون 1) келишмаган, вазнсиз (шеър); 2) нотекис; **аҳли** ~ келишмаганлар, ҳунуклар.

**номаоро** نامه‌آرا нома безовчи, хушхат.

**номарбут** نامربوط боғланмаган.

**номаръий** نامرعى **кўринмаган, эътибор қилинмаган;** ~ **кўрмак эътиборсиз қолдирмоқ.**

**номасийоҳ** نامه‌سياه гуноҳкор.

**номасмуъ** نامسموع эшитилмаган.

**номатбуъ** نامطبوع ёқимсиз.

**номафҳум** نامفهوم тушуниб бўлмайдиган.

**номашруъ** نامشروع шариатдан ташқари, шариатга хилоф.

**номаъдуд** نامعدود сон-саноқсиз, кўп.

**номақдур** نامقدور куч етмайдиган, эплаб бўлмайдиган.

**номақтул** نامقتول ўлдирилмаган, ўлмаган.

**номаҳрам** نامحرم ёт, бегона.

**номаҳсур** نامحصور чегарасиз, чексиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**номаҳфузлуғ** نامحفوظلوغ сақлай олмаслик, яшира олмаслик.
**номвор** ناموار ном чиқарган, машҳур; ~ **айламак** номдор қилмоқ, машҳур қилмоқ.
**номдор** نام‌دار машҳур.
**номдорлиқ** نامدارليق машҳурлик.
**номжўй** نامجوی шуҳратпараст.
**номзад** نامزد унашилган.
**номий** نامی шуҳратли, кенг тарқалган.
**номукаррар** نامکرر такрорланмайдиган.
**номутаноҳий** نامتناهی чексиз, туганмас.
**нопадид** ناپدید кўринмайдиган, кўринмас, ғойиб.
**нопадидор** ناپدیدار кўринмайдиган, сезилмайдиган.
**нописанд** ناپسند номаъқул, назарга илинмайдиган.
**нописандида** ناپسندیده номаъқуллик.
**нор I** نار кўплиги **нийрон** ва **нирон** шуъла, ўт, олов.
**нор II** نار анор.
**норанж** نارنج 1) апельсиннинг бир тури, 2) сариқ.
**норанжваш** نارنجوش апельсиндек, сариқ.
**норасо** نارسا нуқсонли.
**норван** نارون тик, серсоя дарахт.
**норизоманд** نارضامند рози эмас, норози.
**нос** ناس инсон нинг кўплиги.
**носабур** ناصبور сабрсиз.
**носазо** ناسزا 1) нолойиқ, ножўя; 2) сўкинч; ~ **демак** сўкинмоқ.
**носазолиқ** ناسزاليق нолойиқлик, ножўялик.
**носипос** ناسپاس ношукр.
**носир** ناصر кўплиги **ансор** кўмаклашувчи.
**носих** ناسخ бекор қилувчи; ~**айламак** бекор қилмоқ.
**носиҳ** ناصح насиҳат қилувчи; ~ **и талхгуфтор** аччиқ гапириб насиҳат қилувчи.
**носоз** ناساز яхши эмас.
**носозлиғ** ناسازليغ нобоплик.



**носўфта** ناسفته тешилмаган.
**нотавон** ناتوان заиф, қувватсиз.
**нотавоно** ناتوانا қудратсиз, кучсиз
**нотануманд** ناتنومند нотавон.
**нофа** نافه кийикнинг мушк бези.
**нофаржом** نافرجام 1) бахтсиз; 2) бефойда, самарасиз.
**нофаржомлиғ** نافرجامليغ ёмон оқибатли, шумбахтлилик.
**нофармон I** نافرمان итоатсиз, фармонга бўйсунмайдиган.
**нофармон II** نافرمان оч бинафша ранг гул.
**нофармонлиғ** نافرمانليغ бўйсунмаслик, итоатсизлик.
**нофиз** نافذ нуфузли, таъсирли; эътиборли.
**нохалаф** ناخلف ўрин босмайдиган.
**нохирадманд** ناخردمند ақлсиз.
**нохирадмандлиқ** ناخردمندليق ақлсизлик.
**нохўжаста** ناخجسته бахтсиз.
**ночах** ناچخ кичик найза.
**ношикиб** ناشکیب ва **ношикибо** ناشکیبا сабрсиз.
**ношикибо** ناشکیبا **ношикиб** га қ.
**ношинос** ناشناس таниқсиз, бехабар.
**ношойист** ناشایست ва **ношойиста** ناشایسته нолойиқ, номуносиб.
**ношойиста** ناشایسته **ношойист** га қ.
**ношукуфт** ناشکفت очилмаган.
**ноэътимодлиғ** نا اعتمادليغ ишончсизлик.
**ноқа** ناقه урғочи туя.
**ноқил** ناقل нақл қилувчи, ҳикоя айтувчи.
**ноқис** ناقص нуқсонли.
**ноқус** ناقوس катта қўнғироқ.
**ноҳамворлиқ** ناهموارليق нотекислик, номувофиқлик.
**ноҳанжор** ناهنجار ноўрин, қўпол.
**ноҳид** ناهد Зуҳра юлдузи.
**ноҳийа** ناحیه кўплиги **навоҳий** атроф, чегара.
**ноҳийат** ناحیت ўлка, мамлакат.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**нубувват** نبوت пайғамбарлик.
**нудба** ندبه нола билан йиғлаш.
**нужум** نجوم нажм нинг кўплиги; ~ **фани** ~ **илми** астрономия.
**нузул** نزول тушиш; ~ **айламак,** ~ қилмақ тушмоқ.
**нузҳат** نزهت таровату покизалик.
**нук ва нўк** نوك бирор нарсанинг учи.
**нукот** نكات нукта нинг кўплиги.
**нуқта** نكته кўплиги **нукот** теран маъноли сўз, ҳикмат; ~ **йи зойида** ўринсиз ҳикмат.
**нуктагўй** نكته گوى чуқур маъноли сўзлар билувчи.
**нуктадон** نكته دان маъноли сўзлар айтувчи.
**нуктадонлиқ** نكته دان ليق нозикфаҳмлилик, чуқур фикрлилик.
**нуктажў** نكته جو чуқур маъноли сўзлар ахтарувчи.
**нукталик** نكته ليك билимдон.
**нуктаовар** نكته آور нукта келтирувчи, билимдон.
**нуктапайванд** نكته پيوند ҳикмат билан сўзловчи.
**нуктапарвард** نكته پرورد маъноли сўзлар айтувчи.
**нуктарон** نكته ران маъноли сўзловчи.
**нуктаронлиғ** نكته ران ليغ маъноли сўз айтишлик.
**нуктасанж** نكته سنج синчиклаб, танлаб сўзлайдиган.
**нуктасоро** نكته سارا маъноли сўзловчи.
**нуктатироз** نكته طراز маъноли сўзловчи.
**нуктафишон** نكته فشان нозик фикрлар айтувчи.
**нуму** نمو ўсиш.
**нур** نور кўплиги **анвор** зиё.
**нурпош** نور پاش нур сочувчи.
**нусрат** نصرت 1) зафар, ғалаба; 2) ёрдам.
**нусус** نصوص насс нинг кўплиги; ҳикматга оид бир китоб номи.
**нусха** نسخه кўчирилган китоб; ~ **мастур айламак** китоб ёзмоқ.
**нутуқчи** نوتوقچى кичик бир қуш номи.
**нуфуз** نفوذ 1) таъсир; 2) обрў.



**нуфур** نفور нафратланиш.
**нухуд** نخود нўхат.
**нухуст** نخست илгари, аввал, ~ **қилмақ** илгариламоқ, олдинга ўтмоқ.
**нушодир** نشادر нашатир.
**нушур** نشور ўликларнинг тирилиши; **йавму-н-** ~ ўликларнинг тирилиш куни, қиёмат куни.
**нуъмон** نعمان қон; **лолайи** ~ қизил лола.
**нуқабо** نقبا нақиб нинг кўплиги.
**нуқат** نقط нуқта нинг кўплиги.
**нуқл** نقل ширинлик.
**нуқрафом** نقره فام кумушранг, оқ.
**нуқс** نقص камчилик, нуқсон.
**нуқта** نقطه кўплиги **нуқат** учли нарса тегизиш билан қоладиган из, кичик доғ.
**нуқуд** نقود нақд нинг кўплиги.
**нуқуш** نقوش нақш нинг кўплиги.
**нуҳ** نه тўққиз; ~ **тоқ** тўққиз гумбаз.
**нуҳусат** نحوست бахтсизлик, омадсизлик.
**нуҳуфт** نهفت ва **нуҳуфта** نهفته яширин.
**нуҳуфта** نهفته **нуҳуфт** га қ.
**нўг** نوگ тўғриси **нук ва нўк.**
**нўк** نوك нук га қ.
**нўш** نوش 1) ичиш; 2) дори; ~ **айламак,** ~ **этмак** ичмоқ.
**нўшдору** نوش دارو ичиладиган, суюқ дори.
**нўшин** نوشين мазали, тотли.
**нўшлаб** نوش لب ширинлаб.
**нўшонўш** نوشانوش кетма-кет ичиш.
**нўшханд** نوش خند чиройли табассум, ~ **қилмақ** ширин кулмоқ.

## О

**об** آب сув; ~ **и оташранг** қизил май; ~ **и ҳаёт** тириклик суви.
**обгина** آبگينه шиша, биллур, ойна.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**обгир** آبگیر 1) жом, тос; 2) ҳовуз.
**обгун** آبگون 1) ҳаво ранг; 2) тиниқ, шаффоф; ~ **чарх** зангори осмон.
**обдор** آبدار 1) серсув, ширадор, сўлим; 2) салмоқли.
**обид** عابد кўплиги **уббод** ибодат қилувчи, сиғинувчи; ~ **и асном** бутларга сиғинувчи.
**обий** آبی обга мансуб, ҳаво ранг; ~ **мудоро қилмақ** юмшоқ муомала қилмоқ.
**обила** آبله 1) қабариқ; 2) чечак, ҳуснбузар.
**обир** عابر ўткинчи, йўловчи; ~ **айламак** юргизмоқ.
**обкаш** آبکش элак, ғалвир.
**обнус** آبنوس қора дарахт.
**обо** آبا абнинг кўплиги.
**обод** آباد I абаднинг кўплиги.
**обод** آباد II ободон; ~ **айламак** ободон қилмоқ.
**ободгар** آبادگر обод қилувчи.
**обпўш** آبپوش сув сотувчи; ~ **бўлмақ** сув сепмоқ.
**обхўр** آبخور 1) сув ичувчи; 2) сувлоқ.
**обхўрд** آبخورد ва **обхўриш** آبخوارش емаклик, ичмаклик.
**обхўриш** آبخورش **обхўрд** га қ.
**обшор** آبشار 1) обдор, серсув. 2) шаршара; ~ **дастовиз** совға. совға.
**овиза** آویزه осилган, осиғлиқ.
**овон** آوان он нинг кўплиги.
**овурт** اورت лунж.
**овуч** آووچ ҳовуч, кафт, чангал; ~ **қоқмақ** чапак чалмоқ.
**огаҳваш** آگهوش хабардорсимон; ~ **бўлмақ** хабардор бўлмоқ, қўриқламоқ.
**огаҳвор** اگهوار ҳушёрлик билан.
**одамийкуш** آدمیکوش одам ўлдирувчи.
**одий** عادی од қавмига мансуб: ~ **лар** Од қавмига мансуб кишилар.
**ож** عاج фил суяги.
**ожил** عاجل ошиқувчи, шошилувчи; **муқтазойи** ~ ўлим.
**озар** آذر ўт, олов; ~ **қўймақ** ёндирмоқ.



**озарм** آزرم 1) уят, номус, ор; 2) ҳурмат, иззат.
**озим** عازم 1) жўнаётган, кетаётган; 2) (бирор нарса қилишни) мўлжаллаётган, ният қилган; ~ **бўлмақ** жўнатмоқ, кетмоқ, ният қилмоқ.
**озмойиш** آزمایش синов, тажриба; ~ **қилмақ** синамоқ.
**озмун** آزمون синов, тажриба; ~ **қилмақ** синамоқ.
**озмунлуқ** آزمونلوق синашлик, тажриба қилишлик; **толеъи** ~ бахт синашлик.
**озодаваш** آزادهوش асли тоза, олижаноб.
**озодакаш** آزادهکش баланд, олий.
**озодаху** آزادهخو олий ҳимматли; ~ **шаҳ** олий ҳимматли шоҳ.
**озодкарда** آزادکرده озод қилинган.
**озурда** آزرده озор чектирилган, ранжитилган, хафа қилинган; ~ **бўлмақ** озор чекмоқ, ранжимоқ; ~ **қилмақ** озор чектирмоқ, хафа қилмоқ.
**озурдалиқ** آزردهلیق хафа қилишлик, ранжитишлик.
**озғурмақ** آزغورماق тўғриси **азғурмақ**.
**ойилдурмақ** آییلدورماق **айилдурмақ** га қ.
**ойилмақ** آییلماق **айилмақ** га қ.
**ойин I** آیین қоида, расм; **одат**; ~ **эрмак** одат бўлмоқ.
**ойин II** آیین безак; ~ **қилмақ** безамоқ.
**ойина I** آیینه кўзгу.
**ойина II** آیینه кўриниш, равиш.
**ойинагун** آیینهگون яшил.
**ойинадор** آیینهدار сартарош.
**ойинасон** آیینهسان тиниқ, тоза.
**ойинафом** آیینهفام акс берувчи.
**ойинлик** آیینلیك қоидали.
**ол I** ال тўғриси **ал I**.
**ол II** ال тўғриси **ал II**.
**ол III** آل оила.
**олабўка ва алабука** الابوکه ўрдакнинг бир тури.
**оламафруз** عالمافروز дунёни ёритувчи; ~ **этмак** дунёни ёритмоқ.
**оламафрузлуқ** عالمافروزلوق дунёни ёритадиган; **машъали** ~ дунёни ёритадиган машъал, офтоб.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**оламгард** عالمگرد дунё кезувчи; **меҳри** ~ қуёш.
**оламгардлиқ** عالمگردلیق дунёкезарлик; ~ **қилмақ** дунё кезмоқ.
**оламгир** عالمگیر жаҳонгир, дунёни олувчи.
**оламоро** عالمآرا ва **оламорой** عالمآرای 1) оламни безатувчи; 2) гўзал.
**оламорой** عالمآرای **оламоро** га қ.
**оламсўз** عالمسوز дунёни куйдирувчи.
**оламтоб** عالمتاب дунёни ёритувчи.
**оламфуруз** عالمفروز дунёни ёритувчи.
**олат** آلت кўплиги **олот** асбоб, қурол.
**олдарамоқ** الداراماق тўғриси **алдарамақ**.
**олмобош** المباش тўғриси **алмабаш**.
**олойиш** آلایش кир қилиш, доғ қилиш, булғаш.
**олонг** الانک тўғриси **аланг**.
**олот** الات **олат** нинг кўплиги.
**олохон** الاخان тўғриси **алахон**.
**олохонлиғ** الاخانلیغ тўғриси **алахонлиғ**.
**олочуқ** الاچوق тўғриси **алачуқ**.
**олтойи** الطایی тўғриси **алтайи**.
**олу** آلو олхўри.
**олуд** آلود ва **олуда** آلوده бузулган, булғанган.
**олуда** آلوده **олуд** га қ.
**олудалиғ** آلودهلیغ ифлослик, булғанганлик.
**ом I** عام кўплиги **аъвом йил**.
**ом II** عام 1) умумий; 2) оддий, одатдаги; 3) халқ; ~ **айламак** ёймоқ, таратмоқ.
**ома** عامه 1) ҳамма, барча; 2) оддий халқ.
**омизиш** آمیزش аралашиш, алоқа; ~ **топмақ** аралашмоқ, қўшилиб кетмоқ.
**омий** عامی 1) **умумий**; 2) саводсиз; ~ **киши** саводсиз киши; ~ **қолмақ** саводсиз бўлмоқ.
**омил** عامل кўплиги **уммол** 1) хизматчи, хизматдаги киши; 2) гумашта, агент; ~ **и девон** девон хизматчиси.
**омода** آماده тайёр, ҳозир ~ **айламак** ҳозир қилмоқ, тайёрламоқ; ~ **эрмак** ҳозир бўлмоқ.



**омож** آماج нишон.
**оможхона** آماجخانه ўқ отиш учун қўйилган нишонлар, **нишонхона**.
**омол** آمال **амал** нинг кўплиги; **Каъбайи** ~ умидлар Каъбаси.
**омоч** آماچ тўғриси **омож**.
**омочхона** آماچخانه тўғриси **оможхона**.
**омузгор** آموزگار ўқитувчи, муаллим; ~ **бўлмоқ** ўқитмоқ, муаллимлик қилмоқ.
**омурзиш** آمرزش кечириш, гуноҳдан кечиш.
**омфириб** عامفریب сохта.
**он** آن кўплиги **авон** дам, чоғ, вақт.
**онгмақ** انکماق тўғриси **ангмақ**.
**онгдимоқ** انکدیماق тўғриси **ангдимақ**.
**оранж** آرنج тирсак, қўл.
**ораста** آرسته **ороста** га қ.
**ордича** آردیچه орқасидан, ортидан, **кетидан**.
**орзухоҳ** آرزوخواه орзуманд, орзу қилувчи.
**орзухоҳлиғ** آرزوخواهلیغ ~ умидворлик.
**ори I** اری тўғриси **ари**.
**ори II** آری ҳа, шундай.
**оримақ** اریماق тўғриси **аримақ**.
**ориз** عارض **юз берган;** ~ **бўлмақ** юз бермоқ.
**ориза** عارضه кўплиги **авориз** ҳодиса, воқеа.
**оритмақ** اریتماق тўғриси **аритмақ**.
**ориф** عارف билимдон, доно, донишманд.
**орифлиғ** عارفلیغ билимдонлик, донолик.
**орифона** عارفانه доноларча, билимдонлик билан
**ориғ** اریغ тўғриси **ариқ** ва **ариғ**.
**ориғлиқ** اریغلیق тўғриси **ариғлиқ**.
**ориғсиз** اریغسیز тўғриси **ариғсиз**.
**оройиш** آرایش безак; ~ **бермак**, ~ **кўргузмак** безамоқ;
**оромгир** آرامگیر ором топган.
**оромжўй** آرامجوی ором изловчи; ~ **бўлмақ** ором топмоқ.
**оромиш** ارامش тинчлик, ҳордиқ, фароғат.



www.ziyouz.com kutubxonasi

оромрасон آرامرسان ором берувчи, етказувчи.

ороста آراسته ва ораста آرسته безалган, тартибга солинган; ~ айламак, қилмақ безамоқ.

ортилмақ ارتیلماق тўғриси артилмақ.

ортуқси ارتوقسی тўғриси артуқси.

ортуқсимақ ارتوقسیماق тўғриси артуқсимақ.

ос آس оқсусар, оқсусар пўстин.

осиб ва осийб آسیب 1) офат; 2) зиён, зарар; ~ **и хазоний** топмақ сарғаймоқ, дардга чалинмоқ.

осийб آسیب осиб га қ.

осий عاصی гуноҳкор, итоатсиз; ~ **бўлмақ** гуноҳ қилмоқ, итоатсизлик қилмоқ.

осиғлиғ اسیغلیغ гуноҳкорлик, итоатсизлик.

осиғ اسیغ тўғриси асиғ.

осмонгард آسمانگرد осмон кезувчи.

осмондав آسماندو кўкка чопар.

осмонпаймой آسمانپیمای баландга интиладиган.

осмонтазйин آسمانتزیین осмон безакли.

осор آثار асар нинг кўплиги.

остин استین астин га қ.

остонбўс آستانبوس остона ўпиш.

осудадил آسودهدل осойишта, тинч, хотиржам.

осудалик آسودهلیك тинчлик, осойишталик.

осудасифатлиғ آسودهصفتلیغ тинч.

осудахотир آسودهخاطر хотиржам.

осуғ اسوغ тўғриси асуғ.

оташангез آتشانگیز ўт сочувчи.

оташбор آتشبار ўт ёғдирувчи.

оташгаҳ آتشگه оташгоҳ га қ.

оташгоҳ آتشگاه ва **оташгаҳ** ўтхона, ўчоқ, тандир

оташгун آتشگون олов ранг, оловга ўхшаш.

оташдон آتشدان ўтхона, манқал.

оташдонлиғ آتشدانلیغ куйдириш, ёндириш.

оташзада آتشزده ўт кетган, ўт тушган.



оташин آتشین ўтли, алангали.

оташкада آتشکده оловга сиғинувчилар ибодатхонаси.

оташкорлиқ آتشکارلیق гўлоҳлик, ўт ёқишлик.

оташнок آتشناك ўтли, алангали.

оташолуд آتشآلود 1) ўтли, ёлқинли; 2) қизил, қип-қизил.

оташпараст آتشپرست оловга сиғинувчи.

оташпора آتشپاره чўғ.

оташранг آتشرنگ олов ранг, алангали.

оташрез آتشریز ўт солувчи, ёндирувчи.

оташреза آتشریزه чўғ, учқун.

оташрезлиғ آتشریزلیغ шуълали.

оташфиган آتشفگن ўт сочувчи.

оташфишонлиғ آتشفشانلیغ ўт сочувчилик, ўт сочарлик; ~ **қилмақ** ўт сочмоқ.

оташхона آتشخانه ўтхона.

отил عاطل бекорчи; 2) бекор, беҳуда; ~ **эрмак** беҳуда бўлмоқ; беҳуда эканини билмоқ.

отифат عاطفت марҳамат, мурувват, илтифот.

отиқмақ اتیقماق тўғриси атиқмақ.

офариниш آفرینش 1) яратиш, яратилиш; 2) борлиқ, дунё.

офийат عافیت соғлиқ, эсонлик, саломатлик, хотиржамлик.

офот آفات офат нинг кўплиги.

офоқ آفاق уфқ нинг кўплиги.

офоқгир آفاقگیر уфқларни забт этувчи.

офоқсўз آفاقسوز уфқларни куйдирувчи.

офтоба آفتابه обдаста.

офтобпараст آفتابپرست 1) кунгабоқар; 2) қуёшга сиғинувчи.

офтобрў آفتابرو кунгай, қуёшга қараган жой.

охир آخر кўплиги **авохир** 1) охир, сўнг; 2) сўнгги, охирги.

охсум اخسوم тўғриси **ахсум** ва **ақсум**.

ошиқваш عاشقوش ошиқдек.

ошиқпешалиқ عاشقپیشهلیق ошиқликни ҳунар қилиб олиш.

ошлиқ اشلیق тўғриси ашлиқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**ошноруй** آشناروی таниш; ~ **кўринмак** таниш кўринмоқ.

**ошом** آشام етиш, ичиш; ~ **айламак,** ~ **этмак,** ~ **қилмақ,** ютмоқ, ичмоқ.

**ошуб** آشوب ғавго, тўполон, ҳаяжон; ~ **солмақ** ҳаяжонлантирмоқ, қўзғамоқ; ~ **тушмак** ғавғо пайдо бўлмоқ.

**ошуфта** آشفته паришон, ҳаяжонли; ~ **туш** қўрқинчли туш.

**ошуфтаваш** اشفته وش паришонҳол, ҳаяжонли.

**ошуфтавор** آشفته وار паришонлик билан, ҳаяжон билан.

**ошуфтасор** آشفته سار ҳаяжонли.

**ошифтаҳол** آشفته حال паришонҳол, ҳаяжонли; ~ **айламак** паришон қилмоқ.

**ошифтахўй** آشفته خوی паришонҳол.

**оқил** عاقل кўплиги **уқало** ақлли, эсли.

**оқсум** اقسوم тўғриси **ахсум** ва **ақсум.**

**оғоз** آغاز бошланиш; ~ **айламак** ~ қилмақ, бошламоқ.

**оғу** اغو ва ағу 1) заҳар; 2) аччиқ.

**оғулуқ** اغولوق заҳарлик.

**оғушта** آغشته қоришган, аралашган, булғанган.

**оҳан** آهن темир.

**оҳанг** آهنگ ният, қасд, майл; ~ **қилмақ** ният қилмоқ, истамоқ.

**оҳанг II** آهنگ куй, овоз; ~ **тузмак** куйламоқ.

**оҳангар** آهنگر темирчи.

**оҳанглиғ** آهنگلیغ ниятли; **саҳиҳ** ~ яхши ниятли.

**оҳангудоз** آهنگداز темирчи, темир эритадиган.

**оҳанжома** آهنجامه темир кийим.

**оҳанин** آهنین темирдан ясалган; ~ **диз** темир қалъа, мустаҳкам қалъа.

**оҳанинвор** آهنینوار темирдек; ~ **қилмақ** мустаҳкамламоқ.

**оҳанпора** آهنپاره темир парчалари.

**оҳваш** آهوش оҳли, аламли.

**оҳугирлик** آهوگیرلیك кийик овлаш.



## П

**падид** پدید аниқ, очиқ; ~ **мақсад** аниқ мақсад; ~ **ўлмақ** пайдо бўлмоқ; очилмоқ; ~ **этмак** бор қилмоқ, зоҳир қилмоқ.

**падидор** پدیدار кўриниб турган, аниқ; ~ **ўлмақ** пайдо **бўлмоқ;** ~ **айламак** кўрсатмоқ.

**падруд** پدرود хайрлашиш; ~ **қилмақ** хайрлашмоқ.

**пажмон** پژمان сўлғин.

**пажмурда** پژمرده сўлғин; эзилган; ~ **бўлмақ** эзилмоқ; ~ **айламак** сўлдирмоқ.

**пажмурдалиғ** پژمرده‌لیغ сўлғинлик, эзилганлик.

**пажуҳ** پژوه текшириш, таҳқиқ қилиш.

**пай** پی оёқ, қадам; ~ **ба** ~ устма-уст; ~ **урмақ** қадам босмоқ.

**пайваст** پیوست туташ, кетма-кет; ~ **тортмақ** кетма-кет ичмоқ.

**пайваста** پیوسته боғланган, уланган, туташган; ~ **қош** қўшилган қош.

**пайвасталиқ** پیوسته لیق ёпишганлик, боғланганлик; ~ **бўлмақ** боғланмоқ.

**пайк** پیك хабарчи, хабар етказувчи; **ажал** ~ **и** ўлим хабарчиси, Азройил.

**пайкар** پیکر гавда, қиёфа; **пари** ~ пари қиёфа; ~ **тироз** ҳайкалтарош.

**пайкароро** پیکرآرا ва **пайкаророй** پیکرآرای қиёфани безовчи, оро берувчи.

**пайкаророй** پیکرآرای **пайкароро** га қ.

**пайкон** پیکان 1) ёй ўқлари; 2) ёй ўқининг учи.

**пайконлиғ** پیکانلیغ найзалик.

**пайкор** پیکار жанг.

**паймон** پیمان аҳднома; **аҳду** ~ **айламак** бирликка аҳд қилмоқ.

**паймона** پیمانه жом; ~ **йи умр** умр жоми.

**паймонакаш** پیمانه کش соқий.

**паймудалиғ** پیموده‌لیغ 1) юришлик; 2) ўлчашлик.

**пайом** پیام ва **пайғом** پیغام хабар, дарак.

**пайомовар** پیام‌آور хабар келтирувчи, даракчи.

**пайопай** پیاپی кетма-кет, муттасил; ~ **бўлмақ** доим бўлмоқ.

**пайрав** پیرو эргашувчи, изидан борувчи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**пайравлиқ** پیرولیق издан боришлик.

**пайса** پیسه майда пул, чақа.

**пайсипарлиқ** پیسپرلیق кетидан юришлик.

**пайғом** پیغام пайом га қ.

**пайғамбаройин** پیغمبرآیین пайғамбардек.

**пайғомий** پیغامی хабар берувчи.

**пайғомрасон** پیغامرسان хабар етказувчи, хабарчи.

**пайғор** پیغار ва **пайғора** پیغاره туҳмат, иғво.

**пайғора** پیغاره пайғор га қ.

**паланг** پلنگ қоплон, йўлбарс.

**палангий** پلنگی паланг га мансуб, ола-була.

**палид** پلید ифлос.

**палла** پله оёқ пошнаси, оёқ изи.

**панд** پند ўгит.

**пандпазир** پندپذیر насиҳат таъсир қиладиган.

**панж** پنج беш; ~ **ганж** 1) беш хазина; 2) «Хамса» асари.

**панжаварлиқ** پنجه ورلیق зўравонлик.

**паранд** پرند 1) оддий ипак мато; 2) тиғ, шамшир, найза.

**парастанда** پرستنده тобе, хизматкор, ғулом, навкар.

**парастандалиқ** پرستندهلیق хизматкорлик, навкарлик.

**парастиш** پرستش сиғиниш.

**парастор** پرستار 1)хизматкор, ходим; 2) ғамхўр.

**парасторлиқ** پرستارلیق қараш, парвариш, тарбия қилиш (мас., беморни).

**парварда** پرورده тарбия қилинган, парваришланган.

**парвезан** پرویزن элак, ғалвир

**парвин** پروین Ҳулкар юлдузлар туркуми.

**парво** پروا ва **парвой** پروای қўрқиш.

**парвой** پروای парво га қ.

**парвоначи** پروانهچی подшоҳнинг ҳукмини етказувчи.

**парвор** پروار ва **парворий** پرواری парвариш қилинган, семиртирилган.

**парворий** پرواری парвор га қ.



**паргола** پرگاله ва **паркола** پرکاله парча, бўлак.

**паргар** پرگر циркуль.

**пардабоф** پردهباف парда тўқувчи.

**пардавар** پردهور парда тўқувчи.

**пардадар** پردهدر парда йиртувчи, сир очувчи.

**пардадарлиғ** پردهدرلیغ ранжитиш, ҳақорат қилиш.

**пардадор** پردهدار (иккинчи сирни) сақловчи.

**парданишин** پردهنشین 1) пардада ўтирувчи; **аруси ~ пардада** ўтирувчи келин; 2) ҳаёли аёл.

**пардапўш** پردهپوش парда ёпувчи, сир яширувчи; **~ келмак** сир яширмоқ.

**пардарабо** پردهربا пардани кўтарувчи; **~ ўлмақ, сирни очмоқ.**

**пардозлиғ** پردازلیغ жилоли нағма куйин безовчи; **~ айламак** безамоқ.

**пардохт** پرداخت пардоз, жилолаш; **~ қилмақ жило бермоқ.**

**парзада** پرزده чакич урилган; **~ ўтмак, чакичланган нон.**

**паризода** پریزاده пари урган, жин урган.

**парикаш** پریکش пари элтувчи.

**парисон** پریسان паридек; **~ эрмак парига ўхшамоқ.**

**парихон** پریخان сеҳргар; жинларни **чақирувчи (киши).**

**парихонлиғ** پریخانلیغ жодугарлик.

**парипон** پریشان тўзилган, ёйилган; **~ ҳол безовта; ~ бўлмақ** тўзимоқ сочилмоқ.

**парканд** پرکند парча, бўлак; **~ қилмақ** парчаламоқ, **бўлиб** ташламоқ.

**парков** پرکاو қирқиш, буташ.

**парнийоний** پرنیانی гулдор ипак мато.

**парра** پره паррак.

**паррон** پران учувчи; **~ этмак, ~ қилмақ учирмоқ.**

**парронлиғ** پرانلیغ учқурлик.

**партав** پرتو нур: **~ солмақ** ёритмоқ.

**партавлиғ** پرتولیغ нурлилик.

**партов** پرتاو улоқтириш; **~ отмақ,** улоқтирмоқ.

**пархош** پرخاش 1) жанжал, муштлашиш; 2) жанг, уруш; **~ қилмақ** уришмоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**пархошжўй** پرخاش‌جوی жанжал изловчи, уруш қидирувчи.
**парчам** پرچم 1) байроқ ёки найзага илинган попук; 2) кокил, соч.
**парҳезкор** پرهیزکار тийилувчи, парҳезга амал қилувчи.
پخش тарқатиш, ёйиш; ~ **айламак** тарқатмоқ, ёйиб юбормоқ.
**пашиз** پشیز чақа, майда пул; **бир** ~ бир пул; ~ **етишмак** арзонга олинмоқ; ~ **кўринмак** арзон деб билмоқ.
**пашмина** پشمینه 1) жун мато; 2) жун кийим.
**пағом** پغام пайғом нинг қисқаргани.
**паҳлушикоф** پهلوشکاف биқинни тешиб ўтувчи; ~ **бўлмақ** биқинни тешиб ўтмоқ.
**пелтак** پلتك дудуқ, чучук тилли.
**перойа** پیرایه зийнат.
**пероҳан** پیراهن кўйлак.
**песа** پیسه 1) ола-була; 2) ола-була от.
**печ** پیچ 1) эгиклик; 2) буралиш; ~ **ўрмақ** буралмоқ; ~ **қилмақ** уламоқ, қўшмоқ.
**печ дар печ** پیچ در پیچ чигал.
**печида** پیچیده буралган.
**печин** پیچین мураккаб.
**печиш** پیچش қийналиш; ~ **айламак** қийналмоқ.
**печ-печ** پیچ‌پیچ чигал; ~ **эрмак** чигал бўлмоқ.
**пеш** پیش олд, рўпара.
**пеша** پیشه касб.
**пешавар** پیشه‌ور косиб.
**пешаварлик** پیشه‌ورلیك косиблик.
**пешакор** پیشه‌کار устакор.
**пешгаҳ** پیشگه олд.
**пешдод** پیشداد адолат ҳомийси, «додига қулоқ берувчи».
**пешдодий** پیشدادی Эрон шоҳларидан бир сулола.
**пешкаш** پیشکش тортиқ.
**пешон** پیشان олд, қарши (томон).
**пешрав** پیشرو олдинда юрувчи, илғор.
**пешхайл** پیشخیل гуруҳ боши, раҳбар.



**пилпойа** پیلپایه катта биноларда ёғоч устунларининг тагига қўйиладиган тош, зеркунда, тагтош.
**пилтак** پلتك тўғриси **пелтак**.
**пиндор** پندار мағрурлик, ўзини баланд тутиш, такаббурлик.
**пиронанд** پیرامند улуғвор, ҳурматга сазовор.
**пирзол** پیرزال кампир.
**пирона** پیرانه қариларча, оқилона.
**пиронарой** پیرانه‌رای қарияларга хос фикр, ақлли фикр.
**пироста** پیراسته безакли.
**писанд** پسند маъқуллаш; ~ **айламак** маъқулламоқ; ~ **этмак** маъқул кўрмоқ.
**писандида** پسندیده маъқул тушган, ёқтирилган; ~ **тушмак** ёқтирмоқ.
**писандлиқ** پسندلیق маъқул кўришлик, ёқтиришлик.
**по** پا ва **пой** پای оёқ.
**побаст** پابست ва **пойбаст** پایبست 1) асир; 2) боғланган; бўлмақ; ~ **ўлмақ** боғланмоқ; 3) ошиқ.
**побастлиғ** پابستلیغ асирлик.
**побўс** پابوس ва **пойбус** پایبوس оёқ ўпиш.
**подаш** پادش 1) мукофот; 2) жазо, қасос.
**пой** پای по га қ.
**пойа** پایه 1) пойдевор, асос; 2) мартаба, даража.
**пойалиқ** پایه‌لیق асослик, таглик.
**пойанда** پاینده барқарор.
**пойандалиқ** پاینده‌لیق қатъийлик.
**пойбанд** پایبند оёғи боғланган.
**пойбаст** پایبست **побаст** га қ.
**пойбаста** پایبسته иқтидорсиз.
**пойбўс** پایبوس **побўс** га қ.
**пойдор** پایدار барқарор, маҳкам; ~ **бўлмақ,** ~ **ўлмақ** маҳкам бўлмоқ; ~ **қилмақ** барқарор қилмоқ.
**пойинпараст** پایین‌پرست пастда ўтиришни истовчи, камтарлик қилувчи; ~ **эрмак** камтарлик қилмоқ.
**пойкор** پایکار хизматкор.
**пойкўб** پایکوب оёқ тепкилаш; ~ **ўлмақ** сакрамоқ, **тепкиланмоқ.**



www.ziyouz.com kutubxonasi

**поймардлиғ** پایمردلیغ кўмаклашиш; ~ **қилмақ кўмаклашмоқ.**

**пойон** پایان сўнг, охир.

**покбоз** پاکباز садоқатли ошиқ, ҳалол, тўғри юрувчи.

**покдаст** پاکدست ҳурматли.

**покдоман** پاکدامن ва پاکدامان **покдомон иффатли, пок; ~ айламак** тозаламоқ, покиза қилмоқ.

**покдомон** پاکدامان **покдоман** га қ.

**покдомонлиғ** پاکدامانلیغ иффатлилик, ахлоқий поклик.

**покзод** پاکزاد зоти тоза.

**покпайванд** پاکپیوند асли тоза.

**покрав** پاکرو тоза юрувчи.

**покравлиқ** پاکرولیق ахлоқий поклик.

**покрў** پاکرو юзи тоза, оқ юзли.

**покфар** پاکفر тоза.

**покшиор** پاکشعار тоза хулқли.

**полуда** پالوده соф, тоза; ~ **йи душоб** тоза шинни.

**полудалиқ** پالودهلیق тозалик.

**помол** پامال оёқ ости қилинган, эзилган.

**порсо** پارسا тақводор, художўй.

**порсоваш** پارساوش художўй сингари.

**порсолиқ** پارسالیق тақводорлик, художўйлик.

**порсосўзанда** پارساسوزنده порсоликка ўт қўювчи.

**пору** پارو ёғоч курак.

**пос** پاس 1) сақлаш, қоровуллаш; 2) туннинг бир қисми; 3) эътибор, хурмат.

**посух** پاسخ жавоб.

**пошандалик** پاشندهلیك сепишлик, сочишлик.

**пошикаста** پاشکسته оёғи синиқ.

**поғунда** پاغنده пахта, титилган пахта.

**пуд** پود ва **пуда** پوده арқоқ (газлама кўндалангининг номи).

**пуда** پوده **пуд** га қ.

**пузишпазир** پزرشپذیر кечирувчи.

**пул I** پل кўприк.



**пул II** پول ақча.

**пур** پر тўла, тўлдирилган; ~ **қилмақ** тўлдирмоқ.

**пурбор** پربار серёғин; **абри** ~ ёғинли булут.

**пургў** پرگو сергап, эзма.

**пургўйлуқ** پرگویلوق эзмалик, сергаплик.

**пурдардий** پردردی дардли, аламли; ~ **сўз** дардли гап.

**пурдил** پردل юракли, касур.

**пуржамъ** پرجمع зич, тиғиз йиғин; ~ **бўлмақ** зич бўлиб йиғилмоқ.

**пуржўш** پرجوش қайноқ.

**пуркор** پرکار ишчан.

**пуркорлиғ** پرکارلیغ ишчанлик.

**пурмакр** پرمکر ҳийлакор.

**пурнур** پرنور нурли, нурга тўла; ~ **ўлмақ** нурга **тўлмоқ.**

**пурофат** پرآفت серофат.

**пурошуб** پرآشوب серҳаяжон; ~ **бўлмақ** жуда ҳаяжонли **бўлмоқ**

**пурпеч** پرپیچ чигал.

**пурсўз** پرسوز қаттиқ куйдирувчи.

**пуртоб** پرتاب 1) серчигал, сиртмоқли; **гисуйи** ~ серчигал соч. 2) нурли, шуълали.

**пурфан** پرفن маккор; **чархи** ~ маккор фалак.

**пурфанлиқ** پرفنلیق маккорлик; ~ **қилмақ,** маккорлик **қилмоқ**

**пурфусун** پرفسون сермакр.

**пурхам** پرخم жингалакли, буралиб кетган.

**пурхатар** پرخطر серхатар.

**пурхирад** پرخرد серақл.

**пурхор** پرخار сертикан.

**пурхун** پرخون қонли, қон тўла; **дийдайи** ~ қон тўла кўз.

**пурчин** پرچین серажин, ажин босган; ~ **ораз** ажин босган юз.

**пуршикан** پرشکن 1) синиғи кўп; сертутун, жингалак; ~ **зулф** ўрим халқаси кўп соч, жингалак соч.

**пуршўр** پرشور серғавғо; ~ **хотир** серғавғоли хаёл.

**пурқаҳр** پرقهر ғазабли, ғазабга тўла.

**пурҳийла** پرحیله ҳийласи кўп.





www.ziyouz.com kutubxonasi

**пурҳол** پرحال хурсанд, шод; ~ бўлмақ шодланмоқ.

**пурҳолат** پرحالت турли ҳол; ҳар хил кўриниш; ~ бўлмақ тусланмоқ, турли ҳолга тушмоқ.

**пурҳубоб** پرحباب серкўпик.

**пурҳунарлиқ** پرهنرليق устакорлик, тажрибакорлик.

**пушт** پشت насл; **киши** ~ **и** одам насли; 2) орқа, кейин.

**пўй** پوی югуриш, чопиш; ~ **урмақ** югурмоқ.

**пўйа** پويه югуриш, елиш, чопиш.

**пўйагар** پويه گر юрувчи, югурувчи, пойгачи.

**пўйазан** پويه زن қадам босувчи, юрувчи.

**пўйанамо** پويه نما тез борар каби

**пўйанда** پوينده тез юрар; тез юриш.

**пўйандалиг** پويندهليغ тез юрарлик, тез юришлик.

**пўлок** پولاک балиқ қапоти; ёй ўқининг пати.

## Р

**рабб** رب кўплиги **арбоб** 1) хўжа, эга; 2) тангри; ~ **у-л-оламин** дунёлар тангриси; ~ **и ғафур** кечирувчи тангри.

**раббано** ربنا эй бизнинг тангри.

**раббоний** ربانی тангрига мансуб, **олими** ~ илоҳиёт олими, **улуми** ~ **илоҳий илмлар.**

**рабиъ** ربيع баҳор.

**рабиъу-л-аввал** ربيع الاول ҳижрий йил учинчи ойининг номи.

**рабойанда** ربابنده тортувчи, жалб қилувчи, жозибали.

**рабойандалиг** ربايندهليغ жозибадорлик, ўзига тортувчанлик.

**работ** رباط карвонсарой, мусофирхона.

**рабт** ربط боғлаш; ~ **айламак,** ~ **бермак** боғламоқ;

**рабуд** ربود тортиш; ~ **тиламак** қайтармоқ.

**рабуда** ربوده тортиб олинган, тортилган; ~ **айлаб олмақ тортиб олмоқ.**

**рабъ** ربع 1) манзил; 2) маҳалла.

**раванда** رونده юрувчи, кезувчи, мусофир.

**равза** روضه кўплиги **рийоз** 1) боғ; 2) жаннат; ~ **йи дори-л-бақо,** ~ **йи ризвон,** ~ **йи хулд** жаннат боғи.



**равзан** روزن туйнук, дарча, тешик; ~ - ~ илма-тешик.

**равнақфизой** رونق‌فزای равнақли, мунаввар, нурли ~ **бўлмақ** мунаввар бўлмоқ.

**равойиҳ** روايح **ройиҳа** нинг кўплиги; ~ **тайййба** яхши ҳидлар.

**равон** روان юрувчи: **ашки** ~ оқар кўз ёши; **оби** ~ оқар сув; ~ **айламак** юргизмоқ, тўкмоқ; 2) тез; ~ **битмак** тез ёзмоқ; ~ **бўлмақ** юрмоқ; ~ этмак юргизмоқ; 3) жон; ~ **киргизмак** жон бермоқ, **тирилтирмоқ.**

**равона:** روانه ~ **айламак** 1) юргизмоқ; 2) тўкмоқ.

**равонбахш** روان‌بخش жон бахш, жон берувчи.

**равонбахшлиқ** روان‌بخشليق жон бахшлик; ~ **қилмақ** жон бахшлик қилмоқ.

**равоносо** روان‌آسا жонбахш.

**равонпарвар** روان‌پرور жонпарвар.

**равотиб** رواتب **ротиб** нинг кўплиги.

**равоқ** رواق гумбаз; айвон.

**равшанравиш** روشن‌روش кўринарли, кўримли, ~ **равшанравон** нурга интилувчи.

**равшанрой** روشن‌رای билимли, зиёли.

**равҳ** روح севинч; **беандоза** ~ чексиз севинч.

**раг** رگ томир; ~ **узмак** томир узмоқ; **имон** ~ **и дин** асоси.

**райосат** رياست раислик, бошқаришлик.

**райоҳин** رياحين райҳон нинг кўплиги.

**ража** رژه қараш, парвариш қилиш; ~ **чекмак** қарамоқ, парвариш қилмоқ.

**ражо** رجا умид қилиш, тилаш.

**ражулийййат** رجوليت эркаклик, мардлик.

**ражват** رجوت қайтиш, чекиниш.

**раз** رز ток, узум; ~ **фарзанди,** ~ **қизи** май, шароб.

**раззоқ** رزاق ризқ берувчи; ~ **келмак** ризқ бермоқ.

**разил** رذيل кўплиги **арзол** паст, тубан (киши); ~ **и даний** бевафо дунё.

**разилваш** رذيلوش пасткаш, тубан; ~ эл пасткаш халқ.

**разм** رزم жанг; ~ **айламак,** ~ **қилмақ** жанг қилмоқ.

**размгоҳ** رزمگاه жанг майдони; ~ **майдони** жанг майдони.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**размсоз** رزمساز жангчи.

**раиййат** رعیت **раъиййат** га қ.

**раиййатнавоз** رعیت‌نواز халқпарвар.

**райҳон** ریحان кўплиги **райоҳин гул номи.**

**райҳоний** ریحانی райҳон **исли.**

**рак** رك тўғриси **рағ.**

**ракик** رکیك 1) дағал, қўпол; 2) **суст, заиф;** ~ **гуфтор қўпол сўз.**

**рам** رم чўчиш, хуркиш; ~ **ўлмақ, чўчимоқ,** ҳуркмоқ; ~ **этмак,** ~ **қилмақ** чўчитмоқ, ҳуркитмоқ.

**рама** رمه 1) гала; 2) пода.

**рамад** رمد кўз қизариши.

**рамақ** رمق сўнги нафас.

**рамз** رمز белги, аломат, **ишора.**

**рамида** رمیده чўчиган, ҳурккан; ~ **бўлмақ** чўчимоқ, ҳуркмоқ; ~ **хотир хаёли қочган.**

**рамим** رمیم чирик, чириган; **азми** ~ чириган суяк.

**рамл** رمل қум; ~ **машқи** қум билан фол очишни ўрганиш; ~ **чекмак** қум билан фол очмоқ.

**раммол** رمال фолбин, қум билан фол очувчи.

**рамон** رمان ҳурккан, чўчиган; ~ **эрмак** чўчимоқ, хуркмоқ.

**ранг** رنگ 1) бўёқ, тус; **қаро** ~ **қора бўёқ.** 2) режа; ~ **сайд этмак** ов режасини тузмоқ.

**рангин** رنگین рангли, ранг-баранг; ~ **бўлмақ** бўялмоқ; қизармоқ.

**ранглиғ** رنگلیغ : ~ **сўз** жимжимадор гап.

**рангомиз** رنگ‌آمیز рангларни аралаштирувчи; ~ **гуногунлиғ** ранг-баранглик.

**рангрезлик** رنگریزلیك бўёқчилик; ~ **иши** бўёқчилик ҳунари.

**рангий** رنگی машаққат, қийинчилик; ~ **га солмақ** қийнаб қўймоқ.

**ранжа** رنجه 1) меҳнат; **қадам** ~ **айламак** қийин бўлса ҳам бориб келмоқ; 2) безовталик; ~ **га қолмақ** безовта бўлмоқ; 3) озор **чекмоқ.**

**ранжида** رنجیده ранжиган.

**ранжон** رنجان хафа бўлиш, ранжиш; ~ **бўлмақ** хафа бўлмоқ, ранжимоқ.



**ранжпаймой** رنجپیمای ранжиган.

**ранжпарвард** رنجپرورد дардпарвар; ~ **ўлмақ** ҳамдард бўлмоқ.

**ранжур** رنجور касалманд, дардманд; ~ **бўлмақ қийналмоқ.**

**ранжурлуғ** رنجورلوغ касаллик, беморлик.

**ранжфарсой** رنجفرسای машаққатни олиб ташловчи; ~ **бўлмақ** машаққатсизлантирмоқ.

**расад** رصد 1) юлдузлар ҳаракатини кузатиш; 2) юлдузлар ҳаракатига **қараб келгуси ишларнинг кайфиятини аниқлаш;** ~ **боғламақ** астрономик жадвал тузмоқ.

**расадбанд** رسدبند мунажжим.

**расан** رسن арқон, ип.

**расм** رسم кўплиги **русум** одат, удум.

**расойил** رسایل **рисола нинг кўплиги.**

**раста** رسته 1) саф, қатор; 2) озод бўлган, қутулган; қутулмоқ, озод бўлмоқ.

**растгор** رستگار қутулган, халос бўлган, озод бўлган; ~ **бўлмақ** қутулмоқ, озод бўлмоқ.

**расул** رسول кўплиги **русул** элчи, пайғамбар; ~ **и араб Муҳаммад пайғамбар.**

**расулона** رسولانه пайғамбарона, пайғамбарларча.

**расулу-л-лоҳ** رسول‌الله Оллоҳнинг элчиси.

**ражб** رجب ҳўл, нам, юмшоқ; ~ **у-л-лисон қилмақ** гапирмоқ, ошкор қилмоқ.

**ратл** رطل қадаҳ.

**рафиъ** رفیع юксак, баланд, буюк; ~ **айламак** юксалтирмоқ, баланд кўтармоқ.

**рафоҳиййат** رفاهیت фаровонлик, маъмурлик, тўкин-сочинлик.

**рафраф** رفرف ёстиқ.

**рафтор** رفتار муомала; ~ **солмақ,** ~ **этмак** юрмоқ.

**рафъ** رفع кўтариш; ~ **бўлмақ,** ~ **ўлмақ** кўтарилмоқ; ~ **этмак** кўтармоқ.

**рафъат** رفعت тўғриси **рифъат.**

**рах** رخ чизиқ; ажин.

**рахна** رخنه дарз, ёриқ, тешик, тирқиш; ~ **солмақ путур етказмоқ;** ~ **тушмақ** путур етмоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**рахт** رخت буюм.
**рахш** رخش 1) қизил; 2) югурик от, тулпор; ~ **сурмак** от юргизмоқ, уруш қилмоқ.
**рахшанда** رخشنده ялтироқ, порлоқ.
**рахшандалик** رخشنده‌لیك ялтироқлик, нурлилик.
**рахшон** رخشان ялтироқ, порлоқ.
**рашаҳот** رشحات рашҳа нинг кўплиги.
**рашид** رشید 1) мард; 2) ақли бутун, оқил.
**рашҳа** رشحه кўплиги **рашаҳот** томчи.
**раъд** رعد момақалдироқ.
**раъиййат** ва **раиййат** رعیت кўплиги **раъойо** ҳалқ, уммат, фуқаро.
**раъйат** رعیت байроқ.
**раъойо** رعایا раъиййат нинг кўплиги.
**раъс** راءس бош; ~ **ан бар** ~ устма-уст.
**раъфат** ва **рофат** راءفت шафқат қилиш.
**раъша** رعشه 1) титроқ; 2) қалтираш.
**рақам** رقم кўплиги **арқом** ва **руқум** соннинг ёзувдаги белгиси; ~ **чекмак ёзмоқ.**
**рақамзад** رقمزد ёзиш.
**рақамзада** رقمزده ёзилган, битилган.
**рақамзан** رقمزن ёзувчи, котиб.
**рақамкор** رقمکار рақам қилувчи, ҳисобчи.
**рақамхон** رقمخان ўқувчи, билувчи.
**рақамсанж** رقمسنج донишманд, билимдон.
**рақба** رقبه : **ер** ~ **си** ер мулки.
**рақиқ** رقیق бўш, майин; ~ **қалб** таъсирчан, кўнгилчан.
**рағбат** رغبت интилиш, орзу, иштиёқ, майл; ~ **айламак,** ~ **қилмақ** интилмоқ.
**рағбатнамой** رغبت‌نمای рағбат кўрсатувчи; ~ **бўлмақ** интилмоқ.
**рағим** رغیم 1) истамовчи; 2) мажбур бўлган.
**раҳ** ره **роҳ** II га қ.
**раҳба** رحبه 1) кенг хона; 2) кенг жой.
**раҳвор** رهوار тезу равон; ~ **эрмак** тезу равон юрмоқ.



**раҳгузар** رهگذر ва **раҳгузор** رهگزار 1) йўловчи; 2) ўтиш йўли.
**раҳгузор** رهگذار раҳгузар га қ.
**раҳзан** رهزن роҳзан га қ.
**раҳзанлиқ** رهزنلیق **роҳзан** га қ.; ~ **этмак** йўл тўсарлик қилмоқ.
**раҳил** رحیل жўнаш, кетиш, кўчиш; ~ **қилмақ** кўчмақ.
**раҳилкуш** رحیلکوش йўловчи, йўлга солувчи.
**раҳим** رحیم раҳм қилувчи; ~ **ўлмақ** раҳмли бўлмоқ.
**раҳимаҳу-л-лоҳу** رحمه الله Оллоҳ унга раҳм қилсин.
**раҳкуб** رهکوب йўл босувчи, йўлланувчи; ~ **бўлмақ** йўлга отланмоқ.
**раҳмат** رحمت раҳмдиллик, марҳаматлилик; ~ **у-л-лоҳ.** Оллоҳнинг марҳамати; ~ **қилмақ** раҳмдиллик қилмоқ; **Олоҳ** ~ **ига восил бўлмақ, Оллоҳ** ~ **ига бормақ** ўлмоқ.
**раҳматфизой** رحمت‌فزای раҳмдиллик қилувчи, марҳамат қилувчи.
**раҳмон** رحمان раҳм қилувчи.
**раҳмоний** رحمانی илоҳий; ~ **бўлмақ** илоҳий бўлмоқ.
**раҳн** رهن гаров; ~ **этмак** гаровга қўймоқ.
**раҳнавард** رهنورد **роҳнавард** га қ.
**раҳнамулуқ** رهنمولوق йўлбошчилик; ~ **қилмақ** йўлбошчилик қилмоқ.
**раҳнамун** رهنمون **роҳнамун** га қ; ~ **айламак** йўл кўрсатмоқ.
**раҳнамунлуқ** رهنمونلوق йўл кўрсатувчилик; ~ **қилмақ** йўл кўрсатмоқ.
**раҳолиқ** رهالیق озод, халос қилиш; ~ **бўлмақ** озод бўлмоқ, халос бўлмоқ.
**раҳрав** رهرو **роҳрав** га қ.; ~ **ўлмақ** йўл юрмоқ.
**раҳшунос** رهشناس **роҳшунос** га қ; ~ **бўлмақ** йўл танимоқ.
**раҳмфиканда** رحمفکنده йўлга ташланган.
**рев** ریو макр; ҳийла; ~ **айламак** ҳийла қилмоқ.
**реза** ریزه майда.
**резачин** ریزه‌چین қолган овқатни еювчи.
**резон** ریزان тўкилувчи, сочилувчи.
**реза-реза** ریزه ریزه майда-майда; ~ **айламак,** ~ **қилмақ** майдаламоқ, тўғрамоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**реш** ریش 1) яра; 2) яраланган; ~ **тан** яраланган тан; ~ **айламак**, ~ **этмак** яраламоқ.
**реша** ریشه илдиз.
**рибқа** ربقه 1) зулм; 2) сиртмоқ.
**ридо** ردا елкага ташланадиган мато, рўмол.
**риё** ریا мунофиқлиқ, икки юзламачилик.
**риёз** ریاض равза нинг кўплиги.
**риёзат** ریاضت тийиниш, ўзини дунё лаззатларидан тийиш; ~ **тоши** оғирлик.
**риёзий** ریاضی риёзатли, тийилувчи.
**риёзот** ریاضات риёзат нинг кўплиги.
**риёний** ریانی риёкор, мунофиқ; **шайхи** ~ мунофиқ шайх.
**риёкаш** ریاکش риёкор, мунофиқ.
**риёлиқ** ریالیق мунофиқлик.
**риёсат** ریاست бошчилик, раҳбарлик; ~ **қилмақ** бош бўлмоқ
**риёҳ** ریاح риҳ нинг кўплиги; ~ **ғубори** шамол тўзони.
**рижол** رجال ражул нинг кўплиги.
**ризвон** رضوان жаннат; **равзаи** ~ жаннат боғи.
**ризо** رضا розилик, кўниш; ~ **аҳли** рози бўлувчилар, кўнувчилар.
**ризожўй** رضاجوی ризолик истовчи.
**ризоманд** رضامند рози, кўнган; ~ **бўлмақ** кўнмоқ,
**ризқ** رزق кўплиги **арзоқ насиба.**
**рикоб** رکاب узанги.
**ринд** رند майпараст.
**риндваш** رندوش мард.
**риндона** رندانه мардона.
**рисола** رساله кўплиги расойил 1) хат, мактуб; 2) асар.
**рисолат** رسالت пайғамбарлик.
**рисолатойин** رسالت‌آیین пайғамбар кўринишли.
**рисолатпаноҳ** رسالت‌پناه пайғамбар ҳомийси, пайғамбар ҳимоячиси.
**рифъат** رفعت 1) кўтариш, баландлаш; 2) юқори мартаба.
**рифъатфизой** رفعت‌فزای улуғлик орттирадиган.



**рифқ** رفق лутф, меҳрибонлик; ~ айламак меҳрибонлик қилмоқ, лутф кўрсатмоқ.
**ришва** رشوه пора; ~ **бермак** пора бермоқ.
**ришватхўр** رشوتخور порахўр.
**ришта** رشته 1) ип; 2) тор; **Марям** ~ **си** Биби Марям Исо пайғамбарга **тўқиб** берган хирқа **учун ишлатган иплар.**
**риштатоб** رشته تاب эшиб пиширилган.
**риққат** رقت нозиклик, юмшоқлик.
**ришханд** ریشخند 1) масхара қилиш, пичинг қилиш.
**риҳ** ریح кўплиги **риёҳ шамол.**
**риҳлат** رحلت кўчиш; ~ **кўсин чалмақ ўлмоқ.**
**робиъ** رابع тўртинчи; ~ **уҳум калбуҳум** уларнинг тўртинчиси уларнинг итидир («ал-Каҳф» сурасида ҳикоя қилинган ғорда 309 йил ухлаб турган уч ўсмир ва уларнинг итига ишора).
**робита** رابطه муносабат, алоқа.
**ровий** راوی ривоят қилувчи.
**рожиъ** راجع 1) қайтувчи; ~ **бўлмақ** қайтмоқ; 2) боғланган тегишли.
**рожиҳ** راجح 1) лойиқ; ~ **этмак лойиқ** кўрмоқ; 2) устун, ортиқ; 3) эҳтимолли.
**роз** راز сир.
**розалиқ** رازه‌لیق тош йўнувчи; ~ **санъати тош йўниш ҳунари**
**роздор** رازدار 1) сирдош; 2) ишончли, амин (киши).
**розиқ** رازق ризқ берувчи, **ризқлантирувчи.**
**розжў** رازجو сир изловчи.
**розпардоз** رازپرداز маҳфий, сирли.
**роиз** رایز ўргатувчи; **ишқ** ~ **и** ишқ ўргатувчиси.
**роиҳа** رایحه ройиҳа га қ.
**рой** رای ва **раъй** رأی фикр, ўй.
**ройат** رایت раъйат га қ.
**ройзан** رایزن фикр билдирувчи.
**ройиж** رایج ва **ройижа** رایجه ишлатиш, муомалага киритиш (пулни).
**ройижа** رایجه ройиж га қ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**ройиҳа** رايحه кўплиги **равойиҳ** яхши ҳид.

**рокиб** راكب отлиқ; ~ **и самоватпаймо** осмонга чиқувчи.

**рокиъ** راكع тиз чўкувчи; ~ ўлмақ тиз чўкмоқ.

**ром** رام 1) бўйсунувчи, бўйин эгувчи; 2) қўлга ўргатилган; ~ **айламак,** ~ **қилмақ** бўйсундирмоқ; ~ **бўлмақ,** ~ **ўлмақ** бўйсунмоқ.

**ромиш** رامش хушчақчақлик, шодлик.

**ромиҳ** رامح тез учар, тез юрар; **симоҳи** ~ тезучар юлдуз.

**росих** راسخ қаттиқ турувчи, маҳкам турувчи; ~ бўлмақ барқарор бўлмоқ; ~ **тутмақ** қатъий турмоқ.

**ростбасар** راست‌بصر тўғри кўз.

**ростгом** راستگام тўғри юрувчи.

**ростгор** راستگار қутулиш; ~ **бўлмақ** қутулмоқ.

**ростмонанд** راست‌مانند ростмисол, ростга ўхшаш.

**рострав** راسترو тўғри юрувчи.

**рostравлиқ** راسترو‌ليق тўғрилик, ҳалоллик.

**ротиб** راتب кўплиги **равотиб** 1) белгиланган, тайинланган; 2) пул, ҳақ.

**ротиба** راتبه тайин қилинган (ҳақ, нафақа).

**рофат** رافت раъфат га қ.

**роқий** راقى сеҳргар, сеҳр.

**роқим** راقم хат ёзувчи, котиб.

**роғ** راغ ўтлоқ, дала.

**роғиб** راغب истовчи, интилувчи.

**роҳ I** راح май, чоғир.

**роҳ II** راه ва ره **раҳ** йўл.

**роҳатайн:** راحتين ал-йаъсу иҳда-р-роҳатайн умидсизлик— икки роҳатнинг бири.

**роҳзан** راهزن ва **раҳзан** رهزن йўл тўсар, қароқчи.

**роҳзанлиқ** راهزنليق ва **раҳзанлиқ** رهزنليق йўл тўсарлик, қароқчилик.

**роҳиб** راحب кўплиги руҳбон رحبان нассорийлар рабҳари, муриши.

**роҳила** راحله улов.

**роҳнаворд** راهنورد ва раҳнаворд رهنورد йўловчи, кезувчи.

**роҳнамун** راهنمون ва **раҳнамун** رهنمون йўл кўрсатувчи.

**роҳрав** راهرو ва **раҳрав** رهرو йўловчи, саёҳатчи.

**роҳшунос** راهشناس ва **раҳшунос** رهشناس йўл танигувчи.

**рубъ** ربع тўртдан бир, чорак; ~ **маскун** ернинг аҳоли яшайдиган чораги.

**руд I** رود дарё, оқим; ~ **и Синд** Синд дарёси.

**руд II** رود **торли мусиқа асбоби;** ~ **у роҳ мусиқа ва шароб.**

**рудбор** رودبار оқар сув кўп ер.

**рудхона** رودخانه 1) дарё, 2) ирмоқ.

**ружуъ** رجوع 1) мурожаат қилиш; 2) қайтиш; қайтиб келиш; ~ **этмак,** ~ **қилмақ** қайтмоқ.

**рукн** ركن кўплиги **аркон** устун.

**рукуъ** ركوع эгилиш, намозда эгилиб туриш; ~ **ўлмақ** эгилмоқ.

**руммон** رمان анор.

**руммоний** رمانى анор ранг, анор гулининг ранги.

**румуз** رموز рамз нинг кўплиги.

**румҳ** رمح найза.

**русий** روسى саҳройи; **гадойи** ~ саҳройи гадо.

**руст** رست маҳкам, қаттиқ; ~ **қилмақ** беркитмоқ, яширмақ.

**рустахез** روسته‌حيز ва **рустохез** روستاخيز ва **рустхез** روست‌خيز 1) охиратда тирилиш, қиёмат қаюм; 2) жонланиш, уйғониш; ~ **солмақ** ғавғо қилмоқ

**рустоий** روستائى қишлоқи.

**рустохез** روستاخيز рустахез га қ.

**рустхез** رستخيز рустахез га қ.

**русул** رسول расул нинг кўплиги.

**русум** رسوم расм нинг кўплиги; ~ **бўлмақ** расм, одат бўлмоқ.

**русух** رسوخ маҳкамлик, қатъий туришлик, хотиржам бўлишлик; ~ **қилмақ** қатъийлашмоқ, маҳкамлашмоқ.

**рутаб** رطب ҳўл, нам; **ҳарри** ~ иссиқ ҳўл (мизож).

**рутба** رتبه унвон, мартаба, даража.

**рутбалик** رتبه‌ليك мартабалик, даражалик.

**рутубат** رطوبت намлик, ҳўллик.

**рух** رخ юз; ~ **и зард** сариғ юз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**рухас** رخص рухсат нинг кўплиги.

**рухом** رخام мармар тош.

**рухсат** رخصت кўплиги **рухас** ижозат.

**рухсор** رخسار юз.

**рухсорлиғ** رخسارليغ юзли.

**рушд** رشد 1) ўсиш, камол топиш; 2) ақли комиллик.

**руунат** رؤنت тентаклик, енгилтаклик.

**руъйат** رويت кўриш, янги ойни кўриш; ~ у-л-лоҳ эҳтимоли Оллоҳни кўриш эҳтимоли.

**руқум** رقوم **рақам** нинг **кўплиги.**

**руқъа** رقعه 1) хат, мактуб; 2) **ямоқ.**

**руҳ** روح кўплиги **арвоҳ жон.**

**руҳафзо** روحافزا ва **руҳафзой** روحافزای руҳлантирувчи, жонлантирувчи, тирилтирувчи.

**руҳафзой** روحافزای **руҳафзо** га қ.

**руҳбахш** روحبخش руҳ берувчи, жон киргизувчи.

**руҳбон** رحبان роҳиб нинг кўплиги.

**руҳгустар** روحگستر руҳ берувчи.

**руҳона** روحانه руҳ билан; **сабук** ~ енгил руҳ билан.

**руҳосо** روحآسا руҳни кўтарувчи, кўнгил очувчи.

**руҳпарвар** روحپرور **руҳни парвариш қилувчи, руҳлантирувчи.**

**руҳу-л-амин** روحالامين ва **руҳу-л-қудс** روحالقدس Жабрайил алайҳи-с-саломнинг лақаблари.

**руҳу-л-лоҳ** روحالله Исо пайғамбарнинг лақаби.

**руҳу-л-қудс** روحالقدس **руҳу-л-амин** га қ.

**рў** رو **рўй** га қ.

**рўбараҳ** روبره ва **рўбароҳ** روبراه йўлга чиқиш, сафарга отланиш, ~**бўлмақ** сафарга чиқмоқ.

**рўбароҳ** روبراه **рўбараҳ** га қ.

**рўбарў** روبرو ва **рўбарўй** روبروی юзма-юз.

**рўбарўй** روبروی **рўбарў** га қ.

**рўбоҳ** روباه тулки.

**рўгардон** روگردان юз ўгирган; ~ **бўлмақ** юз ўгирмоқ.

**рўда** روده ичак.



**рўз** روز кун.

**рўзадор** روزه‌دار рўза тутган **киши.**

**рўзафзун** روزافزون кундан-кун ортиб борувчи; ~ **бўлмақ** кун сайин кўпаймоқ.

**рўзгор** روزگار 1) замона; ~ **аҳли** замондошлар; 2) ҳаёт; 3) қисмат.

**рўзий** روزی ризқ, насиба.

**рўзнома** روزنامه кундалик дафтар

**рўй I** روی ва **рў** رو юз.

**рўй II** روی бронза.

**рўйинтан** رویین‌تن бронза бадан.

**рўйкаш** رویکش **рўкаш** га қ.

**рўйпўш** روپوش ва **рўпўш** روپوش чачвон.

**рўкаш** روکش ва **рўйкаш** رویکش қалбаки, ясама.

**рўпўш** روپوش **рўйпўш** га қ.

## С

**сабаб** سبب кўплиги **асбоб** бois, важ, баҳона.

**сабад** سبد ва **сабат** سبت сават.

**сабат** سبت **сабад** га қ.

**сабақ** سبق кўплиги **асбоқ** дарс, ўқиш; ~ **олмақ** ўрганмоқ, ўқимоқ; ~ **ўқумақ** дарс олмоқ.

**саббоғ** سباغ бўёқчи.

**сабзалиқ** سبزه‌ليق яшиллик, яшил ранглик.

**сабзпўш** سبزپوش 1) кўк либосли; 2) Хизр алайҳи-с-салом.

**сабзоранг** سبزارنگ **сабзранг га қ.**

**сабзранг** سبزرنگ ва **сабзоранг** سبزارنگ яшил ранг.

**сабий** صبی бола, гўдак.

**сабил** سبيل йўл; ~ **қилмақ** қурбон қилмоқ.

**сабилу-л-лоҳ** سبيل‌الله худо ҳақи, худо йўли.

**сабиҳ** سبيح гўзал, чиройли; ~ **ўлмақ** чиройли бўлмоқ.

**сабоҳ** صباح эрталаб, тонг; ~ **у масо,** ~ **у шом** эртаю кеч.

**сабоҳат** سباحت чирой.

**сабоҳатлиғ** سباحتليغ чиройлик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**сабрпайвандлиқ** صبرپیوندلیق чидамлилик, тоқатлилик.

**сабрхоҳ** صبرخواه чидамли, тоқатли; ~ **бўлмоқ** чидамоқ.

**сабт** سبت қайд қилинган, ёзилган; ~ **ўлмақ** (тақдирда) ёзилмоқ; ~ **айламак,** ~ **этмак,** ~ **қилмақ** 1) маҳкам қилмоқ, мустаҳкамламоқ; 2) ёзмоқ, битмоқ, ~ **қилилмақ** ёзилмоқ, қайд қилинмоқ.

**сабу** سبو кўзача.

**сабукаш** سبوکش май уювчи.

**сабукашлик** سبوکشلیك 1) ичувчилик, майхўрлик; 2) май кўювчилик.

**сабукбор** سبوکبار 1) енгил юкли; 2) чаққон, илдам; ~ **ўлмақ** чаққон бўлмоқ.

**сабукборлиғ** سبوکبارلیغ бепарволик.

**сабукгом** سبوکگام енгил қадам, тез юрувчи.

**сабукдав** سبوکدو тез юрувчи, югурик.

**сабукинонлиғ** سبوکعنانلیغ енгилтаклик.

**сабукпай** سبوکپی тез юрар.

**сабукрав** سبوکرو енгилтак, оёғи енгил.

**сабукруҳ** سبوکروح самимий, очиқ чеҳрали.

**сабукруҳлуғ** سبوکروحلوغ самимийлик, очиқ юзлилик.

**сабуксайр** سبوکسیر тез ўтувчи, тез юрувчи.

**сабуксанг** سبوکسنگ 1) енгил тош, 2) енгил.

**сабукхез** سبوکخیز илдам, эпчил, чаққон.

**сабур** صبور сабрли, чидамли, ~ **бўлмақ** чидамли бўлмоқ.

**сабурий** صبوری сабрлилик, чидамлилик.

**сабуъ** سبوع йиртқич, ҳайвон.

**сабуъиййат** سبوعیت йиртқичлик, ҳайвонийлик.

**сабуҳ** صبوح 1) тоза; чиройли; 2) наҳорга май ичиш.

**сабуҳий** صبوحی наҳорга май ичиш; ~ **жом,** ~ **май** саҳар ичиладиган май; ~ **қилмақ** наҳорга май ичмоқ.

**сабуҳкашон** صبوحکشان наҳорга май ичувчилар.

**сабъ** سبع ва **сабъа** سبعه етти.

**сабъа** سبعه **сабъ** га қ.; ~ **йи масоний** фотиҳа сураси.

**сабқатнамо** سبقت‌نما ва **сабқатнамой** سبقت‌نمای пешқадам, илгари, илгарилаган.

**сабқатнамой** سبقت‌نمای **сабқатнамо** га қ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**сабҳа** سبحه тасбеҳ.

**сав** ساو **сов** га қ.

**савб I** صوب томон, тараф.

**савб II** ثوب кўплиги **асвоб** кийим, либос.

**савдо I** سودا 1) қора; 2) шайдолик, гирифторлик.

**савдо II** سودا олди-сотди.

**савдоафзой** سوداافزای ғам-ташвиш орттирувчи.

**савдоомиз** سوداآمیز савдо аралаш; ~ **хаёл** шайдоли хаёл.

**савдопеша** سوداپیشه савдогар.

**савиййат** سویت тенглик, баробарлик.

**савлажон** صولجان чавгон.

**савм** صوم рўза; ~ **аҳли** рўзадорлар; ~ **тутмақ** рўза тутмоқ.

**савмаъа** صومعه кўплиги **савомиъ** христианлар ибодатхонаси.

**саво** سوا баробар, тенг.

**савобит** ثوابت **собит** нинг кўплиги; темир қозиқ юлдузи.

**савод** سواد 1) қора, қоралик; 2) қоронғи, қоронғилик, зулмат; 3) ёзувнинг биринчи нусхаси, қоралама; ~ **айламак,** ~ **қилмақ** 1) ёзмоқ, хат ёзмоқ; 2) қора қилмоқ.

**савол** سوال кўплиги **асвила** сўроқ.

**савомиъ** صوامع **савмаъа** нинг кўплиги.

**савоҳил** سواحل **соҳил** нинг кўплиги.

**савр** ثور 1) хўкиз; 2) Ҳамал буржи; 3) апрель.

**савсаний** سوسنی савсан ранг, яшил ранг.

**савт** صوت овоз, товуш; куй, оҳанг; ~ **и алҳон** куйлар; ~ **у-л-химор** эшак овози.

**сағбонлиғ** سگبانلیغ итбоқарлик.

**садд** سد 1) тўғон; 2) ғов, тўсиқ; ~ **и роҳ** йўл тўсиғи.

**садамот** صدمات **садмат** нинг кўплиги.

**садафвор** صدفوار садафдек, садафга ўхшаш.

**садафгун** صدفگون садаф ранг.

**садафкор** صدفکار 1) садаф йўнувчи; 2) садаф қадалган.

**садафкорлиқ** صدفکارلیغ садаф билан безатилганлик.

**садафпора** صدفپاره садаф парчалари.

**садафреза** صدفریزه садафнинг синиғи, майдаланган садаф.

**садафсон** صدفسان садаф каби, садафга ўхшаш.

**садбарг** صدبرگ юз япроқ; **гули** ~ қирқоғайни.

**саддақ** صدق тўғри, рост.

**садйак** صدیك юздан бир.

**садмат** صدمت кўплиги **садамот** 1) тўсатдан тушадиган зарба; кутилмаган зарба, ҳужум; 2) зарар.

**садматомиз** صدمت‌آمیز кутилмаган.

**садорат** صدارت бошчилик, раислик; ~ **олий** олий раҳбарлик.

**садоратмаоб** صدارت‌مآب раислик мансабидаги.

**садоқ** سداق ва **садоғ** سداغ ўқ-ёй халтаси.

**садоғ** سداغ **садоқ** га қ.

**садр** صدر 1) бошлиқ; ~ **бўлмақ** бош бўлмоқ; **бузурглар** ~**и** улуғлар пешқадами; 2) тўр, ўрта.

**сажжода** سجاده жойнамоз.

**сазо** سزا 1) муносиб, лойиқ; 2) жазо; ~ **қилмақ** жазоламоқ; ~ **еткурмак** жазоламоқ; 3) мукофот.

**саид** سعید **саъид** га қ.

صید 1) ов; 2) овланган нарса; ~ **бўлмақ**, ~ **ўлмақ** овланмоқ; ~ **урмақ** ов қилмоқ; ~ **қилмақ** овламоқ.

**сайдафкан** صیدافکن моҳир овчи.

**сайдгар** صیدگر овчи.

**сайдгаҳ** صیدگه ов қилиш жойи.

**сайид ва саййид** سید 1) Муҳаммад авлоди; 2) жаноб, тақсир; 3) бошлиқ, йўлбошчи; ~ у-л-мурсалин пайғамбарларнинг бошлиғи.

**саййид** سید **сайид** га қ.

**саййиъа** سیئه ёмон.

**саййод** صیاد овчи; ~ **и лаъим** пасткаш овчи.

**саййодлиғ** صیادلیغ овчилик.

**саййол** سیال 1) оқадиган; ~ айламак оқизмоқ; 2) суюқлик.

**саййор** سیار сайр қилувчи, кезувчи.

**сайлхез** سیلخیز селнинг кўпайиши, кучли сел.

**сайрафий** صیرفی ;сарроф.



**сайрфуруш** سیرفروش қуруқ ваъдалар билан алдаш; қуруқ гап сотувчи.

**сайф** سیف қилич.

**сайфий** صیفی ёзлик, ёзги.

**сайфур** سیفور нафис мато, атлас.

**сайқаландуз** صیقل‌اندوز жило берувчи.

**сайҳа** صیحه бақириш, ҳаяжон билан қичқириш; ~ урмақ бақирмоқ, **қичқирмоқ.**

**сакана** سکنه кўплиги **саканот** 1) бир жойда яшовчилар, бир жойда ишлаб турувчилар; ором олувчилар; 2) ҳаракатсизлик, ҳарфнинг сокинлилиги.

**саканот** سکنات **сакана** нинг кўплиги.

**сакарот** سکرات жон талвасаси.

**сакбон** سکبان тўғриси **сагбон.**

**сакбонлиғ** سکبانلیغ тўғриси **сагбонлиғ.**

**саклов** سکلاو сув ити, жонивор.

**салавот** صلوات **салот** нинг кўплиги.

**салаф** سلف кўплиги **аслоф** кимгадир илгари ўтган ҳамфикр, ҳаммаслак киши.

**салб** سلب 1) **ўғирлаш**; 2) инкор қилиш; ~ **и вужуд** борликни инкор қилиш; ~ **этмак**, ~ **қилмақ** инкор қилмоқ.

**салиб** صلیب христианлар бўйнига осиб юрадиган тўрт тарафли олтин ёки бошқа металлдан ишланган тақинчоқ, крест.

**салим** سلیم соғ, тўғри; ~ **фитрати** соғ вақти; ~ **нафас** яхши ниятли.

**салис** سلیس равон, аниқ, тушунарли, таъсирчан.

**салисалфоз** سلیس‌الفاظ таъсирчан, равон сўзли.

**салита** سلطه уятсиз, ҳаёсиз.

**салиқа** سلیقه қобилият; табиат, завқ.

**салламаҳуму-л-лоҳ** سلمهم الله уларга Оллоҳнинг саломи бўлсин.

**салла-л-лоҳу алайҳи ва саллам** صلی‌الله علیه وسلم унга Оллоҳнинг ризолигию саломи бўлсин.

**салланмақ** ва **солланмақ** ساللانماق нозли хиром қилмоқ, чайқалиб юрмоқ.

**сало** صلا йўлга отланиш чақириғи; ~ **солмақ** жар солмоқ, овоза қилмоқ; ~ **урмақ** жар солмоқ, ундамоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**салойа** سلایه 1) текислаш, силлиқлаш; 2) юмшатиш; ~ **айламак** 1) силлиқламоқ, 2) юмшатмоқ.

**саломатрўб** سلامت‌روب омонликни бузувчи.

**салосил** سلاسل **силсила** нинг кўплиги.

**салот** صلات кўплиги **саловот** намоз; ~ **и хамса** беш вақт намоз.

**салотин** سلاطن **султон** нинг кўплиги, ~ **и комгар** қудратли султонлар; ~ **и маснадншин** юқори мартабали султонлар; ~ **и мозийиа** ўтган султонлар, қадимги шоҳлар.

**салоҳ** صلاح тўғрилик, солиҳлик, маъқуллик; ~ **аҳли** тўғри одамлар, тақводор одамлар; ~ **сўз** тўғри сўз, ҳақ гап; ~ **этмак** тузатмоқ, яхшиламоқ.

**салоҳафзой** صلاح‌افزای тўғрилик, ростлик

**салоҳиййат** صلاحیت 1) тўғрилик, ростлик; 2) қобилият.

**салсабил** سلسبیل жаннат суви.

**самад** صمد абадий; ~ **зикри** Оллоҳни ёдга олиш, эслаш.

**самак** سمك балиқ.

**саман** سمن ёсмин, суман гул.

**саманд** سمند от тури.

**самандар** سمندر афсонавий қуш номи.

**самандарваш** سمندروش самандарга ўхшаш, самандар каби.

**самандарлиқ** سمندرلیق самандардек куйиш.

**самар** ثمر кўплиги **асмор** мева.

**самин** سمین қимматбаҳо; ~ **гавҳар** қимматбаҳо гавҳар; ~ **коло** қимматбаҳо буюм.

**самиъ** سمیع эшиткучи.

**самм** سم заҳар.

**самоваш** سماوش самовий, ҳаворанг.

**самовотпаймо** سماوات‌پیما самоларни кезувчи.

**самоъ** ва **симоъ** سماع эшитиш; қулоқ солиш, тинглаш; ~ **қилмақ** эшитмоқ.

**самоғ** سماغ елим.

**самум** سموم иссиқ шамол.

**самумосо** سموم‌آسا самумдек.

**самур** سمور 1) қундуз; 2) қундуз пўстин.

**сана** سنه йил.



**санавбар** سنوبر қайин дарахти.

**санавбарвор** سنوبروار қад-қомати келишган, хушбичим.

**санад** سند 1) ҳужжат; 2) асос.

**санам** صنم кўплиги **асном** 1) бут; 2) маҳбуба.

**санач** ساناچ меш, **чарм халта**.

**санг I** سنک 1) тош отувчи; 2) қалъа деворида ўқ, пиширилган кабоб; ~ **и хора** қаттиқ тош, гранит тош.

**санг II** سانک **сонг** га қ.

**сангандоз** سنگانداز 1) тош отувчи; 2) қалъа деворида ўқ, тош отиш учун қилинган махсус тешиклар.

**сангбаст** سنک‌بست мустаҳкам; ~ **этмак** мустаҳкамламоқ.

**сангборон** سنک‌باران тошбўрон, тош ёғдириш.

**сангбур** سنکبور тошкесар.

**сангдил** سنکدل тошкўнгил, тошбағир.

**сангин** سنکین тошдан ясалган; ~ **кўнгил**, ~ **дил** тошбағир, тошюрак.

**сангпора** سنکپاره тош парчаси, ушоқ тош.

**сангрез** سنکریز тош ёғдириш; ~ **этмак** тош ёғдирмоқ.

**сангсор** سنکسار 1) тошлоқ ер; 2) тошбўрон қилиш.

**сангтарош** سنکتراش тоштарош уста, тош йўнувчи.

**сандал** صندل ёғочи хушбўй бир дарахт номи.

**сандалбў** صندلبو ва **сандалбўй** صندل‌بوی сандал иси, хушбўй.

**сандалбўй** صندلبوی сандалбў га қ.

**сандалгун** صندلگون сандал рангли.

**сандалий** صندلی сандал ёғочидан ясалган курси; ~ **қаср** сандал ёғочидан ясалган қаср.

**сандалнасим** صندل‌نسیم хушбўй шабада.

**сандалойин** صندل‌آیین сандал кўринишли.

**сандалосо** صندلآسا ва салдалсо صندلسا сандал каби.

**сандалпўш** صندل‌پوش сандал рангли кийим кийган.

**сандалсо** صندلسا сандалосо га қ.

**сандалфом** صندلفام сандал ранг.

**сандарус** صندروس 1) сандарак; 2) сариқ.

**сандон** سندان темир кунда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**сандуқваш** صندوقوش қутичадек, сандиққа ўхшаган.
**санжақ** سنجاق байроқ.
**санжоб** ва **синжоб** سنجاب 1) силовсин; 2) силовсин пўстини.
**санноъ** صناع ҳунарманд.
**сано** ثنا мақтов.
**саноий** ثنائی мақтовли.
**санохон** ثناخوان сано айтувчи.
**саноч** ساناچ тўғриси **санач.**
**санъатгар** صنعت‌گر ҳунарманд, моҳир уста.
**санъатгарий** صنعت‌گری санъаткорлик.
**санъатнамой** صنعت‌نمای санъаткорона, моҳирона.
**санъатойин** صنعت‌آیین санъатга ўхшаш.
**санъатсоз** صنعت‌ساز санъаткор, моҳир уста.
**санъатфош** صنعت‌فاش машҳур ҳунарманд, санъаткор.
**сапаг** ساپاغ банд, даста
**сапида** سپیده оқлик; ~ **дам** тонг ёруғлиги.
**сапидор** سپیدار терак.
**сапог** ساپاع тўғриси сапағ.
**сар** سر бош; ~ **то** ~ бошдан-оёқ; ҳаммаси.
**сарандоз** سرانداز 1) энкайган, боши қуйи; ғамгин, хафа; 2) шижоатли, ботир, ~ **қилмақ** хафа қилмоқ.
**сарандозлиқ** سراندازلیق бош эгишлик.
**саратон** سرطان буржк номи.
**сарафкандалик** سرافکنده‌لیک бўйсунишлик, итоат этишлик.
**сарафроз** سرافراز 1) бошини юқори кўтарган; 2) юксак, баланд; 3) хурсанд, мағрур; ~ **бўлмақ** мамнун бўлмоқ, эришмоқ; ~ **қилмақ** ҳурматламоқ, хурсанд қилмоқ.
**сарафрозлиқ** سرافرازلیق улуғворлик, юксаклик.
**сарбаланд** سربلند боши юқори; юксак, атоқли; ~ **бўлмақ**, ~ **ўлмақ** улғаймоқ; шуҳрат қозонмоқ; ~ **айламак**, ~ **қилмақ** хушвақт қилмоқ, баҳраманд қилмоқ.
**сарбаландлиг** سربلندلیغ юксаклик, улуғлилик.
**сарбасар** سربسر бошдан-оёқ, бутунлай; ~ **бўлмақ** тўлмоқ, лим-лим бўлмоқ.
**сарбарлиқ** سربرلیق эзиш, қийнаш.

**сарвар** سرور етакчи, йўлбошчи.
**сарвақт** سروقت йўқлаб келиш, зиёрат.
**сарвбун** سروبون хушқомат, қадди келишган.
**саргарм** سرگرم (бирор ишга) жон-жаҳдини бериш, зўр қизиқиш, машғул бўлиш.
**саргардон** سرگردان эс-хушини йўқотган, паришон, саргардон.
**сард** سرد совуқ.
**сардоба** سردابه 1) иссиқ кунда ўтириладиган ертўла; 2) ер ости сув омбори; 3) музхона.
**сарзамин** سرزمین мамлакат.
**сарзаниш** سرزنش гина, таъна; танбиҳ, койиш; ~ **қилмақ** койимоқ, танбиҳ бермоқ.
**сарир I** سریر ўри, тахт; ~ **аҳли** шоҳлар, султонлар.
**сарир II** صریر ғижирлаш; **эшик** ~ **и** эшик ғижирлаши; **қалам** ~ **и** қалам шитирлаши.
**сариъ** سریع тез, суръатли.
**сариъу-с-сайр** سریع السیر тез ҳаракат, тез юрар.
**сариҳ** صریح ошкора, аниқ, ойдин.
**саркаш** سرکش бебош, ўжар; ~ **ниҳол** бўйдор дарахт.
**саркашлик** سرکشلیک бебошлик, ўжарлик; ~ **қилмақ** ўжарлик қилмоқ.
**саркор** سرکار ишбоши.
**саркўб** سرکوب бостириш, тор-мор қилиш.
**саркўфта** سرکوفته боши янчилган.
**сармад** سرمد абадий, доимий.
**сармадий** سرمدی абадий, доимий.
**сарманзил** سرمنزل биринчи манзил; карвонлар, йўловчиларнинг биринчи тўхташ жойи.
**сармаст** سرمست маст.
**сармастон** سرمستان кайфлик, мастлик.
**сармойалиқ** سرمایه‌لیق давлатмандлик.
**сарнавишт** سرنوشت тақдир, қисмат.
**сарнигун** سرنگون ағдарилган, тўнтарилган, остин-устин; ~ **айламак** 1) тўнкармоқ, остин-устин қилмоқ, ағдармоқ; йўқ қилмоқ; улоқтириб ташламоқ.
**сарнигунлуқ** سرنگونلوق тўнтарилганлик, остин-устинлик; ағдарилганлик, йўқ қилинганлик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**саро** سرا сарой га қ.

**саробўстон** سرابستان уй ёнидаги боғ, томорқа.

**саровоз** سرآواز овоза; ~ **этмак** овоза қилмоқ, билдирмоқ.

**сарой** سرای ва саро سرا уй, сарой.

**саройанда** سراینده ҳофиз, ашулачи.

**саромад** سرآمد 1) биринчи, бошловчи; 2) биринчи аллома; ~ **бўлмақ** илгариламоқ (шуҳратда) биринчи бўлмоқ.

**саропарда** سراپرده 1) подшолар чодири; 2) ҳарам.

**саросар** سراسر бошдан-оёқ, ҳаммаси.

**сарофат** صرافت ният; ~ **бўлмақ** ният қилмоқ, истамоқ.

**сарогоз** سرآغاز бошланиш; кириш, муқаддима.

**сарпанжа** سرپنجه чангал.

**сарпўш** سرپوش қопқоқ.

**сарришта** سررشته 1) асосий ип; ипнинг учи; ~ **йи умид** умид ипи; ~ **йи ғайб** ғайб ипи; 2) ишбилармонлик; 3) маълумот.

**саррож** سراج 1) эгарчи; 2) сўфий Абу Насрнинг лақаби.

**сарроф** صراف пул алмаштирувчи.

**сарсабз** سرسبز яшил, яшнаган; ~ **бўлмақ** яшнамоқ.

**сарсар** صرصر совуқ, аччиқ, кучли шамол.

**сарсармонанд** سرسرمانند сарсармисол.

**сарсухан** سرسخن кириш сўз, муқаддима.

**сарт** سارت форс, тожик.

**сартакйа** سرتکیه бош чодир.

**сарфароз** سرفراز 1) мағрур; 2) ҳурматланган; ~ **айламак**, ~ **этмак** ҳурматга сазовор қилмоқ.

**сарфиканда** سرفکنده итоат, буйсуниш.

**сарфитна** سرفتنه фитнанинг боши, фитна бошловчи; ~ **йи аййом** фитнали кунларнинг бошланиши.

**сархайл** سرخیل бошлиқ; ~ **ўлмақ** бош бўлмоқ.

**сархайллиқ** سرخیل‌لیق сардорлик, бошчилик.

**сархам** سرخم боши эгик; ~ **қилмақ** эгмоқ.

**сархуш** سرخوش маст.

**саршумора** سرشماره сарҳисоб.

**сарқут** سرقوت сарқит (ярим ичилган, тагида қолган қадаҳ).



**сарҳ** صرح қаср.

**сарҳад** سرحد чегара.

**сарҳалқа** سرحلقه ишбоши.

**сарҳалқалиғ** سرحلقه‌لیغ ишбошилик.

**сатарванлиғ** سترونلیغ туғмаслик.

**сатр I** ستر кўплиги **сутур I** 1) парда; 2) беркитиш, ёпиш: ~ **и ҳол** аҳволни беркитиш; ~ **этмак** беркитмоқ, яширмоқ.

**сатр II** سطر кўплиги **сутур II** қатор, йўл (ёзувда).

**сатҳ** سطح кўплиги **сутуҳ** юза, текислик.

**сафар** سفر кўплиги **асфор** саёҳат.

**сафарий** سفری сафар қилувчи.

**сафват** صفوت тозалик, тиниқлик.

**сафдар** صفدر ботир, жасур.

**сафид** سفید оқ.

**сафина** سفینه кўплиги **сафойин** кема.

**сафир** صفیر ҳуштак; **булбул** ~ **и** булбул сайраши.

**сафиҳ** سفیه 1) аҳмақ, нодон; 2) сурбет.

**сафойин** سفاین **сафина** нинг кўплиги.

**сафойоб** صفایاب тоза, мусаффо.

**сафрат** صفرت тўғриси **суфрат**.

**саффок** سفاک қонхўр.

**сафшикан** صفشکن 1) саф бузувчи; 2) баҳодир, ботир, қаҳрамон.

**сафшиканлик** صفشکنلیغ саф бузувчилик.

**сахат** سخط **сахт** га қ.

**сахим** سخیم улушдош.

**сахт** ва **сахат** سخت 1) қийин, мушкул; 2) қаттиқ.

**сахтгир** سختگیر қаттиқ ушловчи.

**сахтжонлиқ** سختجانلیق жони қаттиқлик.

**сахткўш** سختکوش жуда ҳаракатчан, тиришқоқ.

**саъб** صعب қийин, оғир, мушкул; ~ **ўлмақ** қийин бўлмоқ.

**саъблиқ** صعبلیق қийинлик, мушкуллик.

**саъбҳол** صعبحال қийин аҳвол.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**саъд** سعد бахт; юлдузларнинг жойлашишида бахт келишини кўриш.

**саъид ва саид** سعید бахтли.

**саъй** سعی тиришиш, уриниш; интилиш; ~ **этмак** тиришмоқ, уринмоқ.

**саъқа** صعقه ҳайқириш; гуркираш.

**сақам** سقم кўплиги **асқом** дард; бетоблик; оғриқ.

**сақар** سقر дўзах.

**сақарлот** سقرلات 1) жуннинг бир тури; 2) от устига ташланадиган ёпинчиқ; 3) чойшаб.

**сақат** سقط 1) чиқинди; ичак-чавоқ; 2) йиқилиш, тушиш: ~ **бўлмақ** йиқилмоқ; ~ **қилмақ** йиқитмоқ.

**сақизған** سقیزغان зағизғон.

**сақил** ثقیل оғир.

**сақим** سقیم касал.

**сақл** ثقل кўплиги **асқол** 1) оғирлик; 2) юк.

**сақоғ** ساقاغ ияк.

**сақф** سقف 1) шифт; 2) том.

**саққо** سقا сув ташувчи, мешкобчи.

**сағалмақ ва соғалмақ** ساغالماق хушёр тортмоқ, ўзига келмоқ.

**сағинч** ساغینچ ва **соғинч** умид.

**сағир** صغیر ёш; гўдак; ~ **у-с-син** кичик ёшли.

**сағира** صغیره **сағир** нинг муаннаси.

**саҳарий** سحری саҳарги, тонгги.

**саҳархандлиқ** سحرخندلیق очиқ юзлилик.

**саҳархез** سحرخیز саҳар турувчи.

**саҳбо** صهبا шароб.

**саҳв** سهو хато.

**саҳву-л-қалам** سهوالقلم қалам хатоси.

**саҳифа** صحیفه кўплиги **саҳойиф** 1) бет, варақ; 2) китоб; ~ **йи кофур** оқ қоғоз.

**саҳиҳ** صحیح тўғри, чин; асл, ҳақиқий ~ **қилмақ** тўғриламоқ.

**саҳл** سهل енгил, осон; ~ **тутмақ** енгил ҳисобламоқ; ~ **этмак** осонлаштирмоқ, енгиллаштирмоқ.



**саҳм I** سهم ёй ўқи; ~ **и қазо** тақдир ўқи.

**саҳм II** سهم қўрқиш, ваҳима, даҳшат.

**саҳмгин** سهمگین даҳшатли, ваҳимали.

**саҳмнок** سهمناک қўрқинчли, ваҳимали.

**саҳоб** سحاب булут; ~ **и мутир** ёмғирли булут.

**саҳойиф** صحایف **саҳифа** нинг кўплиги.

**саҳронавард** صحرانورد саҳро кезувчи.

**саҳронишин** صحرانشین саҳрони ватан қилиб олган, саҳрода ўтирувчи.

**саҳҳоф** صحاف муқовачи

**саҳҳофлик** صحافلیك муқовачилик.

**себ** سیب олма; ~ **и занахдон** бақбақа.

**себарга** سه برگه гул шохидаги гул ости барги.

**секирмак** سیکیرماك отилиб чиқмоқ; кейнидан ел ~ орқадан ел чиқмоқ.

**сел** سیل қаттиқ ёмғир.

**селандуз** سیلاندوز селга айланувчи.

**селгинчак** سیلگینچك туғриси **силкинчак**.

**селоб** سیلاب тошқин.

**сепамак** سیپاماك сарф қилмоқ.

**сепеч** سه پیچ уч ўрам.

**сечмак** سیچماك сайламоқ, ажратмоқ.

**сеҳрангез** سحرانگیز сеҳрловчи, мафтун қилувчи.

**си** سی ўттиз; ~ **рўза** ўттиз кун.

**сиблат** سبلت мўйлаб, мурт; ~ **и иблис** шайтон жуни.

**сибоъ** سباع йиртқич, ҳайвон.

**сива-л-лоҳ** سوى الله Оллоҳдан бошқа.

**сиво** سوى бошқа, айрим, бўлак.

**сиддиқ** صدیق 1) тўғри, чин, вафодор; 2) ҳазрати Абу Бакрнинг лақаби.

**сидра** سدره кедр.

**сидранишин** سدره‌نشین еттинчи осмонда турувчи.

**сидрафарсой** سدره‌فرسای осмонни бузувчи, чарчатувчи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**сидросо** سدر آسا еттинчи осмондаги энг баланд дарахтга ўхшаш; ~ **минор** энг баланд минор.

**сидқ** صدق тўғрилик, ростлик; ~ **у казби ков-кови** чин-ёлғонлигини **текшириш**.

**сижилл** سجل рўйхат; **умр ~ и** умр дафтари.

**сижилла** سجله кўплиги **сижиллот** рўйхат дафтари, реестр.

**сижиллот** سجلات сижилла нинг кўплиги.

**сизмақ** سیزماق чизмоқ, ёзмоқ.

**сийар** سیر юриш-туриш.

**сийаҳдиллик** سیه دللیك кўнгли қоралик.

**сийаҳкор** سیه کار бадкирдор, ичи қора.

**сийаҳнома** سیه نامه гуноҳкор, жиноятчи.

**сийаҳпўш** سیه پوش қора кийган.

**сийаҳрў** سیه رو ва **сийаҳрўй** سیه روی юзи қора, бахтсиз; ~ **келмак** қора юз билан келмоқ.

**сийаҳрўз** سیه روز қора кунда қолган.

**сийаҳрўй** سیه روی **сийаҳрў** га қ.

**сийаҳрўлиғ** سیه رولیغ шармандалик, шармсорлик.

**сийаҳситора** سیه ستاره 1) юлдузи қора; 2) бахтсиз.

**сийаҳтоб** سیه تاب ва **сийоҳтоб** سیاه‌تاب қора товланувчи; қорамтир.

**сийаҳфол** سیه فال бахтсиз.

**сийаҳчол** سیه‌چال ва **сийоҳчол** سیه‌چال 1) чоҳ, қудуқ; 2) зиндон.

**сийирмақ** سییرماق сидирмоқ.

**сийм** سیم кумуш.

**сиймандом** سیم‌اندام кумуш бадан.

**сиймандуд** سیم‌اندود кумуш қопланган.

**сиймафшон** سیم‌افشان кумуш сочувчи.

**сиймбар** سیم‌بر кумуш бадан.

**сиймгун** سیمگون кумуш ранг.

**сиймжисм** سیم‌جسم кумуш бадан.

**сиймин** سیمین кумуш ранг; ~ **соқ** кумуш ранг болдирли; ~ **қилмақ** кумуш ранг қилмоқ.

**сийминбадан** سیمین بدن кумуш ранг бадан.



**сийминбар** سیمین بر кумуш ранг бадан.

**сиймкаш** سیم کش кумуш юкланган.

**сиймпош** سیم‌پاش кумуш сочувчи.

**сиймфишонлиқ** سیم‌فشان‌لیق кумуш сочувчилик.

**сиймқалб** سیم‌قلب сохта пул.

**сина** سینه **сийна** га қ.

**сийна ва сина** سینه кўкрак.

**сийнабанд** سینه بند юракни банд қилувчи.

**сийнареш** سینه ریش кўкраги тешилган.

**сийнасўз** سینه سوز юракни куйдирувчи.

**сийодат** سیادت ҳокимият, ҳукмронлик, салтанат.

**сийонат** صیانت 1) ҳимоя қилиш, сақлаш, муҳофаза қилиш; 2) тарбия қилиш; 3) ҳушёрлик.

**сийосатгоҳ** سیاستگاه жазоланадиган жой.

**сийоқ** سیاق усул, метод.

**сийоҳ** سیاه қора.

**сийоҳбахт** سیاه بخت бахти қора.

**сийоҳгилим** سیاه‌گلیم бадбахт.

**сийоҳжарда** سیاه‌جرده қорачадан келган.

**сийоҳий** سیاهی қора; ~ **нуқта.** 1) қора нуқта; 2) хол.

**сийоҳтоб** سیاهتاب **сийаҳтоб** га қ.

**сийоҳчол** سیاهچال **сийаҳчол** га қ.

**сийрамақ** سیراماق совурмоқ.

**сийрат** سیرت юриш-туриш.

**сийфалмақ** سیفالماق тўғриси **сипалмақ**.

**сийқалмақ** سیقالماق сийқаланмоқ.

**сийға** صیغه шакл, тур; ~ **йи муфрад** бирлик шакл.

**сиканжабин** سکنجبین сирка ва асал шарбати.

**сикка** سکه 1) танга пул; 2) тангага уриладиган тамға; ~ **йи адл** адолат тамғаси; ~ **и беҳбуд** яхшилик тамғаси; ~ **и рифъат сўқулмақ юксак** тамғали танга зарб қилинмоқ.

**сикказада** سکه زده зарб урилган; ~ **қилмақ** 1) зарб урмоқ; 2) тарбияламоқ.

**сиккапардоз** سکه پرداز тамға билан безовчи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**сила** صله совға, туҳфа; ~ **айламак** сийламоқ.

**силиғ** سیلیغ силлиқ.

**силк** سلك қатор, саф; ~ **и издивож** уйланиш, оилавий боғланиш.

**силкинчак** سیلکینچاك тумор.

**силоҳ** سلاح қурол, аслаҳа.

**силоҳшўр** سلاح‌شور 1) жангчи, қурол ушлашга моҳир; 2) жангавор.

**силсила** سلسله кўплиги **салосил** 1) занжир; 2) шажара; ~**йи насаб** насаб шажараси.

**симийо** سیمیا сеҳргарлик, жодулик.

**симоъ** سماع **самоъ** га қ.

**симурғ** سیمرغ афсонавий қуш номи.

**симурғбин** سیمرغبین симурғни кўрувчи; ўткир кўзли.

**синн** سن ёш.

**сингир** سینکیر 1) томир; 2) беихтиёр йиғлаш.

**синграмак** سینکراماك оҳиста, яширин йиғламоқ.

**сингурмак I** سینکورماك қайғурмоқ; ғамни ичига ютмоқ; чидамоқ.

**сингурмак II** سینکورماك сингдирмоқ, ҳазм қилмоқ.

**синж** سنج чилдирма.

**синжоб** سنجاب **санжоб** га қ.

**синон** سنان найза, найза учи; ~ **и қалам** қалам учи.

**синонвар** سنانور найзадор.

**синф** صنف кўплиги **асноф** ва **сунуф** тур.

**сипалмақ** سیپالماق сирғанмоқ.

**сипанд** سپند исириқ; ~ **бўлмақ** тутатқи бўлмоқ; ~ **қилмақ** тутатмоқ.

**сипандон** سپندان исириқдон, исириқ тутатадиган идиш.

**сипанж** سپنج ўткинчи; **саройи** ~ ўткинчи дунё.

**сипар** سپر қалқон.

**сипарий** سپری тамомланган, битирилган, тугалланган.

**сипаҳбад** سپه بد қўмондон; ~ **и чуст** довюрак қўмондон.

**сипаҳбадлиғ** سپهبدلیغ қўмондонлик.

**сипаҳдор** سپهدار қўмондон.



**сипаҳдорлиғ** سپهدارلیغ қўмондонлик; ~ **айламак** қўмондонлик қилмоқ.

**сипаҳсолор** سپهسالار бош қўмондон.

**сипеҳр** سپهر фалак, осмон; ~ **заргари** қуёш; ~ **и асир** осмоннинг энг юқори қавати; ~ **и ахзар** кўк осмон; ~ **и барин** баланд осмон; ~ **и дижам** қайғули тақдир; ~ **и дун** бахтсиз тақдир, бахти қаро; ~ **и каҳкашон** сомон йўли.

**сипеҳрфарсо** سپهرفرسا 1) осмонни ҳолсизлантирувчи; 2) кучли, қудратли.

**сипеҳрқадр** سپهرقدر баланд мартабали, юксак даражали.

**сипориш** سپارش сўраш, буюртма; ~ **қилмақ** сўрамоқ, буюртма (заказ) қилмоқ.

**сипос** سپاس сано, мақтов.

**сипоҳий** سپاهی жангчи.

**сирдор** سردار сирли.

**сирешлик** سریش‌لیك сирачланган.

**сиришк** سرشك кўз ёши.

**сиришт** سرشت яратилиш, табиат, характер.

**сирламақ** سیرلاماق тортиб олмоқ.

**сирож** سراج чироқ.

**сиройат** سرایت ўтиш, таъсир, юқиш; ~ **айламак**, ~ **қилмақ** ўтмоқ, сингиб кетмоқ, юқмоқ.

**сирот** صراط кўприк; ~ **и мустақим** маҳшардан сўнг дўзах устидан жаннатга олиб борувчи кўприк.

**сирпилмақ** سیرپیلماق сирғанмоқ, тоймоқ, тойиб кетмоқ.

**сирфа** صرفه исроф қилиш.

**ситез** ستیز жанжал, ўчакишлик, тескарилик, ~ **айламак**, ~ **қилмақ** жанжал қилмоқ, тескарилик қилмоқ.

**ситезарўй** ستیزه‌روی сурбет, ўжар, қайсар.

**ситезон** ستیزان жанжалли, тескари; ~ **бўлмақ** тескарилик қилмоқ, ўчакишмоқ.

**ситойиш** ستایش мақтов, мақташ; маъқуллаш.

**ситом** ستام эгар-жабдуқ.

**ситора** ستاره юлдуз.

**ситорафишон** ستاره‌فشان юлдуз сочувчи.

**сифла** سفله паст, пасткаш; ~ **нишонаси** пасткашлик аломати.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**сифлий** سفلی паст, тубан; ~ **макон** пастки ўрин; ~ **мақом** паст даража.

**сифот-у-л-лоҳ** صفات‌الله Оллоҳнинг сифатлари.

**сифр** سفر кўплиги **асфор** дафтар, китоб.

**сифра** سفره қайчи.

**сиқа** ثقه ишончли; ~ **эл ишончли кишилар, вафодор кишилар**

**сиқат** ثقت кўплиги **сиқот** ишончли киши, вафодор киши.

**сиқл** ثقل оғирлик.

**сиқот** ثقات **сиқат** нинг кўплиги.

**сиқтатмақ** سیقتاتماق кўп йиғлатмоқ.

**сиғар** صغر ёшлик; ~ **и син** ёшлик.

**сиғриқмақ** سیغریقماق 1) яширинмоқ; 2) чақмоқ, хабар бермоқ.

**сиҳи** سهی тўғри, текис, келишган.

**сиҳиқад** سهی‌قد тўғри қомат.

**собир** صابر сабрли.

**собит** ثابت кўплиги **савобит** 1) мустаҳкам, турғун; 2) исботланган, тасдиқланган, ~ **бўлмақ**, ~ **ўлмақ** тасдиқланмоқ; ~ **этмак**, ~ **қилмақ** исбот қилмоқ.

**собита** ثابته кўплиги **собитот** турғун (юлдуз).

**собитот** ثابتات **собита** нинг кўплиги.

**собиқан** سابقا илгари, бурун.

**сов ва сав** ساو ажратиш, жудо қилиш; ~ **этмак**, ~ **қилмақ** ажратмоқ, жудо қилмоқ.

**сода** ساده 1) содда, оддий; 2) текис, силлиқ.

**содаваш** ساده‌وش соддадек, содда кўринган.

**содалиғ** ساده‌لیغ соддалик, оддийлик.

**содарў** ساده‌رو тоза юз; ~ **нома** тоза, ёзилмаган варақ.

**содис** سادس олтинчи.

**содиқ** صادق 1) чин сўз; 2) садоқатли, вафодор.

**сожид** ساجد сажда қилувчи; ~ **бўлмақ**, ~ **ўлмақ** эгилмоқ, сажда қилмоқ.

**соиқа** صاعقه **соъиқа** га қ.

**сойаафган** سایه افکن соя солувчи, ҳимояга олувчи.

**сойавар** سایه ور соя туширувчи, сояли.

**сойанишин** سایه نشین сояда ўтирувчи.



**сойиб** صایب тўғри; **ройи** ~ тўғри фикр.

**сойил** سایل тиланчи.

**сойим** صایم рўзадор, рўза тутган киши; ~ **у-д-даҳр** доим рўзадор; ~ **кечурмак** рўза тутиб ўтказмоқ.

**сойир** سایر юрувчи, кезувчи, сайр қилувчи; ~ **и улви мақом** ҳазрати Жабройил; ~ **ўлмақ** сайр қилмоқ.

**сойис** سایس отбоқар.

**сойислиғ** سایس‌لیغ отбоқарлик.

**сойғалмақ** سایغالماق сарфланмоқ, харж бўлмоқ.

**сойғамақ** سایغاماق сарфламоқ, харж қилмоқ.

**сокин** ساکن кўплиги **суккон** 1) бир жойда турувчи, турғун яшовчи; 2) ҳаракатсиз ҳарф, ёпиқ бўғиндаги ундош ҳарф; ~ **сокин** секин-аста, тўхтаб-тўхтаб; ~ **и вайрона** вайронада яшовчи; ~ **бўлмақ**, ~ **ўлмақ** яшамоқ; тўхтамоқ.

**сокинлик** ساکن‌لیک турғунлик, тинч туришлик.

**сокит** ساکت сукунат; ~ **бўлмақ** сукут қилмоқ, жим бўлмоқ.

**сокитлик** ساکت‌لیک сукутлик, жимлик, тинчлик.

**сол** سال йил.

**солик** سالک 1) юрувчи; **йўл** ~ **и** йўловчи; 2) сўфий, мутасаввиф.

**солим** سالم соғлом, соғ; ~ **тутмақ** соғлом тутмоқ.

**солимлиғ** سالملیغ соғломлик.

**солис** ثالث учинчи.

**солиғ** سالیغ солиқ.

**солиҳ** صالح тўғри, тартибли.

**солиҳа** صالحه **солиҳ** нинг муаннаси.

**солланмақ** سالّانماق **салланмақ** га қ.

**солор** سالار 1) бошлиқ, доҳий, йўлбошчи, раҳбар; 2) қари, кекса.

**солхўрд** سالخورد кекса, қари, ёши улғайган; ~ **и** **куҳан** қария, кекса.

**сомир** سامر суҳбатдош.

**сомирий** سامری ҳамсуҳбат.

**сомит** صامت сўзсиз, индамас, жим-жит; ~ **ўлмақ** жим турмоқ, гапирмай турмоқ.

**сомиъ** سامع эшитувчи, тингловчи; ~ **бўлмақ** эшитмоқ, тингламоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**сомон** سامان 1) фаровонлик, бойлик; 2) тарғиб, ссойишталик.
**сомонли** سامانلی тартибли, интизомли.
**сонг ва санг** سانگ юпқа муз; ~ **тутмақ** юпқа музламоқ.
**соний** ثانی иккинчи, **муаллими** ~ иккинчи муаллим.
**сонийан** ثانیا иккинчидан.
**сонъ** صانع ижодкор, яратувчи, ишлаб чиқарувчи; ҳунарманд; ~ **и ғайб** тангри.
**соних** سانح воқеа, ҳодиса; ~ **бўлмақ** содир бўлмоқ, юз бермоқ.
**сор** سار чуғурчуқ.
**сорбон** ساربان туякаш.
**сорий** ساری юқумли, тарқалувчи.
**сориф** صارف сарф қилувчи.
**соро** سارا сара.
**сорт** سارت сарт га қ.
**сотир** ساتر беркитувчи, яширувчи; ~ **бўлмақ** беркитмоқ, яширмоқ.
**сотиъ** ساطع ялтировчи, порловчи.
**софий** صافی соф, тоза; ~ **қилмақ** тозаламоқ.
**софийа** صافیه **софий** нинг муаннаси.
**софийваш** صافی‌وش пок, соф.
**софчаш** صاف‌چش тиниқ, май ичувчи.
**сохт** ساخت буюм.
**соъ** صاع дон ўлчайдиган идиш.
**соъид** ساعد билак.
**соъий** ساعی ҳаракатчан, тиришқоқ; ~ **бўлмақ** саъй қилмоқ, тиришмоқ.
**соъиқа ва соиқа** صاعقه яшин, чақмоқ.
**соъиқаангез** صاعقه انگیز яшиндек.
**соқиб** ثاقب ёруғ; **нажм-и** ~ ёруғ юлдуз.
**соқизғон** ساقیزغان тўғрисида **сақизган.**
**соқит** ساقط тушиб қолган; ~ **бўлмақ** тушиб қолмоқ.
**соғалмақ** ساغالماق сағалмақ га қ.
**соғар** ساغر қадаҳ, жом.



**соғаркаш** ساغرکش май ичувчи.
**соғинч** ساغینچ сағинч га қ.
**соғолмақ** ساغالماق тўғриси **сағалмақ** ва **соғалмақ.**
**соҳат** ساحت майдон; ~ **и гулзор** гулзор майдони.
**соҳиб** صاحب кўплиги **асҳоб** 1) эга, хўжайин; 2) дўст, ўртоқ.
**соҳибгоҳ** صاحب‌گاه жой эгаси.
**соҳибдил** صاحبدل соф кўнгилли.
**соҳибжоҳ** صاحبجاه улуғ мартабали, буюк даражали.
**соҳибихлос** صاحب‌اخلاص ихлосманд.
**соҳибихтиёр** صاحب‌اختیار ихтиёр эгаси; сарой бошқарувчиси.
**соҳибиқтидор** صاحب‌اقتدار қудратли.
**соҳибкамол** صاحب‌کمال 1) етуклик эгаси; 2) олим.
**соҳибкамоллиғ** صاحب‌کماللیغ етуклилик.
**соҳибмақолат** صاحب‌مقالت сўз устаси, нотиқ.
**соҳибнисоб** صاحب‌نصاب пул ва молидан закот беришга қодир.
**соҳиброй** صاحب‌رای фикр эгаси; доно.
**соҳибтамкин** صاحب‌تمکین оғир табиатли, вазмин.
**соҳибтариқ** صاحب‌طریق тариқат йўлига кирган.
**соҳибфар** صاحب‌فر ҳашаматли.
**соҳибфирош** صاحب‌فراش 1) тўшак эгаси; 2) бемор, касал.
**соҳибхирад** صاحب‌خرد ақлли, доно.
**соҳибшукуҳ** صاحب‌شکوه савлат эгаси.
**соҳибқирон** صاحب‌قران бахтга эришган.
**соҳил** ساحل кўплиги **савоҳил** қирғоқ.
**суббуҳ** صبوح мақтов.
**субут** ثبوت собит, барқарор; ~ **топмақ** маҳкам турмоқ; исботламоқ.
**субҳ** صبح 1) тонг; ~ **супургуси** тонг шамоли; ~ **шамомаси** тонг хушбўйлиги; ~ **и анвар** нурли тонг; ~ **и дам** тонг пайти; ~ **и козиб** тонг отардан илгарироқ пайт; ~ **и кофурий** оппоқ тонг.
**субҳа** سبحه тасбеҳ; ~ **икди** тасбеҳ доналари тизилган ип; ~ **йи аврод** тунда ўқиладиган қисқа дуолар тасбеҳи.
**субҳгаҳ** صبحگه **субҳгоҳ га қ.**

17—509
www.ziyouz.com kutubxonasi

**субҳгоҳ** صبحگاه ва субҳгаҳ صبحگه 1) тонг; 2) тонгда.

**субҳнишон** صبح‌نشان тонг белгиси.

**субҳона-л-л-оҳ** سبحانه الله Оллоҳга мақтов бўлсин.

**субҳонаҳу** سبحانه унга мақтов бўлсин.

**субҳоний** سبحانی илоҳий; **мавҳибати ~** илоҳий туҳфа.

**субҳосор** صبح‌آثار тонг асарли.

**субҳхез** صبح‌خیز тонгда турувчи.

**сувар** صور сурат нинг кўплиги.

**суд** سود фойда, манфаат, наф; **~ айламак, ~ этмак, ~ қилмақ** фойда қилмоқ, наф кўрмоқ.

**суда** سوده туйилган, майдалангап, **~ айламак** туймоқ, майдаламоқ.

**судандеша** سوداندیشه фойда кетидан қувувчи, фойда топишни ўйловчи.

**судманд** سودمند фойдали, нафли.

**судмандона** سودمندانه фойдали, нафли, баҳрали.

**судоъ** صداع бош оғриғи, хумор; **~ афсуни** хумор; **~ еткурмак** бошни оғритмоқ, хумор қилмоқ.

**сужуд** سجود букилиш; **~ этмақ** сажда қилмоқ; эгилмоқ; бошни ерга қўймоқ.

**су** سو сув; **хизр ~ йи** ҳаёт суви.

**суй** سوی тўғриси **су.**

**суйурғал** سویورغال доимийга фойдаланишга берилган совға (мас., ер).

**суйурғол** سویرغال тўғриси **суйурғал.**

**суккон** سکان сокин нинг кўплиги.

**сукр** سکر маст бўлиш, кайф бўлиш.

**сукун** سکون тинчлик, ором, осойишталик; **~ маскани** ором маскани; **~ топмақ** 1) тинчланмоқ; 2) қарор топмоқ.

**сулб** صلب қаттиқ, мустаҳкам.

**сулдуз** سولدوز туркий қабила номи.

**сулс** ثلث учдан бир.

**сулсон** ثلثان учдан икки.

**султон** سلطان кўплиги **салотин** подшоҳ.

**сулук** سلوک 1) муомала, хулқ, феъл-атвор; 2) тариқат; **~ аҳли** суфийлар; **~ қилмақ** 1) йўлга чиқмоқ, сафар қилмоқ, 2) зикр қилмоқ; **~ ка машғул бўлмақ** сўфийлик йулига кирмоқ; **~ ихтиёр қилмақ** тарки дунё қилмоқ.

**сум** سم ва **сунб** سنب туёқ.

**суман** سمن ёсмин гули.

**суманбар** سمنبر суманбадан.

**суманбез** سمنبیز суман ҳиди тарқатувчи.

**суманбў** سمنبو ва **суманбўй** سمنبوی суман ҳидли.

**суманбўй** سمنبوی **суманбў га қ.**

**сумансо** سمنسا ва سمنسای **сумансой** суманга ўхшаган.

**сумансой** سمنسای сумансо га қ.

**сумма** ثم кейин, яна, сўнг.

**сумнот** سمنات бут номи; **дайри ~** **Сумнот** ибодатхонаси.

**сумнотпараст** سمنات‌پرست бутпараст.

**самум ва сумум** سموم иссиқ шамол, гармсел; қуюн.

**сунмақ** سونماق узатмоқ, чўзмоқ; **илик ~, қўл ~** ишга киришмоқ.

**сунан** سنن суннат нинг кўплиги.

**сунб** سنب сум га қ.

**сунбода** سنباده қайроқ тош, эгов.

**суннат** سنت кўплиги **сунан** йўл-йўриқ, одат; Муҳаммад пайғамбарнинг доим қилиб, умрида бир-икки бор тарк этган амали.

**сунуф** صنوف синф нинг кўплиги.

**сунъ** صنع ясаш, қилиш; **~ и илоҳ** тангри иши; **~ и қалам чекмак** яратмоқ.

**сунгур** سونغور лочин, шунқор.

**сур I** سور карнай, сурнай; **~ и қиёмат** охират сурнайи, Исрофил сурнайи.

**сур II** سور тўй, базм; **~ бўлмақ, ~ ўлмақ** тўй бўлмоқ, базм бўлмоқ.

**сурайё** ثریا кичик юлдузлар туркумининг номи.

**сурат** صورت кўплиги **сувар** расм, шакл; **~ билган** саводи бор.

**суратангиз** صورت‌انگیز суратни гавдалантирмоқ, кўз олдига келтирмоқ.

**суратгар** صورتگر расм солувчи, рассом.

**суратлиғ** صورتلیغ кўринишлик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**суратнамой** صورت‌نمای сурат намойиш қилувчи, сурат кўрсатувчи.

**суратпазир** صورت‌پذیر расм чизишга қобилиятли.

**суратпараст** صورت‌پرست расмпараст.

**сурин** سرین орқа, думба.

**сурмаандуд** سرمه اندود сурмаланган, сурма қўйилган.

**сурмагий** سرمه گی сурмали.

**сурмагун** سرمه گون сурмаранг.

**сурмаолуд** سرمه آلود сурмаланган, сурма билан бўялган.

**суроҳий** صراحی қадаҳ, жом.

**суррийат** سریت канизак.

**суруд** سرود 1) қўшиқ, ашула; 2) куй; ~ **аҳли** ҳофизлар, созандалар, ~ **и дарднок** ғамгин куй; ~ **фано чекмак** фанолик куйини чалмоқ.

**сурук** سوروك тўда, гуруҳ.

**сурур** سرور хурсандчилик, шодлик; ~ **аҳли** шодлик қилувчилар.

**суруш** سروش хушхабар келтирувчи, ҳазрати Жабройил.

**суруқ** سوروق хода.

**суруҳ** سروح новда.

**сурхбед** سرخ بید қизил тол.

**сурхрў** سرخرو қизил юз.

**суръатойин** سرعت‌آیین тезлик билан.

**сустаймағ** سوستایماغ сусайиш, бўшашиш, кучсизланиш.

**сустаймоғ** سوستایماغ тўғриси **сустаймағ**.

**сутуда** ستوده мақталган, мадҳга сазовор.

**сутур I** ستر сатр I нинг кўплиги.

**сутур II** سطر сатр II нинг кўплиги.

**сутурлоб** سطرلاب устурлаб га қ.

**сутуҳ** ستوح сатҳ нинг кўплиги.

**суфор** صفار сариқлик, сариқ; **ўқ** ~ **и** ўқ заҳри.

**суфра** سفره дастурхон.

**суфрат** صفرت сариқлик; сўлғинлик.

**суфт** سفت ва **суфта** سفته тешик; ~ **қилмақ** тешмоқ.



**суфта** سفته суфт га қ.

**суханадо** سخن‌ادا (гапга) чечан.

**суханвар** سخن‌ور 1) шоир; 2) нотиқ.

**сухандон** سخن‌دان 1) гапдон, гапга уста, нотиқ; 2) шоир.

**сухансанж** سخن‌سنج гапдон, гапга чечан, сухандон.

**суъубат** صعوبت машаққат, қийинчилик.

**суқба** ثقبه тешик.

**суқлатмақ** سوقلاتماق очмоқ, қўзғатмоқ (иштаҳани).

**суғалмақ ва суғолмақ** سوغالماق камаймоқ, қуримоқ.

**суғолмақ** سوغالماق суғалмақ га қ.

**суғро** صغری энг кичик.

**суғулмақ** سوغولماق суқилмоқ, қадалмоқ.

**суҳайл** سهیل юлдуз номи.

**суҳо** سها юлдуз номи.

**суҳоваш** سهاوش суҳодек.

**суҳон** سوهان эгов; ~ **айламак** эговламоқ.

**суҳонлиқ** سوهان‌لیق эговлик.

**суҳулат** سهولت енгиллик, осонлик.

**сў** سو ва **сўй** سوی томон, тараф; ~ **ба** ~ тарафма-тараф, томонма-томон.

**сўг** سوگ алам, қайғу, мотам.

**сўгвор** سوگوار мотамли, азадор.

**сўгворлиқ** سوگوارلیق мотамлик, азадорлик.

**сўзанда** سوزنده куйдирувчи, ёндирувчи.

**сўзлуқ** سوزلوق 1) ўтли, оловли; 2) куйдирадиган, ёндирадиган.

**сўзнок** سوزناك 1) ўтли, алангали.

**сўзок** سوزاك 1) аланга, ёниш; 2) изтироб.

**сўзон** سوزان ёндирадиган, куйдирадиган.

**сўзчи** سوزچی сўзловчи, гапирувчи.

**сўй** سوی сў га қ.

**сўйламак** سویلاماك танламоқ, излаб топмоқ.

**сўксўк** سوكسوك саксовул.



www.ziyouz.com kutubxonasi

сўна سونه эркак ўрдак.
сўнгак سونكاك суяк, устихон.
сўнгинча سونگينچه орқасидан, кетидан.
сўқулмақ سوقولماق босилмоқ, номига атаб (пулга) тамға босилмоқ.

## Т

тааб تعب 1) чарчаш; ҳориш; ~ етмак чарчамоқ; 2) қийинчилик, машаққат; ~ қилмақ қийналмоқ, машаққат чекмоқ.
тааблиқ تعب‌ليق қийинлик.
таабнок تعب‌ناك қийналган, машаққат чеккан.
таадди تعدى 1) душманлик; 2) зулм, зўравонлик.
тааддипешалик تعدی‌پيشه ليك зулмкорлик; зўравонлик.
тааддуд تعدد кўп, кўп сонли.
тааззум تعظم ғурур, такаббурлик, манманлик; ~ этмак ўзини катта тутмоқ, кибрланмоқ.
таайюн تعين 1) очиқ аниқланиш, аниқ бўлиш; 2) аниқлик; маълумлик.
тааллул تعلل бош тортиш; ~ қилмақ бош тортмоқ.
тааллум تعلم ўрганиш, илм олиш.
таммул تاءمل ўйлаб кўриш; мулоҳаза қилиш; ~ айламақ, ~ қилмақ фикр қилмоқ, ўйлаб кўрмоқ, мулоҳаза қилмоқ.
тааммуллуқ تاءمللوق мулоҳазалик.
таанни تاءنی 1) секинлик; 2) эҳтиётлик, диқ қатлилик.
тааруз تعرض эътироз, қаршилик; ~ қилмақ, эътироз билдирмоқ.
таассуб تعصب (бирор нарса ёки ғояга) беҳад берилиш, чексиз муҳаббат, фанатизм.
тааффун تعفن 1) чириш, сасиш; 2) сассиқлик, бадбўйлик.
таахур تاءخر кечикиш, секинлашиш.
таашшуқ تعشق 1) ошиқлик; 2) зулфинбандлик.
таақкул تعقل тушуниш, англаш, идрок қилиш; ~ айламак, ~ қилмақ англамоқ, тушунмоқ.
таақкуллуқ تعقللوق фаҳмли, тушунукли, дақиқ ~ нозик фаҳмли.



таахҳуд تعهد аҳдлашиш, зиммага олиш; ~ қилмақ бирон ишни зиммага олмоқ, аҳдлашмоқ.
таахҳул تاءهل уйланиш.
таб تب иситма.
табан تابان товон; айақ ~ и оёқ товони.
табархун طبرخون 1) қизил новдали тол дарахти; 2) қизил ранг.
табаъ تبع тегишли бўлиш, эга бўлиш.
табақ طبق кўплиги атбоқ қават.
табаҳ تبه табоҳ га қ.; ~ рўзгор турмуши хароб.
табаҳкор تبه كار бузғунчи, жиноятчи.
таббох طباخ ошпаз.
табдил تبديل ўзгартиш, алмаштириш; ~ айламак ўзгартирмоқ.
табиб طبيب кўплиги атиббо.
табл طبل ноғора; ~ урмақ ноғора чалмоқ; ~ и раҳил урмақ кўчиш ҳақида ноғора чалмоқ.
таблбоз طبلباز ноғорачи.
табойиъ طبايع хулқ, феъл.
табон تابان тўғриси табан.
табор تبار насл, насаб.
таборак تبارك сура номи.
табоҳ تباه ва табаҳ تبه бузуқ, вайрон; ~ айламак бузмоқ; ~ бўлмақ бузилмоқ.
табоҳи تباهی бузуқилик.
табоҳлик تباهليك бузуқлик.
табуғ تابوغ тобуқ га қ.
табхола تبخاله учуқ.
табъ طبع хулқ, характер; ~ и салим соғлом дид; ~ и сақим бузуқ дид.
табъкаш طبعكش табъли, дидли.
табъпазир طبع‌پذير табъли, ёқимли.
таважжуҳ توجه 1) юзланиш; 2) диққат; ~ айламак диққат қилмоқ, диққат билан қарамоқ; ~ қилмақ юзланмоқ.
таваккал توكل таваккул га қ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**таваккул** توكل ва таваккал توكل ишониб қўйиш, таваккал қилиш; ~ айламак ишониб қўймоқ, таваккал қилмоқ.
**таваллo** تولّا тилак; ~ айламак тиламак.
**тавассул** توصل етишиш, етиб бориш; ~ қилмақ етишмоқ, етиб бормоқ.
**тавачи** تواچی хабарчи.
**тавақкуф** توقف тўхташ; ~ айламак, ~ қилмақ тўхтамоқ.
**тавақкуъ** توقع кутиш, умид қилиш; ~ айламак кутмоқ, умид қилмоқ.
**таваҳҳум** توهم шубҳаланиш, ваҳима қилиш; ~ айламак, ~ этмак шубҳаланмоқ.
**тавбакор** توبه کار тавба қилувчи; ~ бўлмақ тавба қилмоқ.
**тавбиҳ** توبیح ҳамранг; ~ қилмақ ҳамранг бўлмоқ.
**тавзиъ** توضیع бўлиш, тақсимлаш; ~ этмак, ~ қилмақ бўлмоқ, тақсимламоқ.
**тавзиҳ** توصیح изоҳлаш, шарҳлаш; ~ этмак шарҳламоқ.
**тавил** طویل узун; ~ у-з-зайл думи узун, ниҳояси узун; ~ ўлмақ узун бўлмоқ, давомли бўлмоқ.
**тавобиъ** توابع тобиъ нинг кўплиги.
**тавозуъ** تواضع камтарлик; ~ кўргузмак камтарлик қилмоқ.
**тавойиф** طوایف тойифа нинг кўплиги.
**тавон** توان куч, қудрат.
**тавонгар** توانگر 1) бой; 2) қодир.
**тавоно** توانا кучли, қодир.
**тавонолиқ** توانالیق кучлилик, қудратлилик.
**таворих** تواریخ тарих нинг кўплиги.
**тавотур** تواتر ёйилиш, узлуксиз, тарқалиш.
**тавоф** طواف (бирор нарсанинг) атрофида юриш, айланиш; ~ айламак, ~ қилмақ (Каъбани) айланмоқ.
**тавочи** تواچی тўғриси тавачи.
**тавр** طور кўплиги атвор юриш-туриш, хулқ.
**тавсан** توسن асов, ўйноқи; ~ эрмак ўйноқи бўлмоқ.
**тавсанлиғ** توسنلیغ асовлик, ўйноқилик.
**тавсиъ** توسیع кенгайиш, ёйилиш, кенгайтириш; ~ топмақ кенгаймоқ, ёйилмоқ.



**тавушқан ва товушқан** تاووشقان қуён.
**тавф** طوف айланиш, айланиб юриш.
**тавфгаҳ** طوفگه тавфгоҳ га қ.
**тавфгоҳ** طوفگاه ва тавфгаҳ طوفگه айланиб юриш жойи.
**тавфир** توفیر 1) орттириш; кўпайтириш; 2) фойда.
**тавшалмақ** تاوشالماق қаттиқ чарчамоқ, ҳоримоқ, адо бўлмоқ.
**тавъ** طوع бўйсуниш, итоат қилиш.
**тавъамон** توامان ўхшашлик, эгизак.
**тавъамонлиғ** توامانلیغ ўхшашлик.
**тавқ** طوق 1) ҳалқа; 2) кишан; зулм; 3) марварид.
**тавқир** توقیر шарафлаш, ҳурматлаш; ~ айламак ҳурматламоқ.
**тавқиф** توقیف тўхтатиб қўйиш, тўхтатиш.
**тавқиъ** توقیع 1) шоҳ муҳри, имзоси; 2) шоҳ фармони.
**тавҳид** توحید 1) бирлаштириш; 2) худонинг бирлигига эътиқод қилиш; ~ дақойиқи тавҳид илмининг нозикликлари.
**тагарг** تگرگ дўл.
**тадвин** تدوین девон тузиш, китоб ҳолига келтириш.
**тадорук** تدارك ҳозирлик кўриш; ~ қилмақ ҳозирлик кўрмоқ, тайёрланмоқ.
**тадриж** تدریج аста-секин.
**тадфин** تدفین дафн қилиш, кўмиш.
**тайомун** تیامن вузуни ўнг тарафдан бошлаш.
**тажаддудпазир** تجددپذیر янгиликни қабул қилувчи.
**тажаллий ва тажалло** تجلی жилоланиш, жилваланиш; ~ айламак жилваланмоқ, жилоланмоқ.
**тажаллиййат** تجلیت кўплиги тажаллиййот жилоланишлик, жилваланишлик.
**тажаллийот** تجلیات тажаллиййат нинг кўплиги.
**тажалло** تجلی тажаллий га қ.
**тажаммул** تجمل зийнат; ҳашамат; ~ қилмақ безамоқ, зийнатга тўлдирмоқ.
**тажарруд** تجرد ёлғизлик, тарки дунё қилиш; ~ қўйи тарки дунё кўчаси; ~ уйи ёлғизлик уйи.
**тажвид** تجوید Қуръонни талаффуз қоидалари билан ўқиш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**тажвиз** تجويز рухсат қилиш, ижозат бериш; ~ **қилмақ** рухсат бермоқ.

**тажвиф** تجويف бўшатиш, кавак қилиш, ~ **қилмақ бўшатмоқ,** кавак қилмоқ.

**таждид** تجديد янгилаш, қайталаш.

**тажнис** تجنيس шеърий санъат.

**тажнисомиз** تجنيس آميز тажнисга ўхшаш.

**тажоҳул** تجاهل билмасликка олиш, муғамбирлик қилиш; ~ **у-л-ориф** шеърий санъат усули.

**тажрид** تجريد 1) айириш, ёлғизлаш; ~ **айламак,** ~ **қилмақ** айирмоқ; 2) мавҳумлик; ~ **бўлмақ** мавҳумлаштирмоқ.

**тажҳиз** تجهيز жиҳозлаш, ҳозирлаш.

**тажҳил** تجهيل нодонликда айблаш; ~ **қилмақ** нодонликда айбламоқ.

**тазаввуж** تزوج уйланиш.

**тазалзул** تزلزل 1) ларза, титраш, қимирлаш; 2) ҳаяжон.

**тазаллум** تظلم зулмдан шикоят қилиш; ~ **айламак,** ~ **қилмақ,** ~ **этмак** зулмдан шикоят қилмоқ; ~ **юзидан тазарруъ қилмақ** зулмдан шикоят қилмоқ, зулмга қарши ёрдам сўрамоқ.

**тазаллумнамой** تظلم نماى зулмдан шикоят қилувчи

**тазарв** تزرو тустовуқ, қирғовул.

**тазарвойин** تزروآيين тустовуқ равиш.

**тазарруъ** تضرع ёлбориш, ялиниш; ~ **қилмақ** ёлбормоқ, ялинмоқ.

**тазвиж** تزويج ўғилни уйлантириш, қизни эрга бериш, никоҳ; ~ **топмақ** никоҳланмоқ.

**тазвир** تزوير алдаш, найранг; ~ **айламак** алдамоқ.

**тазйил** تذييل қўшиш, улаш, илова қилиш.

**тазйин** تزيين зийнатлаш, безаш; ~ **бермак** зийнатламоқ.

**тазкир** تذكير эслаш, зикр қилиш.

**тазмин** تضمين шеърга бошқа шеърдан мисол киритиш.

**тазъиф** تضعيف камайтириш, енгиллатиш; ~ **қилмақ** камайтирмоқ, енгиллатмоқ.

**тазҳиб** تذهيب олтин сувини юргизиш, олтинлаш.

**тай** طى 1) ўраш, қатлаш; 2) юриш, ўтиш; ~ **бўлмақ** юрилмоқ; босиб ўтилмоқ; ~ **қилмақ** юрмоқ; ~ **йи арз этмак** ерни айланиб чиқмоқ.



**тайаммун** تيمن (бирор ишни) ўнгдан бошлаш.

**тайарон ва тайрон** طيران учиш, парвоз қилиш.

**таййоргоҳ** تيارگاه тайёрланадиган жой.

**тайласон** طيلسان ридо, танага ўраладиган мато.

**тайр** طير кўплиги **туйур қуш.**

**тайрон** طيران **тайарон** га қ.

**так** تك чопиш; ~ **у дав айламак** елиб-югурмоқ; ~ **у тоз қилмақ,** ~ **у пўй этмак** елиб югурмоқ; ~ **урмақ** чопмоқ, югурмоқ.

**такаллум** تكلم гаплашиш, суҳбат; ~ **айламак,** ~ **қилмақ** гаплашмоқ, суҳбатлашмоқ.

**такаллумнамой** تكلم نماى сўзловчидек.

**такаллуф** تكلف 1) хижолатпазлик; 2) юзакилик, сунъийлик.

**такаллуфлуқ** تكلفلوق 1) юзаки, зўрма-зўраки; 2) хижолатли; ~ **ош** хижолатли ош.

**такаллуфот** (кўплик) تكلفات сунъийлик, самимий эмаслик.

**такаррур** تكرر такрорланиш, қайтарилиш.

**такассур** تكسر синиқлиқ; **мизож** ~ **и** саломатликнинг бузуқлиги.

**такбанд** تكبند камар, белбоғ.

**такбир** تكبير 1) кўпайиш, ортиш; 2) «Оллоҳу акбар» дейиш.

**такзиб** تكذيب ёлғонни фош қилиш; ~ **қилмақ** ёлғонда айбламоқ.

**такйа** تكيه 1) дарвишнинг турар жойи; 2) суяниш, суянчик; ~ **солмақ** такя қўрмоқ; ~ **қилмақ** суянмоқ; ~ **да бўлмақ** суянган ҳолда содир бўлмоқ.

**такйагоҳ** تكيه گاه 1) бошпана; 2) суянчиқ, **суянадиган** жой; ~ **қилмақ** бошпана қилмоқ.

**такка** تكه така.

**такмил** تكميل 1) тамомлаш, тугатиш, охирига етказиш; 2) мукаммаллаштириш, камолатга етказиш, тўлдириш; ~ **ига иштиғол кўргузмак** ниҳоясига етказиш билан шуғулланмоқ; ~ **айламак,** ~ **қилмақ** тўлдирмоқ, камолатга етказмоқ.

**такмила** تكمله 1) тўлдириш; 2) охирига етказиш.

**таковар** تكاور чопқир от; ~ **сурмак** 1) от сурмоқ; 2) олишмоқ.

**такосул** تكاسل сустлик, ланжлик, дангасалик.

**таксир** تكسير синдириш; ~ **этмак** синдирмоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**такфин** تكفين кафанлаш.

**такфир** تكفير диндан чиқариш, куфрда айблаш.

**талабангез** طلب انگيز талаб қилиб, сўраб.

**талаввун** تلون 1) ўзгарувчанлик; 2) ранг-баранглик.

**талаввунлуқ** تلونلوق ўзгарувчанлик.

**талал** تلل кўплиги **атлол** хароба.

**таламмуз** تلمذ тузлилик (нарсанинг моҳиятини кўрсатувчи томони).

**талаттуф** تلطف меҳрибонлик, лутфлилик.

**талаф** تلف йўқотиш; ~ **бўлмақ**, ~ **ўлмақ** йўқ бўлмоқ.

**талафкорлиқ** تلف كارليق йўқотишлик, йўқ қилишлик.

**талач** ва **талоч** تالاچ ғилай.

**талаққий** تلقى учрашиш, кутиб олиш; ~ **қилмақ** учратмоқ, кутиб олмоқ.

**талбис** تلبيس 1) кийдириш; 2) ҳийла, найранг.

**талл** طل шабнам.

**талла** تله тузоқ.

**талоло I** تلالا куй, оҳанг, қўшиқ, қийқириқ, ҳайқириқ.

**талоло II** تلالا ялтираш, чарақлаш, порлаш.

**талотум** تلاطم 1) уриш, зарблаш; 2) тўлқинларнинг чайқалиши.

**талофий** تلافى 1) зарарни қоплаш, хун ҳақи бериш; ~ **айламак** етказилган зарарни қопламоқ, хун ҳақи бермоқ; 2) мукофот.

**талоч** تالاچ талач га қ.

**талош** طلاش хатти-ҳаракат, интилиш, тиришиш.

**талойа** طلايه лашкар олдида борувчи гуруҳ; қоронғи тушгандан сўнг лашкарларга посбонлик қилувчи отлиқ аскарлар.

**талтиф** تلطيف илтифот кўрсатиш, меҳрибонлик қилиш; ~ **мақол айламак** илтифот билан сўзламоқ.

**талфаса** تلغثه талваса.

**талх** تلخ аччиқ.

**талхгуфтор** تلخگفتار аччиқ сўзли.

**талхком** تلخ كام аламзада, қайғули.

**талхкомлиқ** تلخ كامليق ғамгинлик, аламзадалик.

**талхлиқ** تلخليق аччиқлик.



**талъат** طلعت қиёфа, сиймо.

**талқин** تلقين таъсир этиш, ўгитлаш; ~ **и хирад** ақл таъсири; ~ **изҳор этмак** таъсир кўрсатмоқ, ўгит бермоқ; ~ **қилмақ** ўгитламоқ.

**талғамақ** تالغاماق ажратмоқ; фарқ қилмоқ.

**тамаввуж** تموج мавжланиш, тўлқинланиш; ~ **солмақ** тўлқинлантирмоқ.

**тамаввул** تمول молдорлик, бойлик.

**тамаллук** تملك (мулкка) эга бўлишлик; ҳукмронлик.

**тамаллуқ** تملق тилёғламалик, лаганбардорлик.

**таманний** تمنى таманно га қ.

**таманно** تمنا ва **таманний** تمنى истак, тилак; ~ **айламак** истамоқ, тиламоқ.

**таманнолиғ** تمناليغ орзули, истакли.

**тамасхур** تمسخر масхара; ~ **келмак** масхара бўлмоқ.

**таматтуъ** تمتع 1) лаззатланиш; 2) фойдаланиш; ~ **қилмақ** лаззатланмоқ.

**тамм** تم тугаш, сўнг, охир.

**тамма** تم тамом бўлди, тугади; ~ **би-л-хайр** яхшилик билан тугади (Қўлёзма китоблар сўнгида келади).

**тамиз** تميز тоза.

**тамйиз** تمييز ажратиш, фарқлаш; ~ **даъвоси йўқ** ажратишни билмайди.

**тамкин** تمكين қаттиқ, мустаҳкам, саботли; ~ **сақламақ** саботли бўлмоқ.

**тамлик** تمليك мулкдор қилиш; ҳукмдор қилиш; ~ **эрмак** эга бўлмоқ.

**тамошонамой** تماشانماى томоша қилгандек.

**тамсил** تمثيل мисол келтириш, ўхшатиш.

**тамуқ** تاموق ва **тамуғ** تاموغ дўзах.

**тамуғ** تاموغ тамуқ га қ.

**тамшиййат** تمشيت ҳаракатга келтириш, амалга киритиш.

**тамҳид** تمهيد 1) тайёрлаш; жой тузатиш; 2) (ҳийла, найрангли) муддао.

**тананд** تنند ялқов, танбал, дангаса.

**танаффур** تنفر нафратланиш; ~ **айламак**, ~ **этмак** нафратланмоқ, жирканмоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

танаъъум تنعم ҳаётдан лаззатланиш, маъмурликда кун кўриш; ~ айламак фаровон кун кўрмоқ, ҳаётдан лаззатланмоқ.
танаққул تنقل кўчиш, ўрин алмашиш.
танбул تنبول овқатга солинадиган бир хил хушбўй япроқ.
танвин تنوين араб тилида ноаниқлик билдирувчи «н» ҳарфи ва товуши.
танг I ва тонг تانك саҳар; ~ шаъми қуёш; ~ қуши хўроз.
танг II تنك тор.
тангбаста تنک بسته маҳкам; ~ айламак қаттиқ боғламоқ.
тангдил تنک دل ғамгин, хафа; сиқилган.
тангдиллик تنک دلليك ғамгинлик, хафалик, дилтанглик.
тангимақ تانکيماق боғламоқ.
тангнай تنکنای танглай.
тангудоз تنکداز танни куйдирувчи.
тандуруст تندرست соғлом.
тандурустлуғ تندرستلوغ тансиҳатлик, соғлик.
танзиъу-л-мулк تنزع الملك «Олу Имрон» сурасидаги туъти-л-мулка ман ташаъу ва танзиъу-л-мулка мимман ташаъу мулкни хоҳлаганига беради, мулкни истаганидан олади ҳам оятига ишора.
танзиҳ تنزيه поклаииш.
таноб طناب 1) арқон; 2) ўлчов бирлиги.
таносуб تناسب мутаносиблиқ; ~ топмақ мутаносиб бўлмоқ.
танпарвар تنپرور 1) ширин томоқ, нафс қули; 2) майин танли.
тансиф تنصيف тенг иккига бўлиш; ~ қилмақ тенг иккига бўлмоқ.
тануманд تنومند кучли; семиз, гавдали.
тануқ تانوق ва тануғ تانوغ гувоҳ.
тануғ تانوغ тануқ га қ.
тануғлуқ تانوغلوق гувоҳлик, шаҳодат.
танқийа تنقيه тозалаш.
танқир تنقير қайта-қайта уриниш; ~ айламак қайта-қайта урмоқ.
танқис تنقيص камайтириш; ~ бермак камайтирмоқ, сиқиб қўймоқ.



таодул تعادل баробарлик, мутаносиблик; ~ этмак тенг келмоқ.
таом طعام кўплиги атъима овқат.
таоқуб تعاقب таъқиб қилиш.
таппонча تپانچه шапалоқ.
тар تر хўл.
тараб طرب хуррамлик, шодлик; завқ, шавқ; ~ айламак хурсандчилик қилмоқ.
тарабангиз طرب انگيز шодлик келтирувчи, хурсандлик бағишловчи.
тарабафзо طرب افزا хурсандликни оширувчи.
тарабгин طرب گين шод, хуррам; ~ бўлмақ шодланмоқ, хурсанд бўлмоқ.
тарабгоҳ طرب گاه шодлик қиладиган жой.
тараблиқ طرب ليق шодлик, хурсандлик.
тарабнок طرب ناك шод, хурсанд.
тарабойин طرب آيين кўриниши шод, хурсанд.
тарабрез طرب ريز хурсандлик тўкувчи, шодлик сочувчи.
тарабхез طرب خيز шодлик қўзғатувчи; ~ айламак хурсанд қилмоқ, шодлантирмоқ.
тарабхона طرب خانه шодлик уйи, хурсандчилик жойи.
тарабфизо طرب فزا шодликни оширувчи.
тараддуд تردد иккиланиш, шубҳа; ~ қилмақ иккиланмоқ, шубҳаланмоқ.
тараккуб تركب таркиб топиш, ташкил топиш.
таранжабин ترنجبين янтоқ шакари.
тараннумгар ترنم گر куйчи, куйловчи.
тараннумсарой ترنم سراى куй бошловчи, куй чиқарувчи.
тарафуруш تره فروش кўкат сотувчи.
тараффуъ ترفع ғурур, кеккайиш; ~ билмак мағрурлантирмоқ, кеккайтирмоқ.
тарашшуҳ ترشح сизиб чиқиш, ажралиб чиқиш; ~ айламак, ~ қилмақ сизиб чиқмоқ, тўкилмоқ, оқиб чиқмоқ.
тараҳҳум ترحم раҳм қилиш, шафқат қилиш; ~ айламак раҳм қилмоқ, шафқат қилмоқ.
тарбиъ تربيع тўртга бўлиш; квадрат чиқариш; квадрат шаклида бўлиш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**тарвиж** ترويج ёйиш, тарқатиш, ривож; қиймат бериш; ~ топмақ, ривожланмоқ; таралмоқ, ёйилмоқ.

**тарвиҳ** ترويح елпиш, шамоллатиш, шабадалаш; уд билан елпиш.

**тардид** ترديد 1) рад этиш; 2) иккиланиш.

**тардоман** تردامن бузуқ, ҳаёсиз.

**таржиъ** ترجيع кўплиги **таржиъот** 1) такрорлаш; 2) шеърий санъат.

**таржиъот** ترجيعات **таржиъ** нинг кўплиги.

**таржиҳ** ترجيح устунлик; имтиёз; ~ **қилмақ** устун қўймоқ, ҳисобламоқ.

**таржимон** ترجمان тилмоч.

**тарз** طرز равиш, услуб.

**тарид** طريد қувғин, қочқин; ~ **айламак**, ~ **этмак** қувмоқ, қочирмоқ.

**тарий** ترى нам, тоза, янги.

**тарих** تاريخ кўплиги **таворих** ижтимоий воқеълик, ҳаёт.

**тарихсанж** تاريخ‌سنج тарихни текширувчи, тарихчи.

**тариқат** طريقت йўл, маслак; ~ **адаби** суфийлик ахлоқи.

**тарйок** ترياك афюн, қора дори.

**тарйоқ** ترياق заҳар кучини қайтарувчи дори.

**тарк I** ترك жангда кийиладиган кийим, дубулға.

**тарк II** ترك ташлаш, тарк этиш, кечиш; ~ **айламак**, ~ **қилмақ** ташламоқ, тарк этмоқ.

**таркиб** تركيب кўплиги **тарокиб** тузиш, ташкил этиш.

**тароват** تراوت ҳўллик, намлик.

**таровиш** تراوش сизиб чиқиш, томиш.

**тарокиб** تراكب **таркиб** нинг кўплиги.

**тарокима** تراكمه **туркман** нинг кўплиги.

**таронасозлиғ** ترانه‌سازليغ куйлаш.

**тарош** تراش 1) қириш, тарошлаш, йўниш; 2) қиринди; ~ **қилмақ**, қирмоқ, йўнмоқ.

**таррор** ترار кисавур, чўнтаккесар, ўғри; муттаҳам, фирибгар, товламачи.

**тарсиъ** ترصيع қимматбаҳо тошлар билан безатиш.

**тарсгор** ترسگار парҳезкор, сақланувчи, тийинувчи.



**тарсо** ترسا насроний, христиан.

**тарсолиғ** ترساليغ насронийлик, христианлик.

**тарсон** ترسان қўрқувчи, қўрқоқ.

**тарф** طرف 1) қараш, назар; 2) кўз; 3) охир, сўнг.

**тарҳ** طرح режа, лойиҳа; ~ **айламак** лойиҳа чизмоқ, режа тузмоқ.

**тасалсул** تسلسل боғланиш, ҳалқаланиб бирикиш; ~ **қилмақ** боғламоқ.

**тасаннун** تسنن суннийлик мазҳабига эргашиш.

**тасарруф** تصرف эгаллаб олиш, қўлга киритиш; ихтиёрига олиш; ~ **қилмақ** эгалламоқ, ихтиёрига олмоқ.

**тасарруфлуқ** تصرفلوق ўзбошимчалик, ихтиёрийлик.

**тасбиғ** تسبيغ тўлдириш.

**тасбиҳ** تصبيح 1) садаф ёки бошқа нарса доналари шодаси; 2) тасбиҳ ўгириб дуо айтиш.

**таслим** تسليم 1) топшириш; 2) бўйсуниш, тўғри топиш; ~ **айламак**, ~ **этмак** топширмоқ; ~ **бўлмақ** бўйсунмоқ, тўғри топмоқ.

**тасмийа** تسميه 1) бисми-л-лоҳи-р-раҳмони-р-раҳим дейиш; 2) аташ, номлаш; ~ қилмақ атамоқ, ном қўймоқ.

**тасомуъ** تسامع эшитиб олинган (хабар).

**тасоҳул** تساهل ён босиш; ~ **раво тутмақ** ён босмоқ.

**тасриҳ** تصريح аниқ айтиш, очиқ ифодалаш; ~ **айламак** очиқ айтиб бермоқ.

**тасфийа** تصفيه тозалаш; ~ **топмақ** тозаланмоқ.

**тасхир** تسخير 1) сеҳрлаш; қўлга киритиш, забт этиш; ~ **бўлмақ** забт этилмоқ; ~ **қилмақ** забт этмоқ.

**тасҳиҳ** تصحيح тузатиш, тўғрилаш.

**татаббуъ** تتبع эргашиш; ~ **қилмақ** эргашмоқ, изидан бормоқ.

**татимма** تتمه 1) тугаш, охир, сўнг; 2) давом, қўшимча.

**татолиф** تتاليف тузилиш, таълиф берилиш.

**таф** تف ҳарорат.

**тафарруж** تفرج 1) томоша, сайр; 2) ўйин-кулгу, кўнгил очиш; ~ этмак кўнгил очмоқ, томоша қилмоқ.

**тафаррус** تفرس кузатиш, фаросат билан назардан ўтказиш.

**тафаръавн** تفرعون 1) такаббурлик, манманлик; 2) ўта золимлик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**тафаръун** تفرعون тўғриси **тафаръавн.**

**тафаъъул** تفعل фол кўриш, яхши фол кўриш, яхшилика йўйиш.

**тафаққуд** تفقد сўраш, суриштириш; ~ **этмак** суриштирмоқ.

**тафаҳҳус** تفحص текшириш, суриштириш; ~ **қилмақ** текширмоқ, суриштирмоқ.

**тафвиз** تفويض топшириш, қайта топшириш; ~ **этмак** топширмоқ.

**тафзиҳ** تفضيح шарманда қилиш, бадном қилиш; ~ **айламак** шарманда қилмоқ.

**тафосир** تفاسير **тафсир** нинг кўплиги.

**тафохур** تفاخر фахрланиш, мақтаниш; ~ **айламак** фахрланмоқ, мақтанмоқ.

**тафрид** تفريد ёлғизланиш, четланиш.

**тафриқа** تفرقه бўлиш, айириш, таратиш.

**тафриҳ** تفريح ўйин-кулги, кўнгил очиш, хурсандчилик қилиш.

**тафсанда** تفسنده қизиган.

**тафсир** تفسير кўплиги **тафосир** шарҳ қилиш, изоҳлаш.

**тафсон** تفسان қизиган.

**тафтиш** تفتيش қидириш, текшириш; ~ **айламак,** ~ **этмак,** ~ **қилмақ,** қидирмоқ.

**тафҳим** تفهيم англатиш, тушунтириш; ~ **қилмақ** тушунтирмоқ.

**тахаййул** تخيل хаёл суриш, хаёлга келтириш; ~ **айламак** хаёл сурмоқ, хаёлга келтирмоқ.

**тахаййуллиқ** تخيلليق хаёлли.

**тахаллуф** تخلف хилоф иш қилиш, четга чиқиш; ~ **қилмақ** қаршилик қилмоқ.

**тахалхул** تخلخل тебраниш, чайқалиш; ~ **топмақ** тебранмоқ, чайқалмоқ.

**тахалхулпазир** تخلخل‌پذير тебранарлик, чайқаларлик.

**тахвиф** تخويف хавф туғдириш, қўрқитиш; ~ **этмак,** ~ **қилмақ** хавф туғдирмоқ, қўрқитмоқ.

**тахлил** تخليل тараш, бармоқлар орасидан ўтказмоқ; **лиҳяни** ~ **қилмақ** соқолни бармоқлар орасидан ўтказмоқ.

**тахлис** تخليص 1) халос қилиш, озод қилиш; ~ **бермак** халос қилмоқ; 2) хулосалаш, қисқа баён.

**тахминшунос** تخمين‌شناس тахмин қилувчи.

**тахсис** تخصيص 1) ажратиш; 2) тайинлаш, белгилаш; ~ **айламак,** ~ **этмак** тайинламоқ, белгиламоқ.



**тахтапора** تخته پاره тахта бўлаги.

**тахтасанг** تخته سنگ тош тахта.

**тахтгир** تختگير 1) ғолиб, қаҳрамон, кучли шоҳ; 2) тахт эгалловчи.

**тахтгоҳ** تختگاه пойтахт, марказ.

**тахтнишин** تخت‌نشين подшоҳ.

**тахторой** تخت‌آرای тахт безатувчи; арз тингловчи.

**тахфиф** تخفيف енгиллатиш; ~ **айламак** енгиллатмоқ.

**таш** تاش сирт, ташқари.

**ташбиҳ** تشبيه ўхшатиш; ~ **айламак,** ~ **қилмақ** ўхшатмоқ.

**ташвир** تشوير уялиш, ҳаяжон.

**ташниъ** تشنيع дашном бериш, сўкиш, уялтириш.

**ташт** تشت катта мис тоғора.

**ташхис** تشخيص 1) ажрата билиш, 2) диагноз; ~ **айламак** диагноз қўймоқ.

**ташъир** تشعير сезиш, шуур қилиш; ~ **этмак** сезмоқ.

**ташқилиғ** تاشقيليغ ташқи қиёфа.

**ташҳиз** تشحيذ ўткирлаш, равшанлаш; **хотир** ~ **и** хотирани ўткирлатиш.

**ташҳир** تشهير 1) машҳур қилиш, ҳаммага маълум қилиш; 2) ёмон отлиқ қилиш, бадном қиладиган гаплар тарқатиш.

**таъбийа** تعبيه тайёрлаш, ҳозирлаш, жойлаш, тизиш, тахт қилиш; ~ **айламак,** ~ **қилмақ** жойлаштирмоқ, тизмоқ, ҳозирламоқ.

**таъвид** تعويد ўргатиш; ~ **айламак** ўргатмоқ.

**таъвиз** تعويذ тумор.

**таъвил** تاءويل баён қилиш, шарҳлаш; ~ **бўлмақ** баён қилинмоқ, шарҳланмоқ.

**таъдиб** تاءديب 1) жазо; 2) тузатиш; 3) интизом; 4) тарбия қилиш.

**таъжил** تعجيل тезлатиш, шошилиш; ~ **айламак,** ~ **этмак** тезлатмоқ, шошилмоқ.

**таъйид** تاءييد мадад қилиш, кўмаклашиш, ёрдам бериш.

**таълил** تعليل касал бўлиш, бемор бўлиш; ~ **қилмақ** касал қилмоқ.

**таълимгоҳ** تعليمگاه мактаб.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**таъмийа** تعمیه жумбоқ билан гапириш.

**таъмийаомиз** تعمیه آمیز жумбоқли, жумбоқ аралаш.

**таъмим** تعمیم умумлаштириш, тенглаштириш, баробарлаш; ~ **айламак** умумлаштирмоқ, тенглаштирмоқ.

**таъмин** تأمین гаровга қўйиш, эминликни таъминлаш; ~ **этмак** гаровга қўймоқ, эминликни таъминламоқ.

**таълиқ** تعلیق чуқурлаштириш, теранлаштириш; ~ **қилмақ** чуқур ўйлаб қарамоқ.

**таънагар** طعنه گر таъна қилувчи.

**таънаомиз** طعنه آمیز таънали, таъна аралаш.

**таънасоз** طعنه ساز таъна чиқарувчи.

**таъриз** تعریض намойиш этиш, кўрсатиш; имо қилиш; ~ **этмак** кўрсатмоқ; имо қилмоқ.

**таъхир** تأخیر кечикиш; кечиктириш; ~ **қилмақ** кечикмоқ; кечиктирмоқ.

**тақаббул** تقبل 1) бўйнига олиш; 2) зиммага олинган мажбуриятлар; ~ **айламак** зиммага олмоқ.

**тақаддум** تقدم илгарилаш, олдинда бўлиш; ~ **айламак** илгариламоқ, олдинда бўлмоқ.

**тақаййуд** تقید 1) ҳаракат қилиш, тиришиш; 2) тиришқоқлик.

**тақарруб** تقرب 1) яқинлашиш; 2) яқинлик; ~ **бўлмақ** яқинлашмоқ.

**тақбиҳ** تقبیح ёмонлаш, шарманда қилиш.

**тақвий** تقوی **тақво** ҳа қ.

**тақвийшикан** تقوی شکن тақвийликни синдирувчи.

**тақвим** تقویم юлдузлар жадвали, календарь.

**тақво ва тақвий** تقوی 1) пархезкорлик, тийинишлик; 2) художўйлик.

**тақвошиор** تقوی شعار художўйликни шиор қилувчи.

**тақи** تقی тағин, яна.

**тақриб** تقریب яқинлашиш.

**тақрир** تقریر сўзлаш, оғзаки баён қилиш; ~ **айламак**, ~ **қилмақ** айтмоқ, оғзаки баён қилмоқ.

**тақсир** تقصیر кўплиги **тақсирот** айб, гуноҳ иш; ~ **айламак**, ~ **этмак**, ~ **қилмақ** айб қилмоқ, гуноҳ иш қилмоқ.

**тақсирот** تقصیرات **тақсир** нинг кўплиги.



**тағаййур** تغیر ўзгариш; ~ **топмақ** 1) ўзгармоқ; 2) ғазабланмоқ.

**тағйир** تغییر ўзгартиш, ўзгариш; ~ **бермак** ўзгартирмоқ; ~ **топмақ** ўзгармоқ.

**тағйирпазир** تغییرپذیر ўзгартирилиши мумкин, турланиб турадиган.

**тағойи** تغایی тоға.

**тағорлиқ** تغارلیق тоғорадаги, идишдаги.

**тағофул** تغافل 1) сезмасликка олиш, сезмасликка ҳаракат қилиш; ~ **қилмақ** 1) сезмасликка олмоқ; 2) ғафлатда қолмоқ.

**таҳ I** ته таг, туб.

**таҳ II** ته тах, ғижим; ~ **ба** ~ тахма-тах.

**таҳаввур** تهور 1) телбалик; ўйламай иш тутишлик; 2) ботирлик, жасорат; ~ **айламак** 1) телбалик қилмоқ; 2) жасорат қилмоқ.

**таҳаййур** تحیر ҳайратда қолиш, ҳайрон бўлиш; ~ **айламак** ҳайратда қолдирмоқ, ҳайрон қилмоқ, ажаблантирмоқ.

**таҳаммул** تحمل сабр, чидам; ~ **айламак**, ~ **қилмақ** сабр қилмоқ; **чидамоқ**.

**таҳаммуллуқ** تحمل لوق сабрлилик, чидамлилик.

**таҳаммуломизлиқ** تحمل آمیزلیق сабр аралашганлик.

**таҳармуз** تهرمز ҳаромзадалик, қаллоблик.

**таҳаррук** تحرک ҳаракатланиш, ҳаракатга келиш; ~ **сиз бадан** жонсиз тан; ~ **қилмақ** ҳаракатланмоқ, ҳаракатга келмоқ.

**таҳассур** تحسر ҳасратланиш, ҳасратга тушиш; ~ **емак** ҳасратланмоқ, ҳасратга тушмоқ.

**таҳаттук** تهتک 1) шармандалик, ҳаёсизлик; 2) фоҳишалик.

**таҳиййат** تحیت кўплиги **таҳиййот** табриклаш, салом бериш.

**таҳиййот** تحیات **таҳиййат** нинг кўплиги.

**таҳлил I** تحلیل 1) парчалаш, майдалаш; 2) ҳал қилиш, ечиш.

**таҳлил II** تحلیل мақтов; **ло илоҳа илло-л-лоҳ** оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ дуосини айтиш.

**таҳниййат** تهنیت табриклаш.

**таҳоший** تحاشی 1) рад қилиш, қайтариш; 2) тийиниш; эҳтиёт бўлиш.

**таҳошийсизлиғ** تحاشی سیزلیغ тийинишсизлик, эҳтиётсизлик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**таҳрик** تحريك ҳаракатга келтириш; ~ **бермак** ҳаракатга келтирмоқ; ~ **топмақ** ҳаракатга келмоқ.
**таҳрим** تحريم ҳаром қилиш, ман этиш; ~ **айламак** ҳаром деб эълон қилмоқ, тақиқламоқ, ман қилмоқ.
**таҳрир** تحرير ёзиш, ёзма баён этиш; ~ **айламак** ёзмоқ, ёзма баён этмоқ; ~ **га келмак** ёзилмоқ; ~ **бўлмақ** ёзилмоқ.
**таҳрис** تحريص ҳирс уйғотиш; ~ **айламак** ҳирс уйғотмоқ. ҳирс қилмоқ.
**таҳт** تحت ва **таҳта** تحته ост, таг.
**таҳта** تحته **таҳт** га қ.
**таҳта-с-саро** تحت الثرى ер ости.
**таҳур** طهور ва **таҳуро** طهورا пок, тоза, муқаддас.
**таҳуро** طهورا **таҳур** га қ.
**таҳқир** تحقير ҳақоратлаш, хўрлаш ерга уриш, камситиш; ~ **қилмақ** таҳқирламоқ, камситмоқ.
**таҳқиқ** تحقيق текшириш, тадқиқ қилиш; ~ **айламак**, ~ **этмак**, ~ **қилмақ** текширмоқ, тадқиқ қилмоқ; ~ **бўлмақ** текширилмоқ, тадқиқ қилинмоқ.
**тева** تيوا туя.
**тевалик** تيوه‌ليك туяли, туя минган.
**тевралмак** تيورالماك санчилмоқ, қадалмоқ.
**теврамак** تيوراماك санчмоқ, қадамоқ.
**тегра** تيكرا теварак, ~ **сида** атрофида.
**тегру** تيكرو маълум бир вақт ёки макон бўлагининг охирги чегарасини билдирувчи сўз; **оқшомға** ~ оқшомгача.
**тезбин** تيز بين тез кўрадиган.
**тезгард** تيز كرد тез юрувчи, чопқир
**тезгомлиғ** تيز كامليغ тезлик.
**тездав** تيزدو чопқир, илдам.
**тездам** تيزدم тез ютувчи, баднафс.
**тезкуш** تيز كوش чаққон, тез ҳаракат қиладиган.
**тезрав** تيزرو тез борувчи.
**тезрафтор** تيزرفتار тез юрувчи, чаққон.
**тезтак** تيزتك чопағон; ~ **қилмақ** тезлатмоқ, югуртирмоқ.
**тезтаклик** تيزتكليك чопағонлик.
**тезҳушлик** تيزهوشليك ҳушёрлик, зийраклик.



**тенгри** تينكرى худо.
**тепук** تيپوك тепки.
**тергак** تيركاك суриштириш, терган.
**тешавар** تيشه‌ور 1) дурадгор; 2) тош йўнувчи.
**тиб ва тийб** طيب ёқимли ис.
**тийб** طيب тиб га қ.
**тийбат** طيبت яхшилик, эзгулик; ~ **қилмақ** яхшилик қилмоқ.
**тийин** تيين олмахон; олмахон терисидан тикилган пўстин, ~ **териси** олмахон терисидан тикилган пўстин.
**тийнат** طينت табиат, хулқ, феъл, атвор.
**тийнатлиғ** طينتليغ хулқли, феъл-атворли, табиатли; ~ **ариғ** пок хулқли.
**тир I ва тийр I** تير 1) ўқ; ёй ўқи; ~ **чекмак** ўқ отмоқ; кема ~ **и** кема ўртасидаги устун, мачта.
**тир II ва тийр II** تير Аторуд, Меркурий.
**тийр I** تير **тир I** га қ.
**тийр II** تير **тир II га қ.**
**тийра I** تيره қоронғи; ~ **айламак** қоронғи қилмоқ, қора қилмоқ.
**тийра II** تيره 1) қабиланинг бир **қисми**; 2) **гуруҳ**, фирқа; ~ **бўлмақ** икки гуруҳга бўлинмоқ.
**тийраавқотлиғ** تيره‌اوقاتليغ қоронғи вақтли.
**тийраанжум** تيره‌انجم хира юлдузли.
**тийрагард** تيره‌كرد 1) қуюқ тўзон; 2) қоронғилик.
**тийрадуд** تيره‌دود тутаб ёнувчи ўт, қора тутун.
**тийражабин** تيره‌جبين қора юзли.
**тийрарой** تيره‌راى қора фикрли, ёмон ниятли.
**тийрару** تيره‌رو қора юзли.
**тийраруз** تيره‌روز бахтсиз.
**тийрарузгор** تيره‌روزكار бахти қаро, бахтсиз.
**тийрборон** تيرباران ўқ ёмғири, ўқ ёғдириш.
**тики** تيكى тикка.
**тикиш** تيكيش ўрнатиш, жойлаш.
**тилмиз** تلميذ шогирд, ўқувчи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**тило** طلا олтин; қуёш ~ **си** қуёш жилоси.

**тиловат** تلاوت овоз чиқариб ўқиш.

**тимор** تیمار 1) парвариш қилиш; 2) тарбия қилиш; ғам, ғусса.

**тимтароқ** تمتراق тўғриси **тумтароқ**.

**тиндурмақ** تیندورماق тинчитмоқ, тинчлантирмоқ.

**тирмамақ** تیرماماق тирнамоқ, таталамоқ.

**тироз** طراز 1) ўлчов; 2) нақш, безак; ~ **чекмак** нақш урмоқ.

**тирозлиғ** طرازلیغ нақшли, безакли; **нукта ~** сўзга пардоз беришлик.

**титрагуч** تیتراگوچ келинларнинг бошига санчиб қўйиладиган безак.

**титратма** تیتراتما безгак.

**тифл** طفل кўплиги **атфол** бола; ~ **и баҳор** куртак.

**тифлваш** طفلوش бола табиатли, содда.

**тифлзод** طفلزاد болаликдан, туғилишдан таниқли белги.

**тиши** تیشی аёл, хотин; мода, урғочи.

**тиғдод** تیغداد дамли, ўткир.

**тиғзан** تیغزن аскар, жангчи.

**тиғлиқ** تیغلیق тиғ кўтарган; қуролланган.

**тиҳи** تهی бўш, холи; **айбдин ~ кўрунмак** айбсиз кўринмоқ луқсондан холи туюлмоқ.

**тоат** طاعت **тоъат** га қ.

**тоб I** تاب ҳарорат, иссиқлик.

**тоб II** تاب 1) куч, қувват; 2) бардош.

**тоб III** تاب ўрам, жингалак; ~ **у печ этмак** ўралиб-буралиб кетмоқ.

**тоба** تابه това.

**тобадон** تابه دان туйнук, дарча.

**тобдор** تابدار 1) тобли; 2) туғунлик, чигал; **зулфи ~** жингалак соч.

**тобистон** تابستان ёз.

**тобистоний** تابستانی ёзги, ёзлик.

**тобиъ** تابع кўплиги **атбоъ** ва **тавобиъ** 1) издош, шогирд; 2) қарам; 3) фуқаро.



**тобиқ** طابق мос келувчи, мувофиқ келувчи; **тобиқу-н-наъл этмак** мос келтирмоқ, баробар қилмоқ.

**тоблиғ** تابلیغ 1) тобли; 2) ўримли, чигал.

**тобнок** تابناک нурли, порлоқ.

**тобон** تابان порлоқ, нурли, тобли.

**тобсиз** تابسیز кучсиз, қувватсиз.

**товушқон** تاووشقان **тавушқан** га қ.

**тожвар** تاجور 1) тождор, тож кийган; 2) подшоҳ.

**тожир** تاجر кўплиги **тужжор** савдогар; ~ **и мусофир** мусофир савдогар.

**тоз** تاز кал.

**тозйона** تازیانه қамчи.

**тойир** طایر 1) учадиган, учувчи; 2) қуш; ~ **и давлат** давлат қуши; ~ **қудс руҳ; жон.**

**тойифа** طایفه кўплиги **тавойиф** синф, гуруҳ.

**толиъ** طالع 1) бахт, бахтли юлдуз, тақдир; ~ **и масъуд** бахтли тақдир; 2) чиқувчи, кўтарилувчи (қуёш, ой ҳақида); ~ **бўлмақ** чиқмоқ, кўтарилмоқ.

**толиҳ** طالح ёвуз, бадбахт.

**толон** تالان 1) толон-торож; 2) ўлжа.

**толғамақ** تالغاماق тўғриси **талғамақ**.

**томиъ** طامع тамағир, очкўз.

**томот** طامات беҳуда сўз, қуруқ гап.

**томуқ** تاموق **тамуқ** га қ.

**томуғ** تاموغ **тамуқ** га қ.

**тонг I** تانگ **танг I** га қ.

**тонг II** تانگ ажаб, таажжуб; ~ **эрмас** ажаб эмас.

**тонглалиқ** تانگلالیق эрталик.

**тонглағи** تانگلاغی эртанги.

**тоот** طاعات **тоъат** нинг кўплиги.

**торак** تارک бошнинг тепа қисми; бош; **тожи ~** бошдаги тож.

**торам** تارم 1) панжара, боғ девори; 2) гумбаз; ~ **и аъло** 1) баланд гумбаз; 2) осмон.

**тори** طاری қоронғилик; ~ **бўлмақ** қоронғи бўлмоқ, қоронғилашмоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**торикмақ** تاریقماق зерикмоқ, сиқилмоқ.

**торожгар** تاراجگر толон-торож қилувчи, таловчи.

**торумор** تارومار паришон, сочилган, тарқоқ; ~ **айламак**, ~ **қилмақ** сочмоқ, енгмоқ.

**тошин** تاشین тошқин.

**тоъат** طاعت кўплиги **тоот** бўйсиниш.

**тоҳир** طاهر тоза, пок; ~ **ўлмақ** пок бўлмоқ.

**тубо ва тубий** طوبی жаннат дарахти.

**туваг** تواغ ва **туйнақ** تویناق ва **туйнаг** تویناغ туёқ.

**тувог** تواغ **туйнақ** га қ.

**тувурлуг** توورلوغ ўтовнинг туйнугига ёпиладиган кигиз.

**туган** توکان доғ, из; ~ **қўймақ** доғ туширмоқ, из қолдирмоқ.

**туганлик** توکانلیك доғли, изли.

**тужжор** تجار **тожир** нинг кўплиги.

**туз** توز 1) тўғри текис; ~ **жодда** тўғри йўл; ~ **ният** яхши ният; ~ **бўлмақ** тўғри бўлмоқ; ~ **этмак** текисламоқ, тўғриламоқ; 2) текислик, текис ер.

**тузлук** توزلوك тўғрилик, ҳалоллиқ.

**тузуклук** توزوكلوك тўғрилик, осойишталик.

**туйноқ** تویناق **тувнақ** га қ.

**туйноғ** تویناغ **тувнақ** га қ.

**туйур** طیور **тайр** нинг кўплиги.

**тул I** طول узунлик, бўй, давом этиш, узоқлик; ~ **и амал** узоққа кетадиган умидлар; ~ **и ҳаёт** умр узунлиги; узоқ умр; ~ **топмақ** чўзилмоқ, узаймоқ.

**тул II** تول есир.

**тулак** تولاك туллаш, жун тўкиш; ~ **аййоми** барг тўкилиш кунлари, куз.

**тулоний** طولانی узоқ давомли, кўп вақт давом этган, узундан-узоқ; ~ **айламак** узоқ давом эттирмоқ, чўзмоқ.

**тулуъ** طلوع чиқиш, таралиш; ~ **айламак**, ~ **этмак**, ~ **қилмақ** чиқмоқ, кўтарилмоқ (ой, қуёш).

**тумоға** توماغه ов қушининг бошига кийгизиб қўйиладиган темир қалпоқча.

**тумтароқ** تمتراق тўғриси **тумтуроқ**.

**тумтуроқ** تمتراق дабдаба, шавкатлилик, улуғворлик.



**тунмақ** تونماق тинмоқ, тинчимоқ; тўхтамоқ.

**тунглук I** تونگلوك туйнук.

**тунглук II** تونگلوك ростлик, чинлик.

**тунд** تند тез, қаттиқ; шиддатли; ~ **саманд** чопқир, асов **от**; ~ **сарсар** қаттиқ шамол; ~ **ўлмақ** тез бўлмоқ, кучаймоқ.

**тундбод** تندباد бўрон, кучли шамол.

**тундлуқ** تندلوق тезлик; ~ **қилмақ** тезлик қилмоқ.

**тундхў** تندخو ва **тундхўй** تندخوی қайсар.

**тундхўй** تندخوی **тундхў** га қ.

**тунқатор** تونقاتار подшоҳ турган жойнинг тун қоровули; тунги қоровул.

**турбат** تربت 1) гўр; 2) тупроқ.

**турк** ترك кўплиги **атрок** халқ номи.

**туркман** ترکمان кўплиги **тарокима** туркий халқ номи.

**турксоз** ترکساز туркча шаклда, туркий йўсинда.

**турктоз** ترکتاز 1) ҳамла, талон-торож, ғорат; 2) толон-торож қилувчи; ~ **айламак** бостириб келмоқ, таламоқ.

**турктозлиғ** ترکتازلیغ ҳужум қилишлик, талончилик.

**туроб** تراب 1) тупроқ; 2) гўр.

**турра** طره кокил, соч ўримлари; ~ **йи сунбул** сунбул шохл

**турфа** طرفه қизиқ, ажабланарли, нодир.

**турфату-л-айн** طرفة العين бир зумда, кўз очиб юмгунча.

**туршрўй** تورش روی бадбуриш, бадқовоқ.

**тусаммо** تسمی аталади, номланади.

**туслуқ** توسلوق рангли; **мино** ~ ҳаворанг; **мулавван** ~ ранг-баранг, рангдор.

**тутруқ** توتروق тутатқи, тутантуруқ.

**тутуқ** توتوق парда, тўсиқ.

**туфайл** طفیل ва **туфайлий** طفیلی текинхўр; чақирилмаган меҳмон.

**туфайлий** طفیلی **туфайл** га қ.

**тухмийона** تخمیانه уруғ дори.

**туш ва тўш** توش тараф, жониб; томон, ~ **дин** ҳар тарафдан, ҳамма томондан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**туъма** ва **тўъма** طعمه озиқ, овқат; ~ **қилмақ** овқатланмоқ.
**туъмалиқ** ва **тўъмалиқ** طعمه لیق егулик, луқма.
**туғ** توغ байроқ.
**туғмоч** توعماج туркий уруғ.
**туғро** تغرا сарлавҳа, хат бошидаги муҳр; ~**йи саодат** бахт тұғроси.
**туҳаф** تحف туҳфа нинг кўплиги.
**туҳфа** تحفه кўплиги **туҳаф** ҳадя, совға.
**тў** تو қат, қават; ~ **ба тў**, ~ **бар** ~ қатма-қат, устма-уст.
**тўбий** طوبی **тубо** га қ.
**тўбийваш** طوبی‌وش жаннат дарахтига ўхшаш.
**тўбра** توبرا тўрва.
**тўйғармақ** تویغارماق тўйғазмоқ, таомга тўйдирмоқ.
**тўкуз** توکوز тўкис, тўла.
**тўлғамақ** تولغاماق қайирмоқ, бурамоқ; **бўйин** ~ 1) бош чайқамоқ; 2) бўйин товламоқ.
**тўлғашмақ** تولغاشماق ўралишмоқ, буралишмоқ, чирмашмоқ.
**тўнгумақ** تونکوماق совуқ емоқ; қотмоқ; музламоқ.
**тўнгулмақ** تونکولماق совумоқ; **ҳайотдин** ~ ҳаётдан совимоқ, ҳаётдан умид узмоқ.
**тўрқа** تورقه ва **тўрғу** تورغو нафис ипак мато, зарбафт ипак.
**тўрғу** تورغو тўрқа га қ.; ~ **тўн ипак матодан тикилган тўн.**
**тўстиған** توستوغان тўғриси **тўстуған.**
**тўстуған** توستوغان ёғоч коса.
**тўтийо** توتیا кўз дори.
**тўтийоваш** توتیاوش тўтиёдек, тўтиё каби.
**тўтийолиқ** توتیالیق тўтиё қилиш, тўтиё ўрнида қўллаш.
**тўш** توش туш га қ.
**тўша** توشه озиқ-овқат, йўл озиғи.
**тўшалиқ** توشه لیق озиқ-овқатли, йўл озиғи бор.
**тўшасизлиқ** توشه سیزلیق озиқсизлик.
**тўшлуқ** توشلوق ўрта, марказ, қоқ марказ; ~ **тўши** ҳар томондан; юзма-юз; энг ўрта.
**тўшук** توشوك тешик, ёриқ.



**тўшуклук** توشوكلوك тешикли, йиртиқ.
**тўъма** طعمه туъма га қ.
**тўъмалиқ** طعمه لیق туъмалиқ га қ.

## У

**уббаҳат** ابهت 1) дабдаба; 2) мағрурлик.
**уббод** عباد **обид** нинг кўплиги.
**убудиййат** عبودیت 1) бандалик; 2) тобелик.
**убур** عبور ўтиш, кечиш, кечиб ўтиш; ~ **қилмақ** ўтмоқ; **кечиб ўтмоқ.**
**угулмак** اوکولماك тўғриси **ўгулмак.**
**уд I** عود кўплиги **аъвод** алоэ; ~ **и мижмар** қилмақ хушбўй ис таратмоқ.
**уд II** عود мусиқа асбобининг номи.
**удсўз** عودسوز уд куйдирувчи.
**удул** عدول четланиш; узоқлашиш; ~ **қолмақ** четлашмоқ, **узоқлашмоқ.**
**ужб** عجب манманлик, шуҳратпарастлик, кеккайишлик.
**уза** اوزا узра.
**узалмақ** اوزالماق тўшалмоқ, узун қилиб солинмоқ.
**узамақ** اوزاماق узаймоқ, чўзилмоқ.
**узатмақ** اوزاتماق узайтирмоқ, чўзмоқ.
**узв** عضو аъзо; **бадан** ~ **и** бадан аъзоси, бўлаги.
**узгун** اوزکون тўлқин, тошқин.
**узлат** عزلت ёлғизланиш, ~ **кунжи** ёлғизлик бурчаги, ёлғизликда ўтириш; ~ **этмак** ёлғизланмоқ.
**узлатгир** عزلتگیر ёлғизланган.
**узлатгузин** عزلت‌گزین ёлғизликни ихтиёр қилувчи.
**узлатойин** عزلت‌آیین узлатда яшовчи.
**узмо** عظمی 1) энг улуғ; 2) энг катта; 3) энг муҳим.
**узолмақ** اوزالماق тўғриси **узалмақ.**
**узор** عذار юз чеҳра.
**узоғу** اوزاغو тўғриси **ўзағу.**
**узроварлиқ** عذرآورلیق узр сўрамоқлик; ~ **этмак** узр сўрамоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

узрхоҳ **عذرخواه** узр сўровчи; ~ **бўлмақ** узр сўрамоқ.
уй I **اوی** хона, уй.
уй II **اوی** уй қорамоли.
уйақмақ **اویاقماق** ботмоқ (ой, қуёш).
уйақтурмақ **اویاقتورماق** сўндирмоқ, йўқотмоқ, поймол қилмоқ.
уйуб **عیوب** айб нинг кўплиги.
уйумак **اویوماك** ухламоқ.
уйун **عیون** айн нинг кўплиги.
уйурулмак **اویورولماك** ўгирилмоқ, айланмоқ.
уйуқмақ **اویوقماق** ухлатмоқ.
уйуқламақ **اویوقلماق** ухламоқ.
укус **عكوس** акс нинг кўплиги.
улв **علو** баландлик, юксаклик.
улвий **علوی** олий, юқори даражали.
улвий нажод **علوی‌نژاد** зоти улуғ.
улйо **علیا** энг олий, энг юксак.
улоқмақ **اولاقماق** тўғриси ўлақмақ.
ултанг **اولتانك** 1) патак; 2) нарм.
ултонг **اولتانك** тўғриси ултанг.
улувв **علو** улуғлик, буюклик.
улум **علوم** илм нинг кўплиги.
улумақ **اولوماق** йиғламоқ.
улутмақ **اولوتماق** нола чекмоқ, дод-вой қилмоқ.
улуҳиййат **الوهیت** илоҳийлик.
умм **ام** кўплиги **уммаҳот** она.
умам **امم** уммат нинг кўплиги.
умач ва умоч **اوماچ** таом номи.
умйо **عمیا** кўрлик, узоқни кўрмаслик.
уммат **امت** кўплиги **умам** халқ, миллат.
умматлиғ **امتلیغ** миллатга мансублик.
**чобуклук** چابكلوك чаққонлик, тезлик.
**чобукрақам** چابكرقم тез ёзар.
**чобуксувор** چابكسوار чавандоз.
**чобукхайол** چابك‌خیال фаросатли.
**чобукхез** چابك‌خیز тез чопар.
**чов** چاو тўғриси **чав**.
**човуш** چاوش тўғриси **чавуш**.
**чодар** چادر тўғриси **чодир**.
**чодарнишин** چادرنشین тўғриси **чодирнишин**.
**чодаршаб** چادرشب тўғриси **чодиршаб**.
**чодир** چادر ўтов; ~ **и шаб** зулмат.
**чодирнишин** چادرنشین кўчманчи.
**чодиршаб** چادرشب чойшаб.
**чокар** چاکر хизматкор.
**чоклик** چاکلیك ярали; ~ **кўкс** ярали кўнгил.
**чок-чок** چاك‌چاك парча-парча, ямоқ-ямоқ; ~ **айламак** пар-чаламоқ; ямамоқ.
**чолиғ** چالیغ тўғриси **чалиғ**.
**чолок** چالاك 1) келишган, хушбичим; 2) чаққон; 3) зийрак, фаросатли.
**чопқун** چاپقون **чапқун** га қ.
**чораандиш** چاره‌اندیش даво ахтарувчи, чора қидирувчи.
**чорагар** چاره‌گر иложини топувчи.
**чорагарлик** چاره‌گرلیك тадбир кўрувчилик,чора қилувчилик.
**чоражў** چاره‌جو чора изловчи, илож қидирувчи.
**чоракўш** چاره‌کوش иложини ахтарувчи, топувчи.



**чорапардоз** چاره‌پرداز илож қилувчи; чора топувчи.
**чорарас** چاره‌رس чора топувчи, илож қилувчи.
**чорасоз** چاره‌ساز чора топувчи.
**чорасозлиг** چاره‌سازلیغ тадбиркорлик, илож қилувчилик.
**чорахоҳ** چاره‌خواه чора истовчи.
**чорболиш** چاربالش думалоқ ёстиқ; ~ **солмақ** гул, япроқ чиқармоқ, очилмоқ.
**чорбош** چارباش тўрт томон; ~ **салтанат** катта, кенг давлат.
**чордой** چاردای тўрт пахса.
**чорзарб** چارضرب шашмақом куйларидан бирининг номи.
**чормих** چارمیخ тўрт қозиқ; ~ **қилмақ тўрт михга** қоқмоқ; қўл-оёғини тўрт томонга тортиб боғламоқ.
**чорпора** چارپاره йиртиқ, тўзиган; ~ **тўн** йиртиқ тўн.
**чортоқ** چارتاق 1) айвон; 2) осмон.
**чорчўб** چارچوب тўрт ёғочдан ясалган ром.
**чорқаб** چارقب тўғриси **чарқаб**.
**чотма** چاتمه тўғриси **чатма**.
**чошни** چاشنی 1) маза билиш; тотиш; 2) лаззатланиш; ~ **йи тамом** тўла лаззат; ~ **етишмак** бахраманд бўлмоқ.
**чошт** چاشت 1) нонушта; 2) кун кўтарилган вақт; ~ **таоми** нонушта овқати.
**чоштгаҳ** چاشتگه **чоштгоҳ** га қ.
**чоштгоҳ** چاشتگاه ва **чоштгаҳ** چاشتگه қуёш кўтарилган вақт.
**чоғир** چاغیر **чағир** га қ.
**чоғламақ** چاغلاماق **чағламақ** га қ.
**чоғлиқ** چاغلیق **чағлиқ** га қ.
**чоҳ** چاه ва **чаҳ** چه 1) қудуқ. 2) чуқур; ~ **боши** қудуқ усти; **занахдон** ~ , ~ **и зақан** **ияк** чуқурчаси; ~ **га салмақ** қудуққа ташламоқ.
**чу** چو **чун** нинг қисқаргани.
**чун** چون ва **чу** چو 1) чунки, шу сабабдан; 2) агар; 3) қачонки.
**чубуқ** چوبوق хипчин.
**чубчуқ** چوبچوق чумчуқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**чубулмақ** چوبولماق чиримоқ.

**чубулган** چوبولغان чириган; ~ **тор** чириган ип.

**чуйрушмақ** چويروشماق тўғриси **чупрушмақ**.

**чулиган** **چوليگان** вайсаган, алжираган.

**чулимак** چوليماك вайсамоқ, алжирамоқ.

**чум** چوم тамоман, бутунлай; ~ **қора** қоп-қора; ~ **тутмақ** тамоман тўлдирмоқ.

**чупрушмақ** چوپروشماق орқадан ҳам узайиб келмоқ: Чу дарбанднинг оғзига тавушуб, неча кун черик ўттилар чупрушуб.

**чур** چور жуда, қаттиқ.

**чуркамак** چوركاماك тўғриси **чўргамак**.

**чурканмак** چوركاناك тўғриси **чўрганмак**.

**чуркук** چوركوك тўғриси **чўрчук**.

**чурпа** چورپا тўнғиз боласи.

**чуст** چست тез, чаққон; **белни ~ этмак** белни маҳкам боғламоқ.

**чустлуқ** چستلوق тезлик.

**чуғз** چغز бойқуш, бойўғли.

**чуғул** چوغول ғийбатчи, иғвогар.

**чуҳра** چوهره амалдорнинг махсус соқчиси.

**чўбдаст** چوبدست ҳасса.

**чўбин** چوبين ёғочдан ясалган; **шаҳри** ~ ёғоч шаҳар.

**чўкармак** چوكارماك ўтирғизмоқ, чўктирмоқ (туяни).

**чўкур** چوكور катта тикан.

**чўкурмак** چوكورماك тўғриси **чўкармак**.

**чўкуш** چوكوش чўкич.

**чўмурмақ** چومورماق чўктирмоқ, ғарқ қилмоқ.

**чўнг** چونك катта.

**чўр** چور тўғриси **чур**.

**чўргамак** چورگاماك 1) куйдирмоқ; 2) ўрамоқ, бурамоқ.

**чўрганмак** چورگاناك куймоқ, ёнмоқ.

**чўрпа** چورپا тўғриси **чурпа**.

**чўрчак** چورچاك эртак.



**чўрчук** چورچوك куйган, ёнган.

**чўх** چوخ кўп, жуда.

**чўха** چوخه қитиқ.

**чўчак** چوچاك сафол (идиш).

## Ш

**шаабнок** شعبناك тўғриси **шаъафнок**.

**шааф** شعف шаъаф га қ.

**шаб** شب кеча, тун.

**шаба** شبه 1) қора (тош); 2) қоралик, қоронғилик.

**шабандуз** شباندوز кечани қопловчи; ~ **ниқоб** қоронғулик.

**шабафруз** شبافروز кечани ёритувчи.

**шабаҳ** شبه 1) қизил мис; 2) шарпа.

**шабаҳгун** شبه گون қора рангли.

**шабаҳранг** شبه رنگ қора ранг, сиёҳранг.

**шабгард** شبگرد 1) тунда айланувчи; 2) тунги соқчи; 3) ўғри; 4) тунни бедор ўтказувчи; **моҳи** ~ 1) тунда сайр қилувчи ой; 2) маҳбуба.

**шабгардлиқ** شبگردليق 1) тунни бедор ўтказиш; 2) тунги соқчилик; ~ **қилмақ** тунни бедор ўтказмоқ.

**шабгир** شبگير 1) тунги саёҳат; 2) булбул; ~ **этмак**, ~ **қилмақ** тунда саёҳат қилмоқ; **нолайи** ~ тунги йиғи: Сен ғофилу, мен ваҳм қилурмен кеча-кундуз, Бу нолайи шабгир ила оҳи саҳаримдин.

**шабгун** شبگون қора; ~ **ҳулла** қора кийим.

**шабдиз** شبديز 1) қора тусли от; 2) қора тун; 3) Хусрав Парвиз отининг номи.

**шабзиндадорлиг** شبزنده‌دارليغ тун бўйи ухламаслик, кечани бедор ўтказишлик; ~ **айламак** тунни бедор ўтказмоқ.

**шабистон** شبستان ётоқхона; ~ **аҳли** хотинлар, ~ **илми** сеҳргарлик, жодугарлик.

**шабистоноройлиг** شبستان‌آرايليغ хилватхонани безашлик.

**шабихун** شبخون тунги ҳужум; тунги талон-торож; ~ **урмақ** тунда ҳужум қилмоқ.

**шабиҳ** شبيه ўхшаш; ~ **эрмак** ўхшаш бўлмоқ.

**шабнамангиз** شبنم‌انگيز оқизувчи, йиғлатувчи; ~ **қилмак** йиғлатмоқ.

21—2509



www.ziyouz.com kutubxonasi

**шабнамзада** شبنمزده шабнамга буркаган; ~ **қилмак** йиглатмоқ.

**шабнамлиқ** شبنمليق хўллик, намлик; ~ **этмак** йиглатмоқ.

**шабоб** شباب ёшлик; ~ **авони** ёшлик даври; ~ **айёми** ёшлик кунлари, ~ **майи** йигитлик гурури, ~ **эрмак** тез ўтмоқ.

**шабобий** شبابى **шабоб** га тегишлик.

**шабовиз** شبآويز ҳақгўй (куш номи).

**шабона** شبانه тунги; ~ **навҳа** тунги фигонли йиги.

**шабоқ** شباق шувоқ, ёвшан.

**шабрав** شبرو ўгри, қароқчи; ~ **лар** қароқчилар.

**шабравлуг** شبرولوغ ўгрилик; қароқчилик; ~ **қилмақ** қароқчилик қилмоқ.

**шабранг** شبرنگ 1) қора; 2) қора от.

**шабтоб** شبتاب нур капалак; **кирми** ~ нур капалак.

**шабфуруз** شبافروز кечани ёритувчи.

**шабхиз** شبخيز тунда уйгонувчи; ~ **булбул** тунги булбул.

**шабчароғ** شبچراغ тун чироги.

**шабшикор** شبشكار тунда ов қилиш.

**шавоҳид** شواهد **шоҳида** нинг кўплиги; **азим** ~ катта, узун мисоллар.

**шавқангиз** شوقانگيز шавқ уйготувчи.

**шавқнок** شوقناك шавқли.

**шадд** شد куйининг бошланиш қисми; ~ **и руҳ** мақом куйларидан бири.

**шадда** شده боглам; ~ **богламақ** боглам қилмоқ.

**шадид** شديد 1) кучли, шиддатли; 2) огир; ~ **бўлмақ** қаттиқ бўлмоқ.

**шажар** شجر кўплиги **ашжор** дарахт.

**шажара** شجره дарахт.

**шай** شى **шайъ** га қ.

**шайб** شيب қарилик.

**шайбол** شيبال юқори даражали саркарда.

**шайд** شيد найранг, ҳийла, макр.

**шайн** شين айб; нуқсон, камчилик; ~ **зоҳир қилмақ** камчиликни кўрсатмоқ; **шўру** ~ айламак тўс-тўполон кўтармоқ.



**шайнлиғ** شينليغ **шўру** ~ тўс-тўполонли, шовқин-суронли.

**шайотин** شياطين **шайтон** нинг кўплиги.

**шайтанат** شيطنت шайтонлик; йўлдан оздиришлик.

**шайтон** شيطان кўплиги **шайотин** иблис.

**шайтонваш** شيطانوش шайтондек.

**шайх** شيخ кўплиги **машойих** ва **шуйух** қария, чол.

**шайхмонанд** شيخمانند шайхга ўхшаш, шайхдек.

**шайхухат** شيخوخت қарилик, кексалик.

**шайъ** شىء ва **шай** شى кўплиги **ашё** буюм.

**шайъанлиллоҳ** شيئالله ~ демак тангри учун бирор нарса сўрамоқ.

**шакиб** شكيب сабр.

**шакарафшон** شكرافشان шакар сочувчи; **каломи** ~ ширин сўз.

**шакарбор** شكربار 1) шакар ёгдирувчи; 2) ширин.

**шакаргуфторлиг** شكركفتارليغ ширин сўзлик.

**шакарин** شكرين ширин.

**шакаристон** شكرستان 1) шакарзор; 2) маҳбуба лаби.

**шакароб** شكراب 1) ширин сув; 2) жанжал.

**шакаролуд** شكرآلود ва **шакаролуда** شكرآلوده шакар аралаштирилган; ширин.

**шакаролуда** شكرآلوده **шакаролуд** га қ.

**шакарпосух** شكرپاسخ ширин жавоб.

**шакарриз** شكرريز ширин; ~ **айламак**, ~ **қилмақ** ширин қилмоқ.

**шакарризлик** شكرريزليك ширин қилишлик.

**шакарханд** شكرخند ва **шакарханда** شكرخنده ширин табассум; ~ **қилмақ** ширин кулмоқ; ширин табассум қилмоқ.

**шакарханда** شكرخنده **шакарханд** га қ.

**шакархоб** شكرخواب саҳар уйқуси; ширин уйқу.

**шакархой** شكرخاى ширин; **лаъли** ~ **ёр** лаби.

**шакаршикан** شكرشكن шакар синдирувчи; ширин; ~ **бўлмақ** ширин бўлмоқ.

**шакиблиг** شكيبليغ сабрлилик, чидамлилик.

**шакибо** شكيبا сабрли, чидамли.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**шакл** شكل кўплиги **ашкол**, расм, кўриниш.
**шаксизин** شكسيزين шаксиз, албатта; ҳеч ~ шубҳасиз.
**шал** شل шол касали.
**шалойин** شلاين ўз фикрида қаттиқ турувчи.
**шамила** شميله кўплиги **шамойил** 1) сифат; фазилат; 2) кўриниш, шакл.
**шамим** شميم кўплиги **шамойим** ҳид, хушбўй ис.
**шамиона** شميانه чодирнинг бир тури.
**шамм** شم ҳид билиш.
**шамма** شمه бир оз, озгина.
**шамойил** شمايل **шамила** нинг кўплиги.
**шамойим** شمايم **шамим** нинг кўплиги; **мискиниату-ш-** ~ мушк ҳидли.
**шамома** شمامه 1) хушбўй модда; 2) хушбўйлик.
**шамотат** شماتت ичи қоралик, бировнинг бахтсизлигидан севиниш.
**шамс** شمس қуёш; ~ **у-з-зуҳо** кўтарилган қуёш; ~ **у-л миллa вад-дин** дин ва миллат қуёши (қадимда олимларга берилган лақаб).
**шамса** شمسه иморат тоқига ишланган қуёш шаклли нақш; зарварақ (қўлёзма китобларда).
**шамт** شمط қора нақш.
**шамус** شموس ёввойи, асов.
**шамъ** شمع шам, чироқ; ~ **и заррин лаган** гўзал ой; ~ **и тироз** маҳбуба; ~ **и ховарий** офтоб; ~ **и шабистон** ой.
**шамъваш** شمع وش шамдек.
**шамъвор** شمع وار шаммисол.
**шанг** شنگ 1) шўх, ўйноқи; 2) гўзал; ~ **айламак** ўйнамоқ.
**шангарф** شنگرف тўқ қизил сиёҳ.
**шангарфгун** شنگرفگون шангарф ранг, қизғиш.
**шаниъ** شنيع ва **шаниъа** شنيعه ифлос, расво.
**шаниъа** شنيعه **шаниъ** га қ.
**шаноъат** شناعت шанъат га қ.
**шанъат** شنعت ва **шаноъат** شناعت расволик, ифлослик; ~ **айламак** ифлослик қилмоқ; шум анфосининг шаноъатидин, Баҳр чайқалди мавж офатидин.



**шаомат** شعامت тўғриси **шаноъат**.
**шаппар** شپر ва **шаппара** شپره ва **шаппарак** شپرك кўршапалак.
**шаппара** شپره **шаппар** га қ.
**шаппарак** شپرك **шаппар** га қ.
**шара** شره **шараҳ** га қ.
**шарар** شرر учқун, аланга; ~ **чекмак** алангаланмоқ, ~ **қилмақ** аланга олдирмоқ.
**шарарангиз** شررانكيز ўт солувчи; ~ **бўлмақ** ўтли бўлмоқ.
**шарарлиқ** شررليق алангали; ~ **и дуд** алангали тутун.
**шарарриз** شررريز учқун сочувчи.
**шарарсиз** شررسيز 1)алангасиз, ёлқинсиз; 2) таъсирланмаган, бехабар.
**шараҳ** ва **шара** شره очкўзлик, бадиафслик.
**шарбатий** شربتى 1) эркаклар кийимлиги учун ишлатиладиган нозик мато: шарбатий дасторин бошига бурунчак қилғайлар; 2) шакар ранг.
**шарза** شرزه ғазабли, жаҳлдор.
**шариат** شريعت ислом ҳукмлари.
**шарик** شريك ўртоқ; ~ **айламак,** ~ **қилмақ** шерик қилмоқ.
**шариф** شريف кўплиги **ашроф азиз**, шарофатли, зоти тоза; ~ **у-л-кавнайн** икки дунёнинг азизи.
**шарифайн** شريفين **ҳарамайн** га қ.
**шароболуд** شراب آلود май юққан, май теккан.
**шароболудлиқ** شراب آلودليق май юққанлик.
**шарор** شرار учқун, аланга; ~ **и ҳалок** ҳалокатли аланга; ~ **учурмақ** сачратмоқ.
**шарора** شراره аланга, учқун; ~ **тушмак** аланга тушмоқ.
**шарорангиз** شرارانگيز алангали.
**шарорат** شرارت ёмонлик, ёвузлик.
**шарр** شر ёмон; ~ **у-н-нос** одамларнинг ёмони; ~ **бўлмақ** ёмон бўлмоқ.
**шарфа** شرفه шарпа, кўланка: ~ **с** бир шарпа.
**шаръ** شرع шариат қоидалари; ~ **жоддаси,** ~ **тариқи** шариат йўли; ~ **қавоиди** шариат қоидалари; ~ **важҳи била** шариат қоидаси билан; ~ **риойатин қилмақ** шариат йўлидан юрмоқ, шариатга мувофиқ иш тутмоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**шаръий** شرعی **шариат** га мансуб.

**шаръийа** شرعیه **шаръий** нинг муаннаси; ~ **умур** шартий ишлар.

**шарҳ** شرح кўплиги **шуруҳ** изоҳ; ~ **айламак,** ~ **этмак,** ~ **қилмақ** изоҳламоқ.

**шарҳа** شرحه 1) жароҳат, яра; 2) бўлак, пора; ~ **кўнгиллари** юрак поралари, изтироблари.

**шаст I** شست 1) тўр, қармоқ; 2) чангак; 3) ништар; солмақ қармоқ солмоқ.

**шаст II** شست олтмиш; ~ **дар** ~ олтмишга олтмиш.

**шат** شط 1) қирғоқ; 2) дарё номи.

**шатал** شتل чўтал.

**шаталхор** شتل‌خوار чўтал олувчи, чўталчи.

**шаторат** شطارت 1) зийраклик 2) чаққонлик.

**шатранж** شطرنج шахмат; ~ **и ҳозирона,** ~ **и сағир** кичик шахмат (шахматнинг ўйинчилар томонидан юзма-юз ўтириб ўйналиши); ~ ғойибона, ~ **и кабир** катта шахмат (шахматнинг ўйинчилар томонидан ғойибона, яъни масофада туриб ўйналиши).

**шафақгун** شفق‌گون шафақ ранг.

**шафақосо** شفق‌آسا шафаққа ўхшаш.

**шафақфом** شفق‌فام қизил рангли; ~ **бўлмақ** қизармоқ.

**шафиъ** شفیع ҳимоячи; ~ **у-л-музнибин** гуноҳкорлар ҳимоячиси, Муҳаммад пайғамбар.

**шафиқ** شفیق шафқатли, марҳаматли.

**шафоат** شفاعت ҳимоя қилиш; ~ **айламак,** ~ **қилмақ** ҳимоя қилмоқ; ~ **и анбийо** пайғамбарларининг охиратда ўз умматларини ҳимоя қилиши.

**шафоатгар** شفاعت‌گر ҳимоя қилувчи.

**шафоатгарлик** شفاعتگرلیك ҳимоя қилишлик.

**шафоатпазир** شفاعت‌پذیر ҳимоя талаб.

**шафока-л-лоҳ** شفاك‌الله тангри сенга шифо берсин; ~ **демак** тангридан шифо сўрамоқ.

**шаш** شش олти.

**шашдар** ششدر нард ўйинида ўйинчилардан бирининг олти хонаси иккинчисининг тошлари билан банд қилиниши.

**шашпар** ششپر олти қиррали гурзи.



**шашпойа** ششپایه олти асосли; **минбари** ~ олти асосли минбар.

**шаъаф** ва **шааф** شغف 1) ҳаяжон, қаттиқ қувонч; 2) кучли ошиқлик.

**шаъафнок** شعفناك ҳаяжонли, қувончли.

**шаъбада** شعبده ҳийлагарлик, алдамчилик, кўзбўямачилик.

**шаъбон** شعبان қамарий йил ҳисобида 8-ой номи.

**шаън** ва **шон** شاٴن кўплиги шуъун; 1) шараф, 2) тегишлилик, хусус; ~ **ида** хусусида.

**шаъшаъа** شعشعه нур сочиш, шуълаланиш, порлоқлик.

**шақий** شقی кўплиги **ашқийо** 1) бахтсиз; 2) ўзбошимча, ярамас.

**шақоват** شقاوت 1) бахтсизлик; 2) бало.

**шақол** شقال ва شغال чия бўри, шақол.

**шағол** شغال **шақол** га қ.

**шаққ** شق 1) ёриқ, тирқич; 2) ёриш; ~ **айламак,** ~ **қилмақ** ёрмоқ.

**шағаб** شغب ғавғо, шовқин-сурон; ~ **айламак** ғавғо кўтармоқ.

**шағабнок** شغبناك ғавғоли, ҳаяжонли; ~ **айламак** ҳаяжонланмоқ, ғавғо солмоқ.

**шаҳбоз** شهباز лочин.

**шаҳд** شهد бол, асал; ~ **и лаб** лаб боли; ~ **и ноб этмак** тоза асалга айлантирмоқ, ширали қилмоқ.

**шаҳдлиқ** شهدلیق асалли, ширали.

**шаҳдолуд** شهدآلود бол аралашган, ширали; ~ **қилмақ** ширали қилмоқ.

**шаҳдриз** شهدریز асал тўкувчи; ~ **бўлмақ** асал тўкмоқ.

**шаҳкор** شهکار улуғ, катта иш.

**шаҳна** شحنه ва **шаҳнат** شحنت соқчи, соқчилар бошлиғи; ~ **ту-н-Нажаф** Нажаф шаҳрининг соқчилар бошлиғи.

**шаҳнат** شحنت **шаҳна** га қ.

**шаҳншон** شهنشان шоҳ белгили; ~ **бўлмақ** белгили бўлмоқ, шоҳликка муносиб бўлмоқ.

**шаҳноз** شهناز куй номи; ~ **айламак** шаҳноз куйини чалмоқ, куйламоқ.

**шаҳода** شهاده ва **шаҳодат** شهادت шоҳидлик, гувоҳлик; ~ **калимаси ашҳаду ан ло илоҳа илло-л-лоҳ ва ашҳаду**



www.ziyouz.com kutubxonasi

**анна Муҳаммадан расулу-л-лоҳ** оллоҳдан бошқа худо йўқ ва Муҳаммад унинг элчиси эканига гувоҳлик бераман сўзлари.

**шаҳодат** شهادت шаҳода га қ.

**шаҳпар** شهپر қанот.

**шаҳриёр** شهريار ҳоким, подшоҳ.

**шаҳристон** شهرستان шаҳарнинг ичи.

**шаҳсувор** شهسوار 1) моҳир чавандоз; 2) маҳбуба.

**шева** شيوه 1) равиш, йўсин; 2) қилиқ, ишва: ~ **бўлмақ** одатга кирмоқ.

**шеван** شيون пола қилиш, бўкириб йиғлаш, ~ **айламак,** ~ **этмак,** ~ **қилмақ** зор йиғламоқ; ~ **кўргузмак** зор йиғламоқ.

**шед** شيد **хуршид** нинг қисқаргани; **шид** га қ.

**шерамард** شيرمرد ботир, паҳлавон.

**шерафкан** شيرافكن шерни йиқитувчи.

**шерваш** شيروش шердек.

**шергир** شيرگير шер овловчи.

**шердил** شيردل шерюрак, довюрак.

**шерзабун** شيرزبون шерни енгувчи.

**шерзан** شيرزن паҳлавон, ботир.

**шерлик** شيرليك ботирлик, паҳлавонлик.

**шероза** شيرازه 1) китоб варақларини муқовалашда уни яхлит тутувчи ипак тасма; 2) муқова, муқова нақшлари.

**шерпайкар** شيرپيكر шер кўринишли, ҳайбатли; ~ **алам** шер тасвирли байроқ.

**шершикор** شيرشكار 1) шер ов қилувчи; 2) ботир, жасур.

**шефта** شيفته лол қолган, мафтун бўлган; ~ **бўлмақ** мафтун бўлмоқ, лол қолмоқ; ~ **қилмақ** лол қолдирмоқ.

**шефталиғ** شيفته ليغ лол қолишлик, мафтун бўлишлик; ~ **айламак** лол қилмоқ.

**шефтаҳол** شيفته حال лол, мафтун, паришон.

**Шиблий** شبلى машҳур сўфий абу Бакр Далаф (945—861) нинг лақаби.

**шибҳ** شبه кўплиги **ашбоҳ** 1) ўхшашлик; 2) ўхшаш.

**шигарф** شگرف 1) кучли, улуғ; 2) муносиб, келишган: ~ **аҳвол** ажойиб ҳоллар.

**шигифт** شگفت ҳайрон қолиш, ҳайратланиш: ~ **тушмак** таажжубли кўринмоқ.



**шигоф** شگاف тўғриси **шикоф.**

**шид ва шед** شيد **хуршид**нинг қисқаргани.

**шийор** شيار шудгор: ~ **айламак,** ~ **қилмақ** 1) шудгор қилмоқ; 2) тиркамоқ.

**шикам** شكم қорин; **гавҳар** ~ гавҳарни қадаш ўрни (мас., узукка).

**шикан** شكن 1) синиқлик, буралиш; 2) жингалак.

**шиканжа** شكنجه азоб, ранж, озор; ~ **кўрмак** азоб чекмоқ.

**шиканлик** شكنليك эгри, буралган.

**шикаст** شكست синиқ; ~ **бермак** синдирмоқ, енгмоқ; ~ **етмак** синмоқ; ~ **топмақ,** ~ **ўлмақ** бузилмоқ, синмоқ.

**шикаста баста** شكسته بسته тез, шошилинч, бузиб тузатилган; ~ **алфоз** шошилинч (ёзилган) сўзлар, ўчириб, тузатилиб (ёзилган) сўзлар.

**шикастабол** شكسته بال омадсиз.

**шикастамақол** شكسته مقال нутқи бузуқ, дудуқланувчи.

**шикастанафслик** شكسته نفسليك камтар, камсуқум.

**шикастапо** شكته پا 1) оёғи синиқ, чўлоқ; 2) кучсиз, заиф.

**шиква** شكوه шикоят.

**шикеб** شكيب тўғриси **шакиб.**

**шикибо** شكيبا тўғриси **шакибо.**

**шикиболиғ** شكيباليغ тўғриси **шакиболиғ.**

**шикил** شكل тўғриси **шукул.**

**шикойатпайвандлиғ** شكايت پيوندليغ норозилик.

**шикол** شكال кўплиги **шукул;** от ёки туянинг оёғини боғлаш учун ишлатиладиган арқон; ~ **солмақ** банд солмоқ.

**шикор** شكار 1) ов, овлаш; 2) овланган нарса.

**шикорий** شكارى овчи, ов қилувчи.

**шикоф** شكاف ёриқ, дарз: ~ **айламак** ёрмоқ, тешмоқ.

**шилон** شيلان шоҳона зиёфат.

**шилончи** شيلانچى ошпаз, подшоҳ дастурхончиси.

**шима** شيمه хулқ, феъл, атвор.

**шималмақ** شيمالماق шимармоқ: **қўл** ~ енг шимармоқ.

**шимолмақ** شيمالماق тўғриси **шималмақ.**

**шингарф** شنگرف қизил бўёқ: қизил ранг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**шингарфгун** شنگرفگون шингарф ранг, қизил рангли.

**шингарфий** شنگرفی қизгиш.

**шино** شنا (сувда) сузиш; ~ **фани** сузиш ҳунари.

**шиновар** شناور сузувчи, матрос; ~ **айламак** (сувда) сузмоқ.

**шинолиғ** شنالیغ сузишлик.

**шиносо** شناسا таниш, билиш.

**шиносолиғ** شناسالیغ танишлик, билишлик.

**шинохт** شناخت танишлик, билишлик, тушунишлик.

**шиноҳ** شناه сузиш, сувда сузиш.

**шиоб** شعاب **шиъоб** га қ.

**шиоъ** شعاع тўғриси **шуъоъ**.

**шир** شیر сут.

**шира** شیره шарбат; етилмаган лой; ~ **йи жоний** ҳаёт суви, оби ҳаёт; **музаҳҳаб** ~ тилла ранг май.

**ширалға** شرالغه ов гўшти.

**ширам** شیرم шергоҳ.

**ширдоғ** شیرداغ 1) уст кийим; 2) намад.

**ширинком** شیرنکام ҳузурли.

**ширинкор** شیرین‌کار ширин қилиқ, қизиқчи.

**ширинкорлиғ** شیرین‌کارلیغ қизиқчилик.

**ширинмақол** شیرین‌مقال ширинсўз, ширин гапирувчи.

**ширинсухан** شیرین‌سخن ширинсўз.

**ширинтакаллум** شیرین‌تکلم ширинсўз, ширин сўзловчи.

**ширк** شرك 1) кўп худолилик, 2) динсизлик; ~ **аҳли** динсизлар.

**ширкат** شرکت шериклик, умумийлик.

**ширкатандиш** شرکت‌اندیش тенг; ~ **бўлмақ**, тенглашмоқ.

**широ** شراء сотиб олиш, харид қилиш; **байъу** ~ савдо-сотиқ.

**широк** شراك оёқ кийим ипи, боғичи.

**широлға** شیرالغه тўғриси **ширалға**.

**ширир** شریر кўплиги **ашрор** ёмон хулқли, бузуқ (киши).

**ширхор** شیرخوار ва **ширхора** شیرخواره сут эмизикли чақалоқ.



**ширхора** شیرخواره **ширхор** га қ.

**ширға** شیرغه синиқ; сўлгин.

**шито** شتا қиш; ~ **фасли** қиш фасли.

**шитоб** شتاب ошиқиш; шошилиш, тезлатиш; ~ **айламак**, ~ **қилмақ** ошиқмоқ, бирор ишни тез бажармоқ.

**шитобанда** شتابنده шошиб юрувчи, шошилувчи.

**шитобандалиқ** شتابنده‌لیق шошиб югуришлик, суръат кўрсатишлик.

**шитоблиғ** شتابلیغ тез, шошилинч.

**шитобон** شتابان 1) шошувчи, ошиқувчи; 2) шошиб, ошиқиб.

**шитойи** شتایی қишки; **қасри** ~ қишки қаср.

**шиш** شیش 1) сих; 2) мих; 3) танга.

**шиъб** شعب кўплиги шиъоб 1) дара; 2) сув ости тоши.

**шиъоб** شعاب **шиъб** нинг кўплиги.

**шиққ** شق 1) бўлак; 2) жумбоқ; **назм ичра неча** ~ **эрур** шеърда жумбоқлар кўп.

**шиҳоб** شهاب 1) юлдуз, учар юлдуз; 2) ўт; ~ **йи** қалам ўтли қалам.

**шиҳобвор** شهابوار ўтли.

**шиҳобкирдор** شهابکردار юлдуз равишли.

**шиҳобосо** شهاب‌آسا учар юлдуздек; ~ **угурмак** тез югурмоқ.

**шобб** شاب ўспирин.

**шобош** شاباش офарин, балли.

**шодком** شادکام шод, хурсанд.

**шодоб** شاداب сувга қонган, сувли; ~ **бўлмақ** сувга қонмоқ; ~ **қилмақ** сувга қондирмоқ.

**шодурвон** شادروان соябон.

**шоиба** شائبه **шойиба** га қ.

**шойад** شاید зора, эҳтимол.

**шойиба** شایبه ва **шоиба** شائبه 1) шубҳа, иккиланиш шарманда қиладиган, юзни ерга қаратадиган, 2) булғанган, ифлосланган; ~ **йи кизб ёлғончилик, ёлғончиликка** булғанишлик, ~ **йи фасод** ёмонлик, бузуқчилик, ифлослик.

**шоир** شاعر шеър ёзувчи.

**шоист** شایست **шойиста** га қ.; ~ **бўлмақ** муносиб бўлмоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**шоиста** شائسته **шойиста** га қ.

**шойиста** شایسته ва **шоист** شائست ва **шоиста** شائسته лойиқ, муносиб, мувофиқ.

**шойиъ** شایع ва **шойиъа** شایعه ёйилган, тарқалган, машҳур бўлган; ~ **бўлмақ** тарқалмоқ, машҳур бўлмоқ.

**шойиъа** شایعه **шойиъ** га қ.

**шокир** شاکر шукр қилувчи; ~ **бўлмақ**, ~ **ўлмақ** шукр қилмоқ.

**шомгун** شامگون қора, қора ранг; ~ **зулф** қора соч.

**шомил** شامل 1) ташкил қилган, ичига кирган; 2) етарли: ~ **тутулмақ** етарли бўлмоқ.

**шомлиғ** شامليغ кечки (мас., таом).

**шомма** شامه ҳид билиш; **ҳисси** ~ ҳид билиш сезгиси.

**шомранг** شامرنگ қора.

**шон** شان **шаън** га қ.

**шона** شانه тароқ.

**шонадон** شانه دان тароқдон.

**шорак** ва **шорик** شارك майна.

**шориб** شارب ичувчи.

**шорик** شارك **шорак** га қ.

**шориъ** شارع 1) катта кўча, тўғри йўл; ~ **и ом** умумий кўча, катта йўл; ~ **айламак** йўл очмоқ; 2) қонун чиқарувчи.

**шориҳ** شارح шарҳловчи, изоҳловчи.

**шоти** شاتی нарвон.

**шотир** شاطر (хабар ташувчи) чопар, тез чопувчи.

**шофий** شافی шифоли, шифобахш; ~ **жавоб** қатъий жавоб.

**шох** شاخ ва **шоха** شاخه буток.

**шоха** شاخه **шох** га қ.

**шохсор** شاخسار 1) сершох; 2) боғ; ~ **и хулд** жаннат боғи.

**шоқҳ** شاق қийин, машаққатли.

**шоғил** شاغل шуғулланувчи.

**шоҳбоз** شاهباز лочин.

**шоҳвар** شاهور **шоҳвор** га қ.



**шоҳвор** شاهوار ва **шоҳвар** شاهور 1) шоҳона, шоҳларга ярашадиган; 2) қимматбаҳо, улуғвор, ўлкан; ~ **айламак** юқори баҳоламоқ.

**шоҳида** شاهده кўплиги **шавоҳид** 1) далил; 2) исбот учун келтирилган мисол, цитата.

**шоҳидбоз** شاهدباز хотинбоз.

**шоҳидваш** شاهدوش гўзал.

**шоҳидпараст** شاهدپرست маҳбубапараст.

**шоҳижон** شاهجان Марв шаҳрининг номига қўшиб айтиладиган сўз.

**шоҳин** شاهين қарчиғай.

**шоҳроҳ** شاهراه катта йўл.

**шоҳсивор** شاهسوار чавандоз.

**шуаро** شعرا **шоир** нинг кўплиги.

**шубон** شبان чўпон; ~ **и чораандеш** чора изловчи чўпон.

**шубонлиғ** شبان ليغ чўпонлик.

**шугун** شگون яхшилик бўлишига белги; ~ **тутмақ** яхшиликка йўймоқ.

**шудрун** شودرون шабнам.

**шуйух** شيوخ **шайх** нинг кўплиги.

**шуйуъ** شيوع тарқалиш, ёйилиш.

**шук** شوك **тикан.**

**шукул** شكول **шикол** нинг кўплиги; ~ **этмак**, ~ **қилмақ** боғламоқ, банд солмоқ.

**шукр ли-л-лоҳ** شكرلله худога шукр.

**шукуфа** شكوفه гул.

**шукуфт** شكفت очилган, яшнаган; ~ **топмақ** очилмоқ, яшнамоқ.

**шукуфтадил** شكفته دل очиқ кўнгил.

**шукуҳ** شكوه 1) улуғлик, юксаклик; 2) фахр; ~ **етмак** фахрланмоқ ғурурланмоқ.

**шулагай** شولاگای сўлак.

**шум** شوم 1) ёмон, бузуқ, расво; 2) ёлғончилик, майнабозлик; ~ **нафс** бадиафс.

**шумбахт** شوم بخت бадбахт.

**шумлуқ** شوملوق майнабозчилик, алдамчилик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**шумор** شمار ва **шумора** شماره саноқ, хисоб; ~ **қил-мақ** санамоқ.

**шумора** شماره **шумор** га қ.

**шумул** شمول бирор нарсани ўз ичига, таркибига олиш; кўнгулга ~ **айламак** кўнгилга олмоқ.

**шунид** شنید: ~ **бўлмақ** эшитмоқ.

**шунқор** شونقار лочин.

**шуо** شعاع **шуъоъ** га қ.

**шурб** شرب ичиш; ~ **қилмақ** ичмоқ.

**шурта** شرطه отряд; ~ **ели** ўнг шамол (кема учун).

**шуруъ** شروع бошланиш; ~ **айламак**, ~ **этмак**, ~ **қил-мақ** бошламоқ, киришмоқ.

**шуруҳ** شروح **шарҳ** нинг кўплиги.

**шурҳа** شرحه тўғриси **шарҳа.**

**шустмон** شستمان сувош, қоплаш; ~ **қилмақ** сувамоқ, қоп-ламоқ.

**шустушў** شستوشو ювиниш; ~ **бермак** ювинмоқ.

**шутурмурғ** شترمرغ туяқуш.

**шуша** شوشه қотишма, (муз) сумалак.

**шуъбада** شعبده ҳийла, найранг.

**шуъбадабоз** شعبده باز найрангбоз.

**шуъбадабозлиқ** شعبده بازليق найрангбозлик, кўзбўямачилик.

**шуъбадагар** شعبده گر найрангбоз.

**шуъбадасоз** شعبده‌ساز найрангбоз.

**шуъбадафан** شعبده‌فن санъаткор, ўйинчи.

**шуълаангиз** شعله انگيز шуъла солувчи.

**шуълаафкан** شعله افکن ёритувчи.

**шуълазан** شعله زن шуъла урувчи.

**шуълакаш** شعله کش ҳароратлантирувчи.

**шуълалиқ** شعله ليك алангали.

**шуъланок** شعله ناك шуъланувчи.

**шуълаосо** شعله آسا ярқироқ, ялтираган.

**шуълапайваст** شعله پيوست шуълали.

**шуълапарвар** شعله پرور алангали.



**шуълафизо** شعله فزا шуълаланувчи; шуъла сочувчи.

**шуълахиз** شعله خيز алангани қўзғатувчи.

**шуъоъ** ва **шуо** شعاع кўплиги **ашиъа** нур.

**шуъур** شعور сезги, ҳис, идрок; ~ **бўлмақ** сезмоқ, ҳис қилмоқ.

**шуъун** شؤون **шаън** нинг кўплиги.

**шуққа** شقه 1) байроқ учига боғланадиган бир парча ма-то; 2) парда.

**шуғл** شغل кўплиги **ашғол** иш, юмуш.

**шуҳравард** شهره‌ورد гулдаста.

**шуҳуд** شهود 1) гувоҳ; 2) кўриб туриш.

**шўлақай** شولکای тўғриси **шулағай.**

**шўр** شور ғавғо, тўполон; ~ **солмақ** тўполон қилмоқ.

**шўрангез** شورانگيز ғавғо солувчи, тўполон кўтарувчи.

**шўрапушт** شوره‌پشت шўралаган, ғадир-будур.

**шўрафкан** شورافکن ғавғо кўтарувчи.

**шўрбахт** شوربخت бахтсиз, бахти қаро.

**шўрида** شوريده ҳаяжонли, ғулғулали, изтиробли; ~ **аҳвол** паришон ҳол.

**шўридасарлиқ** شوريده‌سرليق паришонҳоллик, оворалик.

**шўридаҳол** شوريده‌حال паришон ҳол, бечора.

**шўриш** شورش 1) изтироб, ҳаяжон, 2) қўзғолон, исён.

**шўроба** شورابه кўз ёши; ~ **тўкмак** қон йиғламоқ.

**шўхгин** شوخگين ўйноқи, шўх.

**шўхзеҳнлик** شوخذهنليك ўткир зеҳнли, қобилиятли.

**шўх шанг** شوخ‌شنگ ўйноқи.

## Э

**эв** ايو уй, хона.

**эвмак** ايوماك қарши олмоқ, кутиб олмоқ.

**эваз** ва **иваз** عوض бадал; ~ **бермак** бадал бермоқ; ~ **бўлмақ** ўрнини босмоқ; ~ **еткурмак** фойда кўрмоқ.

**эврулмак** ايورولماك айланмоқ, ўгирилмоқ.

**эвурмак** ايورماك ўгирмоқ, айлантирмоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**эгак** ایگاک эгов.

**эгармак** ایگارماک айланмоқ.

**эгирмак** ایگیرماک айлантирмоқ, қайирмоқ, йигирмоқ.

**эзид** ایزد худо.

**эйаламак** اییالاماک тўғриси **ийаламак**.

**эл I** ایل га **элик** ایلیک қ. напка.

**эл II** ایل халқ.

**элик** ایلیک эл га қ.

**элпоротмақ** ایلپاراتماق тўғриси **илбаратмақ**.

**эм** ایم олдин, аввал, бирдан.

**эмгак** ایمگاک меҳнат, машаққат, қийинчилик; ~ **тортмақ** қийинчилик тортмоқ, азоб чекмоқ; ~ **чекмак** машаққат кўрмоқ.

**эмгакламак** ایمگاکلاماک қийналмоқ.

**эмгаклик** ایمگاکلیک машаққатли, қийин.

**эмганмак** ایمگانماک қийналмоқ, машаққат чекмоқ.

**эмгатмак** ایمگاتماک қийнамоқ, азобламоқ, машаққатга солмоқ.

**эмин** ایمین сақланган, омон, ~ **бўлмақ** хотиржам бўлмоқ; ~ **қилмақ** омон қолдирмоқ.

**эмиштук** ایمیشتوک тўғриси **эмиштур**.

**эмиштур** ایمیشتور экандир.

**энг** اینگ юз.

**энгак** انگاک ияк.

**энчи** اینچی тўқувчи.

**эпкин** ایپکین қора тусли ипак мато.

**эран** ایرن эр, мард.

**эранлик** ایرنلیک мардлик, ботирлик.

**эрдам** ایردم от тарбия қилиш ҳунари, сипоҳилик.

**эрик** ایریک 1) йўғон; 2) қаттиқ; 3) қўпол.

**эрикмак** ایریکماک хафа бўлмоқ, эзилмоқ.

**эркин** ایرکین экан.

**эркина** ایرکینه ва **эркинак** ایرکینک зина, зинапоя.

**эркинак** ایرکینک **эркина** га қ.

**эрн** ایرن лаб.



**эртаки** ایرتاکی қадимги, эски.

**эсиркамак** ایسیرکاماک кайф бўлмоқ, маст бўлмоқ.

**эскармак** ایسکرماک эсламоқ, ёдга олмоқ.

**эскилмак** ایسکیلماک ва **эскирмак** ایسکیرماک эскирмоқ, тўзмоқ.

**эскирмак** ایسکیرماک **эскилмак** га қ.

**эт** ایت гўшт.

**этук** ایتوک этик.

**эъдом** اعدام йўқ қилиш, йўқотиш.

**эъжоз** اعجاز мўъжиза кўрсатиш.

**эълол** اعلال араб тилида вов ёки йо ҳарфининг алифга айланиши.

**эълом** اعلام эълон қилиш, билдириш, маълум қилиш; ~ **айламак** эълон қилмоқ, билдирмоқ; ~ **бермак** огоҳлантирмоқ, хабар бермоқ.

**эъломгар** اعلام گر хабар берувчи, чорловчи, жарчи.

**эъроб** اعراب араб сўзларида келишик қўшимчалари.

**эъроз** اعراض четлашиш; ~ **айламак,** ~ **қилмақ** четлашмоқ.

**эътидол** اعتدال мўътадиллик.

**эътизор** اعتذار узр сўраш.

**эътимод** اعتماد ишонч; ~ **бўлмақ** ишонч ҳосил қилмоқ; ~ **қилмақ** ишонмоқ.

**эҳдод** احداد қўрқитиш, ваҳимага солиш.

**эҳйо** احیا **иҳйо** га қ.

**эҳмол** ва **иҳмол** احمال бепарволик, сусткашлик; ~ **айламак** бепарволик қилмоқ.

**эҳром** احرام ҳаж ерига кириб келиш ва ҳаж кийимини кийиш; ~ **боғламақ** бел боғламоқ.

**эҳсос** احساس ҳис қилиш, сезиш; ~ **қилмақ сезмоқ.**

**эҳтибос** احتباس қамалиш.

**эҳтидо** ва **иҳтидо** اهتدا тўғри йўлдан бориш, ҳақ йўлни топиш.

**эҳтизоз** ва **иҳтизоз** اهتزاز тебраниш, силкиниш, ҳилпираш.

**эҳтироз** احتراض сақланиш, четга олиш, ҳазар қилиш; ~ **этмак** сақламоқ.

**эҳтисоб** احتساب 1) текшириш, кузатиш; 2) саноқ, ҳисоб.

22—2509



www.ziyouz.com kutubxonasi

**эҳтишом** احتشام ҳашамат ва савлат эгаси бўлишлик.

**сипехр** ~ юксак ҳашаматли, энг улуғ.

**Ю** Й га қ.

**Я** Й га қ.

**Ў**

**ўв** اوو ув тортиш.

**ўгмак** اوگماك 1) йиғмоқ, тўпламоқ; 2) мақтамоқ.

**ўгулмак** اوگولماك 1) мақталмоқ; 2) йиғилмоқ.

**ўгун** اوگون тўғриси **ўқун.**

**ўгунмак** اوگوناك мақтанмоқ.

**ўгуш** اوگوش кўп.

**ўжа** اوجا халқ номи.

**ўжжа** اوچا бир вилоятнинг номи.

**ўзагу** اوزاغو ~ **кун** ўтган кун.

**ўймақ** اويماق ўймоқ, ўйиб олмоқ.

**ўйла** اويله шундай, ўшандай; жуда ҳам.

**ўйнашлиқ** اويناشليق фоҳишалик; ~ **қилмақ** фоҳишалик қилмоқ.

**ўксумак** اوكسوماك камаймоқ, озаймоқ.

**ўксук** اوكسوك кам, оз.

**ўксуклик** اوكسوكليك камчилик.

**ўксулмак** اوكسولماك озаймоқ.

**ўксутмак** اوكسوتماك камайтмоқ, озайтмоқ.

**ўкта** اوكتا беҳуда.

**ўкулмак** اوكولماك тўғриси **ўгулмак.**

**ўкун** اوكون бошқа.

**ўкунмак** اوكوناك тўғриси **ўгунмак.**

**ўкуш** اوكوش ўғриси **ўгуш.**

**ўл** اول хўл.

**ўлақмақ** اولاقماق боғланмоқ.

**ўлжор** اولجار ҳарбий юриш учун қўшинга берилган фармон **ёки** хабар.

**ўлутмак** اولوتماك хўлламоқ, намламоқ.

**ўнгай** اونغاى енгил, арзон.

**ўпранмак** اوپرانماك тўзмоқ, тўзиб кетмоқ, эскирмоқ.

**ўпчин** اوپچين совут, зириҳ.

**ўпчинлиқ** اوپچينليق совутли, зириҳли.

**ўр** اور юқорилик, баландлик.

**ўрди** اوردى қароргоҳ.

**ўрмак** اورماك 1) туя жунидан тўқилган бир навъ мато; 2) турмак.

**ўрониш** اورانيش саросима.

**ўрт** اورت олов, аланга; ~ **солмақ** ўт қўймоқ, ёндирмоқ.

**ўсал** اوسال жаҳлли.

**ўсанмақ** اوساناق безмоқ, зерикмоқ.

**ўтаға** اوتاغه 1) бошга тақиладиган жиға; 2) дубулғага санчилган пат.

**ўтганмак** اوتگاناك тақлид қилмоқ, ўзини бошқа бирор нарсага ўхшатмоқ.

**ўтгун** اوتگون 1) ўтиб кетган; 2) бир тур найза.

**ўтканмак** اوتكاناك тўғриси **ўтганмак.**

**ўткун** اوتكون тўғриси **ўтгун.**

**ўтлаш-ўтлаш** اوتلاش اوتلاش устма-уст.

**ўтмак** اوتماك нон.

**ўтмакчи** اوتماكچى новвой.

**ўтру** اوترو қарши, рўпара; ~ **йибармак** қарши қўймоқ; ~ **дин чиқмақ** рўпарадан чиқмоқ; ~ **келмак** қарши чиқмоқ, кутиб олмоқ.

**ўтрук** اوتروك ёлгон.

**ўтганмақ** اوتغاناق уялмоқ.

**ўхранмақ** اوخراناق сесканмоқ.

**ўғ** اوغ тўғриси **уғ.**

**ўғлон ушоқ** اوغلان اوشاق гўдак, ёш бола.

**ўғлағлиғ** اوغلاغليغ болалик; ~ ўчку улоқчаси бор эчки.

**ўған** اوغان тангри, худо.

**ўғул ушоқ** اغول اوشاق ёш бола, гўдак.

**ўғулчиламак** اوغولچيلاماك ўғил қилиб олмоқ, тарбияга олмоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# Қ

**қаан** قاان қоон га қ.

**қабалмақ** قابالماق қамалмоқ.

**қабамақ** قباماق 1) қамамоқ, беркитиб қўймоқ; 2) ўраб олмоқ.

**қабан** قابان тўнғиз.

**қабармақ** قابارماق узоқ ишлаш, ишқаланиш ёки куйиш натижасида қавариқ ҳосил бўлмоқ, қавармоқ.

**қабартмақ** قابارتماق қавартирмоқ; **ўзни лофдин ~** ўзини лофдан шиширмоқ, ҳовлиқмоқ.

**қабарчуқ** قابارچوق шиш, қадоқ, пуфак; **~ кафи пойида** товондаги қадоқлар.

**қабақ** ва **қабоқ** قاباق ковоқ нишон; **~ йиғочи** қовоқ ўрнатилган устун; **~ майдони** отиш машқи майдони; **~ хайли** мерганлар, машқ қилувчи сипоҳийлар.

**қабағ** ва **қабоғ** قاباغ қовоқ, кўз билан қош оралиғи.

**қабз** قبض 1) олиш; 2) тутиш; **ич ~ топмақ** ич қотмоқ; **руҳин ~ қилмақ** жонини олмоқ.

**қабза** قبضه тутқич, даста; **~ йи ҳукм** ихтиёр, ирода.

**қабил** قبیل тарз, йўсин.

**қабила** قبیله кўплиги **қабойил** уруғ.

**қабиҳ** قبیح жирканч, ярамас, разил; **~ этмак** жирканч қилиб яратмоқ.

**қабиҳа** قبیحه кўплиги **қабойиҳ** ёмон иш, ифлослик.

**қабиҳан:** قبیحا : **ва лав якуну қабиҳан фаминҳу тубту илайк** агар у ярамас бўлиб чиқса, уни ташлаб сенга (бораман).

**қабо** قبا эркакларнинг узун ва кенг уст кийими.

**қабойил** قبایل **қабила** нинг кўплиги.

**қабойиҳ** قبایح **қабиҳа** нинг кўплиги.

**қабол** قابال куршов, қамал.

**қабопайваст** قباپیوست қабо кийган, қаболи.

**қабоқ** قاباق **қабақ** га қ.

**қабоғ** قاباغ **қабағ** га қ.

**қабоҳат** قباحت қабиҳ иш, ярамас хатти-ҳаракат, қабиҳлик, ифлослик, разиллик.

**қабрпўш** قبرپوش гўр устига ташланадиган парда.



**қабу** قابو нишон.

**қабулиййа** قبولیه қабул қилишга лойиқлик, мақбул кўришга муносиблик.

**қабурға** قابورغا қовурға.

**қаввол** قوال 1) сўзловчи, гапирувчи; 2) сўфийлар даврасида ҳофизлик қилувчи.

**қаввос** قواس ёйчи, камончи.

**қавий** قوی кўплиги **ақвийо кучли; ~ ҳайкал** оғир суякли, бақувват гавда; **~ ҳофизлик** хотиранинг кучлилиги.

**қавл** قول кўплиги **ақвол** сўз, гап; **ҳукамо ~ и** ҳакимлар сўзи, ҳикмат.

**қавламақ** قولاماق қувламоқ, ҳайдамоқ.

**қавм** قوم кўплиги **ақвом** уруғ, аймоқ, қабила; **~ иҳзори** уруғни, қабилани йиғиш; **~ и нодон** нодонлар, авом халқ.

**қавмақ** قاوماق қувмоқ, ҳайдамоқ.

**қавмағ** قاوماغ қувиш, ҳайдаш.

**қавойид** قواعد **қойида** нинг кўплиги.

**қаврулмақ** قاوروا.اق қовурилмоқ.

**қавғун** قاوغون қувувчи, таъқиб қилувчи.

**қавс** قوس камон, ёй; **~ и қузаҳ** камалак.

**қавсмонанд** قوسمانند ёйдек, камондек.

**қавурчақ** قاوورچاق кўғирчоқ.

**қавурчақчи** قاوورچاقچی кўғирчоқбоз, кўғирчоқ ўйнатувчи.

**қадам** قدم кўплиги **ақдом** 1) одим; 2) оёқ,

**қадамкаш** قدمکش қадам босувчи, юрувчи.

**қадамфарсой** قدمفرسای кўп юрувчи, оёқни ишдан чиқаргунча юрувчи.

**қадар I** قدر вақтнинг сўнгги чегарасини билдирувчи сўз; **бу ~** бунчалик, шунчалик.

**қадар II** قدر тақдир, қазо.

**қадаргир** قدرگیر ўқ отувчи, мерган.

**қадаҳ** قدح кўплиги **ақдоҳ** жом, май идиш.

**қадаҳкаш** قدحکش майхўр.

**қадаҳнўш** قدحنوش май ичувчи.

**қадаҳпаймо** قدح پیما соқий.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**қадаҳполо** قدحپالا майи сузгич.

**қадаҳхўр** قدحخوار майхўр.

**қадаҳчаш** قدحچش май тотувчи.

**қаддаса-л-лоҳу руҳаҳу** قدس الله روحه Оллоҳ унинг руҳини муқаддас қилсин.

**қаддора** قداره ва **катора** کتاره кескир қилич, ҳинд қиличи.

**қадид** قدید сур гўшт.

**қадим** قدیم кўплиги **қудамо** ўтган, илгариги, эски.

**қадир** قدیر кучли, қудратли; ҳаййи ~ Оллоҳ.

**қадхам** قدخم букилган, эгилган қад; **фалаки** ~ эгилган осмон.

**қаза** قزه пештахта.

**қазз** قز хом ичак.

**қазийа** قضیه масала, иш.

**қазмақ** قازماق қазимоқ, кавламоқ.

**қазо** قضا тақдир; ~ **йи мафот** ўтиб кетган, қилинган ишлар ҳисоби; ~ **йи момазо** қилинмаган ишлар ҳисоби, ~ **йи осмоний**, ~ **йаздоний** ҳақнинг иродаси, Оллоҳнинг ҳукми, тақдир; ~ **етмак** ўлмоқ; **тенгри** ~ **сига таслим қилмақ** худога топширмоқ.

**қазойо** قضایا **қазийа** нинг кўплиги.

**қазоро** قضارا тасодифан.

**қазчи** ва **қозчи** قازچی гоз боқувчи.

**қазғанмақ** قازغانماق эришмоқ, қозонмоқ; **дўст** ~ дўст орттирмоқ

**қай I** قی қайси; ~ **бир** баъзи, айрим; ~ **да** қаерда? қачон?

**қай II** قیء қусуқ.

**қайа** ва **қойа** قایه тоғ усти, қоя; ~ **узра** тоғ устида.

**қайд** قید 1) рўйхатга киритиш, ёзиб қўйиш, бирор нарсанинг таркибига киритиш; ~ **ига кирмак** бирор ишда шерик бўлмоқ, аҳдлашувчи бўлмоқ; 2) кишан; ~ **этмак**, ~ **қилмақ** кишанламоқ.

**қайдпайванд** قیدپیوند кишанловчи, банд қилувчи, асоратга солувчи.

**қаййум** قیوم ўзгармас, абадий (Оллоҳнинг сифати).

**қайлула** قیلوله пешин уйқуси; пешин.

**қайн** قین темирчи.

**қайоспра** قیاصره **қайсар** нинг кўплиги.



**қайсар** قیصر кўплиги **қайоспра** подшоҳ; ~ **и Рум** Рум подшоҳи.

**қайош-уруғ** قیاش اوروغ қариндош-уруғ.

**қайтур** قیتور қайтиш.

**қайтқу** قیتقو қайтиш.

**қайу** قایو қайси; ~ **бирга** қайси бирига.

**қайш** قیش камар.

**қалам** قلم кўплиги **ақлом** 1) ёзиш учун мослаб йўнилган қамиш; ~ **и сунъ** яратувчининг қалами, тақдир қалами; **аҳли** ~ хаттотлар, котиблар; **етти** ~ араб ёзувининг етти усули: сулс, **насх**, риқо, таълиқ, муҳаққиқ, райҳоний; ~ **айламак**, ~ **этмак** кесмоқ; ~ **солмақ**, ~ **сурмак**, ~ **урмақ**, ~ **чекмак** ёзмоқ; ~ **ушалмақ** қалам синмоқ.

**қаламгун** قلمگون қалам рангли, қора.

**қаламзан** قلمزن ёзувчи, котиб.

**қаламкаш** قلمکش ёзувчи, котиб.

**қаламрав** قلمرو ҳукм, ҳукмдорлик.

**қалансува** قلنسوا қалпоқ.

**қалб I** قلب кўплиги **қулуб** 1) юрак; 2) лашкарнинг ўртаси, маркази; ~ **аро турмақ** лашкарнинг ўртасида жойлашмоқ.

**қалб II** قلب қалбаки, сохта, ўзгарган; ~ **этмак** ўзгартмоқ.

**қалбгоҳ** قلبگاه марказ, ўрта; лашкар ўртаси.

**қалблиқ** قلبلیق қалбакилик, сохталик.

**қалил** قلیل оз.

**қаллоб** قلاب фирибгар, алдамчи.

**қаллош** قلاش 1) дайди, бекорчи; 2) алдамчи, найрангбоз; 3) бечора, фақир.

**қаллошлиғ** قلاشلیغ найрангли, фирибли.

**қалмаш** قالماش афсата, беҳуда гап.

**қалмағлиқ** قالماغلیق қолишлик.

**қалтабон** قلتبان даюс, кўшмачи; ~ **и беҳайо** уятсиз кўшмачи.

**қалъа** قلعه кўплиги **қилоъ** девор билан ўралган шаҳар.

**қалъабандон** قلعه بندان қамал қилинганлар, қамалда қолганлар; ~ **бўлмақ** қамалда қолмоқ.

**қалъавор** قلعه وار қалъа каби.

**қалъадор** قلعه دار қалъа бошлиғи, қалъабеги; ~ **айламак** бош қилмоқ, қалъабеги қилиб тайинламоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**қалъакан** قلعه کن чуқур қазувчи.
**қалъий** قلعی қалайи, қалайдан ишланган.
**қалқандуруқ** قالقاندوروق қалқон.
**қамар** قمر ой; ~ **пойаси** ойнинг даражаси.
**қамарваш** قمروش ой каби.
**қамаркўб** قمرکوب ойни янчувчи.
**қамис** قمیص кўйлак.
**қамишлиқ** قمیشلیق қамишзор.
**қамғақ** قامغاق майда тиканли чўл ўсимлиги.
**қанаъ** قنع **азза ман** ~ қаноат қилган азиз бўлади.
**қандил** قندیل шамдон; **кеча** ~ **и** ой.
**қанмақ** ва **қонмақ** قانماق | қониқмоқ.
**қапалмақ** قاپالماق бекинмоқ.
**қаппон** قاپان катта тарози.
**қапу** قاپو эшик.
**қапқучи** قاپقوچی тишловчи; ~ **ит** қопоғон ит.
**қаранфул** قرنفل қалампир.
**қарармақ** قارارماق қораймоқ; тинмоқ (кўз ҳақида).
**қарартмақ** قارارتماق қорайтирмоқ.
**қарз** قرض бурч.
**қарбичи** قربیچی ўқдон.
**қарзхоҳ** قرضخواه 1) қарз берувчи; 2) қарз талаб қилувчи.
**қариб** قریب кўплиги **ақориб** ва **ақрибо** яқин, қариндош; ~ **бўлмақ** яқинлашмоқ; ~ **қилмақ** яқинлаштирмоқ.
**қаримчи** قریمچی олтин сотувчи қора қул.
**қарин** قرین кўплиги **ақрон** яқин, яқинлик билан боғланган; ~ **бўлмақ** боғланмоқ, яқинлашмоқ.
**қаринлиқ** قرینلیق яқинлик, боғланганлик.
**қариш** قاریش ўлчов бирлиги, қарич.
**қаришмақ** قاریشماق яқинлашмоқ, етишмоқ.
**қармамақ** قارماماق ўрамоқ, қамрамоқ.
**қарматмақ** قارماتماق ушлатмоқ.
**қарн I** قرن аср, давр.



**қарн II** قرن ҳайвон шохи.
**қароба** قرابه 1) сув идиш; 2) тасбеҳ.
**қаробат** قرابت яқинлик, қариндошлик.
**қарор** قرار идиш; халта, қоп.
**қарормақ** قارارماق тўғриси **қарармақ**.
**қарортмақ** قرارتماق тўғриси **қарартмақ**.
**қароғ** قاراغ тўғриси **қараг**.
**қаруҳ** قروح яра, жароҳат.
**қаршу** قارشو рўпара, олд томон.
**қасаб** قصب ипак матонинг бир тури, **бурқаъ** ~ **и ёпинчиқ** матоси.
**қасаба** قصبه катта қишлоқ, шаҳарча.
**қасабпўш** قصبپوش қасабдан тикилган кийим кийган.
**қасида** قصیده кўплиги **қасойид** назмий асар тури.
**қасойид** قصاید **қасида** нинг кўплиги.
**қасос** قصاص ўч олиш; **амри** ~ ўч олиш буйруғи; **дору-л-**~ бу дунё.
**қаср** قصر кўплиги **қусур** сарой; ~ **и кофурий** оқ қаср; ~ **и тан** гавда, тана, **пари** ~ **и** ҳусн, чирой.
**қасрнишин** قصرنشین қасрда ўтирувчи.
**қассом** قسام бўлувчи, тақсим қилувчи; ~ **и азал тангри.**
**қат I** قات ён, тараф; **сўл** ~ **и** чап ёни.
**қат II** قات қават; ~ — ~ устма-уст, қават-қават.
**қатра** قطره кўплиги **қатарот** томчи.
**қатарот** قطرات **қатра** нинг кўплиги.
**қотил** قاتل ўлдирилган; қатл қилинган; ~ **и ханжари ҳижрон** айрилиқ ханжари билан ўлдирилган; ~ **қилмақ ўлдир**моқ, сўймоқ. ~ **бўлмақ** ўлдирилмоқ.
**қатилмақ** قاتیلماق қўшилмоқ, аралашмоқ.
**қатилмағлиқ** قاتیلماغلیق қўшилмоқлик.
**қатиғлашмақ** قاتیغلاشماق оғирлашмоқ, кескинлашмоқ.
**қатл** قتل ўлдириш; ~ **у йағмо** талон-торож; ~ **и ом қилмақ** ҳаммани ўлдирмоқ, қирғин келтирмоқ; ~ **айламак,** ~ **этмак,** ~ **қилмақ** ўлдирмоқ.
**қатла** قاتلا марта; **ўн** ~ ўн марта.
**қатланмақ** قاتلانماق киришмоқ, ковушмоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**қатлгоҳ** قتلگاه қатл қилинадиган жой.

**қатлпайванд** قتل پیوند қатл қилувчи.

**қатраафшон** قطره افشان томчи сочувчи.

**қатрабор** قطره بار томчи тўкувчи.

**қатрапош** قطره پاش томчи сочувчи.

**қатрарез** قطره ریز томувчи; томчи тўкувчи.

**қаттиғлиқ** قتیغلیق машаққат.

**қаттол** قتال ўлдирувчи, ўлим келтирувчи.

**қатъ** قطع кўплиги **ақтоъ** 1) кесиш, қирқиш, 2) узилиш, кесилиш; 3) босиб ўтиш; юриш; **биёбон ~ и** биёбонни юриб ўтиш, биёбонда юриш; **~ и буруж** юриш. кесиш; **~ и манозил** йўл юрмоқ, сафар қилмоқ; **~ қилмақ** жорий қилмоқ, амалга оширмоқ; **~ бўлмақ** қатъий бўлмоқ.

**қатъан** ва **қатъо** قطعا асло, қатъиян.

**қатъо** قطعا **қатъан** га қ.

**қаъқаъа** قعقعه овоз. йўғон овоз.

**қақанус** ققنوس афсонавий қуш номи; **~ бача** қақанус боласи.

**қақум** قاقوم оқсусар; оқсусар териси ва мўйнаси.

**қақшалмақ** قاقشالماق қуриб қолмоқ, қақшамоқ.

**қаҳамақ** قاهاماق тикилиб қолмоқ.

**қаҳандузий** قهندوزی шоҳ саройини қурувчи.

**қаҳатандиш** قحطاندیش очликни ўйловчи, қаҳатчиликни хоҳловчи.

**қаҳба** قحبه фоҳиша.

**қаҳбавор** قحبه وار фоҳишадек.

**қаҳҳор** قهار 1) золим, зулм қилувчи; 2) ўч олувчи 3) жуда кучли; 4) Оллоҳнинг сифати.

**қаҳҳорлиғ** قهارلیغ қаҳр қилишлик, зулм қилишлик.

**қиблагоҳ** قبله گاه 1) ибодат жойи; 2) ҳомий, марҳамат кўрсатувчи, кўмаклашувчи.

**қибланамо** قبله نما қиблани кўрсатувчи.

**қиблату-л-аброр** قبلة الابرار 1) эзгу хислат эгалари қиблагоҳи; 2) эзгу хислатли зотларига берилган лақаб.

**қиблату-л-куттоб** قبلة الکتاب 1) котиблар, хаттотлар қибласи, уларнинг пешвоси; 2) моҳир котиб ва хаттотларга бериладиган лақаб.

**қидам** قدم қадимийлик.



**қидмат** قدمت қадимийлик, эскилик.

**қидр** قدر қозон.

**қийа** قیا уч, ниш.

**қийо** قیا тўғриси қийа.

**қийом** قیام 1) туриш; 2) намозда тик туриш ҳолати; **~ айламак** машғул бўлмоқ, ибодат қилмоқ; **~ кўргузмак** бирор ишга киришмоқ, бирор ишни бажаришга тайёр турмоқ.

**қийоматкирдор,** قیامت کردار қиёматдек, ғавғоли.

**қийоматлиғ** قیامتلیغ ғавғоли тўполонли.

**қиз** قیز 1) хотин жинсига мансуб фарзанд (ота-онага нисбатан); 2) балоғат ёшига етмаган аёл; **~ қардош** опа-сингил; **раз ~ и** май, шароб.

**қизиқ** قیزیق қизиган, исиган; иссиқ; **~ кул** иссиқ кул; **~ қум** қизиган қум.

**қизиқмақ** قیزیقماق қизимоқ; қизармоқ.

**қийинғ** قییغ қийиқча.

**қийлу қол** قیل وقال гап-сўз; **~ у қол айламак** сўзламоқ.

**қийманмақ** قییمانماق ийманмоқ, уялмоқ.

**қиймоч** قییماچ қийиқ кўз.

**қийр** ва **қир** قیر қорамой; қора ранг; қоронғилик; **~ сочмақ** қоронғилик тушмоқ.

**қийрандуд** قیراندود қоронғилик, зулмат; **шоми ~** қоронғи тун; **~ этмак** қоронғи қилмоқ, зулмат пайдо қилмоқ.

**қийргун** قیرگون қора, қоп-қора.

**қийрмонанд** قیرمانند қоронғидек, зулматдек.

**қийрпайванд** قیرپیوند тим қора, қоп-қора.

**қилилмақ** قیلیلماق қилинмоқ, бажарилмоқ.

**қиллат** قلت кам, оз.

**қилав** قیلاو аланга.

**қилода** قلاده бўйинбоғ, тасма.

**қилоъ** قلاع **қалъа** нинг кўплиги.

**қилғулуқ** قیلغولوق қилинадиган, бажариладиган (иш).

**қимирдамақ** قیمیرداماق қимирламоқ.

**қимсанмақ** قیمسانماق истамоқ. қўмсамоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**қинггаймақ** قینگغایماق титрамоқ, қалтирамоқ.

**қиниқмақ** قینیقماق қонмоқ, қониқарли топмоқ.

**қир** قیر **қийр** га қ.

**қирбон** قیربان ўқдон.

**қирвон** قیروان 1) чегара; 2) ғарб, ғарб тамон; 3) отлиқлар гуруҳи; 4) улуғ лашкар; ~ **дин беҳад** чегарасиз; ~ **то** ~ чегарадан чегарагача, беҳад.

**қирд** قرد маймун.

**қириқ** قیریق соҳил, қирғоқ.

**қириғ** قیریغ чет, ташқари.

**қирон** قران 1) бирикиш, бирлашиш, яқинлашиш; 2) икки сайёранинг бир буржда учрашуви, яқинлашуви; ~ **айламак**, ~ **этмак** яқинлашмоқ, бирлашмоқ.

**қирақ** ва **қироқ** قیراق қирғоқ, чет, чегара; ~ **тутмақ** четда турмоқ.

**қироқ** قیراق **қирақ** га қ.

**қиртиш** قیرتیش қиринди.

**қиртос** قرطاس қоғоз.

**қирчиллатмақ** قیرچیللاتماق ғижирлатмоқ.

**қирғавул** ва **қирғовул** قیرغاوول тустовуқ.

**қирғовул** قیرغاوول **қирғавул** га қ.

**қисм** قسم кўплиги **ақсом** 1) тур; 2) улуш, насиба; ~ **и тавҳид айламак** насиба, тақдирни бирлаштирмоқ.

**қисмат** قسمت 1) тақдир, қазо; 2) насиба, улуш, ризқ; ~ **илми** меросни бўлиш илми; ~ **бўлмақ** насиб бўлмоқ, тақдирда ёзилгани бўлмоқ.

**қисос** قصاص ўч; ~ **айламак** ўч олмоқ.

**қиссасоз** قصه ساز ҳикоячи, равий.

**қиссахон** قصه خوان ҳикоя ўқувчи, ривоятчи, бахши.

**қитмир** قطمیر арзимас нарса.

**қитол** قتال уруш, жанг; ~ **аҳли** жангчилар.

**қитор** قطار туя карвони.

**қоба қавсайн:** قاب‌قوسین ~ **ав адно** икки ёй орасида ёки ундан ҳам яқинроқ оятига ишора.

**қобиз** قابض олувчи, чангал солувчи; ~ **и арвоҳ, арвоҳ** ~ **и** Азроил.

**қобил** قابل қобилиятли; ~ **и бедод** зулмга бардош берувчи, чидамли; ~ **и лутфу карам** караму саховатга лойиқ; ~ **этмак** чидамли қилмоқ.

**қоболмақ** قابالماق тўғриси **қабалмақ**.

**қобон** قابان тўғриси **қабан**.

**қобу** قابو тўғриси **қабу**.

**қобурға** قابورغه тўғриси **қабурға**.

**қовламақ** قاولاماق тўғриси **қавламақ**.

**қовмақ** قاوماق тўғриси **қавмақ**.

**қовурчоқ** قاوورچاق тўғриси **қавурчақ**.

**қовурчоқчи** قاوورچاقچی тўғриси **қавурчақчи**.

**қовғун** قاوغون тўғриси **қавғун**.

**қодир** قادر кучли, қудратли; ~ **и мутлақ**, ~ **и пок** Оллоҳ; ~ **айламак** куч бермоқ, кучли қилмоқ.

**қодирандоз** قادرانداز моҳир ўқчи, мерган.

**қодирлиғ** قادرلیغ қудратлилик, кучлилик.

**қози** قاضی кўплиги **қузот** шариат қонуни бўйича ҳукм чиқарувчи амалдор; ~ **йу-л-қузот** қозилар қозиси, бош қози; ~ **йу-л-ҳожот** ҳожатларни чиқарувчи, тангри.

**қозура** قاذوره кўплиги **қозурот** чиқинди, кир, мағзава.

**қозурот** قاذورات бирлиги **қозура**.

**қозчи** قازچی **қазчи** га қ.

**қозғанмақ** قازغانماق тўғриси **қазғанмақ**.

**қойа** قایا **қайа** га қ.

**қойид** قائد 1) йўлбошчи, пешво; 2) зиндонбон.

**қойида** قاعده кўплиги **қавойид**.

**қойим** قایم айтувчи, сўзловчи; ~ **бўлмақ** гапирмоқ, сўзламоқ; ~ **тутмақ** гапиртирмоқ.

**қойим** قایم тик, оёқ устида; **қиёмат** ~ **ўлмақ** тўс-тўполон бўлмоқ; ~ **тутмақ** ўрнига қўймоқ, бажармоқ; ~ **у-л-лайл** тунни билан ухлатмаслик, тунни оёқда ўтказиш; ~ **қиёмат** охиратда ҳамма ўлганларнинг тирилиши.

**қойим-мақом** قایم مقام ўринбосар.

**қолаб** قالب 1) қолип; 2) бадан; ~ **амрози** бадан касалликлари; ~ **ҳокий** бадан, тана.

**қолмаш** قالماش тўғриси **қалмаш**.

**қолмоғлиқ** قالماغلیغ тўғриси **қалмағлиқ**.

**қолқондуруқ** قالقاندوروق тўғриси **қалқандуруқ**.





www.ziyouz.com kutubxonasi

**қомат** قامت 1) қад, бўй; 2) азонда айтиладиган **қад қомати-с-салот** намоз вақти келди иборасига ишора.

**қомғоқ** قامغاق тўғриси **қамғақ**.

**қонеъ** قانع **кониъ** га қ.

**қониъ** ва **қонеъ** قانع қаноат қилувчи; ~ **киши** қаноатли, сабрли киши; ~ **бўлмақ** қаноатли бўлмоқ.

**қонмақ** قانماق **қанмақ** га қ.

**қоон** ва **қаан** قآن хоқон, подшоҳ.

**қополмақ** قاپالماق тўғриси **қапалмақ**.

**қопу** قاپو тўғриси **қапу**.

**қопқучи** قاپقوچی тўғриси **қапқучи**.

**қоран** قارن 1) Фарҳоднинг қасрида ишлаган сангтарошнинг номи; 2) бир паҳлавоннинг номи.

**қорбичи** قاربیچی тўғриси **қарбичи**.

**қоримчи** قاریمچی тўғриси **қаримчи**.

**қоришмақ** قاریشماق тўғриси **қаришмақ**.

**қормамақ** قارماماق тўғриси **қармамақ**.

**қорматмақ** قارماتماق тўғриси **қарматмақ**.

**қорун** قارون ҳазрати Мусо алайҳи-с-салом замонида яшаган жуда давлатманд бир шахснинг номи.

**қорура** قاروره 1) шиша; ~ **йи нафт** қалъаларни олишда қўлланган нефтли шишалар.

**қоруреандоз** قاروره‌انداز қорура отувчи.

**қоруреафкан** قاروره‌افکن қорура отувчи.

**қосид** قاصد 1) элчи, хабарчи; 2) қасд қилувчи, ҳамла қилувчи; ~ **и кордон** тажрибали элчи; ~ **и қудсий** Жаброил.

**қот I** قات тўғриси **қат I**

**қот II** قات тўғриси **қат II**.

**қотилмақ** قاتیلماق тўғриси **қатилмақ**.

**қотилваш** قاتلوش қотилдек.

**қотилмоғлиғ** قاتلماغلیغ тўғриси **қатилмағлиғ**.

**қотиъ** قاطع кўплиги **қуттоъ** 1) қатъий ўзгартиб бўлмайдиган; 2) йўлтўсар, қароқчи; ~ **и тариқ** йўлтўсар, қароқчи.

**қотиғлашмоқ** قاتیغلاشماق тўғриси **қатиғлашмақ**.

**қофила** قافله карвон; **ҳожилар** ~ **си** ҳаж қилувчилар карвони.



**қоқум** قاقوم тўғриси **қақум**.

**қоҳир** قاهر қаҳрли; ~ **эрмак** қаҳрли бўлмоқ.

**қоҳирлиқ** قاهرلیق қаҳрлилик.

**қуббату-л-ислом** قبةالاسلام ислом гумбази, Балх шаҳрига берилган лақаб.

**қубур** قبور қабрлар.

**қувармақ** قووارماق қуримоқ, сўлимоқ.

**қувва** قوه ва **қувват** قوت кўплиги қуво куч; ~ **йи зот** аслий куч, жисмоний куч; ~ **и шаҳвоний** ҳавас кучи; ~ **ин байн айламак** кучни орада қолдирмоқ, кучни кўп нарсага қаратмоқ; ~ **у қут** тирикчилик; ~ **бермак** куч бермоқ.

**қувват** قوت **қувва** га қ.

**қуво** قوا **қувва** ва **қувват** нинг кўплиги.

**қуvормақ** قووارماق тўғриси **қувармақ**.

**қувчи** قووچی қушчи, овчи.

**қудамо** قدما қадим нинг кўплиги; ~ **машойихи** ўтмиш шайхлар.

**қудва** قدوه бошлиқ, етакчи; ~ **йи асҳоби дин** дин уламоларининг пешвоси.

**қуддус** قدوس пок.

**қудс** قدس пок; муқаддас; ~ **амкинаси** муқаддас жойлар; ~ **идин иҳтимом ўлмақ** тангридан эътибор етмоқ; ~ **ҳарими** поклик ҳарами.

**қудсий** قدسی пок, муқаддас; ~ **сифот** фаришта сифатлар; **руҳи** ~ покиза, муқаддас руҳ.

**қудсийа** قدسیه муқаддас.

**қудсийсиришт** قدسی‌سرشت поклик, муқаддаслик билан қўшилган.

**қудум** قدوم етиб келиш; қайтиб келиш; ~ **урмақ** оёқ босмоқ, етишмоқ.

**қузаҳ** قزح : **қавси** ~ камалак.

**қузот** قضات **қози** нинг кўплиги.

**қузғун** قوزغون ўлимтикхўр қуш; **тун** ~ **и** зулмат, қоронғилик.

**қуйилиқ** قوییلیق эгилганлик.

**қуймақ** قویماق қуймоқ, таом номи.

**қуйун** قویون каттиқ шамол.

**қулавуз** قولاووز йўлбошчи, раҳбар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**қулавузлуғ** قولاووزلوغ йўлбошчилик.

**қулзум** قلزم денгиз номи; ~ **бахри** қулзум денгизи; ~ **и заххор** тўлиб-тошган Қулзум.

**қулла** قله тоғ чўққиси; ~ **йи зулм** зулм чўққиси; уюм-уюм.

**қуллаафкан** قله افكن тоғ йиқитувчи.

**қуллагузин** قله كزين чўққини танлаган.

**қуллаб** قلب чангак, илгак; ~ **и муҳаббат** муҳаббат қармоғи; **шакли** ~ чангак шакл, илгак суврат; ~ **чекмак** қўлга олмоқ, боғламоқ; ~ **қилмақ** банд қилмоқ, боғламоқ.

**қуллуқ** قوللوق қул бўлиш, қуллик; ~ **иши** бандалик иши; ~ **кисвати** итоаткорлик; ~ **эҳромин боғламақ** хизматга бел боғламоқ; ~ **бошламақ** ибодатга киришмоқ; ~ **қа хат бермак** қулликни бўйнига олмоқ; ~ **идин сутуҳ келмак** тенг келмоқ, ўзи билан баробар кўрмоқ; ~ **қилмақ** миннатдорчилик билдирмоқ.

**қуллуғчи** قوللوغچى қуллуқ қилувчи.

**қуловуз** قولاووز тўғриси қулавуз.

**қуловузлуғ** قولاووزلوغ тўғриси **қулавузлиқ**.

**қулон** قولان ёввойи эшак.

**қулоқлашмақ** قولاقلاشماق суҳбатлашмоқ, хасратлашмоқ.

**қулуб** قلوب **қалб** нинг кўплиги.

**қул қул:** قل قل ~ **ло тақул** айт, айт, гапирма.

**қумалағ** قومالاغ тезак; **тева** ~ **и** туя тезаги.

**қумалоғ** قومالاغ тўғриси **қумалағ**.

**қумбул** قمبول ва **қунбул** قونبول қўшин сафларининг чегараси; **бир** ~ **и—шарқ эди, бири—ғарб** бир боши шарқда эди, иккинчиси—ғарбда.

**қумош** قماش кўплиги **ақмиша** мато, газлама.

**қунбул** قونبول **қумбул** га қ.

**қур** قور белбоғ.

**қураший** قرشى Қурайш қабиласига мансуб.

**қурб** قرب яқинлик.

**қурбат** قربت яқинлик, қариндошлик; ~ **топмақ** яқинлашмоқ

**қурбон I** قربان ўқдон.

**қурбон II** قربان фидо; ~ **вақфаси** қурбон байрами; ~ **айламак** қурбон қилмоқ, ўлдирмоқ; ~ **бўлмақ** жонни фидо қилмоқ; ~ **ға маъмур бўлмақ** қурбон бўлишга буюрилмоқ.



**қуррату-л-айн** قرة العين 1) кўз қорачиғи; 2) фарзанд.

**қурро** قرا қорилар, Қуръонни ёд айтувчилар.

**қурс** قرص гирда, айлана; ~ **и газак** айлана шаклида кесиб тайёрланган енгил таом; ~ **и меҳр** қуёш; ~ **и фатир** патир нон; **қуёш** ~ **и** қуёш айланаси; ~ **и хур** қуёш; ~ **и қамар** ой доираси; ~ **и қийр** қора кулча.

**қурсақ** ва **қурсоқ** قورساق қорин.

**қурсоқ** قورساق **қурсақ** га қ.

**қуртулмақ** قورتولماق қутулмоқ, озод бўлмоқ.

**қурултой** قورولتاى **кенгаш**.

**қурургамақ** قورورغاماق қовжирамоқ, сўлимоқ.

**қуруҳ** قروح яра.

**қурушмақ** قوروشماق қуримоқ, қовжирамоқ.

**қуръа** قرعه чек; ~ **солмақ** чек ташламоқ, фол очмоқ.

**қур-қардош** قورقرداش қариндош-уруғ.

**қусур I** قصور **қаср** нинг кўплиги.

**қусур II** قصور айб, камчилик.

**қут** قوت овқат, озиқ; ~ **и руҳ** жон озиғи; ~ **ҳайот** тириклик озиғи; ~ **этмак** еб ичмак.

**қутб** قطب кўплиги **ақтоб**.

**қутр** قطر кўплиги **ақтор** ўлка, мамлакат; ~ **ин қийос айламак** кенглигини ўлчамоқ.

**қуттоъ** قطاع **қотиъ** нинг кўплиги 2) . . .

**қутуз** قوتوز қутурган; ~ **бўлмақ** қутурмоқ.

**қуфл** قفل қулф; ~ **этмак**, ~ **қилмақ** қулфламоқ.

**қучқу** قوچقو қучоққа сиғадиган, қучоққа лойиқ.

**қушбегилик** قوشبيگيليك вазирлик мансаби.

**қушлуқ** قوشلوق қушга тегишли; ~ **садо** қуш овози.

**қушхона** قوشخانه ов қушлари турадиган жой.

**қушчи** قوشچى қушчи, ов қушларини овга ўргатувчи.

**қушчилик** قوشچيليق овчилик; ~ **шеваси** овчилик йўл-йўриқлари.

**қуғламақ** قوغلاماق қидирмоқ, изламоқ.

**қўзғамақ** قوزغاماق бошламоқ.

23—2509



www.ziyouz.com kutubxonasi

**қўл I** قول танапинг бармоқ учидан елкагача қисми; ~ **сунмақ киришмоқ**; ~ **ни жондин йумақ** жондан умид узмоқ; ~ **тутмақ** қўлламоқ; ~ **қавуштурмақ** одоб кўрсатмоқ.
**қўл II** قول тоғ йўли.
**қўлбағ** ва **қўлбоғ** قولباغ маржон ипи.
**қўлбоғ** قولباغ **қўлбағ** га қ.
**қўлмақ** قولماق айтмоқ.
**қўлдамақ** قولداماق қўлламоқ, етакламоқ.
**қўлдатмақ** قولداتماق қўллатмоқ.
**қўлдаш** ва **қўлдош** قولداش кўмакчи; дўст, ўртоқ.
**қўлдошлик** ва **қўлдашлик** قولداشليق дўстлик, ўртоқлик.
**қўлдош** قولداش **қўлдаш** га қ.
**қўлдошлик** قولداشليك **қўлдашлиқ** га қ.
**қўмарғал** قومارغال қалъа, пистирма, қуршов жойи.
**қўморғол** قومارغال тўғриси **қўмарғал**.
**қўмоч** قوماچ тўғриси **кўмач**.
**қўналға** قونالغه қўнар жой.
**қўнолға** قونالغه тўғриси **қўналға**.
**қўнақ** قوناق меҳмон.
**қўнғармақ** قونغارماق бузмоқ, вайрон қилмоқ.
**қўпмақ** قوپماق турмоқ, тик турмоқ.
**қўрйо** قوريا боғланишсиз девор, бебаст девор.
**қўруқ** قوروق ва **қўруғ** قوروغ қўриқлаш.
**қўруғ** قوروغ **қўруқ** га қ.
**қўруқчи** قوروقچى қўриқчи, қўриқловчи.
**қўшдевон** قوشديوان давлат маҳкамаси.
**қўшулулмақ** قوشولولماق қўшилмоқ.
**қўшунбеглик** قوشونبيگليك қўмондонлик.

## Ғ

**ғабн** غبن алдаш, ҳийла; ~ **и бало** ҳийла балоси.
**ғабоват** غباوت калтафаҳмлиқ, ақлсизлик.
**ғабро** غبرا 1) кулранг; 2) ер; **жирми** ~ ер юзи.



**ғабғаб** غبغب бақбақа; **тавқи** ~ бақбақа айланаси.
**ғаввос** غواص увга шўнғувчи; ~ **и азал** тангри.
**ғавр** غور 1) чуқурлик таги, қаър туби; 2) талаб; ~ **айламак** талаб қилмоқ; ~ **га етмак** тагига етмоқ, ҳақиқатни билмоқ; ~ **топмоқ** тушунмоқ, тагига етмоқ.
**ғавс I** غوث мадад, ёрдам; мададкор; ~ **и аъзам** улуғ мададкор, ~ **и аъзам** улуғ мададкор, уламолар лақаби.
**ғавс II** غوص шўнғиш, ~ **этмак**, ~ **қилмақ** шўнғимоқ.
**ғаддор** غدار 1) хоин, сотқин; 2) бевафо, меҳрсиз; ~ **қадар** бевафо тақдир.
**ғаддорлиқ** غدارليق хоинлик, сотқинлик.
**ғадир** غدير кўл; ~ **и ваҳшатангез** даҳшатли денгиз.
**ғадр** غدر хоинлик, сотқинлик; ~ **аҳли** хиёнатчилар.
**ғажғав** غجغاو 1) қўтос думи; 2) тикан боғи.
**ғазабнок** غضبناك қаҳрли, ғазабли.
**ғазабот** غضبات **ғазба** нинг кўплиги.
**ғазабрезлик** غضبريزليك ғазаб сочишлик.
**ғазалсаро** غزلسرا ва **ғазалсарой** غزلسراى ғазал айтувчи, шоир.
**ғазалсарой** غزلسراى **ғазалсаро** га қ.
**ғазанфар** غضنفر 1) шер; 2) қўрқмас, ботир.
**ғазба** غضبه кўплиги **ғазабот** қаҳр.
**ғазв** غزو ғазот қилиш, уруш қилиш; ~ **масофи** жанг майдони.
**ғазва** غزوه ғазва, уруш.
**ғаззолий** غزالى 1) арқон; 2) Абу Ҳомид Муҳаммад (1059—1111) нинг лақаби.
**ғазо** غزا ғазот, уруш.
**ғазол** غزال оҳу, кийик, ~ **и** зар офтоб; ~ **и мушкбў** мушк иси таратувчи кийик.
**ғазола** غزاله 1) оҳу, кийик; 2) офтоб.
**ғазолкирдор** غزالكردار кийикдек, оҳу мисол.
**ғайб** غيب йўқлик, ғойиблик; **илми** ~ ғайб, яширин нарсаларни билиш илми; **миръоти** ~ ғойиб нарсаларни кўрсатувчи кўзгу; ~ **макмани** яширин жой, тангри даргоҳи; ~ **ҳаззи** ғойиблик, кўринмаслик саодати.
**ғайбат** غيبت ҳозир эмаслик, ғойиблик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**ғайбдон** غیبدان ғайб нарсаларни билувчи; тангри.

**ғайр** غیر ва **ғайра** غیره бошқа, ўзга; ~ **инг** сендан бошқа; ~ **хайоли** ўзгани ўйлаш; ~ **и зийон** зиёнсиз; ~ **и золика** ундан бошқа; ~ **и ғуфран эмас** кечириш мумкин эмас.

**ғайра** غیره **ғайр** га қ.

**ғайратойин** غیرت آیین ғайратли.

**ғалаба** غلبه кўплиги **ғалабот** зафар.

**ғалабот** غلبات **ғалаба** нинг кўплиги; ~ **и ғазабот** ғазабнинг зўрайиши; **нафс** ~ **и** нафснинг зўр келиши.

**ғалайон** غلیان қайнаш; ҳаяжонланиш, жўшиш.

**ғалат** غلط хато; ~ **бийми** хато хавфи; ~ **қилмақ** янглишмоқ.

**ғалатнамо** غلط نما хато қилувчи, янглишувчи.

**ғализ** غلیظ 1) қуюқ, зич; 2) қўпол, дағал.

**ғалтон** غلطان айланувчи, думаловчи; ~ **айламак** думалатмоқ; **дурри** ~ думалоқ дур; ~ **бормақ** думаламоқ, думалаб тушмоқ.

**ғамангиз** غم انگیز ғам қўзғатувчи.

**ғамандуд** غم اندود ғамли, қайғули.

**ғамандўз** غم اندوز ғамли, қайғули.

**ғамафрўз** غم افروز ғамни тарқатувчи; **базми** ~ ғамни ёзувчи базм.

**ғамгусор** غم گسار ғамни кетказувчи, кўнгил очувчи, ғамхўр.

**ғамгусорлиқ** غمگسارلیق ғамхўрлик.

**ғамза** غمزه кўз қисиш; ~ **ўқи** ишва ва ноз билан қараш; ~ **чоғи** ишва билан кўз қисиш дақиқаси, они, ~ **бебок** ошкор ишва ва карашмали кўз қисиш.

**ғамзада** غمزده ғамгин, қайғули.

**ғамзадалиғ** غمزده لیغ қайғули, ғамгин.

**ғамзадой** غمزدای ва **ғамзудо** غمزدا ғамдан қутқарувчи.

**ғамкада** غمکده ғамгин дунё, қайғули дунё.

**ғамкаш** غمکش ғам чекувчи.

**ғаммоз** غماز чақимчи, сўз ташувчи.

**ғаммозлиқ** غمازلیق чақимчилик.

**ғамнок** غمناک ғамгин; ~ **айламак** ғамга солмоқ.

**ғамноклик** غمناکلیک ғамгинлик.



**ғамобод** غم آباد серғам.

**ғампарвар** غمپرور ғам билан ўсган.

**ғампарвард** غمپرورد ғам билан ўсган.

**ғампарвардлиқ** غمپروردلیق ғам билан ўсишлик.

**ғамсиришт** غمسرشت ғамгин.

**ғамсиришта** غمسرشته ғамгин.

**ғамфарсо** غمفرسا ғамни йўқ қилувчи.

**ғамфарсуд** غمفرسود қайғуда қолган.

**ғамфарсудалиғ** غمفرسوده لیغ ғамда қолганлик.

**ғамфизолиқ** غمفزالیق ғамни кўпайтиришлик; ~ **этмак** ғамни орттирмоқ.

**ғамхона** غمخانه ғам уйи; **фалак** ~ **си** бу дунё.

**ғамхор** غمخوار ва **ғамхора** غمخواره ғамхўр, меҳрибон.

**ғамхора** غمخواره **ғамхор** га қ.

**ғамхорлиқ** غمخوارلیق ғамхўрлик.

**ғанам** غنم қўй.

**ғанж** ва **ғунж** غنج карашма, ишва; ~ **айламак** карашма қилмоқ.

**ғаний** غنی кўплиги **ағнийо** бой; ~ **бўлмак** бойимоқ; ~ **тутмақ** бой қилиб кўрсатмоқ.

**ғаним** غنیم душман; ~ **истамак** душман изламоқ.

**ғанима** غنیمه кўплиги **ғанойим** ўлжа.

**ғанимат** غنیمت қулай фурсат; ~ **айламак**, ~ **билмак**, ~ **тутмақ** фурсатни қулай деб билмоқ.

**ғанойим** غنایم **ғанима** нинг кўплиги.

**ғарав** غرو най.

**ғараз** غرض кўплиги **ағроз** 1) мақсад, ният; 2) яширин ёмон ният;

**ғаразгў** غرضگو асл мақсадни яшириб гапирувчи.

**ғаразомиз** غرض آمیز ғаразли, яширин ниятли.

**ғарбол** غربال элак, ғалвир.

**ғарв** غرو ҳайрат; мўъжиза.

**ғарвош** غرواش тароқ; **жавлаҳа** ~ **и** бўзчи тароғи.

**ғариб** غریب кўплиги **ғурабо** 1) бечора; 2) ажойиб.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**ғарибандом** غریباندام ҳайратда қолдирадиган қомат.

**ғарибнавоз** غریبنواز ғарибпарвар.

**ғарибхона** غریبخانه ажойибхона.

**ғарив** غریو фарёд.

**ғаризий** غریزی туғма, табиий; ~ **ҳарорат** ички ҳарорат.

**ғариқ** غریق чўккан, ғарқ бўлган; ~ **бўлмақ** чўкмоқ, ғарқ бўлмоқ.

**ғаромат** غرامت 1) зарарнинг ўрнини тўлдириш, товон; 2) қайта бажариш (мас., қазо бўлган намозни);

**ғарра** غره алданиш; ~ **йи ҳуси** ҳусига алданиш; ~ **бўлмақ** алданмоқ.

**ғарралиғ** غره لیغ алданишлик...

**ғарро** غرا равшан, ёруғ, нурли.

**ғарқа** غرقه чўккан, чўкиб кетган.

**ғарқоб** غرقاب гирдоб.

**ғассол** غسال ювувчи, ўлик ювувчи.

**ғафлатпараст** غفلت پرست ғафлатда қолган, ғофил.

**ғафур** غفور кечирувчи, Оллоҳнинг сифати.

**ғаффор** غفار кечирувчи, Оллоҳнинг сифати.

**ғаффорлиғ** غفارلیغ кечирувчилик.

**ғаш** غش 1) ноҳушлик, ҳушдан кетиш; ~ **этмак,** ~ **қилмақ** кўнгилсизланмоқ, ноҳуш бўлмоқ; 2) дард.

**ғашлиқ** غشلیق бўҳушлик, кўнгилсизлик.

**ғизо** غذا кўплиги **ағзийа** егулик, томоқ; ~ **емак** овқат емоқ; ~ **йи руҳ** руҳ озиғи.

**ғил** غل гина.

**ғилзат** غلظت қўполлик, дағаллик.

**ғилмон** غلمان **ғулом** нинг кўплиги.

**ғилмонваш** غلمانوش йигитлардек.

**ғино** غنا бойлик; **аҳли** ~ бойлар; ~ **ҳосил этмак** бой бўлмоқ.

**ғирвош** غرواش кийим охорлаш асбоби.

**ғирев** غریو дод-вой, шовқин; ~ **солмақ** дод солмоқ; ~ **чекмак** додламоқ.

**ғиром** غرام 1) кучли шавқ; 2) ишқ.



**ғоб** غاب ўрмон, чангалзор.

**ғоза** غازه аёллар юзларига тоб учун сурадиган қизил бўёқ; ~ **суртмак** бўёқ суртмоқ; ~ **урмақ** қизартирмоқ, ранг сурмоқ.

**ғозий** غازی ғазот қилувчи; ~ **йи нусрат қарин** ғолиб.

**ғойатлиғ** غایتلیغ чекланганлик.

**ғойатсиз** غایتسیز чекланмаган.

**ғомиз** غامض мавҳум, ноаниқ.

**ғорат** غارت толон-торож; ~ **этмак** толон-торож қилмоқ.

**ғоратгар** غارتگر талончи; ~ **и иймон** имонни таловчи.

**ғориб** غارب ботувчи; ~ **бўлмақ** ботмоқ.

**ғорнишин** غارنشین ғорда ўтирувчи.

**ғофилваш** غافلوش билиб билмасликка олувчи бепарво.

**ғофиллиқ** غافللیق ғафлатда қолишлик, хабарсизлик.

**ғубор** غبار 1) чанг, тўзон, гард; 2) кўз хиралиги; ~ **и хотир хотир** ~ **и** афсус, надомат; ~ **айламак** чангитмоқ, тўзитмоқ; **тун** ~ **идин супурмак** зулматни ҳайдамоқ, тонг оттирмоқ.

**ғуборангиз** غبارانگیز чангитувчи, ғубор кўтарувчи.

**ғужгов** غجغاو тўғриси **ғажгав.**

**ғул I** غل кўплиги **аглал** банд, кишан.

**ғул II** غول дев, жин; ~ **и биййобон** саҳро жинни.

**ғул III** غول марказ, қўшиннинг ўртаси.

**ғулб** غلب қувур.

**ғулбанд** غولبند девни асир қилувчи.

**ғулваш** غولوش девдек; баҳайбат.

**ғулом** غلام кўплиги **ғилмон 1) йигит;** 2) хизматкор.

**ғулув** غلو 1) ғавғо, қий-чув, 2) чегарадан чиқишлик; ~ **айламак, қилмақ** қий-чув билан ёпирилмоқ.

**ғулула** غلوله кишан, дом; ~ **йи ташвиш** ташвиш доми.

**ғулулабанд** غلوله بند кишанланган; ~ **ташламақ** дом солмоқ.

**ғунж** غنج **ғанж** га қ.

**ғунчаандом** غنچه اندام ғунчадек.

**ғунчакирдор** غنچه کردار ғунча сиврат.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**ғурабо** غربا **ғариб** нинг кўплиги; ~ **хайли** ғариблар; ~ **қути** ғариблар емиши.

**ғурбат** غربت ғариблик, мусофирлик; **ранжи** ~ мусофирлик машаққати; ~ **ихтиёр этмақ** тарки дунё қилмоқ, дунё ишларидан узоқлашмоқ; ~ **тортмақ** мусофирликда бўлмоқ.

**ғурбатгарой** غربت گرای ғурбатда яшашни хоҳловчи.

**ғурбаткаш** غربت کش ғарибликни бошдан кечирган.

**ғурра** غره 1) янги ой; 2) бўкириш; 3) чақмоқ чақиши, момақалдироқ гуркираши; 4) отбоқар.

**ғурранда** غرنده бўкирувчи; ~ **абр** момақалдироқли булут.

**ғуррон** غران ўкирувчи; ~ **ҳизарб** ўкирувчи арслон.

**ғуруб** غروب ботиш; ~ **вақти** кунботиш вақти; ~ **қилмақ** ботмоқ (қуёш, ой).

**ғурунбуш** غرنبش хайқириқ, бўкириш.

**ғурунбушнамой** غرنبش نمای хайқирувчи, бўкирувчи.

**ғурфа** غرفه хона.

**ғуссакаш** غصه کش қайғу чекувчи.

**ғуссапардоз** غصه پرداز ғамхўр, қайғурувчи.

**ғуссасанж** غصه سنج ғам чекувчи, қайғурувчи.

**ғуфрон** غفران гуноҳларни кечириш, мағфират, Оллоҳнинг карами; **баҳри** ~ мағфират денгизи.

**ғўнан** غونان икки ёшли от.

**ғўта** غوطه шўнғиш, шўнғиб чиқиш; ~ **урмақ** шўнғиб чиқмоқ (покланиш учун).

## Ҳ

**ҳабб** حب ва **ҳабба** حبه уруғ, дон уруғи; думалоқ нарса (мас., дори); ~ **и набот** новвот дурлари.

**ҳабаший** حبشی хабаш, қора; **бандайи** ~ қора қул.

**ҳабба** حبه **ҳабб** га қ.

**ҳаббазо** حبذا қандай яхши! зўр!

**ҳабиб** حبیب кўплиги **аҳиббо** ва **аҳбоб** дўст; ~ **кўйи** дўстлик кўчаси; ~ **у-л-лоҳ** Оллоҳнинг дўсти.

**ҳабиблиғ** حبیبلیغ дўстлик.

**ҳабл** حبل арқон; ~ **и матин** пишиқ арқон, Мусо алайҳи-с-саломнинг ҳассаси; ~ **и раҳил** ўлим ипи.

**ҳабо** هبا зарра, заррача; ~ **бўлмақ майда** бўлмоқ, ҳеч нарсага арзимас бўлмоқ; ~ **қилмақ** хор қилмоқ.



**ҳабс** حبس қамаш, тутқинликка олиш; **заринкор** ~ олтин қафас; ~ **қилмақ** қамамоқ, тутқинлиққа олмоқ.

**ҳабут** هبوط пастлик, қуйилик.

**ҳаваскаш** هوسکش хаваскор.

**ҳавасланмақ** هوسلانماق ҳавас қилмоқ.

**ҳаваснок** هوسناك хаваскор.

**ҳаваспайванд** هوس پیوند ҳавас қилувчи.

**ҳавдаж** هودج кажава.

**ҳавзи кавсар** حوض کوثر кавсар суви.

**ҳавзи моҳийон** حوض ماهیان Ҳиротда бир мавзе номи.

**ҳавл I** حول куч, қудрат; **ло** ~ **айламак** ло хавла ва ло қуввата илло би-л-лоҳи-л-азим (Ҳаммаси Оллоҳнинг иродасидадир) оятини айтмоқ; ожизликни тан олмоқ.

**ҳавл II** هول қўрқинч.

**ҳавлон I** حولان йилнинг тугаши; наврўз келиб, йиллик бож ва солиқлар йиғишнинг бошланиши.

**ҳавлон II** حولان **айлаб не саломийу не ҳавлон** на салом бермай, ва на «ло хавл» дуосин қилмай (**ҳавл** га қ.).

**ҳаводис** حوادث **ҳодис** ва **ҳодиса** нинг кўплиги; ~ **и айийом** кун воқеалари.

**ҳаводор** هوادار хайрихоҳ, тарафдор.

**ҳавойиж** حوایج **ҳожат нинг кўплиги.**

**ҳавон** هوان 1) пасткашлик, тубанлик; 2) хорлик; **қисми** ~ хорлик қисмати.

**ҳавос** حواص **ҳосса** нинг кўплиги.

**ҳавро** حورا қора кўз; қора; ~ **нажод** қора зотли.

**ҳаврожабин** حوراجبین қора кўзли юз.

**ҳадар** هدر беҳуда қон тўкиш.

**ҳадаф** هدف нишон; ~ **айламак** нишон қилмоқ; ~ **топмақ** нишон қилинганини кўрмоқ.

**ҳадд** حد чегара; ~ **и васат** ўртача.

**ҳаддод** حداد темирчи.

**ҳадиййа** هدیه кўплиги **ҳадойо** совға.

**ҳадис** حدیث кўплиги **аҳодис** сўз; ҳикоя; ~ **демак** гапирмоқ; **пайғамбар** ~ **и** пайғамбарнинг инсон юриш-туриши ҳақидаги сўзи; ~ **и жонбахш** жон бағишловчи сўз; ~ **и печопеч** чигал, жимжима сўзли ҳикоялар; **савм** ~ **и** пайғамбарнинг рўза ҳақидаги сўзи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**ҳадиқа** حديقه кўплиги **ҳадойиқ** боғ; ~ **йи пургул** гулзор, гулга тўла боғ.
**ҳадй** هدى тўғри, ҳидоят йўлидан юргизиш.
**ҳадойиқ** حدايق **ҳадиқа** нинг кўплиги.
**ҳадойо** هدايا **ҳадиййа** нинг кўплиги.
**ҳажар** حجر тош.
**ҳажаркўб** حجركوب тош майдаловчи.
**ҳажворо** هجوآرا ҳажв қилувчи, масхара қилувчи.
**ҳажжом** حجام сартарош; зулук ёрдамида қон чиқарувчи сартарош.
**ҳажжомваш** حجاموش зулук билан қон чиқарувчи сартарошдек.
**ҳажла** حجله чодир, келин учун жиҳозланган хона; ~ **йи ноз** эркаланиш уйи.
**ҳаз** خظ ҳузур, ҳаловат; ~ **топмақ** ҳузурланмоқ, ҳаловат топмоқ.
**ҳазайон** هزيان **ҳазйон** га қ.
**ҳазан** حزن **байту-л-** ~ ғамхона, қайғу уйи.
**ҳазар** حضر сафарнинг зидди, ўрноқ турмуш.
**ҳаззоз** هزاز ҳазилкаш, қизиқчи.
**ҳазиз** حضيض ҳад, чегара; туб, таг; ~ **и арз** ер ости.
**ҳазимат** هزيمت 1) мағлубият, енгилиш; 2) чекиниш, қочиш; ~ **айламак** 1) енгилмоқ; 2) қочмоқ.
**ҳазира** خظيره 1) атрофи ўралган жой; 2) хилхона; 3) қўр.
**ҳазйон** ва **ҳазайон** هذيان 1) алаҳсиш; 2) бемаъни, бекорчи гап.
**ҳазл** هزل мазақ.
**ҳазм** هزم ғолиб бўлиш, енгиш; ~ **бермак** талофат етказмоқ, ~ **ойини** эҳтиёткорлик;
**ҳазмозмой** هزم آزماى енгувчи, ғалабани тотувчи; ~ **тушмак** енгмоқ, ғалаба қозонмоқ.
**ҳазор I** هزار булбул.
**ҳазор II** هزار минг.
**ҳазора** هزاره қабила номи.
**ҳазордастон** هزاردستان булбул.
**ҳазр** حزر тахмин, тусмол.
**ҳай I** حى тирик; ~ **йи мужиб**, ~ **йи қадир** тангри.



**ҳай II** حى қабила номи.
**ҳайал** حيل кечикиш, ҳаяллаш; ~ **қилмақ** кечикмоқ, ҳаялламоқ.
**ҳайафшон** حى افشان тириклик бағишловчи.
**ҳайжо** هيجا жанг; ~ **олати** қурол-яроқ.
**ҳаййиз** حيز макон; масофа; ~ **и имкон** имкон доираси.
**ҳайкал** هيكل гавда, жисм.
**ҳайлиғ** حيليغ тириклик; тангрилик.
**ҳайлож** حيلاج 1) ҳаёт чашмаси; 2) Аттор қаламига мансуб бир асар номи.
**ҳайратангиз** حيرت انگيز ҳайратга солувчи.
**ҳайотафзо** حيات افزا ҳаётни узайтирувчи.
**ҳайратобод** حيرت آباد ҳайратмакон.
**ҳайрату-л-фуқаҳо** حيرة الفقها фақиҳларни ҳайратга солувчи; уламоларга бериладиган лақаб.
**ҳайратфизой** حيرت فزاى ҳайратга солувчи.
**ҳайуло** هيولا ҳар нарсанинг асли, келиб чиқиши.
**ҳайун** هيون 1) туя; 2) от.
**ҳайъат** هيئت шакл, суврат; **илми** ~ илми астрономия; ~ **и махрут** минора; ~ **и мустадир** ер курраси; ~ **и тулоний** Сомон йўли.
**ҳайъатпазир** هيئت پذير шаклланувчи, турли сувратга кирувчи.
**ҳаким** حكيم кўплиги **ҳукамо** 1) доно; 2) файласуф; 3) табиб.
**ҳакимий** حكيمى табибона, ҳакимларча.
**ҳакка** حكه қашиш, қашиниш; қичима; ~ **йи шанъат** шармандали қашиниш.
**ҳаккок** حكاك ўймакор уста, наққош, сангтарош.
**ҳал** حل 1) аралаштириш; 2) эритиш; ~ **айламак** 1) аралаштирмоқ; 2) эритмоқ.
**ҳалим** حليم юмшоқ; ~ **қилмақ** ҳалим пиширмоқ.
**ҳаллол** حلال ҳал қилувчи, ечиб берувчи.
**ҳалова** حلاوه ҳолва.
**ҳалоҳил** هلاهل тиниқ; ~ **заҳри, заҳри** ~ тиниқ заҳар.
**ҳалул** حلول бир нарсанинг иккинчи бир нарсага айланиши, турланиш.
**ҳалқавор** حلقه وار ҳалқасимон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳамал I حمل март; у савр март ва апрель.

ҳамал II حمل қўй.

ҳамал III حمل гуручнинг бир нави.

ҳамбар همبر баробар, тенг; ~ **бўлмоқ** бирор нарса ичига тенг. баробар кирмоқ, бир хил миқдорда бўлмоқ.

ҳамвисоқ هموثاق ҳамхона.

ҳамвор هموار текис; юмшоқ; ~ **айламак** текисламоқ.

ҳамвора همواره ҳамиша, муттасил.

ҳамгом همگام ҳамқадам, йўлдош.

ҳамд حمد мақтов.

ҳамдарс همدرس мактабдош, синфдош.

ҳамдаст همدست қўлдош, кўмакчи, шерик.

ҳамдастлиқ همدستلیق қўлдошлик, кўмаклашув.

ҳамдостон همداستان шерик, дўст.

ҳамдостона همداستانه шерикликда, биргаликда.

ҳамдостонлиқ همداستانلیق шериклик, биргалик.

ҳамдўш همدوش елкадош.

ҳамзабон همزبان тилдош, бир тилли.

ҳамзод همزاد тенгқур.

ҳамзону همزانو ёнма-ён.

ҳамзонулиғ همزانولیغ ёнма-ёнлик, биргалик.

ҳамийят حمیت 1) жаҳд, интилиш; 2) манманлик; нафратланиш.

ҳамим حمیم иссиқ, ҳароратли; ~ дашти жазирама чўл.

ҳамимвор حمیموار иссиқдек, жўшқин.

ҳамин همین ушбу.

ҳаминонлиқ همعنانلیق биргалик, ҳамроҳлик; ~ айламак бирга бўлмоқ.

ҳамкисват همکسوت бир хил кийинган.

ҳамл حمل кўтариш, кўтариб юриш; ~ **аййоми** туғиш кунлари; ~ **қилмақ** туғмоқ; 2) юк.

ҳаммасоф همصاف сафдош, қуролдош.

ҳаммашраб هم‌مشرب бир хил хулқли.

ҳаммаҳд هم‌مهد 1) бешикдош; 2) тобутдош.



ҳамнабард همنبرد рақиб, қарши томон.

ҳамнанг همننك бировнинг уятига шерик бўлиш, у билан бирга уялиш.

ҳамнафас همنفس ўртоқ, дўст.

ҳамнишаст همنشست суҳбатдош, бирга ўтирувчи, ҳаммажлис; улфат.

ҳамнишин همنشین суҳбатдош, бирга ўтирувчи, улфат.

ҳамнишонлиғ همنشانلیغ белгидошлик, бир хиллик.

ҳамовард هم‌آورد рақиб, қарши томон.

ҳамовардлиқ هم‌آوردلیق рақиблик.

ҳамойил حمایل елкадан белга тушадиган камар, тасма ёки боғич; **қўли ~ бўлмоқ** қучоқламоқ; ~ **этмак** қучмоқ.

ҳамома حمامه каптар.

ҳамошийон هم‌آشیان бир ин, уяда яшовчилар.

ҳампар همپر ҳамқанот, бир-бирига яқин учиш.

ҳампеша همپیشه касбдош.

ҳампешалик هم‌پیشه لیك касбдошлик.

ҳампой همپای ҳамроҳ; ~ **бўлмақ** ҳамқадам бўлмоқ.

ҳампойлиқ همپایلیق ҳамроҳлик, йўлдошлик.

ҳамро حمرا қизил.

ҳамроз همراز сирдош.

ҳамрозлиқ همروازلیق сирдошлик.

ҳамсабақ هم‌سبق сабоқдош, синфдош.

ҳамсайр هم‌سیر бирга сайр қилувчи.

ҳамсанг هم‌سنگ бир хил, тенг (оғирлик).

ҳамсарлик همسرلیك тенгқурлик.

ҳамсин همسن тенгдош, тенгқур.

ҳамтак همتك бирга юрувчи, югурувчи.

ҳамтаклик همتكلیك ҳамроҳлик.

ҳамтариқ همطریق йўлдош, ҳамроҳ.

ҳамто همتا 1) тенг, ўхшаш, 2) ўртоқ.

ҳамул I همول ўша, шундай; ~ дам шу онда.

ҳамул II حمول кажава.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**ҳамул III** حمول чидамли, сабрли.

**ҳамун** همون дашт, чўл.

**ҳамфанлиғ** همفنلیغ насбдошлик.

**ҳамхоб** همخواب ва **ҳамхоба** همخوابه ётиқдош, эр-хотин.

**ҳамхоба** همخوابه ҳамхоб га қ.

**ҳамхобалиқ** همخوابه لیق ётиқдошлик, бирга ётишлик.

**ҳамқад** همقد бўйдош.

**ҳамқадам** همقدم бирга юрувчи, дўст; ~ **бўлмақ** бирга юрмоқ.

**ҳамқадамлиқ** همقدملیق йўлдошлик, ҳамроҳлик.

**ҳамқо'** حمقا **бақли** ~ семизўт.

**ҳангом** هنگام фурсат, пайт, вақт.

**ҳангома** هنگامه 1) йиғин, жамоа, тўда; 2) жанжал, ғавғо; ~ **йи дард** дард можароси; ~ **бўлмақ** рўй бермоқ, юз бермоқ; ~ **тузмак** атрофга одамларни йиғмоқ.

**ҳангомаоро** هنگامه آرا йиғинни қизитувчи.

**ҳангомафуруз** هنگامه فروز йиғинни қизитувчи.

**ҳанжар** حنجر томоқ, ҳалқум.

**ҳанжор** هنجار тўғри, текис.

**ҳанзал** حنظل итқовун.

**ҳарб** حرب уруш; ~ **аҳли** жангчилар; ~ **этмак** урушмоқ.

**ҳарж** حرج айб, хато, гуноҳ.

**ҳарза** هرزه бекор, беҳуда; ~ **хаёл** хом хаёл; ~ **кезмак** беҳуда юрмоқ.

**ҳарзагард** هرزه گرد бефойда айланувчи; дайди.

**ҳарзагуфтор** هرزه گفتار беҳуда гапирувчи; вайсақи.

**ҳарзагўй** هرزه گوی вайсақи.

**ҳарзакиш** هرزه کیش сафсатабоз.

**ҳарзакор** هرزه کار беҳуда иш қилувчи.

**ҳарзановард** هرزه ناورد беҳуда югурувчи.

**ҳарзапайванд** هرزه پیوند беҳуда гапирувчи.

**ҳарзасарой** هرزه سرای беҳуда гапирувчи.

**ҳари** ва **ҳарий** حری 1) муносиб, лойиқ; 2) бардош; чидам; ~ **бермак** бардош қилмоқ, чидамоқ.



**ҳарий** حری ҳарига қ.

**ҳарим** حریم 1) хотин, хотинлар; 2) хотинларнинг ички хонаси.

**ҳариф** حریف ўртоқ, шерик, улфат.

**ҳарифозмой** حریف آزمای ўртоқ, улфат.

**ҳарифона** حریفانه дўстона.

**ҳариш** حریش тоза эмас, аралаш; **ҳарому** ~ жуда ҳаром.

**ҳариқ** حریق куювчи, ёнувчи.

**ҳароратомиз** حرارت آمیز қизғин, ўтли.

**ҳароратпазир** حرارت پذیر иссиқ.

**ҳароратфизой** حرارت فزای қизитувчи, иссиқни орттирувчи.

**ҳарос** هراس қўрқиш, даҳшат, ваҳима; ~ **қилмақ** қўрқмоқ.

**ҳаросон** هراسان қўрққан, ваҳимага тушган; ~ **бўлмақ**, ~ **эрмак** қўрқмоқ.

**ҳарун** حرون қайсар, ўжар.

**ҳарунлиғ** حرونلیغ қайсарлик, ўжарлик.

**ҳарф** حرف кўплиги **ҳуруф** товушнинг ёзувдаги белгиси.

**ҳасаб** حسب хислат, обрў, фазилат.

**ҳасаблиқ** حسبلیق фазилатли, хислатли.

**ҳасадбанд** حسدبند ҳасад қилувчи.

**ҳасадгар** حسدگر ҳасадчи.

**ҳасан** حسن яхши, чиройли.

**ҳасб** حسب миқдор; ~ **и ҳол** куч етганча, ҳолга кўра.

**ҳасбатан** حسبة ~ **ли-л-лоҳ** худо ҳақи, худо учун.

**ҳасин** حصین мустаҳкам; ~ **қўрғон** мустаҳкам қўрғон.

**ҳасир** حصیر 1) бўйра, палос, кийиз; 2) зиндон.

**ҳасирий** حصیری палос тўқиш учун ишлатиладиган мато, палосий мато; ~ **либос** палосий матодан тикилган кийим.

**ҳаср** حصر 1) чегаралаш; 2) ҳисоб, ҳисоблаш.

**ҳасуд** حسود ҳасадчи.

**ҳафид** حفید кўплиги **аҳфод** набира.

**ҳафра** حفره чуқур, ўра.

**ҳафт** هفت етти.

**ҳафтжўш** هفت جوش етти метал қоришмаси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**ҳашам** حشم кўплиги **аҳшом** сарой аҳллари.

**ҳашар** حشر йиғин, тўда; ~ **куни** ўликларнинг тирилиш куни.

**ҳашаф** حشف ёмон, сифатсиз хурмо.

**ҳашв** حشو устак, қўшимча; ~ **эрмак** тўлмоқ.

**ҳашмат** حشمت дабдаба, шуҳрат.

**ҳашматрон** حشمت‌ران ҳашаматни хуш кўрувчи.

**ҳашо** حشا кўплиги **аҳшо** ичак-чавоқ.

**ҳашр** حشر йиғилиш, тўпланиш; ~ **субҳи** тирилиш куни.

**ҳақгўй** حقگوی 1) тўғри сўз; 2) бир қуш номи.

**ҳақиқат** حقیقت кўплиги **ҳақойиқ** чин.

**ҳақиқатбин** حقیقت‌بین ҳақиқатни кўрувчи.

**ҳаққу-н-нос** حق الناس киши ҳақи, бировнинг ҳақи.

**ҳез** هیز 1) номуссиз; 2) хотинчалиш.

**ҳема** هیمه ўтин.

**ҳемавор** هیمه‌وار ўтиндек.

**ҳибо** حبا ҳадя, совға.

**ҳиддат** حدت 1) тезлик, иссиққонлик; 2) кескир, ўткир; **қилич** ~ **и** қиличининг ўткирлиги.

**ҳидойат** هدایت 1) етаклаш, тўғри йўлга етаклаш; 2) йўлбошчи, муршид; ~ **қосид** тўғри йўлга интилувчи; ~ **айламак** тўғри йўлга бошламоқ.

**ҳижо** هجا 1) ҳажв қилиш; 2) бўғинлаб; ҳарфлаб ўқиш; 3) араб алифбоси ҳарфлари; ~ **тумори** ёзувли тумор.

**ҳижоб** حجاب парда; ~ **и пинҳоний** яширин парда; **пардаи** ~ иффат; **рафйи** ~ уялмаслик; **ўзлук** ~ **и** манманлик, худбинлик; ~ **дафъ қилмақ** тўсиқни олиб ташламоқ; ~ **ўтиға совурмақ** уялишни йўқ қилмоқ; ~ **бўлмақ** тўсиқ бўлмоқ.

**ҳижоблиғ** حجابلیغ пардали.

**ҳижоз** حجاز мусиқада бир мақом номи.

**ҳижронкаш** هجران‌کش ҳижронли, фироқли.

**ҳижор** حجار тошлар.

**ҳизабр** هزبر шер.

**ҳийал** حیل ҳийла нинг кўплиги.

**ҳийла** حیله кўплиги **ҳийал** найранг.

**ҳийлаандеш** حیله اندیش ҳийла қўзғатувчи.

**ҳийлакор** حیله کار ҳийлагар, фирибгар.

**ҳийлапайванд** حیله پیوند ҳийлагар, фирибгар.

**ҳийлапеша** حیله پیشه ҳийлагар, фирибгар.

**ҳийласоз** حیله ساز ҳийлагар, фирибгар.

**ҳийласозлик** حیله سازلیك ҳийлакорлик.

**ҳийлатангез** حیلت‌انگیز ҳийлагар, ҳийла қўзғатувчи.

**ҳийлатсигол** حیلت‌سگال маккор, ҳийлагар.

**ҳийн ва ҳин** حین кўплиги **аҳйон** вақт, вақт оралиғи, фурсат.

**ҳикматгард** حکمت‌گرد ҳикмат соҳиби, доно.

**ҳикматжўй** حکمتجوی доно, ҳоким.

**ҳикматмаоб** حکمت‌مآب ҳаким, файласуф.

**ҳикматобод** حکمت‌آباد ҳикмат равнақ топган жой.

**ҳикматойин** حکمت‌آیین ҳаким, доно.

**ҳикматомез** حکمت‌آمیز ҳикматли, фалсафий.

**ҳикматосо** حکمت‌آسا ҳикматли.

**ҳикматпаноҳ** حکمت‌پناه ҳикмат, донолик ҳомийси.

**ҳикматпараст** حکمت‌پرست ҳаким, файласуф.

**ҳикматпеша** حکمت‌پیشه файласуф, донишманд.

**ҳикматсиришт** حکمت‌سرشت ҳикматли.

**ҳикматсоз** حکمت‌ساز донишманд, файласуф.

**ҳикматқийос** حکمت‌قیاس билимдон, доно.

**ҳикматқисм** حکمت‌قسم ҳаким, файласуф.

**ҳикойатгузор** حکایت‌گذار ҳикоячи, ровий.

**ҳилв** حلو ширин, ёқимли; **нукта** ~ **и** сўз ширинлиги.

**ҳилйа** حلیه безак.

**ҳилм** حلم юмшоқлик, мулойимлик; ~ **маъдани** мулойимлик кони; ~ **у ҳайо аҳли** юмшоқ табиат ва ҳаёли кишилар.

**ҳилол** هلال янги ой; ~ **ўлмақ** эгилмоқ, озмоқ.

**ҳилолий** هلالی ой суврат; ~ **қадаҳ,** ~ **жом** янги ой шаклидаги жом; қадаҳ; ~ **қош** эгма қош; **кишти** ~ ҳилол шаклидаги май коса.

**ҳилолойин** هلاآیین ҳилолдек; эгма.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**ҳимл** حمل кўплиги **аҳмол** юк.

**ҳимматвар** همتور ҳимматли, сахий, мард.

**ҳимматлиғ** همتليغ ҳимматли.

**ҳимо** حما безгак.

**ҳин** حين **ҳийн** га қ.

**ҳинно** حنا ҳина ранг, қизил; ~ **қон** қизил қон.

**ҳирз** حرز тумор; ~ **амоний** омонлик тумори.

**ҳирмон** حرمان маҳрумлик, жудолик; **доғи** ~ жудолик доғи.

**ҳировул** هراول қўшиннинг олди.

**ҳирос** حراث эҳтиёт, сақланиш; ~ **бўлмақ** эҳтиёт бўлмоқ, сақланмоқ.

**ҳиросат** حراثت муҳофаза қилиш, қўриқлаш.

**ҳирскеш** حرص‌كيش очкўз.

**ҳирфа** حرفه ва **ҳирфат** حرفت касб, ҳунар; ~ **аҳли** ҳунармандлар, косиблар.

**ҳирфавар** حرفه ور ҳунарманд, косиб.

**ҳирфат** حرفت **ҳирфа** га қ.

**ҳирқат** حرقت аланга, шуъла.

**ҳисн** حصن қўрғон, қалъа; ~ **и ҳасин** истеҳком.

**ҳисом** حسام шамшир.

**ҳисор** حصار қалъа, қўрғон; ~ **даври** қалъа атрофи.

**ҳисорнишин** حصارنشين қалъада ўтирувчи.

**ҳифз** حفظ сақлаш; ~ **айламак,** ~ **этмак,** ~ **қилмақ** сақламоқ, ёд олмоқ.

**ҳиқд** حقد гина, кек.

**ҳодий** هادى йўлбошчи, раҳбар, муршид; ~ **йи субул** тўғри йўлга бошловчи.

**ҳодис** حادث кўплиги **ҳаводис** содир бўлган, юз берган; ~ **бўлмақ** юз бермоқ; ~ **этмак** пайдо бўлмоқ.

**ҳодиса** حادثه **ҳодис** га қ.

**ҳодисот** حادثات **ҳодиса** нинг кўплиги; ~ **и рўзгор турмуш ҳодисалари.**

**ҳожат** حاجت кўплиги **ҳожот** ва **ҳавойиж** лозимлик, зарурлик.

**ҳожи** حاجى кўплиги **ҳужжож** ҳаж қилувчи.



**ҳожиб** حاجب 1) парда; 2) эшикчи; 3) қош.

**ҳожот** حاجات **ҳожат** нинг кўплиги.

**ҳозим** حاضم ҳазм қилувчи, мунҳазим.

**ҳозир** حاضر кўплиги **ҳуззор** 1) ўтроқ; 2) шаҳарли.

**ҳозирбош** حاضرباش тайёр туриш; тайёр туришга буйруқ.

**ҳозиқ** حاذق уста, моҳир, тажрибали.

**ҳойил I** حايل тўсиқ; ~ **қилмақ** тўсмоқ, парда тутмоқ.

**ҳойил II** هايل даҳшатли, қўрқинчли; **наърайи** ~ даҳшатли ҳайқириқ.

**ҳокий** حاكى ҳикоя қилувчи, қиссагўй.

**ҳоким** حاكم кўплиги **ҳукком** подшоҳ.

**ҳол** حال кўплиги **аҳвол** 1) ҳолат, равиш; 2) сўфиларнинг ибодатда ўзидан кетиши.

**ҳола** هاله ойнинг ёруғ гардиши.

**ҳолат** حالت кўплиги **ҳолот** равиш.

**ҳомий** حامى 1) тайёр; 2) тез, ҳозироқ.

**ҳоло** حالا ҳозир, шу пайтда.

**ҳолот** حالات **ҳолат** нинг кўплиги.

**ҳомил** حامل кўтарувчи, юк кўтарувчи; ~ **и роз** сир сақловчи; **руқъа** ~ **и** хат, ёзув ишларини олиб борувчи.

**ҳомун** هامون дашт, чўл, саҳро; ~ **этмак** янчмоқ, текисламоқ.

**ҳор** حار иссиқ, ҳароратли; ~ **у йобис** иссиғу қуруқ (мизож).

**ҳорис** حارس ер ҳайдовчи, деҳқон.

**ҳосид** حاسد ҳасадчи; ~ **бўлмақ** ҳасад қилмоқ.

**ҳосилан** حاصلا натижада, хуллас.

**ҳосиллиқ** حاصلليق натижали, фойдали.

**ҳосса** حاسه кўплиги **ҳавос** ҳис, сезги.

**ҳотиф** هاطف ички товуш, виждон овози; бақирувчи, овоз чиқарувчи.

**ҳофиз** حافظ кўплиги **ҳуффоз** 1) сақловчи; 2) Қуръонни ёд билувчи; 3) мақом айтувчи; ~ **и вусқо Қуръонни тўла** ёд олган; ~ **и мужаввад** Қуръонни тажвид қоидаларига мувофиқ ўқувчи.

**ҳошо** حاشا ҳеч, ҳеч қачон, инкор билдирувчи сўз; ~ **ли-л-лоҳ** Оллоҳ сақласин, худо сақласин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**ҳубал** هبل Маккада исломгача бўлган бутлардан бирининг номи.
**ҳубб** حب севиш, муҳаббат.
**ҳубоб** حباب заррача, қатра; **ашк ~ и** кўз ёши қатралари; **етти ~** осмон; **зақан ~ и** бақбақа айланаси.
**ҳубуб** حبوب кўплиги **ҳубубот** дон, уруғ.
**ҳубубот** حبوبات **ҳубуб** нинг кўплиги.
**ҳубут** هبوط тушиш, нозил бўлиш.
**ҳувайдо** هويدا аён, равшан, очиқ.
**ҳувиййат** هويت моҳият.
**ҳудий** حدى куй номи.
**ҳудо** هدى тўғри йўл.
**ҳудуд** حدود **ҳадд** нинг кўплиги.
**ҳудҳуд** هدهد попушак.
**ҳужаж** حجج **ҳужжат** нинг кўплиги.
**ҳужжат** حجت кўплиги **ҳужаж** далил.
**ҳужжож** حجاج **ҳожи** нинг кўплиги.
**ҳуззор** حضار ҳозир нинг кўплиги.
**ҳузн** حزن ғам, қайғу.
**ҳуй** هوى : **ҳай ила ~** ҳай-ҳай, оҳ-оҳ.
**ҳукамо** حكما **ҳаким** нинг кўплиги.
**ҳукком** حكام **ҳоким** нинг кўплиги.
**ҳукм** حكم кўплиги **аҳком** қарор, қонун.
**ҳулал** حلل **ҳулла** нинг кўплиги.
**ҳулйа** حليه тўғриси ҳилйа.
**ҳулла** حله кўплиги **ҳулал** кийим.
**ҳуллабоф** حله باف ипак тўқувчи.
**ҳуллавор** حله وار безакли; **~ этмак** безамоқ.
**ҳуллапўш** حله پوش безакли кийим киювчи.
**ҳулласон** حله سان безакли.
**ҳулм** حلم кўплиги **аҳлом** туш.
**ҳулул** حلول кириш, дохил бўлиш; **~ этмак, ~ қилмақ** кириб олмоқ, жойлашмоқ.



**ҳуммо** حما иситма.
**ҳумо** ва **ҳумой** همای бахт қуши.
**ҳумой** همای **ҳумо** га қ.
**ҳумоймисол** همای‌مثال бахт қушидек.
**ҳумойун** همايون қутлуғ, муборак; **~ қуш** бахт қуши.
**ҳумойунваш** همايون‌وش бахтли, бахтиёр.
**ҳумойунвуруд** همايون‌ورود бахт келтирувчи.
**ҳумойунфар** همايون‌فر энг олий шон-шавкат.
**ҳумойунфол** همايون‌فال қутлуғ, бахтли.
**ҳумрат** حمرت қизиллик.
**ҳумум** حموم 1) иссиқлик; 2) машаққат.
**ҳуна** هونه эркак кийик.
**ҳунар** هنر касб.
**ҳунарвар** هنرور ҳунарманд.
**ҳунарий** هنرى **ҳунар** га тегишли.
**ҳунаркор** هنركار ишбилармон, ҳунарманд.
**ҳунарпарвар** هنرپرور ҳунарни севувчи.
**ҳур** حور кўплиги **аҳрор** 1) гўзал қизлар, жаннат қизлари; 2) қуёш.
**ҳурнажод** حورنژاد ҳур наслидан.
**ҳуруф** حروف **ҳарф** нинг кўплиги.
**ҳурқат** حرقت ёниш, куйиш.
**ҳусайний** حسينى 1) султон Ҳусайннинг тахаллуси; 2) мусиқада мақом номи.
**ҳусом** حسام қилич.
**ҳусул** حصول ҳосил бўлиш; **~ бўлмақ** етишмоқ; **~ топмақ** қўлга киритмоқ.
**ҳут I** حوت ой номи (февраль март ойларига тўғри келади).
**ҳут II** حوت балиқ.
**ҳуфра** حفره чоҳ, ўра, чуқур.
**ҳуффоз** حفاظ **ҳофиз** нинг кўплиги.
**ҳушкирдор** هوشكردار эсли, ҳушли, ақлли.
**ҳушлуқ** هوشلوق ҳушёр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**ҳушманд** هوشمند ҳушёр, эсли, зийрак.

**ҳушмандона** هوشمندانه оқилона.

**ҳушрабой** هوشربای ҳушни олувчи.

**ҳуққа** حقه қутича; ~ **йи ақиқ** маҳбубанинг оғзи.

**ҳуққабоз** حقه باز найрангбоз.

**ҳуққалиқ** حقه لیق қутичали, қутичага жойланган; ~ **инжу** қутичага жойланган инжу.

**ҳудаж** هودج кажава.


КРАТКИЙ СЛОВАРЬ
К ПРОИЗВЕДЕНИЯМ НАВОИ

*На узбекском языке*

Ташкент, «Фан»

Муҳаррир **М. Содиқова**
Бадиий муҳаррир **Б. Хайбуллин**
Мусаввир **Е. Владимиров**
Техмуҳаррир **Х. Бобомухамедова**
Мусаҳҳиҳ **М. Саидова**

ИБ № 6163

Теришга берилди 3.06.92 Босишга рухсат этилди 6.02.93 Қоғоз бичими $84 \times 108^1/_{32}$. «Газетная» қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма т. 18,54. Ҳисоб-нашриёт т. 14,0 Нусха 30000. Буюртма 2509. Келишилган нархда.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: Тошкент, 700047, Гоголь кўчаси, 70.

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси ҳузуридаги Тошкент китоб-журнал ишлаб чиқариш фабрикасида босилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1.


www.ziyouz.com kutubxonasi